

SHARQSHUNOSIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES

4

2022

ILMIY JURNAL
ISSN 2181-8096



SHARQSHUNOSLIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI ILMIY JURNALI

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ORIENTAL STUDIES

№ 4, 2022



Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси
рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0053, 26.09.2014 й.) – ISSN 2181 – 8096

Бош муҳаррир – Рихсиева Гулчехра Шавкатовна
филология фанлари номзоди, доцент

Таҳрир хайъати

Д. Сайфуллаев	<i>тарих фанлар доктори, доцент (бош муҳаррир ўринбосари)</i>
Д. Мухиддинова	<i>филология фанлари доктори (масъул котиб)</i>
А. Маннонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Р. Ходжаева	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Ш. Шомусаров	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Қ. Омонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
У. Мухибова	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Х. Хамидов	<i>филология фанлари доктори, доцент</i>
Б. Абдухалимов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
А. Ходжаев	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
М. Исҳоқов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
А. Дониёров	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
Х. Файзиев	<i>тарих фанлари номзоди, доцент</i>
Р. Жумаев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
Н. Абдуллаев	<i>сиёсий фанлар доктори, доцент</i>
Ш. Ёвқочев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
А. Ваҳобов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Р. Абдуллаев	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
И. Мавланов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Д. Пўлатова	<i>фалсафа фанлари номзоди, профессор</i>
Р. Баҳодиров	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Э. Иззетова	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Г. Глизон	<i>АҚШнинг New Mexico университети профессори</i>
А. Шоназарова	<i>АҚШнинг Колумбия университети профессори</i>
Оно Масаки	<i>Япониянинг Цукуба университети профессори</i>
Ли Джи Ин	<i>Корея Республикасининг Ханжук чет тиллар университети профессори</i>
В. Месаамед	<i>Исроилнинг Қуддус университети профессори</i>
А. Гурер	<i>Туркиянинг Анқара университети профессори</i>
А. Воробьев	<i>Россия Фанлар академияси, Шарқшунослик институти катта илмий ходими</i>
Г. Авда	<i>Миср Араб Республикасининг Хелвон университети профессори</i>
А. Тохир	<i>Миср Араб Республикасининг “Ал-Ҳивар” сиёсий тадқиқотлар маркази директори</i>
Ли Синьвэй	<i>Хитой Халқ Республикасининг Шэньси университети профессори</i>
Х. Байдемир	<i>Туркиянинг Отатурк университети профессори</i>

Нашрга тайёрловчилар:

Ж. Исмоилов, А. Зиёдов, Л. Хамдамзода, Ҳ. Сулаймонова

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши
лозим бўлган илмий наشرлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

e-mail: nashriyot@tsuos.uz

web-site: www.tsuos.uz

**МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS****АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ //
LITERATURE STUDIES**

<i>Жумаева К.</i> Хоконийнинг Ширвоний ирфоний қасидаларининг ўзига хос хусусиятлари	4
<i>Умарова И.</i> Аюбнинг «Шарҳи маснавийи мавлавий» асари адабий манба сифатида	10

ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS

<i>Ҳамидов Х.</i> Абдулла Қаҳҳорнинг “Даҳшат” ҳикояси таржималарига доир	18
<i>Батирханова М.</i> Ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги соматик фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари	30
<i>Хидиралиев Ҳ.</i> Куръони карим матнида “ақала” ва “факкара” феги ўзаклари асосидаги сўзларнинг маъно товланишлари	40
<i>Аҳмедова Д.</i> Форс тили сўз туркумларининг газета матнларидаги функционал ва услубий хусусиятлари	49
<i>Хасанова Ш.</i> Фразеологизм структурасининг асосий хоссалари	72

**МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХШУНОСЛИК // ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ
И ИСТОРИОГРАФИЯ // SOURCE STUDIES AND HISTORIOGRAPHY**

<i>Низаметдинов Н.</i> Маҳатма Ганди: «Икки диний эътиқод – бир миллат»	81
<i>Саидов Ш.</i> Хива хонлигидаги вазият ва Россия билан муносабатлари тарихидан	90
<i>Тулметова Г.</i> Общественные принципы исследования материалов религиозного содержания	100
<i>Маҳмудов Ж.</i> Дастлабки фатий ва ахийлар ҳақида мулоҳазалар	109

**ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА СИЁСАТ // МЕЖДУНАРОДНЫЕ
ОТНОШЕНИЯ И ПОЛИТИКА // INTERNATIONAL RELATIONS AND
POLITICS**

<i>Эрназаров О.</i> Корея яриморотида мусулмон жамоаларнинг шаклланиши ва уларнинг ўлка маданиятига ассимиляцияси	119
<i>Адыгезалов А.</i> К вопросу участия Узбекистана и Азербайджана в движении неприсоединения	133
<i>Суюнова Б.</i> Япония-Марказий Осиё: ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик	147
<i>Алишерхўжаева М.</i> Маданий меросни сақлашда Ўзбекистон-ЮНЕСКО ҳамкорлигининг ривожланиш тенденциялари	158
<i>Файзуллаев С.</i> Замонавий халқаро муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришларнинг Эрон Исломи Республикаси ташқи сиёсати таъсири	172
<i>Касимов М.</i> Афғонистон омилининг АҚШ “афпок” ва “покаф” стратегияларида ақс этиши	185
<i>Нормаева М.</i> Сиёсий бошқарувда хотин-қизлар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминланишининг устувор йўналишлари ҳамда мавжуд муаммолар	196



АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ // LITERARY STUDY

ЖУМАЕВА КАМОЛА

Таянч докторант, ТДШУ

Хоқоний ширвоний ирфоний қасидаларининг ўзига хос хусусиятлари

Аннотация: Аждодларимиз яратган бадиий адабиёт намуналари ўз бағрида не-не сирларни яшириб келмоқда. Ирфоний шеърят ва унинг замирида илгари сурилган гоялар фикримизнинг исботи ҳисобланади. Ушбу мақолада ирфоний шеърятнинг ўзига хос хусусиятлари XII асрда яшаб ўтган форс муттоз адабиётининг ёрқин вакиллари-дан бири Хоқоний Ширвонийнинг ирфоний қасидалари мисолида очиб берилди. Хоқоний Ширвоний Ширвоншоҳлар сарой шоири бўлган, аммо бизга номаълум сабаблар билан сарой муҳитидан узилиб, тасавуфий-ирфоний йўналишида ижод этган озарбайжонлик форсийзабон шоир. Ушбу тадқиқотда шоирнинг ирфоний қасидаларидаги “Қуръони карим оятлари”, “Пайгамбарлар ва авлиёлар тарихи”, “Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в) тарихи”, “маишур шоирлар ва алломаларнинг асарларида илгари сурилган мазмун”, “дунёвий билимлардан хабардор бўлиш ва ислоний ибодатлар тавсилотини билиш”га ишора қиладиган байтлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинди.

Калим сўзлар: Қуръони карим, ҳадиси шариф, Хоқоний Ширвоний, Низомий, Саноний, ирфон, тасавуф.

Annotation: The examples of fiction created by our ancestors have been hiding some secrets in their bosom. Mystical poetry and the ideas put forward at its core prove our point. Unique examples of this mystical poetry were revealed in the mystical odes of Khaqani Shirvani, one of the sources of classical Persian literature who lived in the 12th century. Khaqani Shirvani was a Persian-speaking poet from Azerbaijan who was the court poet of the Shirvanshahs, but for reasons unknown to us, broke away from the court environment and created in a mystical-mystical direction. In this research, "Verses of the Holy Quran", "History of Prophets and Saints", "History of our Prophet Muhammad (pbuh)", "the content presented in the works of famous poets and scholars", "knowledge of the history of the Muslim region" in the mystical odes of the poet, the verses referring to "being aware of worldly knowledge and knowing the interpretation of Islamic prayers" and their characteristics were analyzed.

Keywords: The Koran, Hadith, Nizami Ganjavi, Khaqani Shirvani, irfan, tasavvuf.

Аннотация: Образцы художественной литературы, созданные нашими предками, таят в себе тайны. Мистическая поэзия и идеи, лежащие в ее основе, доказывают науку точку зрения. Уникальные образцы этой мистической поэзии раскрываются в мистических одах Хакани Ширвани, одного из источников классической персидской литературы, жившего в XII веке. Хагани Ширвани был персоязычным поэтом из Азербайджана, который был придворным поэтом Ширванишахов, но по неизвестным



нам причинам оторвался от придворной среды и творил в мистико-мистическом направлении. В данном исследовании «Стихи Священного Корана», «История пророков и святых», «История нашего Пророка Мухаммада (с.а.с.), «содержание, представленное в произведениях известных поэтов и ученых» в мистических одах поэта, проанализированы стихи, относящиеся к «осведомленным о мирских знаниях и знающим толкование исламских молитв» и их характеристика.

Ключевые слова: Коран, хадисы, Низами, Хакани Ширвани, ирфан, тасаввуф.

Кириш. Форс мумтоз адабиётида XII асрдан бошлаб, тасаввуфий-ирфоний мавзуларга кизиқиш кучайди. Агар XI аср иккинчи ярмида тасаввуфий йўналишда ижод қилган шоирлар алоҳида бир гуруҳни ташкил қилган бўлиб, сарой шеъриятига таъсири деярли сезилмаган бўлса, XII аср бошларида ўз ижодини бошлаган Санойи Ғазнавий кўп ўтмай саройни тарк этиб, ирфоний мавзуларда асарлар ярата бошлади. Ундан кейин Анварий, Хоқоний, Низоний Ғанжавий сингари улугъ истеъдод эгалари бу йўналиш ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар (3. 111-150). “Бу форс мумтоз адабиёти ривожига янги даврнинг, ирфоний-тасаввуфий шеъриятнинг юксалиш босқичининг бошланиши эди (3. 107)”. Ирфон – тасаввуфнинг моҳиятига алоқадор бўлиб, Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг ўзига хос талқини ҳисобланади (3. 130) Санойидан кейин замонасининг бошқа етакчи шоирлари ҳам аста-секин саройни ва мадҳиягўйликни тарк эта бошладилар. Шу йўналишда ижод этган Хоқоний Ширвонийнинг ирфоний қасидаларини ўрганиш жараёни шуни кўрсатдики, ирфоний мавзудаги асарларни тўғри англаб етиш учун давр тилини яхши билиш ва анъанавий адабиётшунослиқдан хабардор бўлиш етарли эмас экан.

Мақсад ва вазифа: Ирфоний шеъриятнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда адабиётшунос форс-араб тили ва грамматикасини ўзлаштирган бўлиши, кейин Куръони Карим оятларини ўзлаштириши, ҳадиси шариф илмидан хабардор бўлишдан ташқари, авлиёлар ва анбиёлар қиссаларини, тасаввуф уламоларининг назарий асарларини, шарийат қоидаларини, исломгача бўлган адабий ва тарихий асарларни, шоир яшаган замон ва макон тарихини тафсилотлари билан яхши билиши, ўша даврда кенг тарқалган турли ривоят ва ҳикоятлари, давр илмлари, фалсафаси ўша замон ва макон одамларининг урф одатлари ахлоқий қарашлари ва ижтимоий аҳволидан хабардор бўлиши керак. Акс ҳолда адабиётшунос ирфоний шеъриятни таржима ва талқин қилишда шоир айтмоқчи бўлган моҳиятни ўқувчига тўғри етказиб бериши қийинлашади. Юқорида таъкидланганларини инобатга олиб, Хоқоний Ширвоний ирфоний қасидаларининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда қуйидагиларни мақсад қилдик. 1. “Куръони карим оятлари”, 2. “Пайғамбарлар ва авлиёлар тарихи”, 3. “Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в) тарихи”, 4. “Машҳур шоирлар ва алломаларнинг асарларида илгари сурилган мазмун”, 5. “дунёвий билимлардан хабардор бўлиш” ва 6. “Исломиий ибодатлар тавсилотини билиш”га ишора қилинган байтларни шоир ирфоний қасидаларидан топиб, таржима қилиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш.



Усуллар: Тадқиқот жараёнида форс мумтоз адабиётида тарихий-функционал ёндашув ва қиёсий – типологик таҳлил қилиш усуллари белгиланди.

Натижалар ва мулоҳазалар: Ушбу тадқиқотда даставвал Ширвоншоҳлар сарой шоири бўлган, аммо бизга номаълум сабаблар билан сарой муҳитидан узилиб, тасавуфий-ирфоний йўналишда ижод этган озарбайжонлик форсийзабон шоир Хоқоний Ширвонийнинг ирфоний қасидаларидаги “Қуръони карим оятлари”, “Пайғамбарлар ва авлиёлар тарихи”, “Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) тарихи”, “машхур шоирлар ва алломаларнинг асарларида илгари сурилган мазмун”, “мусулмон минтақаси тарихини билиш”, “дунёвий билимлардан хабардор бўлиш ва исломий ибодатлар тавсилотини билиш”га ишора қиладиган байтлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинди. Хусусан:

1. Қуръони карим оятларидан хабардор бўлиш:

با تو قرب قاب قوسين آنکه افتد عشق را

کز صفات خود به بعدالمشرقین افتی جدا

Таржимаси:

Оллоҳга ошиқ бўлсанг, қиёматдан сўнг ўз сифатларингдан жудо бўлгач,

У билан икки қош орасидек яқинликка эришсан.

Юқоридаги биринчи мисрада “Ан-нажм” сураси 9-оятдан *قرب قاب قوسين* бирикмаси келтирилган. Сўзма-сўз таржима қилинганда таржимон даставвал шоирнинг нима демоқчи эканлигини тушуна олмайди, фақатгина Қуръон ояти ва пайғамбаримиз тарихларидан хабардор бўлингач, шоир назарда тутмоқчи бўлган моҳият ва мазмун тўлиқ англашилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) меърож кечаси Арши аълога қўтарилганларида, ривоятда келишича, ул зот Оллоҳ таолога икки қош орасидек яқинлашган эканлар. Иккинчи мисрада келаётган *المشرقین* сўзига эътибор қаратайлик. Ушбу сўзнинг маъносини англаб етиш учун адабиётшунос араб тили ва унинг грамматикасини билишидан ташқари, яна Қуръони карим оятларидан хабардор бўлиши талаб қилинади. Қуръон каримнинг бир неча оятларида (“Шуаро” сураси, 60-оят; “Ҳижр” сураси, 73-оят; “Зухроф” сураси, 38-оят; “Раҳмон” сураси 17-оят;) Оллоҳни “икки машриқ эгаси” деб қайд этилган. Аслида, “машриқ” сўзи “тонгда қуёш чиқадиган тараф”ни билдиради. Унинг зидди “мағриб” сўзи “кечки пайт қуёш ботадиган тараф” маъносини англатади. Мантиқан *المشرقین* - яъни “икки машриқ” бўлиши мумкин эмас, чунки қуёш бир тарафдан чиқади ва иккинчи тарафга ботади. Исломий ақидага кўра, фақат қиёматда, яъни бутун оламда ҳамма нарса алғов-далғов бўлган пайтда икки тарафдан қуёш чиқиб, бандалар соя жой топа олмай қоладилар. Оллоҳ таоло ана шу қиёмат кунининг эгасидир.

هرچه جز نور السموات از خدائی عزل کن

گر تو را مشکوه دل روشن شد از مصباح لا

Таржимаси:

Агар дилинг қаъри “ло” чирогидан ёришган бўлса,

Унда сен илоҳий нурдан бошқа барча нарсани ҳукмронликдан тушир.



Шоир айтмоқчики, Оллоҳ ишқидан ўзга ҳар қандай орзу-ҳавасни дилингдан чиқариб ташла. Бу байтдаги “осмонлар нури” иборасида Куръони каримнинг “Нур” сурасига ишора бор. “*ло*” *чирог*и – исломдаги энг асосий қоида “*ло илоҳа иллаллоҳ*” (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) калимасига ишора.

2. Пайғамбарлар ва авлиёлар тарихидан:

Маълумки, Куръони каримда 25 пайғамбарнинг номлари зикр этилган. Шулардан баъзилари Ҳоконий қасидаларида тилга олинади. Масалан:

بين كه كوكبه عمر خضروار گذشت

تو باز مانده چو موسى به تيه خوف و رجا

Таржимаси:

Кўргинки, умринг Хизр сингари ўтиб кетмоқда,

Сен Мусо каби хавфу-рижо саҳросида ҳайронликда қолиб кетмоқдасан.

Ушбу байтда Куръони каримнинг “Қаҳф” сураси 60-82 оятларида тилга олинган Мусо алайҳиссалом ва Оллоҳнинг солиҳ бир бандаси ҳақидаги қиссага ишора қилинмоқда. Бу қисса йигирма уч оятдан иборат бўлиб, Имом Бухорийнинг “Жомеъ ас-саҳиҳ” китобида келган ривоятларда, солиҳ банда Хизр алайҳиссалом эканлиги айtilган.

3. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) тарихлари:

با قطار خوك در بيت المقدس پا منه

با سپاه پيل بر درگاه بيت الله ميا

Таржимаси:

Чўчқалар қаторида Байтулмуқаддасга қадам қўйма,

Фил қўшини билан Байтуллоҳга кирма.

Ушбу байтда ислом тарихидаги машҳур воқеаларга ишоралар бор. Биринчи мисрада Ҳоконий салбчиларнинг Байтулмуқаддасни (ҳозирги Қуддус яъни Иерусалимни) эгаллашга бўлган уринишлари, иккинчи мисрада эса Абраҳанинг Маккага юришини эслатмоқда. Иккинчи мисрадаги воқеа пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) туғилишларидан олдин юз берган. Яман диёрида Абраҳа деган подшоҳ бўлган. У бутун дунёни ҳайратда қолдирадиган калисо қурдирган. У қурдирган калисо ҳаммани ҳайратлангирса-да араб диёридагилар бунга оддий ҳол сифатида қараганлар. Улар Иброҳим пайғамбар ва ўғли Исроил томонидан қурилган Байтуллоҳдан ҳеч нарсани устун қўйишмас эди. Ушбу зиёратгоҳни йўқ қилиш қасдида Абраҳа филлар ва жуда катта қўшин билан Макка шаҳрига яқинлашганида, Муҳаммад (с.а.в)нинг боболари Абдулмуталлиб унинг олдида келади ва Абраҳа лашкари зўрлик билан эгаллаб олган туяларини қайтариб беришни талаб қилади. Маълумки, Абдулмуталлиб Байтуллоҳнинг ходими эди. Шу сабабли Абраҳа унга “сен ўз туяларингни сўраясан, нега Байтуллоҳ тақдири ҳақида қайғурмаясан” деб савол берганида, Абдулмуталлиб “мен ўз туяларимнинг эгасиман, Байтуллоҳнинг эса ўз эгаси бор, уни ўзи ҳимоялай олади” деб жавоб беради. Дарҳақиқат, қўшин Байтуллоҳга яқинлашганида, осмонда Абобил қушлари пайдо бўлиб, майда тошчалар билан бутун қўшинни яксон қилишади. Бир зумда баҳайбат филлар бу тошчалар зарбидан ерга бежон қулайбошлашди. Тарихда уш-



бу воқеа содир бўлган йилни “Фил йили” деб номлашган ва шу йили пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) дунёга келган.

گرچه جان از روزن چشم از شما بی روزی است
از دریچه گوش می بیند شعااعات شما

Таржимаси:

Гарчи жон кўз тўйнуғидан сизни кўрмаётган бўлса ҳам

Қўлоқ даричасидан сўзларингизни ешитиш орқали сизни кўриш насиб этмоқда.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)га бағишлаб ёзилган ушбу сатрлардан маълум бўлмоқдаки, шоир пайғамбаримизни кўрмаган бўлса ҳам, у киши ҳақидаги маълумотларни, ҳадис ва оятларни эшитиб меҳр қўйган ва буни жуда чиройли тасвирий воситалар билан ифодалаб бермоқда.

4. Машҳур шоирлар ва алломаларнинг асарларида илгари сурилган мазмун:

که پوست پاره ای آمد هلاک دولت آن
که مغز بی گناهان را دهد به اذرها

Таржимаси:

Кимки бегуноҳлар миясини аждарҳога берса

Бир парча чарм унинг давлатини ҳалок қилгусидир.

Ушбу байтда Фирдавсий “Шохнома”сидаги Заҳҳок ҳикоясига ишора бор. Араб диёрида Заҳҳок отасидан тахтни тортиб олиб, ҳукмронликни қўлга киритади. Иблис ошпаз қиёфасида Заҳҳок ҳузурига келиб, ўзининг ширин таомлари билан сийлайди. Заҳҳок ошпазни мукофотламоқчи бўлиб, ундан “мукофотга нима хоҳлайсан” - деб сўрайди, шунда ошпаз менга мукофот керак эмас, “икки елкангиздан ўпсам бўлди” - деб жавоб беради. Ошпаз Заҳҳокнинг икки елкасидан ўпгач у ердан икки илон ўсиб чиқади. Илонлар Заҳҳокнинг бошига ҳамла қилишади. Заҳҳок илонларни тинчитиш учун ҳар куни икки йигитни сўйдириб, миясини қовуртириб, уларга беради. Юқоридаги байтда Хоқоний худди шу воқеани назарда тутган¹. Биринчи мисрадаги *ای پوست پاره* ибораси ушбу воқеага оид асосий қаҳрамонлардан бири - темирчи Кованинг чарм пешбандига ишора бўлиб, ушбу пешбанд² Заҳҳок зулмига қарши курашувчиларнинг байроғига айланган эди³. Хоқоний ўзининг ирфоний қасидаларида Фирдавсийнинг “Шохнома”сидаги афсонавий қаҳрамонлар ва улар билан содир бўлган вақеаларга жуда кўп ишоралар қилади. Устоз *Ш. Кадканий бу ҳақида* шундай

¹ М.Имомназаров. X-XV асрлар ФОРС МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИ (Даврлаштириш муаммолари. Адабиётнинг мустақил маънавий моҳиятининг шаклланиши). – Т., 2013. Б. 60-80.

² Бу чарм пешбанд то ислом ғалабасигача Эронийлар давлатининг байроғи сифатида сақланиб қолган. М.Имомназаров. X-XV асрлар ФОРС МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИ (Даврлаштириш муаммолари. Адабиётнинг мустақил маънавий моҳиятининг шаклланиши). – Т., 2013. Б. 90.

³ Ўша манба. . Б. 90.



дейди: “*Хоқоний шундай шоирки... тахминан Фирдавсийдан кейин ҳеч бир шоир унинг андозасида эроний афсоналарни шеърда келтирмайди*¹”.

5. Исломий ибодатлар тафсилотини билиш:

پربروز نوبت حج بود و مهد خواجه هنوز
از آن سوی عرفات است چشم بر فردا

Таржима:

*Ҳаж ибодати ўтган куни эди, хожанинг тахтиравони эса ҳануз
Арафотнинг нариги томонида ҳаж маросими эртага бўлади деб кутмоқда.*

Ҳаж маросими бир йилда бир мартаба келади ва зулҳижжа ойининг дастлабки 10 кунда ўтади. Шоир сатрлари ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш кераклиги ҳақидадир.

6. Дунёвий билимлардан хабардор бўлиш:

مرا طبيب دل اندرگونه ای کرده است
کز این سواد بترس از حوادث سودا
به تلخ و ترش رضا ده خوان گیتی بر
که نیشتر خوری ار بیشتر خوری حلوا
اسیر طبع مخالف مدار جان و خرد
زبون چارزبانی مکن دو حور لقا

Таржимаси:

*Менга кўнгил табиби насихат қилмоқда,
Бу (моддий) ҳаётда савдо муаммоларидан эҳтиёт бўл!
Бу дунё дастурхонидаги аччиқ ва нордон нарсаларга ризолик бер.
Ҳалвони кўп есанг у ҳам заҳарга айланади.
Жон ва ақлни рақиб хоҳишига асир қилма!
Бу икки ҳурни тўрт тиллига бўйсундириб қўймагин!*

Ушбу байтларда Шарқ табобатида оид тушунчалар ишлатилмоқда. Шарқда ҳар бир инсон табиатида тўрт хилт мавжудлиги таъкидланади. Хоқоний инсон табиатидаги моддий жиҳатлар билан маънавий-руҳий жиҳатларни қиёслаб, иккинчиларини биринчиларига бўйсунтириб қўйишдан сақланишни маслаҳат бермоқда. Инсон вужудидаги тўрт хилт аро мувозанат бузилса, беморлик юз беради. “Савдо муаммолари” деганда ушбу хилтлардан бири кучайганда соғлиққа оид юзага келадиган муаммолар назарда тутилмоқда. “Тўрт тилли” ибораси инсоннинг моддий вужудидаги тўрт хилт билан боғлиқ физиологик жараёнлар кўзда тутилиб, ақл ва руҳни уларга боғлаб қўймаслик, яъни моддий муаммолар туфайли маънавий-руҳий ҳолатда ўзгаришларга йўл қўймаслик кераклиги уқтирилмоқда.

Эронда ҳам юқоридаги мавзуларда ёки унга яқин мавзуларда илмий ишлар қилинганмикан деб қизиқиб кўрдик. Изланишларимиз натижасида икки илмий мақола топилди: бири А.М.Ҳезовеҳ ва М.Р.Бейрағилар томонидан ёзилган “² باز

1. رضا صادقی شهپر. «کار کرد مدحی اساطیر در شعر خاقانی». فصلنامه ادبیات عرفانی و اسطوره‌شناسی. ص-۲۲۵

2. «امیر مومنی هزاوه. محمد رحیم بیرفی. «باز تاب قصص قرآنی در تشبیه های دیوان خاقانی»

(<https://www.sid.ir/fa/journal/>)



«تاب قصص قرآنی در تشبیه های دیوان خاقانی»; иккинчи эса доктор Р.С.Шахпар томонидан ёзилган: «کار کرد مدحی اساطیر در شعر خاقانی»¹

Юкоридаги Икки илмий тадқиқотни ўқиб, ирфоний бўлмаган қасида ва шеърларда ҳам ирфоний байтлар келиши мумкин экан деган хулосага келдик.

Хулоса: Хулоса қилиб айтганда мазкур тадқиқотда ўзига хос тил ва услубга эга Озарбайжонлик форсийзабон шоир Хоқоний Ширвонийнинг ирфоний қасидаларида Қуръони карим оятлари, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в), пайғамбарлар ва авлиёлар, ислом тарихига доир муҳим воқеалар, машхур олимлар ва шоирлар асарларида илгари сурилган мазмун, қолаверса диний ва дунёвий илмларга ишоралар қилинган байтлар таҳлилга тортилди.

Хоқоний Ширвонийнинг бизгача етиб келган ирфоний қасидалари жуда қимматли адабий меърос. Шоирнинг ирфоний қасидалари Ўзбекистонда деярли ўрганилмаган мавзулардан бири, мазкур мақола келажакда «Ирфоний» шеърийят бадиашунослиги»ни яратишда таянч манба бўлиши, китобхонлар сафининг ортишига сабаб, шунингдек чет эллик шарқшунос олим ва изланувчилар учун қизиқарли мавзулардан бири бўлиши мумкин.

УМАРОВА ИРОДА

тадқиқотчи, ТДШУ

Айюбнинг «Шарҳи Маснавийи Мавлавий» асари адабий манба сифатида

Аннотация. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлғамалар фондида 2225/1 ашё рақамли шориҳ Айюбнинг форс тилидаги «Шарҳи Маснавийи Мавлавий» деб номланган қўлғам асари сақланади. Қўлғам тўла етиб келган ва «Маснавий»нинг олтида дафтарини қамраб олган, умумий ҳажми 443 варақ. Асар насхга яқин настаълиқ хатида ёзилган. Шарҳ ёзилиши услуби жиҳатдан турлича бўлиб, шориҳ ўқувчига маълумотни етказишда турли бадий жанрлардан фойдаланган ва бу асарнинг образлилигини, ифода тилини, бадий қийматини янада ошишига ва бойишига хизмат қилган. Айюб кўп манбалардан маълумотлар йиққан, «Маснавий»нинг нусхаларини ўзаро солиштирган, Қуръон ва ҳадислардан, Пайғамбарлар тарихидан келтирган шарҳларини далиллаш ва исботлаш мақсадида мисоллар тўплаган ҳамда бу улкан маълумотлар манбаини ўз шарҳида моҳирлик билан бадийлаштириб сингдирган. Мақолада «Шарҳи Маснавийи Мавлавий» асарида шориҳ қўллаган бадий услублар ҳақида сўз боради. Бу услублар назмий ва насрий йўналишида таҳлил қилинади. Шунингдек, яна мақолада шарҳдаги «Маснавий» матнидан олинган назмий сатрлар, шориҳнинг ўз қаламига мансуб битилган шеърий парчалар ва байтлар, бошқа шориҳларнинг асарларидан олинган

رضا صادقی شهپر. «کار کرد مدحی اساطیر در شعر خاقانی». فصلنامه ادبیات عرفانی و اسطوره‌شناسی¹

<https://www.sid.ir/fa/journal/>



назмий ва насрий парчалар, Қуръон оятлари ёки бирор оятнинг бир бўлаги, Ҳадислар ёки уларнинг бир парчасига бирор ҳикоя, ривоятни бадиий тарзда берилиши, Пайгамбарлар тарихидан олинган ривоятларни шориҳ томонидан ҳикоя жанрида келтирилиши каби жиҳатлари ўрганилган ҳамда мисоллар келтирилган

Таянч сўз ва иборалар: асар, шарҳ, шориҳ, қўлёзма, манба, “Маснавийи маънавий”, Жалолиддин Румий, “Шарҳи Маснавийи Мавлавий”, Мавлоно, Айюб, байт, пайгамбарлар, Қуръони карим, ҳадис, руҳият, руҳ, назм, назмий, наср, насрий, ташибеҳ, тасаввуф, бадиий жанр, ўҳишати санъати.

Аннотация. В рукописном фонде Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан, под инвентарным номером 2225/1, хранится рукопись – произведение поэта Айюба под названием «Шархи Маснавийи Мавлави» на персидском языке. Рукопись сохранена полностью и состоит из шести тетрадей «Маснави», общим объемом в 443 страницы. Произведение написано видом письма “насталик”, очень схожим с почерком “наسخ”. Комментарий различен по стилю написания, комментатор использовал разные художественные жанры для донесения информации до читателя, что послужило дальнейшему увеличению и обогащению образности, выразительности языка, художественной ценности произведения. Айюб собрал информацию из многих источников, сравнивал копии «Маснави», приводил примеры из Корана, хадисов и истории Пророков, чтобы доказать свои толкования, и умело включил этот огромный источник информации в свой комментарий. В настоящей статье представлены сведения о художественных приемах, использованных комментатором в произведении «Шархи Маснавийи Мавлави». Выполнены анализы стиля писателя в поэтическом и прозаическом направлениях. Также представлены результаты исследования автором статьи текстов «Маснави» в комментарии, поэтических отрывков и аятов, написанных самим Аюбом, аятов и прозаических отрывков, взятых из произведений других комментаторов, аятов Корана, приведенных на арабском языке, или фрагментов аята, хадисов или рассказов к их фрагментам, которые, по мнению автора, в комментарии изложены в высокой художественной форме повествования, а также в работе приведены примеры по данным истолкованиям

Ключевые слова: произведение, комментарий, комментатор, рукопись, источник, описание рукописи, сочинения по мистике, словарь, путь духовного совершенства, любовь к Всевышнему, байт, пророки, Коран, хадис, духовность, дух, реальность, внешняя форма, копия, святыни, история.

Abstract. In the manuscript holding of the Institute of Oriental Studies named after Abu Raykhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, inventory number 2225/1, there is a manuscript work of the poet Ayyub called “Sharkhi Masnaviyi Mavlavi” in Persian language. The manuscript has been completely preserved and covers six Masnavi notebooks with a total volume of 443 pages. The work was written in the “nastaliq” style close to the copy. The commentary is different in writing style, the commentator used different artistic genres to convey information to the reader, which served to further increase and enrich the figurativeness, expressiveness of the language, and the artistic value of the work. Ayyub compiled information from many sources, compared copies of the Masnavi, collected examples from the Qur'an, hadith and the history of the Prophets to prove his interpretations, and skillfully incorporated this vast source of information into his commentary. The article refers to the artistic techniques used by the commentator in the work “Sarhi Masnaviyi Mavlavi”. These styles are



analyzed in the poetic and prosaic direction. Also in the article, there are verses taken from the text “Masnavi” in the commentary, poetic passages and verses written by the author himself, verses and prose passages taken from the works of other commentators, verses of the Qur'an given in Arabic, and a fragment of an ayat, hadith or a story to their fragment, aspects such as the presentation of the narration in artistic form, the interpretation of narrations from the history of the Prophets by a commentator in the narrative genre, and examples are given.

Keywords and expressions: composition, comment, commentator, manuscript, source, manuscript overview, works of mysticism, dictionary, beloved, solik, love of God, bytes, the prophets, Quran, Hadith, spirituality, spirit, reality, external form, copy, shrines, story.

Кириш. Инсониятнинг маънавий меросида мутасаввиф шоир Мавлоно Жалолиддин Румийнинг асарларини ўрганиш натижасида шаклланган мактаб фаолиятининг ўзига хос салмоқли ўрни ва моҳияти мавжуд бўлиб, тадқиқотлар шоир даврдан то бугунга қадар давом этиб келмоқда. Шу жумладан, “Маснавийи маънавий” асаридан нусхалар кўчирилиб, турли тилларда шарҳлар ёзилган, улар илм ва адабиёт аҳлига “Маснавий”ни теранроқ англашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳам Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий” асарининг нусхалари ва ушбу асарга бағишлаб ёзилган анчагина шарҳлар сақланади. Улардан бири 2225/1 ашё рақамли шорих Айюбнинг форс тилидаги шарҳи бўлиб, “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” деб номланган (қўлёзма тўла сақланган ва “Маснавий” нинг олтида дафтарини қамраб олган, умумий ҳажми 443 varaқ). “Маснавий” матни саҳифанинг ўртасида, унга ёзилган шарҳ эса, ҳошияда жойлаштирилган. Қўлёзма насхга яқин настаълиқ хатида ёзилган.

“Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асари ўзига хос услубда ёзилган бўлиб, шорих ундаги маъноларни ёритишда жуда кўп манбалардан маълумотлар йиққан, “Маснавий”нинг бир нечта нусхаларини солиштирган, баъзан ўз ижодидан ҳам намуналар келтирган.

Шарҳнинг аввалида шорих асарни ёзишдан мақсадини баён қиларкан, ўзининг бу ишда ўта ожизлигини бадий жихатдан бой сифатлар билан таърифлайди: “Хокисор, фақир, арзимас, йўқсил, гуноҳлар водийсида маҳкум, айблар денгизига ғарқ бўлган Айюб айтадики, анчадан буён ушбу олийхитоб китобдаги байтларнинг шарҳини ёзиш ва тушунилиши мураккаб бўлган бобларни изоҳлаш доимо ожиз хаёлидан жой олган эди. Аммо идрокнинг етарли эмаслиги ва ақлнинг ожизлигидан журъат қилмасди. То завқу шавқ устунлик қилиб, ҳаддидан ошди ва шу бечоранинг қўлидан инон-ихтиёрини ўғирлади”, деб келтиради¹. Юқоридаги таърифдан муаллифининг исми Айюб эканлиги ҳам маълум бўлади. Шу йўсинда Айюб ўз мақсадига етгани ва асарни тугалланиши

¹ Ayyub. Sharhi Masnaviyi Mavlaviy. O‘zRFA Sharqshunoslik instituti, qo‘lyozma 2225/1 , 7b varaқ.



санасини абжад ҳисобида қўйганини қуйидагича баён этади: “Ул малаксифат зот бундай иккиланиш ва шубҳалар водийсида йўлбошловчи бўлди; масъулиятли вазифа бажарилди ва орзу амалга ошди. Тугалланиш санаси каминанинг ожиз хаёлига ва ногирон ақлига дарҳол етиб келди:

یافت شرح مثنوی مولوی
خلعت اتمام از لطف خدا
گفت تاریخش بکوش ای دل خرد
طرفه شرح معنوی جانفزا¹

Таржимаси:

“Маснавийи Мавлавий шарҳи

Аллоҳ лутфи билан якун топди.

Тарихини ҳаракат қилиб топ, эй доно”².

Ушбу тўртликнинг охири қаторида берилган جانفزا (“Тўрфэ шарҳэ маънавийи жонфэзо”) сўзларда шориҳ Шарқ манбаларида қўлланадиган абжад ҳисоби услубида ўз асарининг ёзилган йилини келтирган ва ҳисоблаганда, рақамларда 1120 сон келиб чиқади. Яъни асар ҳижрий-қамарий ҳисобда 1120 (милодий 1708-1709) йили ёзилгани маълум бўлади. Айтиш жоизки, бу кўлёзма муаллиф дастхати эмас, аниқроғи, ёзилган вақтидан юз йил кейин кўчирилган. Бу ҳақда Айюбнинг ушбу шарҳи хаттот Ибод Муҳаммад Сиддик (عباد محمد صديق) томонидан 1221/1806 йили тариқат пири Мирзо Муҳаммад Рабиҳон кўрсатмаси асосида кўчирилгани китоб охири (колофон)да қайд этилган³. Тугатилиш санасининг шарҳнинг муқаддимасида берилиши асар ёзиб бўлингандан кейин шориҳ томонидан қайта таҳрир қилинганлигини ва унга керакли тузатишлар киритилганлигини англатади. Шундан келиб чиқиб, Айюб шарҳи узоқ йиллар давомида олиб борилган тадқиқот эканлигидан, шориҳ “Маснавий”ни қайта-қайта ўқиганидан далолат беради. Юқорида келтирилган Айюб қаламига мансуб бир нечта тўртликлар мисолида айтиш мумкинки, Айюб ўз навбатида форс тилида ҳам насрда ҳам назмда ижод қилиш қобилиятига эга бўлган.

Шарҳ насрда ёзилган бўлса ҳам, унда кўпгина назмий сатрлар жой олган. Чунончи, мақсад баёнидан сўнг шориҳ Румийнинг “Маснавийи маънавий”сидан байтлар келтиради:

ای ضیاء الحق حسام الدین بیا
ای صقال روح و سلطان هدا
مثنویرا مسروح و مشروح ده
صورت امسال اورا روح ده⁴

Таржимаси:

“Эй, Ҳақнинг зиёси Ҳисомиддин, кел

¹ Qo'lyozma 2225/1, 7b varaq.

² Maqola muallifi tarjiması.

³ Qo'lyozma 2225/1, 443a varaq.

⁴ Qo'lyozma 2225/1, 7b varaq.



Эй, рухнинг сайқали ва хотиржамлик султони
 Маснавийни аниқ ва батафсил қил
 Ундаги мисолларга рух бағишла”¹.

“Бу муқаддас сўзли фолнинг дил парисидан (руҳиятидан) шориҳ хаста дилининг завқи ошиши икки баробар бўлди. Тўқис (бой) руҳ (қалб) ва ночор, йўқсил ҳолатда бўлишига қарамай, (аниқ кўзланган) жаҳди бор эди ва ушбу хатарли (мушкул) асарни таҳрир қилишга бел боғлади”². Айюбнинг ёзишича, юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун гўёки у “Маснавий”нинг ўзидан фол очади ва унда юқоридаги байтлар битилган саҳифа очилади. Байтларнинг мазмунида Ҳисомиддин Чалабийга атаб ёзилган мисралар келади ва бу Айюбга мазкур шарҳни ёзиш учун куч-ғайрат бағишлаган.

Шарҳда эслатилган фол очиш услуби Ўрта Шарқ халқлари удумларига хос (Қуръондан фол очиш, турли китоблардан фол очиш). Жумладан, Айюб мисолида бу ерда “Маснавий”дан фол очиш услубини кўрамаиз. Бу ҳолат шарҳ ёзиш учун бир туртки бўлган бўлса-да, шарҳ ёзишдаги асосий сабаб – Айюбнинг Румий асарига қайта-қайта мурожаат қилганидан, дейиш ҳам мумкин. Келтириб ўтилган мисоллар, шарҳ ичида келтирилган назмий сатрлар, изоҳларда маъно кучайтириш учун бир қанча сифатларнинг қўлланилиши, бадийий ўхшатишлардан моҳирлик билан фойдаланилиши Айюбнинг нафақат оддий шориҳ, балки моҳир ёзувчи бўлганини ҳам кўрсатади.

Айюбнинг шоирлик маҳорати ҳам бўлган. У шарҳнинг илк саҳифаларида ўзининг қаламига мансуб байтлардан намуналар келтирган. Шориҳ *аммо баъд*дан сўнг, мақсад баёни ва шарҳ ёзишда қўйилган вазифаларни келтиради ва Румий руҳониятига илтижо қилади: “(Камина) китобни ёзишда бобларнинг мазмунини қамраб олиш учун Ҳақиқат тимсоли бўлмиш Ҳазрат Мавлоно руҳониятига илтижо қилиб, мадад сўради”, - деб, қуйидаги байтни келтиради:

نمله جات برجل من جراد
 تو سليمانى كن اى عالى نژاد³

Таржимаси:

“Чумоли келтиргандай чигиртка оёғини
 Сен ҳам Сулаймондек бўл, эй олийнасаб”⁴.

Айюб “Маснавий”даги байтни насрда шарҳлаб, уни бадийий жиҳатдан янада бойитиш мақсадида, ўзининг ижодидан ҳам мисол келтиради:

آتش است اين بانگ نى و نيست باد
 هر كه اين آتش ندارد نيست باد⁵

Таржима:

“Ўт эрур найнинг навоси, ел эмас,

¹ Maqola muallifi tarjiması.

² Qo'lyozma 2225/1, 7b varaq.

³ Qo'lyozma 2225/1, 7b varaq.

⁴ Maqola muallifi tarjiması.

⁵ Qo'lyozma 2225/1, 8b varaq.



Кимда ўт йўқдир, йўқолсин, эл эмас”¹.

Айюб ушбу байтни насрда шарҳлаб туриб, якунида ўзи ҳам шу мазмунга мос назмий услубда байт келтиради:

سر بی اشقرا باید بریدن
بدوش این بار را نتوان کشیدن²

Таржимаси:

“Ишқсиз бошни кесиш керак,
Елкада бу юкни орқалаб юриб бўлмади”³.

Шорих Айюб “Маснавий”ни шарҳлашда шарҳнинг бадий жихатини жонлантириш ва бойитиш учун бошқа манбалардан насрий, назмий кўринишда кўплаб мисоллар келтиради. Масалан, биринчи дафтар аввалида берилган илк икки байтга Абдурахмон Жомийнинг “Найнома” асаридан парча бериб, унга изоҳ ёзади:

بشنو از نی چون حکایت میکند
از جدانیها شکایت میکند
کز نیستان تا مرا ببریده اند
از نفیرم مرد و زن نالیده اند⁴

Таржимаси:

“Тингла найдин, чун ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардин шикоят айлагай.
Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Нолишимдан эл ҳама оҳ урдилар”⁵.

Ушбу байтларни шарҳлаш учун шорих “Найнома”дан 92 байт келтиради ва унга батафсил насрда изоҳ ёзади. Бу каби катта ҳажмда назмий парча келтириш “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарининг бошқа дафтарларида кузатилмайди. Айюб парчанинг бир қисмини шарҳлаганда истиора (метафора, ўхшатиш) санъатига тўхталади ва кейинги шарҳларда ҳам “Маснавий”да бирор бадий жанр қўлланган бўлса, “бу ташбех”, “бу ерда истиора” деб бирор сўз ёки бирикма изоҳланган ҳамда бу каби шарҳлар анчагина. Бундай шарҳлашдан Айюбнинг бадий тур ва жанрлар ҳақида батафсил билимга эга бўлганлиги кўринади. Масалан: шорих Айюб “қуёш”, “ишқ”, “ошиқ” тушунчаларининг тасаввуфий таҳлилини келтирганида, Мавлоно ўзининг энг яқин инсони Шамс Табризийни қуёшга ўхшатганини таъкидлайди:

خود عزیی در جهان چون شمس نیست⁶

Таржимаси:

“Шамсдек ушбу жаҳонда шамс йўқ”¹.

¹ Jaloliddin Rumi. Masnaviyi ma'naviy. Birinchi kitob. Jamol Kamol tarjimasi. 25 bet.

² Qo'lyozma 2225/1, 8b varaq.

³ Maqola muallifi tarjimasi.

⁴ Qo'lyozma 2225/1, 8b varaq.

⁵ Jaloliddin Rumi. Masnaviyi ma'naviy. Birinchi kitob. Jamol Kamol tarjimasi. 25 bet.

⁶ Qo'lyozma 2225/1, 12a varaq.



Шориҳ бу байт шарҳида “Шамсиддин Табризий” деб, унинг исмини тўлиқ келтиради ва юқоридаги мисра икки хил маънони англатади: 1) Қуёш маъносида, чунки Қуёш - Қуёш системасида ягона ва азиз саналади; 2) Шамс Табризий ерда инсонлар орасидаги қадри бамисоли қуёшдекдир, деб нодир ўхшатиш берилган. Жалолиддин Румий унинг мактови хусусида шундай ёзади:

چون حديث روى شمس الدين رسيد
چرخ چارم آسمان سر در کشيد²

Таржимаси:

“То етишди бизга Шамсиддин юзи,
Кўқда пинҳон бўлди Шамснинг орази”³.

Мазкур байтда ўрта асрларда Шарқ астрономиясида мавжуд Қадимги Юнон астрономиясидаги геоцентрик системага асосланган астрономик тушунча берилган. Унга кўра, Қуёш системасидаги осмон жисмлари (сайёралар, Ой ҳам сайёра деб қабул қилинган) таркибида Ер сайёраси марказда жойлашган ва қолган сайёралар унинг атрофида сфера ҳосил қилиб айланади. Унда Қуёшнинг ўрни тўртинчи сферада бўлган, яъни тўртинчи осмонда. Байтнинг мазмунида Шамсиддин Табризийнинг мактови тўртинчи осмонга етиб борганида ҳақиқий Қуёш ҳижолат чекиб, бўйнини елкасига қисган. Айюбнинг ёзишича, баъзи шориҳларнинг маълумотларига кўра, бирор даврада Шамс Табризий ҳақида гап кетганда одамлар ҳақиқий Қуёш (شمس) ҳақида гапирмай кўярдилар, Айюб шарҳида таъкидланишича, “Маснавий”да Шамс Табризийнинг мактови Қуёшдан ҳам юқорига олиб чиқилган.

“Маснавий” тасаввуфий асар бўлгани учун унда тасаввуфдаги тушунчаларни турли тимсоллар орқали баён қилиш ҳолатларини жуда кўп учратиш мумкин. Айюб бундай вазиятларни шарҳлашда асосан ўхшатиш санъати орқали изоҳлашга урғу берган ва бу каби шарҳлар шарҳнинг катта қисмини ташкил қилади.

Шунингдек, шарҳда Пайғамбарлар тарихидан ҳикоялар келтирилади ва уни шориҳнинг ўзи бадийлаштириб ёзади:

جسم خاک از عشق بر افلاک شد
کوه در رقص آمد و چالاک شد⁴

Таржимаси:

“Ишқ ила [тупроқдан бўлган] тан сойири афлок эмиш,
Рақс этиб тоғлар, кўринг, чолок эмиш”⁵.

Шориҳ Айюб мазкур мисраларни шарҳлаганда пайғамбарлар тарихидан иккита воқеага ишора қилади. Улардан биринчиси, Муҳаммад пайғамбарнинг меърожга кўтарилгани воқеаси, яъни пайғамбарнинг қанчалик улуг зот

¹ Jaloliddin Rumi. Masnaviyi ma'naviy. Birinchi kitob. Jamol Kamol tarjimasini. 34 bet.

² Qo'lyozma 2225/1, 12a varaq. Ayyub bergan matnda چرخ deb yozilgan, ammo “Masnaviy” matnida شمس deb yozilgan.

³ Jaloliddin Rumi. Masnaviyi ma'naviy. Birinchi kitob. Jamol Kamol tarjimasini. 35 bet.

⁴ Qo'lyozma 2225/1, 9b varaq.

⁵ Jaloliddin Rumi. Masnaviyi ma'naviy. Birinchi kitob. Jamol Kamol tarjimasini. 26 bet.



бўлишидан қатъи назар, у Одам ота фарзанди эканлиги ва жисми тупроқдан ясалганлигига ишорадир. Румий Аллоҳ ишқи ўрин олгандан сўнг тупроқ суръатда Арши Аълодан ҳам юқорига кўтарилганини ёзган. Иккинчи мисолда эса, Мусо пайғамбарнинг Тур тоғида худо билан сўзлашгани, худонинг назари тоққа тушганда, тоғ (бағрига ишқ жойлашиб) парчаланиб кетгани эслатилган.

Шарҳда Румийнинг ҳаёти ҳақида ва унинг авлиёлик хусусиятига таъриф берувчи ҳикоялар кўплаб келтирилган бўлиб, шориҳ уларнинг аксариятини “Маноқибу-л-орифин” асаридан олади ҳамда худди юқоридагидай ўзи бадийлаштириб ёзади:

آنکه جان بخشد گر بکشد رواست¹

Таржимаси:

“Кимки жон бермиш – гар ўлдирса, раво”².

Шориҳ “Маноқиб ул-орифин”дан шарҳ беради. Унга кўра, Мавлоно Шамсиддин Валад Мударрис шундай ривоят қилади: “Мавлоно Жалолиддин Румийнинг хизматларида Ҳамза исмли бир най чалувчи бўлган экан. У найни ўта маҳорат билан чаларкан ва Мавлоно Румийнинг унга меҳри чексиз экан. Кунларнинг бирида у касал бўлиб қолади ва ўлади. Унинг вафот қилгани ҳақида Румийга хабар бериб, дафн маросимига тайёргарлик кўра бошлайдилар. Жалолиддин Румий унинг уйига боради ва эшикдан кириши биланок: “Эй, азиз дўстим Ҳамза, ўрнингдан тур!” деб хитоб қилади. Ҳамза “Лаббай!” деб ўрнидан туради ва най чала бошлайди. Улар уч кеча-кундуз найнинг оҳангида хилма-хил самоъ (ракс)га тушадилар. Бу ҳолатни кўриб юзга яқин румлик кофирлар мусулмон бўладилар. Ҳазрат Мавлоно чиқиб кетиши билан Ҳамза оламдан ўтади³.

Шарҳ давомида Қуръон ва ҳадислардан кўп мисоллар берилган. Бу мисолларни шориҳ тўлиқ ёки қисман араб тилида келтиради ва унга форс тилида изоҳ ёзади. Баъзан бу изоҳларни Пайғамбарлар тарихидан, баъзан Қуръон ва ҳадисларнинг ўзидан бадий шаклда келтиради.

“Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асари бадий жиҳатдан кўркам бир асар ҳисобланиб, шориҳнинг бадий ижодий маҳоратининг яққол намунасидир. Айюбнинг қаламига мансуб наср ва назмдаги изоҳлар асарнинг бадий жиҳатдан мукамаллигини таъминлаган. Бундай услубларда ёзилган шарҳ ўқувчи томонидан катта эътибор билан ўқилади ва турли бадий услублар, тимсоллар орқали унинг зехнида муҳрланиб қолади.

¹ Qo'lyozma 2225/1, 14a varaq.

² Jaloliddin Rumi. Masnaviyi ma'naviy. Birinchi kitob. Jamol Kamol tarjimas. 43 bet.

³ Qo'lyozma 2225/1, 14a varaq.



ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS

ҲАМИДОВ ХАЙРУЛЛА

Филология фанлари доктори, доцент. ТДШУ.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИНГ “ДАҲШАТ” ҲИКОЯСИ**ТАРЖИМАЛАРИГА ДОИР**

Аннотация: Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг сара намуналари хорижий тилларга таржима қилиниб, хорижий китобхонлар эътиборига ҳавола қилинаётгани, хусусан атоқли адиб ва шоирларимиз қаламига мансуб асарларнинг таржима қилиниб мамлакатимизда ва унинг хорижида наир этилаётгани қувонарли ҳолат. Бундай бебаҳо маънавий хазинанинг хорижий тилларда наир этилиши миллатларни бир-бирига янада яқинлайтиради. Халқларимиз тарихи, ўтмиши ва буюк келажagini маънавий ришталар сифатида боғлаб турадиган туркий дунё халқлари – улуғ аждодлар қолдирган буюк мерос ворислари, келажак давомчилари ҳисобланади. Турк халқи билан тилимиз, маданиятимиз, ҳатто буюк меросимиз ҳам яқин. Бу борада бадий таржима маънавий ва маърифий фаолиятларимизнинг юксалишида янги қадам сифатида барчамизга руҳий тетиклик баҳи этади. Зеро, бадий таржима нафақат халқларимизнинг улуғ ижодкорлари қолдирган бой маънавий меросни кенг тарғиб этади, балки уларни асраб-авайлаш, чуқур ўрганишига ҳам ундайди, адабий алоқаларни янада мустаҳкамлайди. Ушбу мақолада она тилимиздан турк ва рус тилларига таржималарда учрайдиган муаммоли ҳолатларга муносабат билдирилади ва пайдо бўлган тугунларга ечимлар изланади.

Таянч сўзлар: туркий халқлар, бадий асар, бадий таржима, жаҳон адабиёти, яқин тиллар, сохта эквивалент, фразеологизм, мақол, идиома.

Аннотация: Отраднo, что лучшие образцы узбекской классической и современной литературы переводятся на иностранные языки и доводятся до сведения иностранных читателей. Произведения наших известных писателей и поэтов переводятся и издаются в нашей стране и за рубежом. Издание такого бесценного духовного богатства на иностранных языках сблизит народы. Народы тюркского мира, связывающие духовными узами историю, прошлое и великое будущее наших народов, являются наследниками великого наследия, оставленного их великими предками, продолжателями будущего. Наш язык, культура и даже наше великое наследие близки турецкому народу. В этом отношении художественный перевод дает всем нам духовное освежение поднимает уровень нашей духовно-просветительской деятельности. Художественный перевод не только широко пропагандирует богатое духовное наследие, оставленное великими художниками нашего народа, но и побуждает к его сохранению и глубокому изучению, еще больше укрепляет литературные связи. В данной статье рассмотрены ситуации, возникающие при переводе с родного языка на турецкий и русский языки, найдены пути разрешения переводческих проблем.



Ключевые слова: тюркские народы, художественное произведение, художественный перевод, мировая литература, родственные языки, ложный эквивалент, фразеология, пословица, идиома.

Annotation: *It is gratifying that the best examples of Uzbek classical and modern literature are translated into foreign languages and brought to the attention of foreign readers, especially the works of our famous writers and poets are translated and published in our country. and abroad. The publication of such an invaluable spiritual treasure in foreign languages will bring the nations together. The peoples of the Turkic world, linking the history, past and great future of our peoples with spiritual ties, are the heirs of the great heritage left by their great ancestors, the successors of the future. Our language, culture and even our great heritage are close to the Turkish people. In this regard, literary translation gives us all spiritual refreshment as a new step in the rise of our spiritual and educational activities. Literary translation not only widely promotes the rich spiritual heritage left by the great artists of our people, but also encourages its preservation and deep study, and further strengthens literary ties. This article discusses the situations that arise when translating from the native language into Turkish and Russian, and finds ways to resolve translation problems.*

Keywords: *Turkic peoples, fiction, literary translation, world literature, related languages, false equivalent, phraseology, proverb, idiom.*

Кириш. Турк тилидан бадий асарларни таржима қилиш XX асрнинг 60-йилларидан бошланган, бироқ бу жараён 90-йилларга қадар суи давом этган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бу соҳада кескин жадаллашиш юз берди. Сўнгги йилларда бадий таржима шарофати билан ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти, хусусан турк адабиёти дурдоналари билан бойиб боргани каби, ўзбек адабиёти намуналари ҳам қардош турк тилига таржима қилиниб, ўз ўқувчиларини топишга улгурди. Бу даврда Туркияда нафақат олимлар, илмий тадқиқотчилар, балки оддий турк китобхонларининг ҳам ўзбек адабиётига бўлган қизиқишлари янада ортди¹.

Ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиниб, жаҳон адабиёти хазинасига тортиқ қилиниши бугун алоҳида аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, бадий таржима айни тил оиласига мансуб, тили, урф-одату анъаналари бир-бирига жуда ўхшаш ўзбек ва турк халқлари орасидаги дўстлик ришталарининг янада мустақамланишига хизмат қилиб келмоқда. Табиий-ки, бунда таржималарнинг бадий савияси, асл нусхага хос бадийлик, миллий руҳни қайта яратишда таржимонларнинг истеъдоди, билим даражаси, маданияти муҳим омил ҳисобланади.

Ушбу мақолада атоқли ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб “Даҳшат” ҳикоясининг туркча таржималари таҳлилга тортилиб,

¹ Mannonov A., Hamidov X. *Bebaho xazina* (“Turkiy adabiyot durdonalari” tilimizda). Tarjimashunoslar forumi – 2022 (Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari). 1-kitob – Toshkent: TDSHU, 2022. Volume 2 | Special ISSUE 28 ISSN 2181-1784 SJIF 2022: 5.947 | ASI Factor = 1.7. - 447 b. B. 271-277.



таржималарда учрайдиган муаммоли ҳолатларга муносабат билдирилади ва пайдо бўлган тугунларга ечимлар изланади. Жумладан, икки қардош тил орасида таржимани амалга оширишнинг қулай жиҳатлари билан бир қаторда ўзига яраша мураккабликлари борлиги, таржимада “сохта эквивалентлар” масаласи ва уларнинг ҳанузгача сақланиб қолаётганлиги, ўзбек ва турк тилларининг бир тил гуруҳига мансублигига қарамай кўпчилик лектик-фразеологик бирликларнинг келиб чиқиш нуқтаи назаридан фарқлиқ касб этиши асарларни ўгиришда таржимондан ўта эҳтиёткор бўлишни қатъий талаб қилиши зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Мақсад ва вазифалар. Ўзбек ва турк халқларининг тарихи, маданияти, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарида муштарак жиҳатлар кўп ва улар аксар ҳолларда таржима тилига деярли ўзгаришсиз кўчиб ўтади. Бундай умумийлик икки халқ вакилларининг дунёқарашлари, ҳаётга муносабатларида ҳам кўпгина ўхшашликларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Шу боис иккала қардош тилда ҳозиргача маъно дифференциясига учрамай, умумий маънода ишлатилиб келган сўзлар таржима матнида ҳам ўзгаришсиз қўлланилган. Лекин тилларнинг ўзаро яқин ва қардошлиги туфайли юзага келадиган бундай қулайликлар, муштарак жиҳатлар ўзбек тилидан турк тилига таржиманинг тамоман ижодий иш эканлигига раҳна солмайди.

Ушбу мақоланинг мақсади бадиий таржимада муаллиф услубининг таржимада қайта яратилиши муаммосини атоқли ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳорнинг “Даҳшат” ҳикоясининг турк тилига қилинган икки таржимаси ва русча ўгирмаси асосида кўриб чиқиш, таржима жараёнида ижодкорлар эътиборидан четда қолган баъзи хусусларни таъкидлаш ва баҳоли қудрат тавсиялар беришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқот олдида ҳикоя таржимасида сўзларнинг қандай танлангани, ижодкорларнинг қайси бадиий санъат усулларида фойдаланганини кўрсатиш, аслиятда қўлланилган фразеологик бирликларга муқобиллар нечоғли топилганлиги, ўзбек ва турк тиллари орасида бадиий таржиманинг осон томонлари ва тилларнинг ўзаро яқинлигидан келиб чиқадиган мушкулотларнинг сабабини ёритиш, аслиятни русча таржима билан солиштириш вазифалари қўйилган.

Методлар. Тадқиқотни амалга оширишда тавсифий ва таҳлилий-қиёсий методлардан фойдаланилди. Дарҳақиқат, ушбу мақола учун материал сифатида олинган машҳур асар, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг “Даҳшат” ҳикояси¹ турк тилига икки марта: илк бор 2010 йилда туркиялик ижодкор Фелиз Демиржи томонидан², иккинчи марта, орадан бир неча йил ўтиб, Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидов ижодини илмий ўрганган таниқли

¹ Қаҳҳор Абдулла. Ҳикоялар. – Тошкент, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. www.zyouz.com.

² Kahhar A. Hikayeler, Çeviren Filiz Demirci. – Tashkent, Mumtoz so`z, 2010.



турк олими Вали Саваш Елўқ томонидан¹ ўғирилган. Қуйида асосан Филиз Демиржининг таржимаси таҳлил қилинади ва ўрни билан Вали Саваш Елўқнинг таржимаси фаннинг турли нуқтаи назарларидан кўриб чиқилади.

“Даҳшат” ҳикояси таржимасининг миллийликни акс эттирувчи жиҳатлари предмет сифатида олинган тадқиқот жараёнида аслият ва таржима матни таҳлил қилиниб, қиёсланар экан, ўзбек ва турк тилларининг изоҳли луғати, икки тилли (туркча-ўзбекча, ўзбекча-туркча, туркча-русча ва русча-туркча) ҳамда турли энциклопедик луғатлардан² фойдаланилди. Шунингдек, асарнинг асл нусхасидан келтирилган мисоллар ўзбекча таржимаси билан бирга берилиб, ўрни билан муаллиф таклиф этган таржима вариантлари ҳам бериб ўтишга ҳаракат қилинди.

Эришилган натижалар: Яқин тиллардан таржимани амалга ошириш бир жиҳатдан қулайдек кўринса-да, тажриба бир талай мураккабликларга дуч келинишини кўрсатмоқда. Зеро, тиллар қанчалик яқин ёки узоқ бўлишидан қатъий назар, таржима сирасида ижодкор бирданига икки маданият, икки тил, икки образ устида иш олиб борар экан, у сўзлардан қайси бирини ўғириб, таржима матнига ўтказиш мумкинлиги, сўзнинг ўз ўрнини топа олиши ҳақида ўйлаб кўриши керак.

Ҳар тилнинг ўз қонуниятлари бўлади. Бир тилда жаранглаб турган сўз бошқа тилга ҳижжалаб ўғирилганда, жумла оғирлашиб қолиши мумкин.

Аввало, ҳикоя номининг таржималарда қандай берилганига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. “Даҳшат” ҳикояси 1961 йилда рус тилига А.Раҳимий томонидан «Страх»³ деб тўғри таржима қилинган (ҳикоя контекстига синчиклаб эътибор берилса, уни «Ужас» деб ўгирса ҳам бўлар эди). Турк тилига Ф.Демиржи таржимасида у “Dehşet” деб, иккинчи В.С.Елўқ таржимасида эса “Korku” деб берилган ва иккала таржима ҳам ўзини тўла оқлайди ва бу ўринда таржимонлардан ўтиб фикр билдирмаймиз. Зеро, ҳар қандай бадиий асарнинг номи, яъни сарлавҳасида унинг мазмуни яширин бўлади. Таржимашунос З.Исомиддинов сарлавҳа таржимаси хусусида гапириб, асар номини таржима қилишни «узукка кўз қўйиш»га ўхшатади. Асарнинг “мағзини чаққан” китобхонда сарлавҳа шубҳа уйғотмайди, у гап нимада эканини фаҳмлайди.

Бундан олдинги мақолаларимизда ҳам таъкидлаганимиздек, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг кўпчилиги эпиграф билан бошланади. “Даҳшат”

¹ Kahhar A. Korku, Çeviren Veli Savaş Yelok (Hikaye). Kurgan. Edebiyat. İki Aylık Edebiyat ve Kültür Dergisi / Yıl 2 / Sayı 10 / Kasım-Aralık 2012. – S. 55.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: “Рус тили”, 1981; Türkçe Sözlük, TDK, 9. Baskı, 1.-2. Ciltler. – Ankara, 1998; Büyük Rusça-Türkçe Sözlük, Moskva, «Russkiy yazık», Multilingual. – İstanbul, 1995; Büyük Türkçe-Rusça Sözlük, Moskva, «Russkiy yazık», 1977, Multilingual. – İstanbul, 1994; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. «Адабиётшунослик терминларининг русча - ўзбекча изоҳли луғати». – Тошкент. – 1983.

³ Қаҳҳор Абдулла, Страх (рассказ). Перевод А.Рахими. - <https://www.ziyouz.uz/ru/proza/>.



ҳикояси ҳам эпитаф билан бошланган: *Хотин-қизларнинг бурун замонда кўрган кунини билмайсизлар, қизларим, айтган билан ишонмайсизлар!.. (Тўраҳон ойи)*¹. Биринчи туркча таржимада у “*Kadın ve kızların geçmişte yaşadığı hayatı bilmiyorsunuz kızlarım, anlatsak da inanmazsınız. Torahan Ayi*”² деб ишончли ўгирилган, фақат ўзбекча “ойи” сўзи туркчада “айи” деб берилган. Таржимон нимагадир ушбу қариндошлик терминини бир реалія сифатида таржимасиз қолдиришни маъқул кўрган (аммо унга ҳаволада изоҳ бермаган). Иккинчи В.С.Йелўк таржимасида эса эпитаф жуда бежирим, қусурсиз чиққан: *Kadın ve kızların geçmişte yaşadığı hayatı bilmezsiniz kızlarım anlatmayla da inanmazsınız. Torahan Ana*³. Қиёс учун эпитафнинг русча таржимасига диққат қаратадиган бўлсак, русча таржиманинг ҳам ниҳоятда сифатли чиққанига гувоҳ бўламиз: *Ничего-то вы, доченьки мои, не знаете о бывлой женской доле, а рассказать вам – не поверите!.. (Матушка Турахан)*.

Адибнинг сўз танлаш маҳорати, фикр ифодалаш услуби ёрқин намоён бўлган ҳикоя куйидаги табиат тасвири билан бошланади: *Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмаётган кузак шамоли яйдоқ дарахтлар шоҳида чийиллайди, ғувиллайди; томларда вишиллайди, ёпиқ эшик ва дарчаларга бош уриб уф тортади*⁴. Гапда битта ибора қатнашган, сифатлаш ва метафорик маъно кўчишининг ўзига хос тури саналган жонлантириш санъатидан самарали фойдаланилган (шамол чийиллайди, ғувиллайди; вишиллайди, уф тортади). “Ташхис – бадий тасвир усулларида бири бўлиб, жонсиз ёки мавҳум нарсаларда инсонга хос хусусиятларни кўрсатиш, яъни жонсиз предметларни инсонлар каби ҳаракат қиладиган, фикрлайдиган, сўзлайдиган қилиб тасвирлашди”⁵. Берилган мисолда жонлантиришнинг анашу усулидан фойдаланилган. Чунки, жонсиз нарсалар ва мавҳум тушунчаларни жонсиз инсон ёки нарсалардек ҳаракатга келтириш, турли ҳолатларга солиш, сўзлатиш, фақат феъллар воситасида амалга оширилади. ўзбекча гап таржималарда куйидагича берилган:

1-туркча таржима: *İki haftadır dinmeyen güz rüzgarı yalın ağaçların dallarında çınlayıp uğulduyordu va damlarda vınlıyordu, kapı ve pencerelere çarparak vuu çekiyordu*⁶.

¹ Қаҳҳор Абдулла. Ҳикоялар. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. www.zyouz.com.

² Kahhar A. Hikayeler, Çeviren Filiz Demirci. – Tashkent, Mumtoz so`z, 2010. – S.51.

³ Kahhar A. Korku, Çeviren Veli Savaş Yelok (Hikaye). Kurgan. Edebiyat. İki Aylık Edebiyat ve Kültür Dergisi / Yıl 2 / Sayı 10 / Kasım-Aralık 2012. – S. 55.

⁴ Қаҳҳор Абдулла; Ҳикоялар. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. www.zyouz.com.

⁵ Ҳотамов, Саримсоқов, Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати, Тошкент, 1983, 353.

⁶ Kahhar A. Hikayeler, Çeviren Filiz Demirci. – Tashkent, Mumtoz so`z, 2010. – S.51.



2-туркча таржима: *Yaklaşık iki haftadan beri göz açtırmayan sonbahar rüzgarı yay gibi ağaçların dallarında çınlıyor, uğulduyor va damlarda vınlıyor, kapalı kapı ve darçalara başını vurup ‘ıf’ çekiyor*¹.

Биринчи таржимада аслиятдаги “кўз очирмаётган” “кузак шамоли” биргина “*dinmeyen*” феъли воситасида, қолган сўзлар эса ҳижжалаб ўгирилган (аслият жумласи таркибидаги “яқин” ва “ёпиқ” сўзлари тушириб қолдирилган). Иккинчи таржима жуда ишончли чиққан, унда муаллиф услуби ҳам ўз ифодасини топган, жумла оҳангдор, муаллиф услубига монанд услубда талқин қилинган. Фақат, аслиятдаги *дарча* сўзи таржимада бир реалия сифатида таржимасиз қолдирилиб, ҳаволада “*Eski zamanlarda büyük kapıların üzerine giriş çıkışı sağlamak amacıyla yapılan küçük kapı: duvar üzerine yapılan ve pencere işlevi gören iki kanatlı küçük pencere*” шаклида изоҳланган (маъноси: Қадим замонларда катта эшикларнинг устига кириш-чиқишни таъминлаш мақсадида ўрнатилган кичик эшикча: девор устига ўрнатилган ва дераза вазифасини бажарувчи икки қанотли кичкина туйнук). Ҳолбуки, *дарча* сўзини туркчада бир икки оддий сўз билан бериш мумкин, шунда ҳеч қандай изоҳга ҳожат қолмасди. Қолаверса, *darça* сўзи туркча матнда “қабариб” қолган. Қиёслаш мақсадида гапнинг русча таржимасига эътибор бериладиган бўлса, унинг ишончли чиққан, дейиш мумкин: “*Вот уже две недели бушевал колючий ветер поздней осени, завывая в голых ветвях деревьев, свистя под карнизами домов, стучась в плотно закрытые двери и окна...*”² Фақат аслиятдаги “кўз очирмаётган” “кузак шамоли” русчага “*колючий ветер*” деб берилган. Ҳолбуки, кузак шамоли “колючий” бўлмайди, яъни танага “тикандай” санчилмайди, шунчаки “*кўз очирмайди*”, холос. Уни “порывистый ветер” шаклида ўгириш мумкин эди. Бундан ташқари, русча таржимада “*томларда*” сўзини ҳам “*под карнизами домов*” деб эмас, “*под крышами домов*” деб берган маъқул эди. Чунки ўша даврларда рус уйларининг томларида “карниз” бўлган.

Дарҳақиқат, ҳар тилнинг ўз қонуниятлари бўлади. Бир тилда табиий жаранглаган сўз, ибора, бошқа тилга сўзма-сўз ўгирилганда, жарангсизлашиши, жумла эса оғирлашиб қолиши мумкин. Демак, ниманидир ташлаб юбориш, қайтадан яшаш, содалаштириш ёки фикрнинг китобхонга аслият каби тушунарли бўлиши учун ниманидир қўшиш керак бўлади. Аммо бу таржимоннинг “ўзидан қўшиши” дегани эмас. Бундай вазиятда таржимон муаллиф матнига тузатиш киритмайди, уни безамайди. Зеро муаллиф ўз муддаосини текис синтактик ва қуруқ луғат воситалари билан эмас, она тилининг бадий сўз, образ ва мураккаб синтактик қурилмалари воситасида ифодалайди.

¹ Kahhar A. Korku, Çeviren Veli Savaş Yelok (Hikaye). Kurgan. Edebiyat. İki Aylık Edebiyat ve Kültür Dergisi / Yıl 2 / Sayı 10 / Kasım-Aralık 2012. – S. 55.

² Каххар Абдулла, Страх (рассказ). Перевод А.Рахими. - <https://www.ziyouz.uz/ru/proza/>



Сўз маъноси контекст ичида очилади. Бадий таржимада муаллиф яратган образлар ва асар сюжетида ташқари, ёзувчининг ижодий шахсияти, услуби, адабий манерасининг қайта яратилиши ҳам талаб этилади. Таржимоннинг истеъдоди муаллифининг манерасини ўзида ижодий мужассам-лантира олганлигида намоён бўлади.

М: *Бундай кечаларда одамзод қўймижоз гуж бўлиб ва ниманидир кутиб жимгина ўтиришни хоҳлаб қолади*¹.

1-туркча таржима: *“Böyle gecelerde insanlar koyun gibi üşüşerek sanki birşey bekler gibi sessizce oturmayı eğerler”*².

2-туркча таржима: *“Böyle gecelerde insanoğlu koyun gibi toplanıp bir şeyi bekleyerek sessizce oturmayı ister”*³.

Ҳар икки таржима ҳам аслиятга монанд амалга оширилган. Фақат биринчи таржимада жумланинг аслиятга хос таровати кўпроқ сақланган. Иккинчи таржима деярли сўзма-сўз қилинган. Иккала турк таржимон ҳам “қўймижоз” сўзини “*koyun gibi*” (қўйдек) шаклида берган, русчага таржимада ҳам ушбу сўзнинг муқобили топилмаган (*как овечки*): *В такие вечера люди становятся молчаливыми и тихими, как овечки, сбиваются в группки и сидят тихо, чего-то ожидая*⁴.

Бадий асарнинг миллийлиги кўп ҳолларда миллий хос сўз (реалия)-ларда ўз аксини топиши яхши маълум. Бундай сўзлар “асар тилининг ажралмас қисми бўлиб, улар ёрдамида муаллиф қаҳрамон образини яратади, халқнинг миллий ўзига хослигини очиб беради. Улар миллий колоритни акс эттирар экан, турли услубий вазифаларни бажаради, ҳодиса ва предметларнинг хусусиятини ҳаққоний, тўғри тасвирлашга ёрдам беради”⁵.

Ўзбек романларида халқнинг миллий характери, миллий колорит бош режада туради. Жумладан, Абдулла Қаҳҳор асарлари мукамал услуби ва чуқур ижтимоийлиги билан салкам 80 йилдан бери миллионлаб китобхон ва юзлаб тадқиқотчиларни ўзига жалб этиб келади. Чунки XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётида яратилган камдан-кам асарда миллий хос сўзлар бунчалик йирик ҳажм ва қамровда қўлланилган.

М: *Олимбек додхонинг саккиз хотини катта кундош Нодирмоҳобегимнинг уйига йигилиб, сандал атрофида ўтиришар эди*⁶.

¹ Қаҳҳор Абдулла. Ҳикоялар. –Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. www.zyouz.com.

² Kahhar A. Hikayeler, Çeviren Filiz Demirci. –Toshkent, Mumtoz so`z, 2010. – S.51.

³ Kahhar A. Korku, Çeviren Veli Savaş Yelok (Hikaye). Kurgan. Edebiyat. İki Aylık Edebiyat ve Kültür Dergisi / Yıl 2 / Sayı 10 / Kasım-Aralık 2012. – S. 55.

⁴ Қаҳҳор Абдулла, Страх (рассказ). Перевод А.Рахими. - <https://www.ziyouz.uz/ru/proza/>

⁵ Ҳамроев Ҳ. Миллий хос сўзлар – реалиялар ва бадий таржима // Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). – Тошкент: 1982. – Б.158.

⁶ Қаҳҳор Абдулла. Ҳикоялар. –Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. www.zyouz.com.



1-туркча таржима: “*Alimbek Dodha'nın sekiz karısı da en büyük kuma Nadirmahbegim'in evine toplanıp sandal'in etrafında oturmaktadırlar*¹.”

2-туркча таржима: “*Alimbek Dâdha'nın sekiz karısı, en büyük kuma Nadirmahbegim'in evine toplanmış, sandal'in etrafında oturuyordu*².”

Русча таржима: *Все семь жен Алимбека Додхо собрались вокруг сандала в комнате самой старшей из них, Нодирмохбегим*³.

Иккала туркча ва русча таржимада *dodxo* ва *sandal* хос сўзлари турк ва рус халқларининг маиший турмушларида мавжуд бўлмагани учун таржимасиз қолдирилган. Фақат В.С.Елўқнинг таржимасида “*dodxo*” сўзига “*Hanlıklar döneminde (Buhara ve Hokant'ta) han adına şikayetleri dinleyen ve bununla ilgili gerekli işleri yaran yetkili kişi*” деб изоҳ берилган. Ф.Демиржининг туркча таржимасида ва А.Раҳимийнинг русча таржимасида ушбу реалія тилларнинг фонетик ва талаффуз қоидаларига амал қилинмасдан (*Dodha* – туркча, *Додхо* – русча) берилганлар. “*Sandal*” сўзи эса учала таржимада ҳам реалія сифатида тўғри берилган.

Уқоридаги ҳолатни қуйидаги жумла мисолида янада аниқроқ кўриш мумкин:

“Даҳшат”	‘Dehşet’	‘Korku’	«Страх»
Додхо ҳар кеча таровеҳ намозидан кейин халқага қолар эди, бу кеча эрта қайтди.	<i>Dodha her gece teravih namazından sonra halkaya da kalıyordu. Fakat bu gece erken döndü.</i>	<i>Dadha her akşam teravih namazından sonra halkaya kalırdı, ama bu akşam erken döndü.</i>	<i>Додхо после молитвы вернулся почему-то не в духе.</i>

Яна бир нарсани таъкидлаш жоиз: ҳикояда адиб бир неча марта “*кундош*” сўзини ишлатган, ҳатто айрим ўринларга ушбу сўзга алоҳида урғу ҳам берилган. Туркча таржималарда сўз “*kuma*” деб тўғри таржима қилинган. Бироқ русча таржимада ушбу сўз “*жена*” (старшая, младшая) (катта ёки кичик хотин) тарзида бериб кетилган, ёки умуман тушириб қолдирилган. Бунинг сабаби, рус тилида “*кундош*” тушунчаси йўқ.

Энди қуйидаги парчага эътибор берамиз. Унда ҳикоя сарлавҳасининг бутун мазмун-моҳияти очилган, адиб услуби бутун қирралари билан намоён бўлгандек: *Узбек гўристонни ўзи хунук, бунинг устига, гўристон ҳақида айтилмаган хунук гап, тўқилмаган ваҳимали миш-миш қолган эмас. Ҳақиқатан, бундай кечаларда гўристон эсига тушган ҳар қандай одам, айниқса, додхо сингари пайгамбар ёшидан ошиб, кафанлигини сандиққа солиб қўйган киши ўлишдан ҳам кўра гўристонда ётишини ўйлаганида тилигача совуқ тер чиқаради.*

¹ Kahhar A. Hikayeler, Çeviren Filiz Demirci. –Toshkent, Mumtoz so`z, 2010. – S.51.

² Kahhar A. Korku, Çeviren Veli Savaş Yelok (Hikaye). Kurgan. Edebiyat. İki Aylık Edebiyat ve Kültür Dergisi / Yıl 2 / Sayı 10 / Kasım-Aralık 2012. – S. 55.

³ Каххар Абдулла, Страх (рассказ). Перевод А.Рахими. - <https://www.ziyouz.uz/ru/proza/>



Таржима жараёнида синоним ва маънодош сўз, ибораларни танлаш муаллифнинг сўз бойлиги ва бадий маҳоратини намоёниш етувчи асосий омиллардан бири саналади. Аслият парчасига келинса, ундаги “қабристон” сўзининг синоними бўлган “гўристон” сўзи беш марта ишлатилган. Бунинг сабаби нима? Бу – адиб услубининг ўзига хослиги билан боғлиқ (гўристон ... хунук гап). Энди Қахҳор фразеологияси маҳсули ҳисобланган “ўлимни, охиратни бўйнига олиб, унга тайёр турмоқ маъносидаги ”“кафанлигини сандикка солиб қўйган киши”, “қаттиқ кўрқмоқ, ваҳимага тушмоқ” маъносидаги “*тилигача совуқ тер чиқаради*” метафорик иборалари қўлланилган парчанинг таржималарига эътибор қаратамиз.

1-туркча таржима: *Özbek mezarlığı çok korkunçtu, üstelik mezarlık hakkında söylenmedik korkunç söz, uydurulmadık vehim dedikodu kalmamıştı. Gerçekten böyle gecelerde mezarlık aklına düşen her insan, özellikle de Dodho gibi peygamber yaşını geçmiş, bir ayağı çukurda olan kişi ölmeyi ve mezarlıkta yatmayı düşündüğünde boğazına kadar soğuk tere batardı*¹.

2-туркча таржима: *Özbek mezarlığının kendisi çirkin. Bunun yanı sıra mezarlık hakkında söylenmemiş korkutucu söz, anlatılmamış ürkütücü miş mişler kalmış değil. Hakikaten böyle gecelerde aklına kabristan gelen herhangi bir adam, özellikle Dâdha gibi peygamber yaşını aşmış, kefenliğini hazırlayıp sandığa koymuş insan, ölmek bir tarafta dursun mezarlıkta yattığını düşündüğünde diline kadar soğuk ter çıkarırdı*².

Русча таржима: *Кладбища и так неприглядны, а еще столько страшных небылиц, жутких историй рассказывают в народе про них. У любого, кто вспоминает в такие неуютные вечера про кладбища, особенно у таких, как Додхо, давно пережившего возраст пророка и хранившего в сундуке для себя саван, – даже на кончике языка выступает холодный пот при одной мысли... Нет, даже не о смерти, а о том, что ему предстоит переселиться туда!*³

Абдулла Қахҳор услубида сўз танлашдан ташқари, жумла синтаксиси, интонацияси муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг таржимада тўла сақланмаслиги гапнинг таъсирни сусайтиради. Таржимон сўз, образ ва жумла оҳанги устида тинимсиз иш олиб бориб, асарни таржима тилида қайта яратишда сўзма-сўз аниқликка берилмасдан, таржима учун ишончли услуб калитини топишга интиломоғи керак. Шу билан бирга, аслият жумласи оҳангини сақлаш таржимани сўзлар ва тиниш белгилари орқали ўгириш дегани эмас.

Парча таржималарида аслият мазмуни тўла бера олинган. Бунда учала таржимон ҳам ўз ишига ижодий ёндашганини кўриш мумкин:

¹ Kahhar A. Hikayeler, Çeviren Filiz Demirci. –Toshkent, Mumtoz so`z, 2010. – S.51.

² Kahhar A. Korku, Çeviren Veli Savaş Yelok (Hikaye). Kurgan. Edebiyat. İki Aylık Edebiyat ve Kültür Dergisi / Yıl 2 / Sayı 10 / Kasım-Aralık 2012. – S. 55.

³ Каххар Абдулла, Страх (рассказ). Перевод А.Рахими. - <https://www.ziyouz.uz/ru/proza/>.



“Даҳшат”	‘Dehşet’	‘Korku’	«Страх»
кафанлигини сандиққа солиб қўйган киши	<i>bir ayağı çukurda olan kişi</i> (сўзма-сўз: бир оёғи чуқур (гўр)да бўлган киши)	<i>kefenliğini hazırlayıp sandığa koymuş insan</i> (сўзма-сўз: кафанлигини тайёрлаб, сандиққа солиб қўйган киши)	хранивший в сундуке для себя саван (сўзма-сўз: сандиқда кафанини сақлаб қўйган)
тилигача совуқ тер чиқармоқ	<i>boğazına kadar soğuk tere batmak</i> (сўзма-сўз: бўғзигача совуқ терга ботмоқ)	<i>diline kadar soğuk ter çikarmak</i> (сўзма-сўз: тилигача совуқ тер чиқармоқ)	на кончике языка выступает холодный пот (сўзма-сўз: тилининг учига совуқ тер чиқади)

Илк туркча таржимада Ф.Демиржи “кафанлигини сандиққа солиб қўйган киши” иборасини ўгиришда ўзбек халқи орасида машҳур “бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда” иборасидан маҳорат билан фойдаланган¹. В.С.Елўқ эса иборани сўзма-сўз ўгиришни маъқул кўрган. Русча таржимада эса ўзбекча ибора ўзининг метафорик ифода кучидан маҳрум бўлиб қолган.

Умуман олганда, “Даҳшат” ҳикояси табиат тасвири, фразеологизмлар (қўл узатмоқ, ясов тортиб турмоқ, гапга гап уламоқ, дами ичига тушмоқ, гапи тегиб кетмоқ, тилдан қолмоқ, кўз ташламоқ, жонидан кечмоқ, тик қарамоқ, лафзидан қайтмоқ, гаров боғламоқ, кўзи етмоқ, уч (бир) талоқ қўймоқ, юраги увишмоқ, кўз олдига келмоқ, тиззаси қалтирамоқ, муштдай боши билан, юрагига рахна солмоқ, оғзидан қўймаслик, юраги орзиқмоқ, юраги дов бермаслик, (бир нарсадан) кўзидан олмаслик, (бир нарсага) кўзи тушмоқ, энгил тортмоқ, “(бу ерни) елкаминг чуқури кўрсин” ва б.), жонлантириш ва ўхшатишлар (*Шамол гоҳ оч бўридай увиллар, гоҳ ўлим чангалига тушган мушукдай пихиллар, вагиллар... Шамол ҳамон гувиллар, яйдоқ дарахтларнинг шохиди чийиллар, гувиллар... Дарчадан кирган шамол осма чироқни липиллатди, тебратди*) каби бадий воситалар, дуолар (*мендан қайтмаса худодан қайтсин* ва б.), шунингдек миллийликни акс эттирувчи реалаялар (*бўйра, гап* (евоқ), *қумгон, паранжи-чиммат, бозвант* ва б.)га бой асар. Бундай воситаларнинг таржималарда қайта акс эттирилиши эса таржимонлардан катта маҳорат ва билим талаб этади.

Куйидаги жадвалда ўзбекча ибораларнинг турк ва рус тилларига таржималарда қандай берилганлиги намуна сифатида кўрсатилди:

¹ Турк тилида “ўлимни бўйнига олиш, унга тайёр туриш” маъносида “kefeni boynunda” (кафани бўйнида) “kelle koltukta” (қалласи қўлтигида) фразеологизмлари ҳам нутқда қўлланилади, лекин улар услубий бўёғи, ифода мақсадига кўра берилган ўзбекча иборага муқобил бўла олмайди.



“Дахшат”	‘Dehşet’	«Страх»
... елкамнинг чуқури кўрсин	...artık gözüüm görmesin! (сўзма-сўз: бундан кейин кўзим кўрмасин)	Ноги моей больше не будет здесь
Юраги дов бермас...	... cesaret edemedi...	...была не в состоянии, ... она боялась...
...дами ичига тушиб кетди.	Dodho bunun olmasını istemiyordu (сўзма-сўз: Додхо бундай бўлишини истмасди)	От гнева Додхо чуть не задохнулся...
Тилдан қолдингми?	Dilin mi tutuldu senin?	Язык, что ли, у тебя отнялся?!
...эти живиллашиб кетди	...içi içine geçti.	...поежились.

Ўзаро яқин тиллар орасида амалга оширилган таржималарда «сохта эквивалентлар» деб номланган лексик бирликлар кўпроқ қийинчиликлар юзага келишига сабаб бўлади. Бунинг эса турли сабаблари бор. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, бадий таржимада «сохта эквивалентлар» муаммоси сўз танлаш масаласи билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, ҳар бир сўз товуш ва маъно нуқтаи назаридан ўз қимматига эга. Фақат бир хил сўз икки тилда учраганда, баъзи ҳолларда ўзгаришсиз қолиши мумкин. Тиллар ўзаро яқин ёки узоқ бўлишидан қатъи назар, таржима амалга ошириладиганда муаммога дуч келиниши табиий. Яъни, таржимада сўзларнинг айрим ҳолларда “сохта эквивалент” бўлиб чиқмаслигига эътибор бериш керак. Чунки бу билан боғлиқ ноқулайликлар, чалқашликлар асарнинг бузиб таржима қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Таҳлилар кўрсатдики, “Дахшат” ҳикояси таржималарида ижодкорлар “сохта эквивалентлик”ка деярли дуч келмаганлар. Фақат бир неча ўринда бунга йўл қўйилган. Масалан, “*Бўйра одатда тобутга солинадиган бўлганидан, додхонинг кўз олдига одамларнинг елкасида лапанглаб кетаётган тобутни келтирди*” гапидаги “*одатда*” сўзи 1-туркча таржимада “*çoğunlukla*” (кўпинча) деб берилган бўлса, иккинчи таржимада е “*âdette*” деб ўгириб қўйилган. Таржимон “*одат*” сўзини “*урф-одат*” деб тушунган ва натижада унга сохта эквивалентлик ҳодисаси панд берган (*Boyra, âdette tabuta konulduğundan Dâdha'nın gözünü önünde insanların omzunda sallanıp giden tabutu getirdi*¹).

Демак, яқин тиллардан таржимада ўта эҳтиёт бўлинмаса, юзаки қараганда баъзан бир-бирига эквивалентдай кўринган сўзлар маъно ва услубий вазифасига кўра бир-биридан фарқ қилиши, яъни бир-бирига сохта муқобил вариантларни ташкил этиши мумкин.

¹ Kahhar A. Korku, Çeviren Veli Savaş Yelok (Hikaye). Kurgan. Edebiyat. İki Aylık Edebiyat ve Kültür Dergisi / Yıl 2 / Sayı 10 / Kasım-Aralık 2012. – S. 55.



“Дахшат” ҳикоясининг турк ва рус тилларига таржималарини таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш учун бир мақола камлик қилар экан. Чунки, А.Қаҳҳор асарларининг турк тилига таржималари тадқиқи ва таҳлили бугунги таржимашуносликнинг қизиқарли мавзуларидан бири бўлиши мумкин. Муаллифга хос услубнинг таржимада қайта яратилиши, ҳикоядаги концептни ташкил этувчи “шамол” ёки “қўрқув” сўзларини алоҳида олиб, концептология нуқтаи назаридан ўрганиш ҳам бир неча илмий мақола учун етарли илмий ва амалий материал бериши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўзбек ва турк халқларини умумий тарих, маданият, муштарак урф-одатлар ва дин ўзаро яқинлаштириб турганлиги бир-бирининг муқобили бўлган иборалар юзага келишига сабаб бўлган. Айни пайтда уларнинг ибораларида фаркли жиҳатлар ҳам кўзга ташланадики, нутқда фаол қўлланиб келаётган баъзи ибораларнинг муқобиллари мавжуд эмас. Тилларда қисман ёки буткул фарқланувчи фразеологик бирликлар, фақат бир тилгагина хос, муқобили бўлмаган фразеологик бирликни ўгириш жараёнида таржимонлар кўп ҳолларда фразеологизмларни сўзма-сўз ўгириш йўлидан борганлар. Турк таржимонларининг бундай бирликларнинг туркча муқобилларини излашга ҳар доим ҳам интилмаганлари, уларни ўгиришда асосан сўзма-сўз таржима принципига амал қилганлари сабабли таржималарда фразеологизмларнинг маънолари ишончли тарзда очиб берилмаган ўринлар учраб туради. Шунинг учун мақолада фразеологик бирликларнинг берилиши билан боғлиқ ёндашувлар илгари сурилди. Жумладан, бадиий таржимада сўзни муқобил сўз билан ўгирилишининг ўзи етарли эмаслиги, контекстдаги фразеологизмларнинг жумла ифода қиладиган маъно-мазмунни тўлақонли, аслиятга монанд ва муаллиф услубини хиралаштирмасдан ўгириш энг тўғри йўл эканлиги таъкидланди.

Хулоса қилиб айтганда, таржимонларнинг ютуқлари, ушбу жараёнда улар йўл қўйган камчилик ва нуқсонлар, юзага келган чигалликларнинг сабабини ёритиш, аслиятга хос тил унсурларининг берилиши масалаларини ўрганиш соҳанинг долзарб ва масъулиятли вазифалардандир. Шу нуқтаи назардан ушбу мақола ўзбек адабининг сўнгги йилларда туркчалаштирилиб нашр этилаётган асарларини жиддий кўриб чиқиш, таржималарни танқидий назардан ўтказиш йўлидаги ишлардан бир зарра ҳисобланади. Чунки, биргина “Дахшат” ҳикоясининг иккита туркча ва бир русча таржимаси мавзуси жиддий бир рисола учун материал бериши мумкин. Ушбу мақолада эса аслият ва таржима матнларидан бир нечтагина жумла таҳлилга тортилди, холос. Ўйлаймизки, адиб асарларини таржима қилиш ва нашр этилган тадқиқотларни чуқурлаштириш ишлари давом эттирилади.



БАТИРХАНОВА МАДИНА

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.D.), ТДШУ.

ЎЗБЕК, РУС ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРДАГИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Annotatsiya: Ушбу мақола соматик фразеологик бирликларни ўрганишга бағишланган бўлиб, бу бизга ўзбек, рус ва инглиз тилларида уларнинг асосий омилларини очиқ бериши имконини беради. Биз тадқиқотимиз давомида соматик фразеологизмларга алоҳида эътибор қаратиб, бу бирликлар тадқиқига турли аспектда ёндашишга ҳаракат қилдик. Ишда соматик фразеологик бирликлар (бундан кейин СФБ) бошқа фразеологик бирлик (бундан кейин ФБ)лардан энг кўп учрайдиганлари сифатида талқин этилди. Муаммонинг долзарблиги кўйидаги омиллар билан исботланади: унинг турли тил даражаларида қўлланиши салоҳияти: соматик фразеологик бирликларнинг табиатини аниқлаш учун ушбу ҳодисанинг аҳамияти: ҳар қандай халқ маданиятининг тил илдизлари омилни аниқлаш. Ушбу ишнинг мақсади соматик бирликларни ўрганиш ҳамда уларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўхшаши ва фарқли томонларини топишдан иборат. Соматик фразеологиянинг ўзига хос хусусияти тилларда сўз бирикмаларининг мажозий йўналиши бўйича жуда яқин бўлган кўплаб ўхшашиликларнинг мавжудлигидир. Бу хусусият СФБларни бошқа тематик гуруҳларидан кескин ажратиб туради. Тана аъзолари номларининг ФБларда қўлланиши шу билан изоҳланадики, янги предметни номлашда шахс, биринчи навбатда, ўзи билган ва таниши бўлган нарса билан ассоциацияга асосланади. Аввало, одам ўзи билан ўзини, танасининг қисмларини эса ўзини ўраб турган нарсалар билан солиштиради. Икки ёки ундан ортиқ тилларнинг ФБларини ўрганиш ва таққослаш турли халқлар маданияти ва менталитетининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Баъзан маълум бир тилда сўзлашувчилар тафаккуридаги фарқларни аниқлаш ҳам мумкин. Тадқиқотимизда таққосланаётган тиллар учун хос бўлган тарихий параллеликлар ҳам аниқланди.

Калит сўзлар ва иборалар: соматик иборалар, фразеологик бирликлар, соматик фразеологизм, маданий код, экспрессивлик, концептуал, эмоционал, потенциал, бўёқдорлик, коннотатив ма'но, лингвомаданий, маданиятишунослик.

Аннотация: Данная статья посвящена изучению соматических фразеологизмов, что позволяет выявить их основные факторы в узбекском, русском и английском языках. В ходе нашего исследования мы уделили особое внимание соматической фразеологии и попытались подойти к изучению этих единиц с разных сторон. В работе соматические фразеологизмы (далее ФЕ) интерпретировались как наиболее распространенные из других фразеологизмов (далее ФФ). Актуальность проблемы доказывают следующие факторы: ее возможность использования на разных языковых уровнях; значимость этого явления для определения характера соматических фразеологизмов: определяющий фактор языковых корней любой народной культуры. Целью данной работы является изучение соматических единиц и выявление их сходства и различия в узбекском, русском и английском языках. Отличительной чертой соматической фразеологии является наличие многих сходств в образной направленности словосочетаний в языках. Эта особенность резко отличает НФБ от других тематических групп. Использование названий частей тела в ФБ объясняется тем, что при назывании нового пред-



мета человек, прежде всего, опирается на ассоциацию с тем, что он знает и с чем знаком. В первую очередь человек сравнивает себя с собой, а части своего тела с вещами, которые его окружают. Изучение и сравнение ФБ двух и более языков помогает выявить специфические особенности культуры и менталитета разных народов. Иногда удается выявить различия в мышлении носителей того или иного языка. В нашем исследовании также были выявлены исторические параллели, характерные для сравниваемых языков.

Ключевые слова: соматические выражения, фразеологизмы, соматический фразеологизм, культурный код, экспрессивность, эмоциональный, потенциальный, окраска, коннотативное значение, лингвокультурология, культурология.

Abstract: This article is devoted to the study of somatic phraseological units, which allows us to identify their main factors in the Uzbek, Russian and English languages. In the course of our study, we paid special attention to somatic phraseology and tried to approach the study of these units from different sides. In the paper, somatic phraseological units (hereafter, FU) were interpreted as the most common of other phraseological units (hereafter, FU). The relevance of the problem is proved by the following factors: its possibility to be used at different linguistic levels; the significance of this phenomenon in determining the nature of somatic phraseological units: the determining factor of the linguistic roots of any folk culture. The purpose of this paper is to study somatic units and identify their similarities and differences in Uzbek, Russian and English. A distinctive feature of somatic phraseology is the presence of many similarities in the figurative orientation of collocations in the languages. This feature sharply distinguishes NFB from other thematic groups. The use of names of body parts in FB is explained by the fact that when naming a new object, a person, first of all, relies on the association with what he knows and is familiar with. First of all, a person compares himself/herself with himself/herself, and his/her body parts with the things that surround him/her. Studying and comparing FBs of two or more languages helps to reveal specific features of culture and mentality of different peoples. Sometimes it is possible to identify differences in the thinking of speakers of a particular language. Our study also revealed historical parallels characteristic of the languages being compared.

Keywords: somatic expressions, phraseological units, somatic phraseologism, cultural code, expressiveness, conceptual, emotional, potential, coloring, connotative meaning, linguistic and cultural, cultural studies.

Кириш. Маълумки, ҳар қайси тилда соматик фразеологизмлар тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида ўз мавқеига эга бўлиб, тилнинг луғат бойлигини мустаҳкамлашга ҳизмат қилади.

Тана аъзоларининг номлари ФБлар ясашишида энг кўп иштирок этувчи лексемалардан ҳисобланади. СФБларнинг ўзига хос хусусияти тилларда сўз бирикмаларининг мажозий йўналиши бўйича жуда яқин бўлган кўплаб ўхшашларининг мавжудлигидадир. Бу хусусият СФБларни ФБларнинг бошқа тематик гуруҳларидан кескин ажратиб туради. “Соматизм” термини илк бора тилшуносликка фин олими Ф.Вакк томонидан киритилган бўлиб, *soma* – юнонча сўз бўлиб, ‘тана’, ‘бадан’ деган маъноларни англатиб, “соматик фразеологизм” таркибида инсон ҳамда ҳайвон тана аъзолари билан номланган фразеологик бирикмалар сифатида соматик фразеологик бирикма деб номланади. Ф.Вакк “соматик фразеологизм” таркибига инсон ва ҳайвон танаси аъзолари номи бўлган,



шунингдек, иш-ҳаракат ҳамда имо-ишораларни ифодаловчи турғун сўз бирикмаларини ҳам киритади¹.

Соматизм XX аср охирларидан чуқур ўрганила бошланди. Соматизм компонентли ФБ – етакчи ёки муҳим компоненти нафақат тананинг ташқи жисмоний шакллари (бош, кўл, бурун ва бошқалар), балки унинг элементларини ҳам англатувчи сўз бўлган ФБ сифатида тушунилади, юрак-қон томир, асаб ва бошқа тизимлар (қон, талоқ, мия, жигар ва бошқалар) ҳам шулар жумласидандир.

Соматик фразеологиянинг ўзига хос хусусияти тилларда сўз бирикмаларининг мажозий йўналиши бўйича жуда яқин бўлган кўплаб ўхшашликларнинг мавжудлигидир. Бу хусусият СФБларни бошқа тематик гуруҳларидан кескин ажратиб туради. Тана аъзолари номларининг ФБларда қўлланиши шу билан изоҳланадики, янги предметни номлашда шахс, биринчи навбатда, ўзи билган ва таниш бўлган нарса билан ассоциацияга асосланади. Аввало, одам ўзи билан ўзини, танасининг қисмларини эса ўзини ўраб турган нарсалар билан солиштиради.

Рус тилшунослигида “*соматик фразеологизм*” атамаси биринчи марта инсон тана аъзолари номлари билан боғлиқ бўлган фразеологизмларни тадқиқ этган олим Э.М.Мордковичнинг мақоласида таърифланади². Кейинги йилларда соматик фразеологизмлар қиёсий планда турли тизимдаги тиллар доирасида ўрганилди. Бу ўринда Э.М.Мордкович, В.Н.Телия, В.А.Маслова, А.В.Прожилов, Е.Н.Белая, О.Назаров, В.С.Данилов, Н.В.Куницкая, В.В.Ламова, В.Вайнтрауб, Л.Р.Сакаева, Й.Долгополов (рус, инглиз ва немис тилларида соматик фразеологизмлар), М.Абилгадиева (қозоқ ва немис тилларида соматик фразеологизмлар), Д.Сайпуллаева (туркман ва инглиз тилларида соматик фразеологизмлар), Ф.В.Скнар (инглиз ва украин) каби олимларнинг тадқиқотларида муҳим ютуқлар қўлга киритилди³.

СФБлар бўйича салмоқли тадқиқотларда рус тилшунослигидаги ФБлар бошқа кўплаб дунё тилларининг биликлари билан чоғиштириб тадқиқ этилди. Бир қанча тилшунос олимлар соматик ФБларни уч тил асосида қиёсий аспектда ўргандилар. Масалан, рус тилшунослигида илк мартаба Э.М.Мордкович ўзининг “Соматик фразеологизмларнинг семантик-тематик гуруҳлари” деб номланган мақоласини ёзган бўлса, 1973 йилда номзодлик ишини ҳимоя қилган Ю.А.Долгополов рус, инглиз ва немис тилларидаги соматик ФБларни ўзаро қиёслади,

¹ Вакк Ф. О соматической фразеологии в современном эстонском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Таллин, 1964. –С.23.; Баранова Л.Ф. Структурно-семантические соотношения английской и русской фразеологии (на материале произведений Джеймса Олдриджа и их переводов на русский язык): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ленинград, 1970. –Б.14.

² Мордкович Э.М. Соматические фразеологизмы белорусского языка, не имеющие эквивалентов в русском языке Текст. / Э.М. Мордкович // Вопросы русской филологии: тезисы докл. IV научно-теоретической конференции. – Самарканд, 1970.

³ Шабанов Ж., Шабанова С.Д. “Соматизмлар иштирок этган ибораларнинг замонавий тилшуносликда ўрганиш масалалари”. “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали. №4, 2018. –Б.3.



В.Вайнтрауб эса славян тилларидаги фразеологизмларни тадқиқ этди. Қолаверса, Ж.Х.Гергокова 2004 йилда ҳимоя қилган номзодлик диссертациясида қорачой-болқор, инглиз ва рус тилларидаги «инсон» тушунчасининг фразеологик концептуаллашуви жараёнини қиёсий метод асосида бир-биридан фарқлаб берди¹.

Соматик фразеологик иборалар инсоннинг онги пастлиги, нодонлигини ифодалайди, лекин ҳар қайси тилда улар ўзгача таърифланади. Биз буларнинг таржимасида аналогик таржима усулидан фойдаландик. Ҳар қайси тилда турли ФБлар битта маъно билдириши мумкин. Шунинг эътиборга олган ҳолда, биз битта тилдан иккинчисига таржима қилишда иккинчи тилда мазкур маънони англатадиган ФБни қидиришга ҳаракат қилиб кўрдик. Кўриниб турибдики, бош компонентли соматик ибора инглиз, рус ва ўзбек тилларида турлича “маданий кодлар” билан бирлашиб келади. Бу ўринда маънолар, “маданий кодлар” деярли бир хил, лекин компонентлар ўзгариб боради. Ҳар қайси тилда инсоннинг онги паст ва ақли заифлигини соматик биоморфик код ифодалайди. Шу билан бирга, айтиш мумкинки, соматик биоморфик код бир хил бўлса-да, лекин компонентлари турличалиги айнан миллат менталитети билан боғлиқ масалалар. Албатта, агар биз калька, яъни сўзма-сўз таржима қилиш орқали ушбу соматик ибораларни ифодаласак, асл маъно йўқотилиши мумкин эди. Масалан, *дубовая голова* соматик фразеологик бирлигининг *эман дарахти каллали, арча каллали, бананли калла ёки карам калла* каби ноқис таржимаси вужудга келиши мумкин эди.

Бадий таржиманинг асосий вазифаси маданиятлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро мулоқот аниқлигини, узатилаётган ахборотни тушунишни кучайтиришдан иборат. Америкалик профессор Райнер Шултенинг фикрича, “бадий таржима маданиятлар ва тиллар ўртасидаги нозик ҳиссий алоқаларни боғлайди ва инсониятни миллий чегаралар орқали тушунишга ёрдам беради. Бадий таржимада бошқа маданиятнинг руҳи шаффоф бўлади ва таржимон янги тилнинг лингвистик, мусикий, ритмик ва визуал имкониятлари орқали хорижий мамлакатлар ва халқларнинг нозик ҳиссиётларини қайта тиклайди².

Таржима назарияси борасида инглиз таржимашунослари Т.Сэвори, Ж.Кетфорд олиб борган тадқиқотлар эътиборга лойиқ³. Таржима сифатини баҳолаш жараёнида кўп ҳолларда муқобиллик даражасига катта аҳамият берилади. Таржима назариясида муқобиллик даражаларини аниқлаш борасида кўплаб олимлар, жумладан, А.Фёдоров, Рецкер, Кетфорд, Гак, Егер ва бошқаларнинг қарашлари мавжуд⁴.

¹ Рашидова У. Соматик фраземаларнинг тилшуносликда ўрганилиш тарихига доир: Автореф. дисс. ... канд. филол. фан. – Тошкент, 2016. –Б.75.

² Schulte Rainer. Theories of Translation. – Chicago: Chicago University Press, 1992.

³ Savory T. The Art of Translation. – London, 1952; Catford J.A. Linguistic Theory of Translation. – London, 1965.

⁴ Фёдоров А.И. Фразеологический словарь русского литературного языка. Около 13000 фразеологических единиц. 3-е издание, исправленное. 2-е издание, однотомное, стереотипное. – М.: АСТ–Астрель, 2001. – С.181; Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. – Россия, 1974. – С.115; Гак В.Г. Языковые преобразования. –



Ҳозирги кунда замонавий таржимашунослик йўналишига жуда кўплаб ўзбек таржимонлари ва лингвистлари ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Булардан Хуршид Даврон, Муҳаммад Али, Иброҳим Ғафуров, Қудратхон Мусаев, Абдузукхур Абдуазизов, Нажмиддин Комилов, Муҳаммаднодира Сафароваларни айтиб ўтиш мумкин.

Бадий таржиманинг назарий масалалари, асарлар таржимасига доир мақола ва диссертациялар устида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбек таржимачилиги мактаби вакиллари Ш.Шомуҳамедов, Н.Владимирова, Г.Ғафурова, П.Тартаковский, Н.Комилов, С.Саломова, Пошали Усмон ўғли, М.Солиев, Д.Ғуломовалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Л.С.Бархударов таржиманинг прагматик жиҳатларини кўриб чиқиб, таржимада асл нуханинг ўзгармаслиги мумкин эмаслигини ва “бу ҳақда фақат нисбий маънода гапириш мумкин”лигини, “таржимада йўқотишлар муқаррар, яъни асл матнда ифодаланган маъноларнинг тўлиқ бўлмаган узатилиши кузатилади. Олим ана шу мулоҳазалари асосида “таржима матни ҳеч қачон асл матннинг тўлиқ ва мутлақ эквиваленти бўла олмайди”, деган мантикий хулосага келади.

Сўзлашув услубига мансуб идиомалар кўпинча калька усули орқали бошқа тилга узатилади. Бу, айниқса, ёшлар тилида яққол намоён бўлади. Бундай идиомалар кўпинча инглиз тилидан рус тилига ёки рус тилидан ўзбек тилига сўзма-сўз таржима орқали ўтиши мумкин: *томи кетган – қрыша поехала*. Инглиз тилида эса аналог ҳамда лексик таржима орқали ифодаланади: *toys in the attic, be not right in the head, have a bat in the belfry, loose mind*.

Ру тилида хотиранинг қисқалиги *куриная память, девичья память* СФБлари орқали намоён бўлади. *Девичья память* ибораси рус халқида аввалги вақтлардан қолган ибора бўлиб, қизларнинг севган йигити кетиб қолиши билан ўзларига бошқа йигит топиб олишини назарда тутди. Рус тилидаги ушбу иборанинг ўзбек тилига таржимасида биз лексик баён усулини таклиф қиламиз: *қисқа хотирали ёки парижонхотир*. Чунки доимо ҳам ибораларга мос ибора топилавермайди, айнан ушбу ҳолатларда маъно аслиятдаги маънони сақлаш учун ФБни лексик баён орқали ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

Инглиз тилида *sweet tooth* ибораси учун ўзбек тилида *ширин томоқ* иборасини, рус тилида эса *сладкоежка* сўзини таклиф қилмоқдамизки, бундай таржима аналогик усул билан ифодаланган бўлади.

Бир ёстиққа бош қўймоқ, бошини икки қилмоқ соматик фразеологик иборалари учун биз инглиз тили луғатларидаги лексик ва ФБлар сирасидан инглиз миллий маданиятини тасвирлайдиган ибораларни аналогли таржима орқали беришга ҳаракат қилдик: *tie the knot, to get hitched, jump the hurdle, step off the carpet*. Рус тилида ушбу ибораларга мувофиқ ибора топилмаганлиги сабабли,

Москва, 1988. – С. 139; Егер Г. Коммуникативная и функциональная эквивалентность // Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике / Г.Егер. – М.: Междунар. отношения, 1978. – С.137-156.



биз лексик таржима орқали ФБни “*связать себя узами брака/пожениться*” тарзида изоҳлаймиз.

Тадқиқотчилар СФБларнинг эквивалентларини аниқлашда уларнинг семантикаси, ички шакли, фразеологик бирликларнинг таркибий қисми, грамматик аспекти ва тилнинг турли қатламларида қўлланишига ҳам эътибор қаратганлар. Шунинг учун турли тизимли тилларда СФБларнинг эквивалентлик ҳолатини ўрганиш бевосита лингвокультурология билан боғлиқ, дейиш мумкин. СФБларнинг лингвокультурологик аспектида эквивалентсиз ёки ярим эквивалентли ҳолат эътиборга олинади. Тўлиқ эквивалентли СФБларда маданиятга хос хусусиятлар топилмади. Шунинг учун тадқиқот ишининг мазкур бобида биз ўз эътиборимизни СФБларнинг эквивалентсиз ҳолатларига қаратамиз, чунки эквивалентсиз ҳолатда учта тилда ҳам миллийликка хос тушунчалар, халқнинг ўтмиши, тарихи билан боғлиқ ҳодисаларни учратишимиз мумкин. Бу ҳақда Д.Добровольский ва Э.Пирайнен ибораларнинг тадрижий ўзгаришида маданият ва тарих таъсирини кўрсатади. Шунингдек, улар фразеология соҳасини “Фразеология – бу маданий ва тарихий контекстда ўрганилиши ва тушунилиши мумкин бўлган тил соҳаси”¹. сифатида қайд этадилар.

Худди шу тарзда Антонио Памис Бетран этник жиҳатдан ўзига хос ёки маданий деб аталадиган кўплаб мажозий маъно англатадиган бирликлар мавжудлигини ва уларнинг халқ тилига мансублигини таъкидлайди².

Тил ва маданият уйғунлиги туфайли СФБлар алоҳида аҳамият касб этади. СФБлар миллий олам манзарасини шакллантиришда асосий роль ўйнайди. Бу, ўз навбатида, жамиятнинг миллий онгини белгилайдиган манзара ҳам бўлиб, оламнинг ўзига хос кўринишини акс эттиради.

Инглиз ва ўзбек тилларининг СФБларида тиллараро фразеологик эквивалентлик даражаси анча юқорилигини кўриш мумкин. Чунки иккита миллий маданиятнинг бир-бирига яқинлиги фразеологиянинг эквивалентлик даражасини оширади³. Масалан, куйидаги соматик фразеологик ибораларда икки тилга хос тушунчалар мавжуд, шунинг учун ҳар икки тилдаги соматик иборалар тўлиқ эквивалент ҳисобланади: *синя борода – blue beard; голубая кровь – blue blood; Ахиллесова пята – Achilles’s heel; Дамоклов меч – sword of Damocles; Эзопов язык – Ezop’s tongue*. Ушбу СФБларнинг этимологик жиҳатларини таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар бир идиоматик ифоданинг келиб чиқиши битта манбадан диний ва мифологик адабиётлардан олинган. Рус ва инглиз халқининг христиан динига эътиқоди натижасида қадимий Рим ва Юнон афсоналари Европа

¹ Добровольский Д.О., Пирайнен Э. Образный язык: межкультурные и типологические аспекты. – М, 2005. – С.219

² Pamies Antonio Pamies-Bertran “Zoo-Symbolism and Metaphoric Competence “Research on Phraseology in Europe and Asia. Focal Issues of Phraseological Studies. – University of Bialystok, 2011. – P.308.

³ Бессонова Л.А., Кожемяченко Е.В. Соматические фразеологизмы и их роль в создании языковой картины мира (на примере русского и английского языков). – Минск, 2021. – С.4.



халқларининг тилига бевосита таъсир ўтказганлиги сабабли, ушбу соматик иборалар ҳар бир европа тилида учраши бежиз эмас. Аксарият ФБлар Европа тилларидан, хусусан, инглиз тилидан рус тилига кириб келиб, худди шу маънони англатади. Бундай соматик фразеологик бирликлар Европа тилларидан рус тилига олинаётганда калька усули орқали таржима қилиниб олиб кирилади. Лекин *bluetooth* ибораси калька орқали эмас, балки транслитерация усули орқали олиб кирилган. *Синя борода* – *blue beard*; *голубая кровь* – *blue blood*; *Ахиллесова пята* – *Achill's heel*; *Эзопов язык* – *Ezop's tongue* каби ибораларни ўзбек тилига ўтирганда айрим муаммолар юзага келади. Лекин биз бу ибораларнинг маъносини ўзбек тили соҳибига, имкон қадар, асл маъносини сақлаган ҳолда етказиш учун турли таржима усулларида фойдаландик: *голубая кровь* – *blue blood* – оқ суяк; *Ахиллесова пята* – *Achill's heel* – нозик жой/нуқта; *Эзопов язык* – *Ezop's tongue* – яширин маъно. Кўриниб турибдики, ўзбек тилида ушбу ибораларга аналоглар йўқлиги учун, лексик баён усулидан фойдаланиб, маъносини етказдик.

СФБларнинг таржимасида миллий тушунчалар мавжуд бўлиб, унинг асосида “культурема” тушунчаси вужудга келди. Лекин “культурема” атамаси аслида тилшуносликда эмас, балки маданиятшунослик назариясида шаклланган бўлиб, илк бор С.Лем томонидан таклиф қилинган. “Cultureme” – атамаси француз социологи Абрахам Молес томонидан 1973 йилда фанга киритилган. *Культуремалар* бевосита олам манзарасининг бир қисмидир ва, албатта, луғат тузишда ҳамда лексикографик масалаларни ҳал этишда уларни таржима қилиш масалаларга алоҳида эътибор бериш зарур. Лингвокультурология фанида “культурема” атамаси турли жиҳатдан талқин этилиб, ҳар қайси тадқиқотчи ушбу атаманинг ўзига хос изоҳини берган. В.Гак *культуремани* лисоний ифодага эга маданият рамзи сифатида талқин этган¹. бўлса, А.Вежицкая тил сатҳларининг ўзаро бирлиги сифатида изоҳлаб, унинг шакли тил ва рамзларнинг бирикувидан иборат бўлиб, мундарижаси эса тилдаги маъно ва маданият уйғунлашувини назарда тутди². *Культуремаларни* маданиятлараро мулоқот жараёнида қўллашда асосий ва муҳим ўрин лексикографик масалаларга ажратилган. Икки ёки ундан ортиқ тилли луғат тузишда бир тил *культуремаларининг* бошқа тилга ўтирилишида фразеологик бўшлиқ ва маданиятлараро лисоний ассиметрик ҳолатлар мавжуд бўлиб, таржимонлардан ФБнинг эквиваленти ёки аналогини топиш асосий масалалардан ҳисобланади. Эквиваленти ёки аналогини топилмаган ҳолатда таржимон тасвирли изоҳ, калька, транслитерация усулларида фойдаланиши мумкин. Агар икки миллат менталитети бир-бирига яқин бўлса ёки тарихий, жўғрофий, маданий, ижтимоий жиҳатдан тенг ифодаланса, ФБлар бир тилдан иккинчисига калька усули орқали

¹ Гак В.Г. Прагматика и языковое варьирование // Гак В.Г. Языковые преобразования. – М., 1998. – С.554-586.

² Wierzbicka A. Boys Will Be Boys: Radical Semantics vs. Radical Pragmatics // Language, 1987. – P.95-114.



таржима қилинади. Рус ва инглиз тиллари соҳибларининг диний ҳамда мифологик тушунчалари ўхшашлиги туфайли, ҳар икки тилда ҳам фразеологик бирликларнинг муқобил эквивалентлари кўп учрайди, масалан, *Эзопов тили*, *Ахиллесова пята*, *Сизифов труд* каби. Шунинг учун луғат тузишда ФБларнинг маъносини тўғри бера олиш, мазмун жиҳатдан уларни лингвомаданий хусусиятларини кўрсата олиш таржимондан юксак маҳоратни талаб қилади.

Айнан маданиятга тааллуқли ҳамда ислом дини билан боғлиқ *культуремалар* ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Культуремалар бир тилдан иккинчи тилга осон ва ҳеч бир тўсиқларсиз ўзлаштирилиши мумкин.

Қора суюк ибораси ўзбек тилида одамнинг паст табақага масублигини ифодалайди, лекин бу иборага мувофиқ ибора на инглиз тилида, на рус тилида топилмади, шунинг учун биз ҳам бу ибора учун рус тилидаги айрим адабиётларда келтирилган *чернь* сўзини қўллашни маъқул топдик. Инглиз тилида ушбу иборани турли лексик бирликлар орқали ифодалаш мумкин.

“Маданий кодлар”га тааллуқли сифатни ифодаловчи СФБлар учта тилда ҳам талайгина, буларнинг таржимаси хусусида тўхталишни лозим деб топмадик, чунки ушбу “маданий код”га тааллуқли СФБлар калькалаш орқали осон таржима қилиниши мумкин ва калька усули ҳар бир тилда ушбу ФБларнинг хусусиятини сақлаб қолади.

С.Ғазиева ва А.Узбеков таржиманинг лингвомаданий хусусиятларини ифодалашда миллатнинг миллий, жуғрофий, маънавий, диний, ахлоқий аспекти мужассам ифода этилганлиги асосий ва муҳим омиллардан бири эканлигини таъкидлайдилар¹. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос хусусиятлари бошқа миллатда учрамайди ва ўзининг ягоналиги билан ажралиб туради. Шунинг учун таржимада миллий коннотацияларни кўрсата олиш таржимондан махсус қобилият талаб қилади. Ҳар қайси миллатнинг бадиий асарларида миллий фазилатлар намоён бўлади. Ушбу миллий фазилатларни таржима қилиш жараёнида ўзига хос қийинчиликлар, муаммолар ҳам вужудга келиши ҳам табиий. Айнан ушбу муаммоларни аниқлаш, таржимада мувофиқ усулларни таклиф қилиш, мувофиқ сўзларни, идиомаларни бериш диққатга сазовор масаладир. Таржимон бир миллатга хос хусусиятларни бошқа миллат тилига тақдим этишнинг ўзига хос йўллари била олиши керак. Мазур тадқиқот ишида биз бадиий асарлар таржимасида СФБларнинг ўзга тилга тақдим этиш масалаларини ёритишга, таржимада айрим камчиликларга, эквивалентлик ва эквивалентсиз ҳолатларга ўз эътиборимизни қаратдик.

СФБларнинг таржима жараёнида, юқорида эслатиб ўтганимиздек, ўзбек тилида кўп ФБлар инглиз ва рус тилига оддий лексик бирликлар орқали узатилади. Биз куйидаги мисолларни таҳлил қилишда М.Абдурахимовнинг

¹ Ғазиева С., Узбеков А. Таржиманинг лингвокультурологик муаммолари // Science and Education. – Т., 2020. – №.4. – Б.118.



қиска ўзбекча-русча ФБлар луғатидан фойдаландик¹. Масалан, *бошига кўтармоқ* соматик фразеологик бирлиги рус тилида эквиваленти ва аналоглари йўқлиги туфайли лексик бирликлар орқали таржима қилинган.

ФБлар таржимасидаги прагматик мувофиқликларнинг асосий 3 тури куйидагилар:

1. Тўлиқ мос келиш: *бошини йўқотмоқ – терять голову – to lose one's head.*

2. Қисман мос келиш: *бир қарич тил – длинный язык – long tongue; товуқ мия – куринные мозги – bird brain/sparrow brain.*

3. Бутунлай мос келмаслик: *кўз(у) ёримоқ – родить – give birth.*

Аслият тилидаги матнни таржима тилига ўгиришда прагматик омилларни ҳисобга олиш зарурати хорижий тил фразеологизмларини ўзбек тилига таржима қилишда кўзга яққол ташланади. Масалан, меҳмонларни зиёфатга таклиф қилиш учун иллокутив нутқий ҳаракатни инглизлар “*I'd love to/I'd be happy to/I am pleased to/I'll gladly*”, ўзбеклар эса “*Бош устига/Жоним билан*”, руслар “*С большим удовольствием/К вашим услугам/С готовностью*” ибораси орқали изҳор қиладилар. Матнда ёки нутқда тарихий, маданий, географик, миллий прагматик аҳборотларни ифодаловчи реалиялар таржима тилида калькалаш, изоҳлаш, тушунтириш, матн ичида ёки остида иқтибос келтириш усулларидан фойдаланишни тақозо қилади.

Чол-кампир қишлоққа боришса бошига кўтаради, уйнинг тўрини шуларга бўшатиб беради. (О.Ёқубов, Диёнат)

А когда старики приезжали к нему в кишлак, он оказывал им все почести, отдавал им лучшую комнату.

М.Абдурахимов луғатининг ўзига хос жиҳати шундаки, ушбу луғатшунос ФБларнинг аналог вариантлари ҳам келтириб ўтади. Таржимада *бошига кўтармоқ* соматик фразеологик бирлиги рус тилида *носить на руках* деб берилган.

Бош компонентли СФБларнинг сони ўзбек тилида талайгина. Ушбу соматик иборалар турли семантик гуруҳларга киритилиши билан “маданий кодлар”да битта гуруҳ аъзолари ҳам бўлиши мумкин. Мазкур тадқиқот ишида биз соматик ибораларнинг лингвомаданий хусусиятларига эътибор қаратар эканмиз, асосий урғу уларнинг “маданий кодлар” орқали қайси гуруҳларда таснифланишини, ҳар қайси тилда “маданий кодлар”га тааллуқли СФБлар ранг-баранглиги билан таърифланишини ҳамда бир тилдан иккинчисига узатилганда соматик ибораларда “маданий кодлар” ўзгариши ёки умуман ФБ эмас, лексик бирлик сифатида таржима қилинишини кўп учрайдиган ҳолатлардан дейиш мумкин.

Инглиз ва рус тилларидаги ФБларнинг аксарияти калька орқали олинган. Лекин айрим ҳолатда инглиз ёки рус халқининг миллий удумларини бошқа тилларга етказишда таржиманинг бошқа усуллари ҳам қўлланилади. Масалан, *ветер в голове* ФБнинг инглиз тилидаги *mush for brains, scatterbrain* аналогли

¹Абдурахимов М. Қискача ўзбекча-русча фразеологик луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 183 б.



таржимаси орқали рус ва инглиз халқларининг муштарак менталитети ифода этилмоқда.

Мулоқот жараёнида фразеологизмларнинг турли маънога эгаллиги, бўёқдорлиги нутқда намоён бўлади. Ҳар бир матн ўз хусусиятига кўра коммуникатив жараёнга тааллуқлидир. Коммуникатив жараёнда узатувчи томонидан берилган маълумот қабул қилувчи томонидан англианиши керак. Ана шу тариқа қабул қилувчи маълум маънода матн билан боғланиб, прагматик муносабатларни амалга оширади. Матнда берилган маълумот орқали қабул қилувчида маълумотга нисбатан прагматик таъсир намоён бўлади ва матннинг прагматик потенциали сифатида талқин этилади. Матннинг прагматик потенциали маълумот узатувчи томонидан маълумот узатишдаги мантикий ва коннотатив маънога эга тил воситалари ҳисобланади. Натижада, матн коммуникатив потенциалга эга бўлиб, маълумотни қабул қилувчига коммуникатив таъсир ўтказиши зарур. Айрим ҳолларда матн прагматикаси маълумот узатувчининг асл коммуникатив ниятига мос келмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун маълумот қабул қилувчи, матн ва маълумот узатувчи ўртасида маълум бир муносабатлар шаклланиши зарур. Маълумот қабул қилувчига прагматик таъсир ўтказиш ҳар қайси коммуникатив жараённинг муҳим қисмидир.

Умуман олганда, СФБларнинг қиёсий тадқиқида ва уларнинг таржима масалаларида инглиз ва рус тилларидан ўзбек тилига таржима қилишда энг кўп тарқалган усул – бу эквивалентлик, кейинги ўринда эса аналогли таржима усулидир. Эквивалентли ва аналогли таржима усуллари ибора маъносини ифода эта олмаса, тасвирли изоҳ ва лексик баён таржима усулларида фойдаланиш мумкин. Инглиз тилидан рус тилига таржима жараёнида биз кўпроқ калькаланиш, эквивалентлик ва аналогли таржима усуллари қўлладик. Инглиз ва рус халқлари дунёқараши ва уларда оламнинг миллий манзарасининг деярли бир хиллиги таржима жараёнида муаммоларни вужудга келтирмади. Лекин инглиз ва ўзбек тиллари турли тизимдаги тиллар бўлиб, ўзбек ва инглиз халқларининг менталитети ва оламнинг миллий манзарасида катта фарқ кузатилади, шунинг учун бу тилларда калька усули билан ибораларни ўтириш ўзини оқламади, чунки калькаланиш иборалар асл моҳиятини тўлиқ кўрсата олмади. Инглиз халқининг дунёқараши, миллийлиги, ўзига хослиги ушбу халқнинг маънавий ва маданий лисоний меросида сақланиб, ибораларда жамланади. Табиийки, калька усули турли тушунмовчиликларга олиб келиши ҳам мумкин эди. Бу ўринда тасвирли изоҳ ва лексик баён таржима усулларида фойдаланиш анча самарали бўлади. Ва айтиш мумкинки, таржимада тасвирли изоҳ ҳамда лексик баёндан фойдаланар эканмиз, бунда иборалар коннотациялари, ФБлар бераётган экспрессивлик, эмоционаллик бутунлай йўқолади ва тилнинг фразеологик қатлами орқали эмас, балки лексик қатлам орқали ифодаланиш зарурияти келиб чиқади. Бунда, албатта, иборалар асл маъносининг бошқа тилда таърифланиш имконияти бўлади, лекин ибораларга хос миллий хусусият акс этмайди.

**ХИДИРАЛИЕВ ҲУСАИН**

ф.ф.н., доцент, ТДШУ.

Қуръони карим матнида “ақала” (ақл юритмоқ) ва “факкара” (тафаккур қилмоқ, фикрламоқ) феъли о’заклари асосидаги со’зларнинг маъно товланишлари

Аннотация. Мақолада Қуръони карим матнида “ақала” (ақл ишлатмоқ) ва “факкара” (тафаккур қилмоқ, фикрламоқ) феъл ўзаклари асосидаги сўзларнинг маъно товланишлари, ислом динида илм масаласи, илмни ўрганиши, илмни ривожлантириши, илм ва имон тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида сўз юритилади. Бунинг учун Европанинг шарқшунос, исломишунос олимларидан М.Роденсон, Е.Фролова, М.Букай ва америкалик олим Ф.Роузентал фикрларига ҳам мурожаат этилади. Масалан, америкалик олим Ф.Роузенталнинг «Илм тантанаси» китоби илм ва имон тушунчаларининг ўзаро нақадар яқинлиги ва боғлиқлиги, Ислом динида уларнинг бир-бирига зид эмас, аксинча, мувофиқ бўлиб, ҳатто бир-биридан алоҳида тасаввур қилинмаслигини исботлашга бағишланган. Аммо бу китобда асосан “алима” феъли ва “илм” сўзига урғу берилиб, “ақала” ва “факкара” феъл ўзаклари асосидаги сўзлар назардан четда қолган. Ушбу мақола эса Ислом динининг муқаддас китобида бевосита ақлни ишлатиши ва тафаккур қилишига нақадар эътибор қаратилганини матний тадқиқ асосида исботлашга қаратилган.

Калит сўзлар: Ислом, Қуръони карим, илм, имон, категория, ақл юритиши, тафаккур, маъно, нисбат, таълимот, тараққиёт, маънавият, маданият, таржима, қиёслаш.

Аннотация. В статье речь идёт о значениях слов, приведённых в тексте Корана, образованных от корней глаголов «ақала» (разуметь, размышлять) и «факкара» (мыслить, размышлять), о науке и обучении в исламе, а также о взаимосвязи понятий науки и веры в исламе. Так в статье приводятся мысли по данному вопросу таких европейских ученых-востоковедов и исламоведов как М.Роденсон, Е.Фролова, М.Букай и американского ученого Ф.Роузенталя. Например, книга «Торжество знания» американского ученого Ф.Роузенталя посвящена доказательству тесной близости и взаимосвязи концепций науки и веры в исламе, что они не противоречат друг другу, а скорее гармоничны, взаимосвязаны, взаимодополняют друг друга, и в отдельности их не возможно представить. Но в этой книге акцент делается на глагол «'alīma» (знать) и слово «'ilmīn» (знание), а слова, образованные от корней глаголов «ақала» (разуметь, размышлять) и «факкара» (мыслить, размышлять) были упущены из виду. Данная статья, основываясь на выводы текстологического анализа направлена на доказательство того, как много внимание уделяется использованию и созерцанию человеческого разума и интеллекта в Исламе.

Ключевые слова: Ислам, Коран, наука, вера, категория, размышлять, мышление, суть, смысл, значение, соотношение, учение, прогресс, духовность, культура, перевод, анализ.

Annotation. The article deals with the meanings of the words given in the text of the Qur'an, formed from the roots of the verbs "ақала"(to understand, reflect) and "факкара" (to think, reflect), about science and learning in Islam, as well as the relationship between the concepts of science and faith in Islam. Thus, the article presents the thoughts on this issue of such European scientists-Orientalists and Islamic scholars as M.Rodenson, E.Frolova,



M.Bukay and American scientist F.Rosenthal. For example, the book "the Triumph of knowledge" by the American scientist F.Rosenthal is dedicated to proving the close proximity and interrelationship of the concepts of science and faith in Islam, that they do not contradict each other, but rather are harmonious, interrelated, complementary to each other, and it is not possible to imagine them separately. But in this book, the emphasis is on the verb 'alima' (to know) and the word 'ilmun' (the knowledge), and the words formed from the roots of the verbs 'yaqala' (to understand, to reflect) and 'fakkar' (to think, to reflect) have been overlooked.

This article, based on the conclusions of textual analysis, is aimed at proving how much attention is paid to the use and contemplation of the human mind and intellect in Islam.

Key words: *Islam, Quran, science, faith, category, think, essence, meaning, correlation, teaching, progress, spirituality, culture, translation, analysis.*

Кириш. Собик шўро олими Е.А.Фролова 1983 йилда босилиб чиққан «Араб фалсафасида илм ва имон масалалари» китобида М.Роденсон, Ф.Роузентал каби Ғарб шарқшуносларнинг ислом рационалиزمи ҳақидаги қарашларига танқидий муносабат билдириб, ёзади: «Бундай талқинлар аксаран сунъий кўринади. Қуръонда «илм» имонга алоқадордир... «Илм» сўзи Қуръонда, баъзи тадқиқотчилар уринишганидек, ўз том маъносида Ислом таълимотининг рационализмга гувоҳлик беришини фақат шартли равишда қабул қилиш мумкин ва улар (яъни, юқоридаги олимлар) келтирган далиллар мутлақо ислом дини илми, ақлнинг қимматини тан олишини билдирмайди».

Бундай мулоҳазалар ўша давр мафкуравий вазиятидан келиб чиқиб айтилгани маълум, албатта. Фақат бир нарсани тан олиш керакки, дарҳақиқат, Америка олими Ф.Роузенталнинг «Илм тантанаси» китобида Қуръон матнида 750 мартадан кўпроқ учровчи «'alima»(билмоқ) феъли ўзагидан ясалган сўзлар кенг таҳлил қилингани ҳолда айни рационализмга (яъни ақлга таянишга) урғу берувчи «yaqala» (ақл ишлатмоқ) ва «fakkar»(тафаккур қилмоқ, фикр юритмоқ) феъл ўзакларидан ясалган сўзлар мутлақо тадқиқ этилмайди. Натижада Е.А.Фролова айтганидек, олимнинг далиллари етарли кучга эга бўлмай қолган. Лекин француз шарқшуноси М.Роденсон «yaqala»(ақл ишлатмоқ) феълнинг Қуръон матнида кўп марта учраши, жумладан, 13 марта «Наҳотки сиз ақлни ишлатмайсиз?» деган хитоб қайтарилишини таъкидлаб ўтган. Бундан ташқари яна бир француз олими М.Букайнинг «Қуръони Карим, Таврот, Инжил ва илм» китобида [3], олдинги илоҳий китобларнинг бизгача етиб келган матнидан фарқли ўлароқ, Қуръони Карим матни мазмунининг моддий оламни ўрганишда ҳозирги замон илми эришган энг янги натижалари билан мутлақо мувофиқ эканлигини ишончли далиллар билан исботлаб берган. Унинг китобида айни «yaqala»(ақл ишлатмоқ) ва «fakkar»(тафаккур қилмоқ, фикр юритмоқ) феъл ўзаклари асосида ясалган сўзлар учровчи қатор оятлар мисол қилиб келтирилган. Албатта, М.Букай китобида бундай сўзлар учраган барча оятларни камраб олиш ва уларни батафсил тадқиқ этиш мақсад қилиб қўйилмаган.

Қуръони карим матнида “yaqala” (ақл ишлатмоқ) феъл негизи асосида ясалган сўзлар 48 марта, “fakkar” (тафаккур қилмоқ, фикр юритмоқ) феъл негизи



асосида ясалган сўзлар 17 марта учрайди. Ўзаро яқин маъноларни ифодаловчи бу сўзларни қайси таркибда учрашига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин.

Сўзларнинг қайси грамматик шаклда турганлиги билан уларнинг ҳар бир муайян ўриндаги маъноси орасида кўпинча қандайдир даражада боғланиш кузатилади. Оятлардаги ҳар қандай жузъий ўзига хослик алоҳида аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, ҳар бир феълнинг барча шакллари (майл, замон, шахс, сон, жинсдаги фарқларига кўра) ва исм-сўзларнинг сўз бирикма ва гапдаги вазифалари матндаги учраш ўринлари билан муайян тартибда тўлиқ қайд этилди. Бундай тартибнинг танланишида муайян феъл шаклларининг матнда нисбатан қанча кўп такрорий учраши ҳам ҳисобга олинди.

I. “Бақала” (ақл ишлатмоқ) феъли негизида ясалган сўзлар:

1) исмий иборалар таркибида – 11 марта:

Таҳлил шуни кўрсатдики, “aqala” ва “факкара” феъл ўзаклари асосида ясалган алоҳида исм-сўзлар (“aqlun”(ақл), “fikrun”(фикр), “aaqilun”(оқил инсон), “faakirun”(фикрловчи)) Куръон матнида учрамайди. Исмий иборалар таркибида учраган ушбу феъл ўзаклари асосидаги сўзлар ҳам аслида шаклий жиҳатидан муайян замон ва шахс-сонни ифодаловчи феъл ҳолатида бўлиб, араб тилига хос усулда ясалувчи мазкур турғун иборалар фақат мазмуний жиҳатдан исмий сўз бирикма вазифасини бажариб келади.)

а) “қавмун яъкилуна” (англайдиган, ақл юритадиган қавм) –

8 марта (2:164; 13:4; 16:12,67; 29:35; 30:24,28; 45:5)

б) “қуллубун яъкилуна” (онгли диллар) – **1 марта** (22:46)

в) “қавмун ла яъкилуна” (англамайдиган қавм) – **2 марта** (5:58;59:14)

2) феълий иборалар таркибида – 37 марта

II. “Тафаккара”(фикр юритмоқ) феъли негизида ясалган сўзлар:

1) исмий иборалар таркибида – 7 марта

а) “қавмун ятафаккаруна” (фикр юритадиган қавм) - (10:24; 13:3; 16:11,69; 30:21; 39:42; 45:13;)

Бу ибора барча учраган ўринларида “**фии залика ла аятан ли қавмин ятафаккаруна**” (фикр юритадиган қавм учун аломатлар бордир) жумласи таркибида келади.

2) феълий иборалар таркибида – 11 марта

А) “татафаккаруна” (ҳозирги замон, 2-шахс, музаккар, кўплик, тасдиқ шакли) – 4 марта

1) “ ятафаккаруна” “ ятафаккаруна» (ҳозирги замон, 3-шахс, музаккар, кўплик, тасдиқ шакли) – **7 марта**

Илмий таҳлилга жалб этилган сўзларнинг ҳар бир ишлатилиш ўрнида ифодаланган маънони аниқ тасаввур этиш учун икки хил йўлдан бориш мумкин. Биринчиси, анъанавий усул бўлиб, унда мавжуд тафсирлар берган талқинлар қиёсий ўрганилади. Бу усул учун иккиламчи асос бўлган манбалар: ҳадислар, исроилиётлар, дин тафсирчи уламоларининг мантиқий-қиёсий хулосалари ва ҳ.к.ларда ўз аксини топган маънолар Аллоҳ оятларининг маъноларига ўз таъси-



рини ўтказиши табиий бўлиб, бу ҳолат соф филологик талқин доирасидан чиқиб кетади.

Иккинчиси, замонавий структурал ёндошув услуби бўлиб, унга кўра сўзнинг семантик қурилиши унинг муайян жумла таркибидаги бошқа сўзлар билан маъно муносабатларига қараб аниқланади. Биз ўз таҳлилимизда айни шу иккинчи йўлдан боришга ҳаракат қилдик ва буни контекстуал семантик таҳлил деб атадик. Контекстуал семантик таҳлил деганда керакли сўзнинг барча учраган ўринларини ҳисобга олиб, уларни муайян принцип асосида таснифлаш ва фақат ушбу таснифлаш натижаларига кўра маъно гуруҳларини ажратиш назарда тутилди.

Бунда асосан шаклдан маънога қараб бориш қоидаси (принципи) қўлланилди. Яъни таҳлил учун ажратиб олинган сўзлар шакли ва жумлада учраш ўрнига биноан босқичма-босқич таҳлил этилди. Контекстуал таҳлилда Қуръони карим матнидаги ҳар бир сўзнинг учраш ўрни қуйидаги тартиб асосида кўриб чиқилиши мумкин:

1. Сўз бирикма.
2. Оят ёки жумла (агар оятнинг чегараси билан яхлит мазмунга эга бўлган жумла чегараси мувофиқ тушмаса).
3. Сура ёки унинг мазмуний яхлитликка эга бир қисми.
4. Тафсир (биринчи навбатда, оятларнинг Расулulloҳ (с.а.в.) томонидан қилинган тафсирлари – яъни, ҳадислар).

Ушбу тадқиқот доирасида асосан сўз бирикма, оят ёки жумла даражасидаги таҳлил билан чекланиб, яхлит сура мазмуни ва тафсирларга фақат алоҳида ҳолатлардагина мурожаат қилиш лозим кўрилди.

Муайян сўзнинг маъно товланишларини аниқлашда, унинг жумла таркибидаги ўрни ва бошқа гап бўлаклари билан боғланиш муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли контекстуал таҳлил учун танланган сўзнинг гапдаги синтактик (ва керак ўринларда, мантиқий) боғланишларига эътибор берилди.

Одатда агар феъл таҳлил қилинадиган бўлса, биринчи босқичда, ушбу иш-ҳаракат ким томонидан амалга оширилмоқда, яъни унинг эгаси (субъект-S.) ким эканлигига кўра таснифланиши мақбул кўрилади. Лекин биз таҳлил этаётган «ъақала», «факкара» ва «тафаккара» феълларининг Қуръони карим матнида ишлатилишидаги ўзига хос ҳолатдан келиб чиқиб, яна бир таснифлаш босқичи киритилди. Ушбу босқичда «мурожаат этувчи ким?» деган саволга жавоб қидирилди. Чунки матнда «Ақлни ишлатмайсизларми?», «Шояд фикр юритсангиз» каби хитобий иборалар кўп учраши ушбу хитоб ким томонидан қилинаётганини эътиборга олишни тақозо этади. Кейинги, учинчи босқичда иш-ҳаракат кимга нисбатан амалга оширилгани ҳисобга олинди. Бунда таҳлил объекти бўлмиш конкрет феъллар ўтимсиз эканлиги сабабли кўпинча грамматик эмас, мантиқий боғланишга эътибор қаратилди.



Айтилганларни содда қилиб ифодалайдиган бўлсак, биз қуйидаги таҳлилда шундай саволларга жавоблар қидирамиз:

- 1) Ким мурожаат этмоқда?
- 2) Кимга мурожаат этмоқда?
- 3) Нима ҳақида мурожаат этилмоқда?

Матн таҳлили асосида:

1-биринчи саволга – “Ким мурожаат қилмоқда?” қуйидаги тартибда натижалар олинди:

• **«сяқала» (ақл ишлатмоқ) феъли:**

- 1) Аллоҳ таоло (мурожаат этмоқда) – 19 марта
(2:44; 3:65; 6:32; 7:169; 12:109; 21:10; 23:80; 28:60; 37:138; 2:73; 2:242;
6:151; 12:2; 24:61; 40:67; 43:3; 57:17; 3:118; 36:62);
- 2) Пайғамбарлар – 4 марта (Муҳаммад (с.а.в.) – 10:16; Худ (а.с.) – 11:51;
Иброҳим (а.с.) – 21:67; Мусо (а.с.) – 26:28);
- 3) Мунофиқлар – 1 марта (2:76).

• **“тафаккара»(фикр юритмоқ) феъли:**

- 1) Аллоҳ таоло (мурожаат этмоқда) – 4 марта(2:219; 2:266; 30:8; 7:184);
 - 2) Муҳаммад (а.с.) – 2 марта (6:50; 34:46).
- 2-иккинчи саволга – “Кимга мурожаат этмоқда?” қуйидагича жавоблар

олинди:

• **«сяқала» (ақл ишлатмоқ) феъли:**

- 1) Инсонларга (инсониятга, Одам авлодига) – 11 марта (6:32; 7:169; 12:109;
21:10; 23:80; 28:60; 2:73; 2:242; 6:151; 40:67; 36:62);
- 1а) Инсонларга (арабларга) – 2 марта (12:2; 43:3);
- 2) Аҳли китоблар (яхудийлар ва насронийлар)га – 1 марта (3:65);
- 3) Макка шаҳри аҳлига – 1 марта(37:138);
- 4) Мўминларга (имон келтирганларга) – 3 марта (24:61; 57:17; 3:118);
- 5) Пайғамбарлар ўз қавмига – 3 марта (10:16; 11:51; 21:67);
- 5а) Мусо (а.с.) Фиръавн ва аёнларига – 1 марта (26:28);
- 6) (Мунофиқлар) бир-бирларига – 1 марта (2:76);

• **“Тафаккара»(фикр юритмоқ) феъли**

- 1) Инсонларга – 2 марта (2:219; 2:266);
- 1а) Ғофил инсонлар ҳақида – 1 марта (30:8);
- 2) Аллоҳ оятларини ёлғонга чиқарувчилар ҳақида – 1 марта (7:184);
- 3) (Муҳаммад (с.а.в.)) ўз умматига – 1 марта (6:50);
- 3а) (Муҳаммад (с.а.в.)) (мушрикларга) – 1 марта (34:46);

Агар биринчи ва иккинчи саволларга жавобда асосан феълларнинг иккинчи шахс (кўпликда) келган ўринлари таҳлилга жалб этилган бўлса, учинчи саволга жавоб учун «сяқала», «факкара» ва «тафаккара» феълларининг Қуръони карим матнида истифода этилган барча ўринларини таҳлилга тортиш лозим топилди. Буерда нима ҳақида ақл ишлатиш ва фикр юритиш кераклиги масаласини тўлиқ қамраб олиш муҳим эканлиги инобатга олинди.



1) Моддий дунёда рўй бераётган ҳодисалар (табиат қонунлари) ҳақида фикр юритиши ва ақлни ишлатиб хулосалар чиқариши ҳақида – 16 марта

а) “қавмун яъкилуна” – 3 марта (2:164; 13:4; 45:5) Масалан: “Яна кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ва Аллоҳ осмондан ёғдириб, у билан “ўлган” ерни “тирилтирган” ризк(ёмғир)да ҳамда шамолларнинг йўналтирилишида ақл юргизадиган қавм учун аломатлар бордир”.

б) “қулубун яъкилуна” – 1 марта (22:46 - Ахир улар (Макка мушриклари) ер юзиде сайр қилмайдиларми, (ана ўшанда) улар учун онгли диллар, тинглайдиган қулоқлар бўлур эди. Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкраклардаги қалблар кўр бўлур).

в) “қавмун ятафаккаруна» – 3 марта (13:3; 16:11; 16:69;)

г) феъллий ибораларда:

- “**а фа ла таъкилуна” – 2 марта** (12:109; 23:80;)
- “**а фа ла яъкилуна” – 1 марта** (36:68)
- “**лааллакум таъкилуна” – 2 марта** (40:67; 57:17)
- “**ятафаккаруна” – 1 марта** – (3:191)
- “**а ва лам ятафаккаруу” – 1 марта** (30:8)

Шу жумладан:

1а) Ер юзиде халифа сифатида бутун моддий борлиққа ҳукмдорлик ҳуқуқи берилган Инсоннинг ушбу ўз тасарруфидаги дунёга ақл кўзи билан ёндошуви лозимлиги ҳақида – 2 марта

• “**қавмун яъкилуна”–1 марта** - 16:12 – “У сизлар учун кеча ва кундузни, куёш ва ойни бўйсундириб қўйди. Юлдузлар ҳам Унинг амрига бўйсундирилганлар. Албатта, бунда англайдиган қавм учун аломатлар бордир.”

• “**қавмун ятафаккаруна» – 1 марта** 45:13 – У Ўз томонидан сизларга осмонлардаги ва ердаги барча нарсаларни бўйинсундирди. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун аломатлар бордир.

2) Ақл ишлатмайдиганлар ҳақида - 14 марта

Шу жумладан:

2а) Аллоҳ наздида улар кўр, қар ва соқов бўлган онгсиз ҳайвонлар каби тубан саналадилар – 4 марта

• “**ла яъкилуна” (ақл юритмаганлар) – 3 марта** (2:171; 8:22; 10:42) Масалан: 8:22 - Аллоҳнинг наздида ҳайвонларнинг энг ёмони бу ақлни ишлатмайдиган “қар” ва “соқов”лардир.

• “**ав яъкилуна” (ёки ақл юргизганда ангаб оладилар) - 1 марта** - 25:44 – “Ёки Сиз уларнинг кўпларини (ҳақ сўзни) тинглай оладилар ё англай оладилар деб ўйлайсизми?! (Йўқ, асло!) Улар ҳайвонларнинг худди ўзи. Балки, улар янада йўлдан озганроқдирлар”.

2б) Улар ҳақиқатни топа олмайдилар, натижада тўғри йўлдан адашиб, шайтонга алданиб қоладилар - 4 марта



• “**ла яьқилуна**” (ақли етмайдиғанлар) – **3 марта** (2:170; 36:62; 39:43) – Масалан: 2:170 – “Уларга (мушрикларга): “Аллох нозил этган(оятлар)га эргашиңиз!” – дейилса, улар: “Йўқ, биз ота-боболаримизни не узра топган бўлсак, ўшанга эргашамиз”, - дейдилар. Ота-боболари агар ҳеч нарсага ақллари етмайдиған ва тўғри йўлдан юрмайдиғанлар бўлсалар-чи?!”

• “**а фа ла таьқилуна**” (ақл юритмайсизларми?)– **1 марта** (21:67)

2в) Улар Аллохнинг азобига дучор бўлурлар – 2 марта

• “**аллазина ла яьқилуна**” (ақл юритмайдиғанлар)– **1 марта** - 10:100 – “Аллохнинг изнисиз ҳеч бир жон (инсон) имон келтира олмас. Азобни эса (Аллох) ақл юритмайдиғанларга раво кўрар”.

• “**наьқилу**”(ақл юргизувчи бўлганимизда) – **1 марта** (67:10 – “Улар кофирлар” яна: “Агар бизлар (пайғамбар сўзларини) тинглаб, ақл юргизувчи бўлганимизда, дўзах аҳлидан бўлмас эдик”, - дерлар).

2г) Улар ақл ишлатмаслик натижасида Аллох қудратига ишонмайдилар ва унинг буйруқларини назарга илмайдилар - 3 марта

• “қавмун ла яьқилуна” (англамайдиған қавм) – 2 марта (5:58; 59:14) Масалан: 5:58 – (Улар) намозга азон айтсанғизлар, уни (намозни) мазах ва ўйин қилиб оладилар. Бу уларнинг англамайдиған қавм эканидан (далолатдир).

“аксарухум ла яьқилуна” (кўплари ақл юритмайдилар) – 1 марта - 9:63 – “Қасамки, агар Сиз улардан: “Осмондан сув (ёмғир) ёғдириб ерни “ўлганидан” сўнг “тирилтирган” зот ким?, - деб сўрасанғиз, албатта, улар: “Аллох” дерлар. Сиз (уларга): “Аллохга – ҳамд!”, - деб айтиңг! Йўқ, уларнинг аксарияти ақл юритмайдилар”.

2е) Қуфр келтирувчи ва ёлгончи бўладилар - 1 марта

• “**ла яьқилуна**”(ақл юритмайдилар) – 5:103;

3) Аллох ваҳий этган оятлар (илоҳий китоблар матни) устида фикр юритиши ҳақида – 10 марта

• “**а фа ла таьқилуна**”(сизлар (кўплик) ақл юритмайсизларми?) – **2 марта** (2:44; 21:10)

• “**лааллакум таьқилуна**” (ақл юргизиш учун) – **5 марта** (2:242; 6:151; 12:2; 24:61; 43:3) Масалан: 6:151 – «Айтиңг: «Келиңлар, Раббинғиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни ўқиб берай: - У зотга бирор нарсани шерик қилманғиз, ота-онага яхшилиқ қилинғиз, болаларинғизни қашшоқликдан (кўрқиб) ўлдирманғиз – Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз – фаҳш ишларнинг ошкорасига ҳам, пинҳонасига ҳам яқинлашманғиз, Аллох тақиқлаган (жон)ни ноҳақ қатл қилманғиз! Ақл юргизишларинғиз учун (Аллох) ҳукм қилгани шу(лар)дир».

• “**факкара**” (фикр юритди) – **1 марта** (74:18 – «Чунки, у (Қуръон тўғрисида ёмон) фикр юритди ва (нима дейишни) ўйлаб қўйди»).

• “**ятафаккаруна**” (улар(кўплик) фикр юритадилар)– **1 марта** – (16:44);



• “татафаккаруна”(сизлар(кўплик) фикр юритадилар) – **1 марта** - 2:219 - «... Сиздан яна нимани эҳсон қилишлари тўғрисида сўрамоқдалар. (Ўзингиздан) ортганини, деб жавоб беринг. Шундай қилиб, Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён этади, шояд фикр юритсангиз».

4) Инсонлар орасидаги муносабатлар ҳақида - 4 марта

• “қавмун яъқилун” (англайдиган қавм) – **1 марта** (30:28)
 • “қавмун ятафаккарун”(фикр юритувчи қавм) – **1 марта** (30:21)
 • “ва аксараҳум ла яъқилуна” (аксарияти фикр юритмайдилар) – **1 марта** (49:4)

• “ин кунтум таъқилуна” (агар ақл ишлатсангиз) – **1 марта** (3:118)
 3:118 – Эй, имон келтирганлар! Ўзларингиздан ўзгаларни (мунофиқларни) яқин дўст (сирдош) тутмангиз! Улар сизларга нисбатан бузгунчилик қилишда кучларини аямайдилар ва ҳолларингиз забун бўлишини истайдилар. Сизларни ёмон кўришлари оғизлари (сўзлари)дан аён бўлди, дилларида яширган (адоват)лари эса янада каттароқдир. Агар ақлингизни ишлатсангизлар, сизларга оятларни баён қилиб бердик».

5) Тафаккур эгалари учун ибратли мисоллар - 5 марта

• “ятафаккаруна” (шояд улар тафаккур қилсалар) – **3 марта** (7:176; 10:24; 59:21)

Масалан: 59:21- «Агар Биз ушбу Қуръонни бирор тоғ узра нозил қилганимизда эди, албатта, у(тоғ)ни Аллоҳнинг қўркувидан ўзини хор тутган ва ёрилиб кетган ҳолида кўрган бўлур эдингиз. Биз бу мисолларни одамларга зора улар тафаккур қилсалар, деб келтирмоқдамиз».

• “лааллакум татафаккаруна” (шояд фикр юритсангиз) – **1 марта** (2:266)

• “ма яъқилуҳа илла” (фақат англайдилар) – **1 марта** (29:43 – “Ушбу мисолларни Биз одамлар (ибрат олишлари) учун айтурмиз. (Лекин) уларни фақат олимларгина англагайлар”).

б) Пайғамбарлар Аллоҳ изни билан даъват қиладилар - 5 марта

• “а фа ла таъқилуна” (ақл юритмайсизларми?) – **2 марта** (10:16; 11:51;)

• «татафаккаруу» – **1 марта** (34:46)
 (Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Мен сизларга фақат биргина нарсани – Аллоҳ учун жуфт ҳолда ва яқка ҳолингизда туришни, сўнгра тафаккур қилишни насиҳат қилурман. Соҳибингиз (Муҳаммад)да ҳеч қандай жиннилик йўқдир. У фақат қаттиқ азоб олдидан сизларга (юборилган) бир огоҳлантирувчи (пайғамбардир), холос»).

• “а ва лам ятафаккаруу” (улар (мушриклар) фикр юритмайдиларми?) – **1 марта**(7:184)

• “а фа ла татафаккаруна”(сизлар (мушриклар) фикр юритмайсизларми?) – **1 марта** (6:50)



7) Мунофиқлик - билиб туриб ҳақиқатга хиёнат қилиш ҳақида - 4 марта

- “ақалаху”(уни англадилар) – 1 марта (2:75)

“Улар (Исроил авлоди)нинг сизларга ишонишидан умид қиялмасизларми (эй, мусулмонлар)?! Ваҳоланки, улардан бир гуруҳи Аллоҳнинг каломини эшитиб, англаб олганларидан сўнг, била туриб, уни ўзгартирар эдилар-ку!”)

- “**а фа ла таъкилуна**” (ақл юргизмайдиларми?) – **2 марта** (2:76; 3:65)

Масалан: 3:65 – «Эй, аҳли китоблар, нима учун Иброҳим ҳақида (у бизнинг динимизда бўлган деб) баҳслашасизлар? Ахир, Таврот билан Инжил ундан кейин нозил бўлган-ку! Ақлни ишлатмайсизми?!»

- “**факкара**”(фикр қилмоқ) – **1 марта** (74:18)

8) Аллоҳ қудрати ҳақида - 3 марта

- “**қавмун яъкилуна**” (ақл юритувчи қавм) – **1 марта** (30:24)
- “**қавмун ятафаккаруна**” (фикр юритадиган қавм) – **1 марта** (39:42)
- “**Ин кунтум таъкилуна**” (ақл юргизганда эди) – **1 марта** (26:28)

9) Бу дунёдан охиратнинг афзаллиги ҳақида - 3 марта

- “**а фа ла таъкилуна**” (ақл юритмайсизларми?) – **3 марта** (6:32; 7:169; 28:60)

10) Тарихдан ибрат олиш ҳақида - 3 марта

- “**а фа ла таъкилуна**” (ақл юритмайсизларми?) – **1 марта** (37:138;)
- “**лааллакум таъкилуна**” (шояд ақл юритсангизлар) – **1 марта** (2:73;)
- “**қавмун яъкилуна**” (ақл юритувчи қавм) – **1 марта** (29:35)

11) Аллоҳ неъматларидан турлича фойдаланиш ҳақида -1 марта

- “**қавмун яъкилуна**” (ақл юритувчи қавм) – **1 марта** (16:67)

Амалга оширилган тасниф шуни очиқ-ойдин кўрсатиб туриптики, Куръони каримда инсонни ақл ишлатиш, тафаккур қилишга тарғиб этилмоқда, тафаккур қилувчи инсонлар юқори даражада эканлиги таъкидланмоқда. Шунингдек, инсон уни ўраб турган моддий дунёни жиддий ўрганиб, унинг сир-асрорларини англаб, табиатдаги ҳодисаларнинг буюк қонуният ва тартибга бўйсунганлигига эътибор қаратса, атрофидаги ҳодисаларга ақл ва тафаккур билан ёндошса, улардан асл мақсадида фойдаланса, илмга, маърифатга интилса, ўзи учун қанчалик фойдали бўлишига эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, ушбу таҳлилдан ислом дини инсониятни маърифат, тафаккур, маданият, маънавият, эзгуликка, яхшиликка буюриб, ҳеч қачон жоҳиллик, разиллик, ёвузлик ва жаҳолатга рози бўлмаслиги ҳам аниқ ҳақиқат эканлигини яна бир бор очиқ-ойдин кўриниб турипти.



АҲМЕДОВА ДИЛФУЗА

PhD, ўқитувчи, ТДШУ.

Форс тили сўз туркумларининг газета матнларидаги функционал ва услубий хусусиятлари

Аннотация. Ҳозирги кунда тилишуносликда тилни функционал-услубий аспектда ўрганиш жадал ривожланиб бораётган йўналишлардан саналиб, тил бирликларининг турли функционал услублар сатҳида қўлланилишини тадқиқ этишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бутун дунё ижтимоий-сиёсий вазиятининг ўзгариб бориши натижасида матбуот воситаларининг аҳамияти охири боргани сари, уни чуқур ўрганиш талаби ҳам ошмоқда.

Публицистик матнлар, хусусан, газета матнини лингвистик таҳлил қилишга функционал ёндашувда тил бирликларининг семантикаси ва шакли, уларнинг матн ҳосил қилишидаги вазифасидан келиб чиқиб ўрганилади. Ушбу функцияни бажаришида тил бирлигининг семантикаси ва шакли уни газета матнини вужудга келтирувчи воситага айланади. Эронишуносликда ҳам сўз туркумлари ва уларнинг маъновий гуруҳларини функционал услублар доирасида қўлланиши таҳлили алоҳида аҳамият касб этса-да, бу борада махсус тадқиқотлар амалга ошириши долзарб ҳисобланади. Форс тили газета-публицистик услубини тадқиқ этиш замонавий эронишуносликнинг муҳим йўналишларидан саналади.

Калим сўзлар: стилистика, функционал вазифалар, сўз туркумлари, публицистик услуб,

Аннотация. Язык - одно из сложнейших явлений человеческого общества. Определенные языковые средства и стили, которые мы постоянно используем в общении, образуют систему. В связи с непрерывным развитием языка, изменение целей и задач различных функциональных стилей, стилистическое невообразимое разделение речи как инвариантной догмы. Поэтому теоретически не существует общепризнанных критериев стилистической дифференциации стиля. Однако деление на функциональные стили речи представляло собой не только законное, но и необходимое, если оно сделано с учетом динамики процессов, происходящих в естественном языке и обществе. Предметом исследований является газетно-публицистический стиль речи.

Газетно-публицистический стиль имеет специфические особенности и основная задача материалов этого стиля - донести определённую информацию до определённых позиций; Таким образом достигается желаемый эффект для читателя или слушателя. Содержание газеты и информационных сообщений отличается тем, что здесь речь идет о событиях, доступных для широкого понимания слоев неспециалистов, прямо или косвенно связанных с их жизнью и интересами.

Ключевые слова: стилистика, газетно-публицистический стиль, части речи, глагол, текст, тематическая группа, глаголы речи, информативность, функциональные особенности частей речи

Abstract. Currently, one of the actively developing directions in linguistics is language learning in a functional-stylistic aspect. Special attention is paid to the study of the use of language units in different functional styles.

Publicist texts are studied according to the functional approach to linguistic analysis of newspaper texts, investigated based on semantics and form of language units, their function in text formation. In the implementation of this function, the semantics and form of the language



unit are transformed into a means of generating newspaper text. Although the analysis of the application of parts of speech and their semantic groups within functional styles is particularly important in iranistics, there are no studies on this subject. The study of the newspaper-publicist style of Persian is the most important direction of modern iranistics

Key words: stylistics, newspaper style, qualitative adjectives, relative adjectives, verbs, text, thematic group, verbs of speech, informative, functional features of verbs

Кириш. Жаҳон тилшунослигида ҳозирги кунда тилни функционал-услубий аспектда ўрганиш жадал ривожланиб бораётган йўналишлардан саналиб, тил бирликларининг турли функционал услублар сатҳида қўлланишини тадқиқ этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бутун дунё ижтимоий-сиёсий вазиятининг ўзгариб бориши натижасида матбуот воситаларининг аҳамияти ошиб боргани сари, уни чуқур ўрганиш талаби ҳам ошмоқда.

Дунё тилшунослигида публицистик матнлар, хусусан, газета матнини лингвистик таҳлил қилишга функционал ёндашувда тил бирликларининг семантикаси ва шакли, уларнинг матн ҳосил қилишдаги вазифасидан келиб чиқиб ўрганилади. Ушбу функцияни бажаришда тил бирлигининг семантикаси ва шакли уни газета матнини вужудга келтирувчи воситага айланади. Эроншуносликда ҳам сўз туркумлари ва уларнинг маъновий гуруҳларини функционал услублар доирасида қўлланиши таҳлили алоҳида аҳамият касб этсада, бу борада махсус тадқиқотлар амалга ошириш долзарб ҳисобланади. Форс тили газета-публицистик услубини тадқиқ этиш замонавий эроншуносликнинг муҳим йўналишларидан саналади.

Эрон матбуоти тилининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда форс газета матнларининг инглиз тилидаги газета матнлари билан қиёсий таҳлили юзасидан жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: форс тили газета матнларининг риторик хусусиятлари аниқланган (Баку шарқшунослик институти), Эронда катта адабда чоп этилган газеталарда ёритилган мақолаларнинг асосий қисми диний мавзуга бағишлангани исботланган (دانشگاه تهران), Эрон газета матнлари шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий омиллар аниқланган (English and Foreign languages University), Эрон спорт газеталари сарлавҳаларини шакллантирувчи лингвистик омиллар аниқланган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети қошидаги Осиё ва Африка мамлакатлари институти), Эрон газета матнларида араб тилидан ўзлашган неологизмларни қўллаш маҳсулдорлиги исботланган (دانشگاه علامه طباطبائی), хабар бериш газетанинг асосий вазифаси сифатда эътироф этилган (Delhi University), инглиз ва форс газета матнлари қиёсий ўрганилиб, ҳар иккала матнларда метонимия ва метафора қўлланишининг маҳсулдор экани исботланган (Cambridge), инглиз ва форс спорт матнлари қиёсий таҳлили натижасида лингвистик тафовутлардан ташқари маданий фарқларнинг ҳам мавжудлиги аниқланган (Mississippi University).

Бугунги жаҳон тилшунослигида газета-публицистик услуб бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб



борилмоқда: газета дискурсини ёритиш, газета матнларини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий омиллар ролини аниқлаш, газета матнларида қўлланувчи сиёсий терминлар луғатини тузиш, оммавий ахборот воситалари тилининг лингвистик ва ижтимоий омилларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари, хусусан, газета тили бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар қўлами кенгайиб бораётганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Ўзбек тилшунослигида бу борада С.Муҳамедов, А.Бобоева, Д.Тешабоева, К.Юсупов, А.Абдусаидов, И.Тошалиев, Р.Абдусатторов, И.Азимова, Ш.Абдураимова, Б.Йўлдошев, Б.Мирзаев, Я.Маматова, Н.Кодировлар¹, рус тилшунослигида Г.Я.Солганик, А.Н.Васильева, С.Виноградов, М.Володина, М.Н.Кожина, В.Г.Костомаров, О.Александрова, Н.Клушина, Е.Кубрякова, И.Кобозова, И.П.Лисакова, А.Леонтьев, В.Коньков, К.Билинский, Е.Какориналарнинг² тадқиқотлари мавжуд.

¹Муҳамедов С.А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов. Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1981.; Бобоева А. Газета тили ҳақида. – Тошкент, 1983. – 56 б.; Тешабоева Д. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон республикаси ОАВ мисолида). Филол.фан.док. ... дис. – Тошкент, 2012.; Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент, 1986. – 124 б.; Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент, 2005. – 45 б.; Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборот тили ва услуги. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Зар Қалам, 2006. – 248 б.; Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008.; Абдураимова Ш. Сўз ўзлаштириш назарияси ва ўзлаштирмаларнинг вақтли матбуот тилида ўзгара бориши. Филол.фан.номз...дис.автореф. – Тошкент, 1995.; Йўлдошев Б., Мирзаев Б. Ўзбек тилида фрезолеогизм сарлавҳаларнинг стилистик хусусиятлари ҳақида (Матбуот материаллари асосида) // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари СамДУ асарлари. – Самарқанд, 1982. – Б. 109-114.; Маматова Я.М. Современная периодическая печать Узбекистана: система, тематика, тенденции и проблемы функционирования. – Ташкент, 2006. – 280 с.; Кодиров Н. Семантико-стилистический анализ в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001гг. (на материале газет и устной речи): Автореф. дис... канд.филол.наук. – Ташкент, 2001.

²Солганик Г. Газетная лексика. – М.: Высшая школа, 1982. – 110 с.; Васильева А.Н. Газетно-публицистический стиль речи. – М., 1982. – 81 с.; Виноградов С. Язык прессы как сфера формаобразования нормативной рефлексии. Язык СМИ и общие проблемы современной публицистики. Тезисы научной конференции Ф-т журн. МГУ, – М., 1994. –С.44-46.; Володина М. Язык СМИ – основное средство воздействия на массовое сознание. // Учебное пособие: Язык СМИ. – М.: Академический проект, 2008.; Кожина М. Стилистика русского языка. – М.: Просвещение, 1983. – 224 с.; Костомаров В. Русский язык на газетной полосе (некоторые особенности языка современной газетной публицистики). – М., МГУ, 1971. – 268 с.; Александрова О. Язык средств массовой информации как часть коллективного пространства общества. Evarist/norod.ru/text12/07.htm.; Клушина Н.И. Публицистический текст в прагматическом аспекте. Коллективная монография. Язык массовой и межличностной коммуникации. – М.: Медиа Мир, 2007. – С.80., Клушина Н.И. Общие особенности публицистического стиля. Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Учебное пособие. – М.: Изд-во МГУ, 2003.; Кубрякова Е.С., Цуриков Л.В. Вербальная деятельность СМИ как вид дискурсивной деятельности // Язык СМИ. Учебное пособие. – М.: Альма Мастер, 2008. – 183 с.; Кобозова И.М. Лингвопрагматический аспект анализа языка СМИ. Учебное пособие: Язык СМИ. – М.: Академический проект, 2008. – 221 с.;



Эроншуносликда Эрон матбуоти борасида олиб борилган илк изланишлар сирасига Э.Браун тадқиқотларини келтириш мумкин. Инглиз эроншуноси «Машрута даври Эрон матбуоти ва адабиёти тарихи»¹ китобида ўша давр журналистикаси, айниқса, Ҳиндистонда чоп этилган Эрон газеталари ҳақида батафсил маълумот беради.

Эрон матбуоти бўйича изланишлар олиб борган Носириддин Парвин Эрон журналистикаси тарихи, унинг ўзига хос жиҳатларини ёритиб берган². Жаъфари Хонақох, Масъуд Барзин³ каби Эрон олимларининг тадқиқотлари ҳам Эрон матбуоти тарихига бағишланган ишлар қаторига киради.

Муҳаммад Ризо Исфандиёрий, Заҳро Абзорий, Рабобе Мўстаҳги, Фарзоне Хўдобанде, Алирезо Бўнедиларнинг⁴ мақолалари ҳам Эрон газеталарининг ўзига хос хусусиятларини ёритишга қаратилган.

Тоҷик эроншунослигида Муллоев Шариф⁵, Р.Мехди⁶, рус эроншунослигида А.Аббасогли⁷ тадқиқотларини диссертация мавзуси доирасида амалга оширилган ишлар қаторига киритиш мумкин.

А.Сухоруков ҳозирги эрон матбуотида европеизм ва американизмлар ўрнига Форс тили академияси томонидан тавсия этилган муқобилларнинг қўлланишини Эрон газетаси мисолида ёритишга ҳаракат қилган¹.

Лысакова И.П. Тип газеты и стиль публикации. Опыт социолингвистического исследования. – Л., 1989. – 296 с.; Леонтьев А.А. Психолингвистический анализ СМИ. Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч 2. – М., 2004.; Коньков В.И. Речевая структура газетного текста. СПб., 1995. – 159 с.; Былинский К.И. Язык газеты: Избр. работы. Сост. К.М.Накорякова; Редкол.: Я.Н.Засурский и др. – М.: Изд-во МГУ, 1996. – 303 с.; Какорина Е.В. Новизна и стандарт в языке современной газеты // Поэтика. Стилистика. Язык и культура. Памяти Татьяны Григорьевны Винокур. – М.: Наука, 196. – С. 169-181.

¹ نویسنده: ادواردنگرانویل براون، محمد عباسیتاریخ مطبوعات و ادبیات ایران در دوره مشروطیت (سه جلد در یک جلد) ۱۸۶۲-۱۹۲۶م. تهران، تعداد صفحه: ۶۷

² ناصرالدین پروین، تاریخ روزنامه نگاری ایرانیان و دیگر پارسی نویسان. ۱۳۹۰. ۳۶۷ ص.

³ جعفری خاتقاه، مهدی. دو قرن با مطبوعات فارسی زبان خارج از کشور در قاره آسیا. - تهران: سازمان اسناد و کتابخانه ملی جمهوری اسلامی ایران: وزارت فرهنگ و ارشاد اسلامی، مرکز مطالعات و تحقیقات رسانه ها، تهران، ۱۳۸۳. مسعود برزین. سیری در مطبوعات ایران تهران ۱۳۴۵، ۱۸۲. ص.

⁴ Mohammad Reza Esfandiari, Tengku Sepora Tengku Mahadi and Forough Rahimi «Textual Features of Persian Translational and Non-Translational Journalistic political news» World Applied Sciences Journal 19 (3): 345-351, 2012.; Zahra Abazari. Content analysis of high circulation Persian Newspaper published in Iran from 2009 to 2012 Popularization of science.; Biok Behnam & Robabeh Mostaghi Zenouz. A contrastive Critical Analysis of Iranian and British Newspaper Reports on the Iran Nuclear Power Program. Systemic Functional Linguistics in Use, OWPLC 29. 2008.; Farzaneh Khodabandeh, Mobarakeh Payame. The Linguistics journal April 2007, Volume 2, Issue 1, pp. 91-127. A Contrastive Analysis of English and Persian Newspaper Headlines Noor University, Iran.; Alireza Bonyadi and Moses Samuel. Headlines in Newspaper Editorials: A Contrastive Study. SAGE Open. April-June 2013: 1-10.

⁵ Муллоев Шариф. Сми Ирана и Афганистана. Учебно – методическое пособие для студентов отделения «Журналистика». – Душанбе, 2011. – 56 с.

⁶ Мехди Р. Особенности персоязычной печати Индии и ее роль в становлении иранской печати. Автореф. дис. канд. филол. наук. – Душанбе, 2014. – 24 с.

⁷ Аббасогли А. Язык телевидения Ирана. Автореф. дис...канд.филол.наук. – М., 2008.



Е.Гладкова «Некоторые аспекты общественно-политической лексики современного персидского языка (на материале выступлений М.Ахмадинежада в ООН)» номли мақоласида М.Ахмадинежаднинг халқаро майдонда сўзлаган нутқлари мантиқан шаклланган ва асослангани, бу эса форс тили сиёсий дискурсини ўрганишда қизиқиш уйғотиши ҳақида тўхталган².

Тадқиқот мавзусига яқин масала, яъни тожик тилидаги газета матнлари тадқиқи қатор ишларда ўз аксини топган. Х.Сафаровнинг номзодлик диссертациясида³ тожик тили газеталарида сарлавҳаларнинг лексик-грамматик ва услубий хусусиятлари ёритилган бўлса, М.Музофиршоевнинг номзодлик ишида ҳозирги тожик тилида неологизмларнинг ясалиши даврий матбуот мисолида таҳлил қилинган⁴.

Юқорида номлари зикр этилган Эрон оммавий ахборот воситаларининг лексик хусусиятларига оид тадқиқотларда эроншуносликда матбуотнинг маълум бир томонлари ёритилган бўлса-да, газета матнида турли услубларга хос воситаларнинг иштирок этиши, унда қўлланган тил бирликлари эмоционал-экспрессив маъноларга эга бўлишида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши тадқиқ этилмаган; форс тили газета матнларида деярли барча грамматик шаклларнинг қўлланиши улардаги қўплаб услубий маъноларнинг рўёбга чиқишига сабаб бўлишига кам эътибор қаратилган; газета матнларига хос ахборот янгилиги, долзарблиги ва қисқалиги каби услубий жиҳатлари махсус ўрганилмаган, балки умумий планда кузатилган; форс тили газета матнларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили акс этмаган; Эрон газета матнларида сўз туркумларининг функционал-услубий хусусиятлари монографик тадқиқотнинг объекти бўлмаган.

Мавзунинг мақсади форс тили газета матнларида сўз туркумларининг таркиби, уларнинг функционал-услубий хосликларини аниқлашдан иборат.

Усуллар. Газета элементларини тавсифлашда анализ, газета матнларидан танлаб олинган мисолларни изоҳлашда интерпретация, лексемаларнинг ранг-баранглигини ўрганиш жараёнида тавсифий, қиёсий, миқдорий, умумлаштириш, семантик-услубий таҳлил, шунингдек, контекстуал ва компонент таҳлил методларидан фойдаланилди.

Дунёда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариб бориши, ўз навбатида жамиятнинг янгиликларга бўлган талабини оширади. Ҳозирги кунда ҳаётимизда

¹ Сухоруков А. Анализ лексики газеты «Иран» как показателя пуристических тенденций в современном персидском языке. Ученые записки Таврического национального университета им. В.И.Вернадского. Серия «Филология. Социальные коммуникации». Том 23 (62). № 3. – 2010 г. – С. 79-84.

² Гладкова Е.Л. Некоторые аспекты общественно-политической лексики современного персидского языка (на материале выступлений М.Ахмадинежада в ООН). Иран при М.Ахмадинежаде. Памяти А.З.Арабаджяна. – М.: ИВ РАН, Центр стратегической конъюнктуры, 2013. – С. 182-190.

³ Сафаров Х. Лексико-грамматические и стилистические особенности заголовка в газете (на материале периодической печати 2000-2014гг). – Душанбе, 2015. – 168 с.

⁴ Музофиршоев М. Неологизмы и способы их образования в современном таджикском литературном языке (на материалах периодической прессы 90-ых гг. XX и начала XXI веков). Автореф. дис. канд. филол. наук... – Душанбе, 2012.



матбуот воситаларининг аҳамияти ошиб боргани сари, уларни чуқур ўрганиш талаби ҳам ошмоқда. Газета тили матн бирликларидан ташкил топади. Ушбу бирликлар ўз навбатида стилистиканинг ўрганиш объекти саналади.

Ҳозирги кунда Эрон тилшунослигида стилистикага оид қатор тадқиқотларни кузатиш мумкин¹. Бу асарларни ўрганиш жараёнида XX асрнинг охиригача бўлган давр мобайнида стилистика бўйича яратилган асарлар асосан адабий стилистика, яъни адабий жанрлар стилистикасига бағишланганининг гувоҳи бўлиш мумкин. XX аср охири-XXI аср бошларида Эрон тилшунослигида стилистикага янгича ёндашув кузатилади.

Форс тилида «услуг» سبک, سياق, گوיה, کاربردى терминлари билан ифодаланади. Эрон тилшунослигида услубнинг турли таснифлари мавжуд. Услуг таснифларида яқдиллик бўлмаса-да, таҳлил қилиш жараёнида улар орасида умумийлик мавжудлиги, бир услуб турли номлар билан аталгани ёки бир услубнинг бир неча гуруҳларга ажратилган таснифини кўриш мумкин. Услубни ажратишда сўзловчи ва тингловчи муносабати, уларнинг ижтимоий фарқланиши, замон ва маконда жойлашуви асос қилиб олинган.

Публицистик услуб сиёсат ва баъзи ижтимоий соҳаларда қўлланувчи услуб бўлиб, икки асосий вазифа, яъни информатив ва таъсир кўрсатиш функцияларини бажаради². Форс тилида публицистик услубни расмий, илмий, бадиий ва оғзаки услуб элементларини ўз ичига қамраб олишидан келиб чиқиб, уни функционал услублар системасида энг очиқ услублар қаторига киритиш мумкин.

Публицистик услубда газета тили алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, газета ва публицистика бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Газетадаги ҳар бир публицистик мақола ўзига хос ижтимоий масалаларни кўтариб чиқиши ёки жамиятдаги турли янгиликларни бадиий ифода этиши мумкин³.

Ҳозирги кунда Эронда газета тилига бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганини бу соҳада амалга оширилган қатор тадқиқотларда кўриш мумкин⁴. Изланишларни ўрганиш жараёнида уларда қисқалик, терминларни камроқ қўллаш, тўғри баён услубини танлаш ҳамда ҳозирги кунда форс тилининг софлигини сақлаб қолишга интилиш кузатилади. Шу билан бирга, олимлар газетанинг ёшлар тарбиясида катта аҳамият касб этишига тўхталиб ўтадилар.

¹ چشم‌انداز سبک‌پژوهی در زبان فارسی. <http://farsi.blogfa.com>. محمد تقی بهار ملک الشعرا. سبک شناسیتهران ۱۳۴۹. دکتر سیروس شمیسا. بیان و معانی. تهران ۱۹۹۵. کیومرث کیوان. سبک‌شناسی زبان و شعر فارسی. تهران ۱۳۷۷. دکتر فتوحی. سبک‌شناسی. تهران ۱۳۹۴. مهدی باقری. پیشینه سبک و سبک‌شناسی علمی در اروپا و ایران. تهران ۱۳۹۰. تهران ۱۳۹۰. مهدی باقری. پیشینه سبک و سبک‌شناسی علمی در اروپا و ایران. تهران ۱۳۹۰.

² Горшков А.И. Русская стилистика. Стилистика текста и функциональная стилистика: учебник для педагогических университетов и гуманитарных вузов. – М.: Астрель, 2006. – С.265.

³ Қўнгулов Р., Каримов С., Қурбонوف Т. Нутқ маданияти асослари. II қисм. – Самарқанд, 1986. – Б.20.
⁴ دانوتا ریح به کوشش فریده حق‌بین، زبان روزنامه. تهران، ۱۳۸۸. طیبه منصورى شاد. ویژگی های زبان مطلوب مطبوعات. روابط عمومی. – شماره ۸۳. – تیر ۱۳۹۱. ص. ۱۲-۱۹. دکتر حسن ذوالفقاری. آسیب‌شناسی زبان مطبوعات - رسانه. – شماره ۴. ۱۹۸۰. ص. ۹-۴۲. دکتر حسن ذوالفقاری. الگوهای غیرمعیار در زبان مطبوعات. تهران، ۱۳۸۵. دکتر حسن ذوالفقاری. الگوهای غیرمعیار در زبان مطبوعات. تهران، ۱۳۸۵.



Таҳлиллар натижасида эрон газеталарида аниқ ахборот етказиш, тил софлиги, тарбиявий вазифалар асосий ўринни эгаллаши аниқланди.

Газета жанрлари информацион, аналитик ва бадиий-публицистик жанрларга бўлинади¹. Эрон тилшунослигига назар ташлайдиган бўлсак, унда газета жанрлари таснифи мавжуд эмаслиги аён бўлади. Унда фақат газета матнларининг турлари ажратилади. Масалан, Аҳмад Гилони Эрон газета матнлари турлари сифатида «سر مقاله» «бош мақола», «خبر» «хабар», «گزارش خبری یا رپارتاژ» «репортаж», «مصاحبه» «интервью», «بخشهای فرعی» «қўшимча бўлимлар» (соғлиқни сақлаш, экология, оила, фан, китоб, кўргазма, фильм ва ҳ.к. мавзусига бағишланган мақола)ларни келтиради². Ҳасан Зулфиқорий Эрон матбуоти 4 қолип – «خبر» хабар, «گزارش» репортаж, «مصاحبه» интервью ва «مقاله» мақоладан ташкил топганини таъкидлайди³.

Эрон газеталари тематикаси ижтимоий-сиёсий янгиликлар, маҳаллий янгиликлар, Эрон ва маданият, жаҳон янгиликлари, спорт ва ҳ.к. рукнларни ўз ичига олади. Умуман, Эрон газеталари рукнлари тематикасини беш гуруҳга ажратиш мумкин. Булар: ижтимоий-сиёсий, иқтисод, спорт, маданият ва адабиёт. Кузатувлар натижаси форс тилида сўз туркумланининг газета матнларида ўзига хос хусусиятлари ижтимоий-сиёсий, иқтисод ва спорт рукнларида намоён бўлишини кўрсатди.

Газета матнларида ўзининг асосий маънолари билан бир қаторда ифодалаган қўшимча маъноларидаги турли туманлик от ва сифат сўз туркумланининг функционал чегараланишга олиб келади. Эрон газета матнлари доирасида отларнинг коннотатив маънода қўлланиш ҳолатлари кузатилади ва бу ҳолат турли контекстларда намоён бўлади. Масалан «جبهه» фронтнинг асл маъноси «жанг майдони» бўлиб, бир вақтнинг ўзида бир неча фаолият олиб борилаётган ҳудуд, маълум мақсадларни амалга оширишга қаратилган ижтимоий кучлар иттифоқи каби маъноларга ҳам эга. Мазкур лексик бирлик газета матнларида ҳарбий маъно билан бир қаторда, сиёсий маънода ҳам қўлланади. Сўзнинг қайси маънода қўлланишини контекст орқали аниқлаш мумкин.

طب یکی از جبهه ها، که مهمات دائما فاقد آن هستند، و سربازان به مرگ می ایستند و این تهاجم را محدود می کنند [Э.24373:6]

Медицина – доимо қурол-аслаҳа етишимовчилиги мавжуд бўлган, аскарлар эса ўлим билан қурашиб, хужумни қайтариб турадиган фронтлардан биридир. Мисолда «جبهه» фронт сўзи ўзининг асл маъносида қўлланган бўлса-да, унда врачлар аскарлар, дори-дармон эса қурол-аслаҳа билан ифодаланган ҳолда кўчма маъноси англашилади.

Газета матнларида «جبهه» сўзи семантикасининг кенгайиши контекстуал тўлдириш натижаси сифатида намоён бўлади: сиёсат ва тижорат соҳасидаги

¹ Горшков А.И. Русская стилистика. Стилистика текста и функциональная стилистика: учебник для педагогических университетов и гуманитарных вузов. –М.: Астрель, 2006. – С.266.

² احمد سمیعی (گیلانی). زبان صدا و سیما و انحرافات آن - زبان و رسانه. - ۱۳۸۸. - ص. ۱۱۷-۱۳۲.

³ دکتر حسن نوالفقاری. الگوهای غیرمعیار در زبان مطبوعات. تهران، ۱۳۸۵. ص. ۲۹.



ўзаро муносабат имплицит равишда ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ душманона муносабат сифатида негатив баҳоланади. Худди шундай имплицит салбий экспрессия ارتش *армия* нейтрал сўзи орқали қуйидаги контекстларда намоён бўлади.

ارتش مقامات، مانند یک ارگانيسم انگلی، هر ساله رشد می کند [C.P.3912:11]

Амалдорлар армияси худди паразит организм каби йилига кўпаймоқда

ارتش *армия* – 1. Давлатнинг қуролли кучлари мажмуаси; 2. Фронтдаги қуролли кучларнинг бир қисми маъноларини англатса, кўчма маънода умумий фаолият билан шуғулланувчи кўп сонли одамлар маъносини ифодалайди. Юқоридаги келтирилган мисолда қўлланган ارتش *армия* сўзи مانورهای مالی *дар ҳал Амдн است*¹ *Армияда молиявий манёврлар қутилмоқда* жумласида қўлланган *Армияда молиявий манёврлар қутилмоқда* ҳолат билан таққосланса, уларда контекст орқали кучайтирилган «кўпсонлилик» ва «боиқалар ҳисобига яшовчилар» маъноси англашилади. Таҳлил қилинган отларнинг семантик-услубий маънолари бошқа услубларда ҳам намоён бўлса-да, ана шу маъноларнинг бирмунча кенгайган ҳолда ифодаланишида газета матнлари тилининг имкониятларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Газета матнларида ономастик қатламнинг энг кўп учрайдиган гуруҳини антропоним ва топонимлар ташкил қилади. Газета матнларида қўлланган антропонимлар учун шахснинг жисмоний, руҳий, биологик, маънавий, интеллектуал томонлари, унинг ижтимоий, миллий мансублигини асосий омил сифатида кўрсатиш мумкин. Антропонимлардан фақат воқеа-ҳодисалар изоҳловчиси ёки бирор нутқ эгаси сифатида эмас, ўқувчини ишонтириш, унга таъсир кўрсатиш ва ўқувчи эътиборини тортиш мақсадида фойдаланиш усулидир. Бунда асосан машҳур инсонлар исмларидан фойдаланилади. Масалан, эрон газета матнларида Саддам Хусейн, Трамп (биз тадқиқ қилган манбалар даврида Борақ Обама), Исроил бош вазири ва Саудия қироли исми салбий оттенкани беришда қўлланади. Улар қўлланган мақолалар ватанпарварлик руҳида бўлиб, мана шу антропонимлар маълум маънода ўқувчига таъсир кўрсатиш, миллий ғояни тарғиб ва ташвиқ қилиш вазифасини бажаради. Газета матнларида давлат раҳбарлари, вазирлар, ташкилот раҳбарлари, депутатлар, спортчилар, адиблар, оддий кишилар исм-фамилияларини англашиб келувчи антропонимлар қўлланиши газета публицистик услубининг яна бир ўзига хос жиҳатларидандир.

Географик онимлар юз бераётган ҳодисаларни номлаш орқали информацион характерга эга бўлади. Ўзининг семантик фаоллигидан топоним газета публицистик услубининг маълум матнларида ўқувчига эмоционал таъсир этувчи асосий восита сифатида намоён бўлади². Мамлакат номи маълум давлатларнинг тарихий тақдири ҳақида эслатма бериш учун хизмат қилади. Натижада маълум мамлакат номи рамзий хусусият касб этади. Масалан, Африка мамлакатлари

¹روزنامه جمهوری اسلامی. ۱۳۹۴ فروردین ۵. شماره ۱۰۲۷۸. ص. ۶.

²Нахимова Е.А. Метафорические и метонимические значения топонимов в современных СМИ // Журналистика и массовые коммуникации. – 2009, № 3. – С.80.



асосан қашшоқлик рамзини англатса, араб давлатлари бойлик, ҳашамат маъносида қўлланишини кузатиш мумкин.

هر گونه محاسبات مربوط به نسخه چیلی، اگر چه هیچ کس در مورد آن با صدای بلند صحبت نمی کند، به نظر می رسد ساده لوح و بی سواد است. تلاش برای تبدیل شدن به چیلی، آنها نیچر به شدند: همان فساد و همان نفت [Ж.Э. 10294:10]

Бу ҳақда ҳеч ким баланд овозда гапирмаса ҳам, Чили версияси, содда ва саводсиз бўлиб чиқти. Чили бўлишига интилиб, улар Нигерияга айландилар: ўша коррупция, ўша нефть. Ушбу мисолда Чили қаттиққўл тузум шароитида ҳам хўжалик фаолиятини ташкил эта олган ва шу йўл билан иқтисодий ўсишга эришган давлат тимсолида гавдаланган. Нигерия орқали эса образли тарзда ер ости бойликларига эга бўлишига қарамай, амалдорларнинг очқўзлиги туфайли мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлай олмаган давлат тасвирланган.

Таъкидлаш лозимки, газета матнларида «пойтахт номи – мамлакат номи» модели асосидаги анъанавий метанимик кўчиш кўп учрайди. Сиёсий матнларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларда пойтахт номларини англатувчи атоқли отлар кўп ҳолларда ўша мамлакатни ифодалаш учун қўлланади. Масалан, الصباغ با اشاره به اینکه تهران بغداد را از دست اشغال داعش نجات داد، گفت... [С.Р.14:7]

Алсабоғ Техрон Богдодни ИШИДдан қутқарганига ишора қилиб деди жумласида қўлланган تهران Техрон ва بغداد Багдод шаҳар номи сифатида эмас, балки Эрон ва Ироқ давлати тимсолини акс эттирган.

От сон категориясида функционал чегараланиш сезилмайди. ʻАн ва ʻа кўплик қўшимчалари барча услубларда қўлланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, гарчи ʻАн кўплик қўшимчаси ўрнига ʻа кўплик қўшимчасини қўллаш грамматик жиҳатдан қабул қилинган ҳолат бўлса-да, газета матнларида бундай ҳолат деярли кузатилмайди. Буни газета матнларида юқори услуб белгилари намоён бўлиши билан асослаш мумкин. Бу эса ʻАн кўплик қўшимчасида ʻа кўплик қўшимчасига нисбатан расмийлик оттенкаси кучлироқ эканини кўрсатади. Газета матнларининг ўзига хос услубий жиҳатларидан бири унда араб кўплик қўшимчалари ва синиқ кўплиги кенг қўлланишида ҳам кўринади.

«Эрон матбуоти, замонавий оммавий ахборот воситалари ўзлашмаларга жуда бой экани»¹ таъкидланади. Ҳозирги кунда тилни ўзлашмалардан тозалашга қаратилган тил сиёсатининг олиб борилишига қарамай, Эрон замонавий газета лексикаси ғарб тилларидан ўзлашмалар ҳисобига бойиб бораётганини кузатиш мумкин. Бу жиҳат ҳозирги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги катта ўзгаришлар билан асосланади. Газета матнларида ғарб тилларига хос ўзлашмаларнинг қўлланиши таҳлил қилинар экан, улар асосан форсий сўзларга дублет сифатида воқеланиши аниқланди. Ҳозирда форс тилига илм, тижорат, сиёсат ва иқтисод соҳаларига оид ўзлашмаларнинг оммавий

¹ Куранбеков А. Проблемы формирования научно-технической терминологии в современном персидском языке // Вопросы филологии. – М., 2003. – №2 (14). – С.17.



ахборот воситалари, хусусан, газета матнлари орқали кириб келиш жараёни эрон тилшунослари томонидан ижобий қабул қилинмаслигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Лекин, назаримизда, жамиятда юз бераётган турли воқеа-ҳодисалар билан таништириш жараёнида, муаллифлар хорижий тиллардаги сўзларга қисқа вақт ичида дублет вариантни топиб, хабарни аниқ тақдим этиш имконига эга эмаслар.

Газета орқали етказиб берилаётган хабарлар ўзининг компрессияси билан ажралиб туради. Компрессия эса аббревиатураларга хос жиҳат. «Сўз ясалишининг аббревиация усули эрон тилшунослиги учун XX асрнинг иккинчи ярмида кириб келган янги тил ҳодисаси ҳисобланади. Дастлаб эрон матбуотида лотин ёзувидаги ўзлашма аббревиатуралар, вақт ўтиши билан соф форсча инициал аббревиатуралар ҳам вужудга кела бошлади»¹. Форс тили газета матнлари таҳлили жараёнида аббревиатуралар, асосан, иқтисод ва сиёсатга оид мақолаларда қўлланиб, аксарият, халқаро ташкилот номлари қискартирилган шакли берилишининг фаоллиги кузатилади. Аббревиатуралар газета матнларининг асосий воситаларидан бири ҳисобланиши, уларнинг қўлланиш соҳаси, ахборот бериш вазифаси, аниқлик ва қисқалик каби хусусиятлари, аббревиатураларни публицистик услубга хос лексик восита сифатида талқин этиш имконини беради.

Газета матнларида сифатлар услубий жиҳатдан ўзига хос аҳамият касб этади. Маълумки, даврий матбуотда журналистлар мақола тайёрлаш жараёнида ўзининг услубини яратишга уринадилар ва бу жараёнда ўз услубига хос сифатлардан фойдаланиш ҳолатлари кўзга ташланади. Маълум бир воқеа-ҳодисалар эмоционал бўёқдор воситалар билан бойитилган бўлса янада қизиқарли бўлади. Бирор маълумотни образли етказишда муаллиф албатта сифатлардан фойдаланади.

Туб ва ясама сифатларнинг услубий имкониятлари газета матнларида ҳар доим ҳам бир хил эмас. Газета матнларида туб сифатлардан кўра ясама сифатларнинг қўлланиши фаол. Буни ҳозирги кундаги турмуш тарзининг жадал ривожланиши, янги сўз ва тушунчалар пайдо бўлиб бораётгани, буларни ифодалаш ва аниқлашга янги воситалар зарурати мавжудлиги билан асослаш мумкин. Газета матнларида сифатларнинг воқеланиши борасидаги яна бир жиҳат уларда бадий ёки оғзаки услубда кенг ишлатилувчи сифатларнинг кам ёки умуман қўлланмаслигидир. Мисол учун, бирор шахснинг белги-хусусиятини ифодаловчи شوخ *шўх*, مهربان *меҳрибон*, خوشگل *ғўзал*, قشنگ *чиройли*, زيبا *чиройли*, маза билдирувчи شور *шўр*, خوشمزه *мазали*, شيرين *ширин*, кишиларнинг жисмоний белгиларини англатувчи پير *қари*, لاغر *озгин* каби сифатлар газета матнларида деярли қўлланмайди.

¹Сухоруков А.Н. Западные инициальные аббревиатуры в персидском языке в контексте борьбы за очищение языка. – М., 2015. – С.77.



Сифатлар денотатив ва коннотатив маъносида баҳолаш компонентининг мавжудлиги сабабли улар белги ва баҳолашни ифодалаш аспектларини ўзида мужассамлаштиради. Баҳолаш, эмоция, экспрессия коннотациянинг тенг ҳуқуқли компонентлари сифатида асосан кўп маъноли сўзлар семантик структурасида кенг тарқалган, чунки улар асосан кўчма маънода намоён бўлади. Сифатлар лексик маъно структурасидаги мураккаблик ва ўзига хослик уларнинг кўпмаънолилигида намоён бўлади. Кўп маъноли сифатлар маъносининг англашинувида отларнинг таъсири муҳим.

سالم - *тани сог, соглом, фойдали, тоза, нормал, тўғри*. Газета матнлари мазкур сифатнинг *соглом* физиологик белги маъносида қўлланиши нофаол бўлиб, асосан, кўчма маънода қўлланиши кузатилди. Газета матнларида унинг *соглом рақобат, انتخابات سالم, одил сайлов, آب سالم, тоза сув, هواى سالم, тоза ҳаво, غذای سالم, фойдали овқат* каби бирикмалар таркибида қўлланиши фаол. Шу билан бирга, газета матнларида *سالم* сифатининг антоними *ناسالم* *носоғлом* ҳам учрайди.

بانک مرکزی همیشه این انتقادرا به بانکها وارد کرده که روال بانکها در رقابت ناسالم با یکدیگر باعث شده است هم در حوزه کارمزد وضعیت نابسامانی بوجود آید و هم شرایط مالی خود بانکها رو به نابسامانی برود [C.P.3898:10]

Марказий банк ҳаминша банкларнинг носоглом рақобатга интилиши тўлов соҳасида тартибсизликнинг келиб чиқиши ва банклар молиявий ҳолатининг тартибдан чиқиб кетишига сабаб бўлишини танқид қилиб келган.

گرم – *илиқ, иссиқ, қизгин, жўшқин, дўстона* каби маъноларни англатиб келади. Мазкур сифатнинг газета матнларида қўлланишидаги ўзига хослик шундаки, у икки мамлакат ўртасидаги илиқ муносабатларни ифодалашда кенг қўлланади. Бу сифат ишлатилган бирикмалар, асосан, Эрон ва баъзи хорижий мамлакатлар ўртасидаги алоқалар, хорижий давлат раҳбарлари ташрифи ёритилган мақолаларда воқеланиши маълум бир шаклдаги бирикмалар таркибида қўлланиши жараёнида клишега айланган ҳолатлар мавжуд.

قدرتهای سلطه گر، مخالف روابط گرم ایران با افریقا هستند [C.P.22:6]

Ҳукмрон кучлар Эроннинг Африка давлатлари билан илиқ алоқаларига қарши.

Охирги вақтларда газета лексикасида сиёсий-тимсол маъно касб этган сифатларнинг кенг қўлланишини кузатиш мумкин. Газета тили юз бераётган воқеа-ҳодисаларга оператив муносабат билдириш хусусиятига эгаллигини инobatга олсак, унда баъзи ранглар семантикаси трансформациясини кузатиш мумкин. Улар сиёсат, иқтисод, бизнес, оммавий ахборот воситалари соҳалари билан боғлиқ. Ранг маълум эмоционал кайфиятни вужудга келтирувчи символик фон сифатида намоён бўлади. Шу боис, сиёсий партиялар ранглардан таъсир этувчи тимсол ҳамда уларни ажратиш турувчи белги сифатида фойдаланадилар. Ранг символикаси ҳозирги кундаги сиёсий тенденцияларни ифодалайди. Масалан, Украина, Грузия, Қирғизистонда юз берган сиёсий инқирозлар натижасида *тўқ сариқ, пушти, бахмал* ранглар сиёсий маъно касб этти. Бу



рангларнинг охириги вақтда янги коннотацияларга эга бўлган ҳолда қўлланиши кўп кузатилади. Рангли инқилобларнинг оммавий норозилик намоишлари тушунчасида қўлланиши оммалашди. Газета матнларида спорт терминологиясига оид бирликларнинг ишлатилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Маълумки, сариқ рангли карточка айрим спорт турларида огоҳлантириш сифатида қўлланади. Қуйидаги мисолда эса сариқ карта олиш орқали депутатга огоҳлантириш бериш маъноси англашилади.

پاسخهای فانی در آن جلسه کارساز نبود و در نهایت با ۱۱۴ رای مخالف، کارت زردی گرفت
[Ж.Э.10278:12]

Фонийнинг жавоблари мажлисда ёрдам бермади ва у 114та қарши овоз билан сариқ карта олди.

Қизил ранг асосан сиёсий ва ташвиқот мақсадида қўлланиб, одамни қатъийлик, бирор ишни қилишга ундовчи ранг бўлиши билан бирга, ҳавф-хатардан огоҳлантириш маъносини ҳам англатади. Яшил рангнинг табиат ва экология билан боғлиқ контекстларда фаол қўлланиши аниқланди. Ранг билдирувчи сифатлар борасида бир жихатга аҳамият қаратиш лозим. Ҳавонинг тозалик даражаси маълум ранглар билан белгиланган. Форс тилида ҳам ана шу даражани ифодалашда белгиланган ранглар мавжуд. Бу кўрсаткич, айниқса, Техрон шаҳри ҳавоси софлиги кўрсаткичини белгилашда қўлланилади ва бу кўрсаткичлар газета матнларида ҳам ўз аксини топади.

Оммавий ахборот воситалари тили жамиятда юз бераётган янгиликлар, ўзгаришлар акс топган тилни кенг оммага тақдим этади. Юз бераётган янгиликлар тилда янги сўзларнинг юзага келишига эҳтиёж туғдиради. Шу нуқтаи назардан, сўз ясалишининг мавжуд усуллари орқали ясалган сифатлар газета матнларида кенг қўлланади. Сифатларнинг грамматик формалари, хусусан, ясовчи қўшимчаларда ҳам маълум услубий чегараланиш мавжудлигини сезиш мумкин. Сифат ясовчи қўшимчаларнинг асосий қисми умумистеъмолдаги бирликлар бўлиб, сўзлашув услубида фаол ишлатилса-да, *منه, دار, شناس, ناک, پذیر* каби аффикс ва полуаффиксларнинг публицистик услубда бирмунча фаоллиги сезилади.

همچنین در بحث ورود سرمایه گذران *فدرتمند* داخلی و خارجی هم انتقال دانش و فناوری و هم در ایجاد بازارهای بین المللی موثر بود [Ж.Э.10280:10]

Шу билан бирга, ички ва ташқи қудратли сармоядорлар, фан ва технологиялар кириб келиши ҳамда халқаро бозорларнинг вужудга келишига таъсир кўрсатди.

Префикслар иштирокида ясалган сифатлар ичида *غير* инкор юкламаси ёрдамида ясалган сифатлар газета матнларида қўлланиши фаоллиги бу сўзлар таркибидаги *غير* юкламасида публицистик услубга алоқадор чегараланганлик мавжудлиги билан изоҳланади.

نماینده سازمان ملل در امور سوریه در نشست *غیرعلنی* در شورای امنیت، به شدت از کارشکنهای عربستان سعودی در روند مذاکرات سوریه انتقاد کرد [C.P.3913:6]



Сурия бўйича БМТ вакили Ҳавфсизлик Кенгашининг ёпиқ мажлисида Саудия Арабистонини Сурия бўйича музокараларга тўсқинлик қилишини қаттиқ танқид остига олди.

Форс тилида غير инкор юкламаси نا инкор юкламасига синоним сафатида қўлланади. Лекин газета матнларида غير инкор юкламаси иштирокида ясалган сифатларнинг маҳсулдорлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолат غير инкор юкламасида расмийлик оттенкасининг кучлироқ эканлиги билан асосланади. Буни инкор юкламалари услубий жиҳатларининг намоён бўлиш ҳолати сифатида талқин қилишга асос бўла олади.

غير инкор юкламаси билан ясалган сифатлар антоним жуфтлик шаклида қўлланиш ҳолатлари газета матнларининг ўзига хос жиҳатини намоён этади.

در گزارش کمیته ویژه که برای استحضار رئیس جمهور تهیه شده، راهکارهای کوتاه و بلندمدت و دستورالعمل‌هایی را به منظور مسدود شدن همه منافذ شکل‌گیری پرداختهای غیرمتعارف در همه دستگاههای دولتی و غیردولتی ارائه کرده است [Ж.Э.10284:6]

Президент учун тайёрланган махсус қўмита ҳисоботида қисқа ва узоқ муддатли стратегиялар, барча давлат ва нодавлат ташиқлотларда расмий тўловни шакллантиришдаги тўсиқларни бартараф этишига қаратилган кўрсатмалар тақдим этилган.

Ясама сифатлар ичида энг сермахсули یای نسبت нисбий йой қўшилиши орқали ясалган сифатлар эканлиги маълум бўлди. Газета матнларида یای نسبت нисбий йой қўшилиши орқали ясалган сифатлар мисолида биринчидан, айна усул сифат яшанин энг қулай усулларида бири сифатида талқин қилиниши мумкин. Иккинчидан, бу сифатлар Эроннинг дунё сиёсат сахнасида тутган ўрни, мамлакатдаги иқтисодий вазият, миллий мафқуранинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди. Буни هسته ای ядровий, پساتهریمی санкциядан кейинги даврга оид каби сифатларнинг қўлланишида кузатиш мумкин.

Тўпланган материаллар таҳлили натижаси кишилиқ олмошларининг стилистик имкониятлари олмошнинг бошқа турларига нисбатан кенг эканлигини кўрсатди. Маълумки, газета саҳифаларида ёритилувчи мақолалар асосан сиёсий-ижтимоий мавзуга доир бўлиб, уларни шакллантиришда юқори ёки расмий услуб қонун-қоидаларига риоя қилишга уриниш кузатилади. Мободо, шундай характердаги матнларда олмошлар туширилса, услубий ғализлик юзага келиши мумкин. Демак, газета публицистик услуби спецификасини сақлаб қолишда кишилиқ олмошларининг алоҳида ўрни мавжуд.

Форс тилида кишилиқ олмошларининг иззат-икромни ифодаловчи эквивалентлари мавжуд. Ю.Рубинчик бундай шаклларнинг қўлланиши форс тили услубий имкониятларини янада кенгайтириши ҳақида тўхталиб, уларнинг вужудга келишига жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик сабаб бўлганини таъкидлайди. Кишилиқ олмошларининг бундай эквивалентлари турли услубларга хос бўлиб, камситиш ва эҳтиром маъносини ифодалайдиган турларга



бўлинади¹. Бундай шаклларнинг кишилиқ олмошлари ўрнини боса олиши уларнинг олмошлар каби маъно англатиш хусусиятига эга эканлиги билан асосланади. Кишилиқ олмошлари эквивалентлари билан солиштириб ўрганилганда кишилиқ олмошларининг услубий нейтрал, эквивалентларнинг эса коннотатив маънога эгаллиги аниқланади².

من мен олмоши газета матнларида қўлланиши жиҳатидан энг нофаол олмошлар қаторига киради. Бу олмошга синоним сифатида *بندہ, چاکر, حقیر, احقر*, *اینجانب*, *آنجانب* сўзлари қўлланилади. *من* олмоши ўрнида бу сўзларни қўллаш образлиқ ва таъсирчанликни ифодаласа, уларнинг ўрнига *من* олмоши қўлланиши тилнинг функционаллиги нуқтаи назаридан бунинг аксини ифодалаш мумкин.

Публицистик услуб, шу жумладан, газета услуби расмий ва адабий услуб элементларини ўзида мужассам этиши инобатга олинса, *اینجانب* шаклини газета тилига хос шакл сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ. Газета матнлари таҳлили жараёнида *اینجانب* асосан диний мавзудаги саҳифалар таркибида учраши, дин уламолари нутқида кенг фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. [Э.24366:3] *اینجانب به جهان اسلام از خداوند متعال مسئلت دارم*

Мен ислом оламига Аллоҳдан илтижо қилиб қоламан...

Таҳлиллар натижасида газета матнларида *من* кишилиқ олмошининг нофаол эканлиги, асосан кўчирма гапларда қўлланиши аниқланди. Спорт саҳифасида *من* олмошининг юқори даражада қўлланиш сабаби ўрганилганда, эрон газеталарининг спорт саҳифалари, асосан, спортчилар ва мураббийлар билан интервьюларда акс этади. Интервьюларда саволга жавоб бериш жараёнида *من* олмоши кенг қўлланиши маълум бўлди.

تو *сен* олмошининг услубий имкониятлари ҳам *من* олмоши сингари бўлиб, сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни таъкидлаш оттенкасини беради. *تو* олмоши *من* ўрнида ҳам қўлланади ва кучли бадиий таъсирга эга бўлади. Бундай қўлланиш сўзловчининг ўзига-ўзи хаёлан мурожаат қилганида акс этади.

او ва *وی* олмошлари форс тилида синоним саналиб, ҳар иккаласининг маъно ифодалаш имконияти бир хил. Лекин бу икки олмошнинг стилистик имкониятлари бир-биридан фарқ қилади. *او* олмоши универсал саналиб, барча услубларда қўлланиши мумкин. Лекин унинг ишлатилиши асосан оғзаки ва меъёрий тилга хос. Газета матнларида *او* олмошига синоним равишда *وی* олмошининг ишлатилиши сермахсул саналади. Форс тили газета матнларида раҳбар, президент, юқори мансабдор ва руҳонийлар ҳақида сўз кетганда, эҳтиром маъносини янада кучайтириб кўрсатиш мақсадида уларни ифодалаш учун *مرجع* *این عالم بزرگ*, *معظم له*, *مقام معظم رهبری*, *رهبر معظم انقلاب*, *تقلید* каби шакллар қўлланилади.

¹Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М., 2001г. – С.171.

²Узина М.С. Социально-стилистическая дифференциация современного персидского языка (на материале формул вежливости). Автореф. дис... канд. филол. наук. – М., 1976. – С.9-10.



منطقه شرقی شیعیانی دارد که از خیلی جهات محرومند و این عالم بزرگ تاکید داشت باید محرومیت از این منطقه برچیده شود [Ж.Э.10296:8]

Шарқий минтақада кўп нарсадан маҳрум ишлар яшайди, улар бу минтақадаги муаммоларга барҳам бериши лозимлигини таъкидладилар.

ما биз олмоши ва унинг ҳа кўшимчасини олган шаҳли 1-шаҳс кўплик маъносидан ташқари камтарлик, мағрурлик, такаббурлик, манманлик каби семантик-стилистик маъноларни ифодалайди. ما газета матнларида фаол қўлланувчи олмош туридан саналиб, газетанинг барча жанрларига оид матнларда қайд этилади. Газета матнларида ма олмошининг дейктик вазифаси номинатив вазифа билан алмашади. Бундай ҳолларда ма олмоши жамловчи от маъносини англатиб келади.

شما сиз тингловчининг бирдан ортиқлигини ифодалаш бу олмош грамматик маъноси ҳисобланади. Ҳозирги форс тилида бу олмошнинг ёши катта кишига нисбатан қўлланиши меъёрлашган. Шунинг учун ҳам кўпликни ифодалашга эҳтиёж сезилганда унинг شماҳо шаклига мурожаат қилинади. Газета матнларида شما олмоши интервью жараёнида савол берувчи томонидан кўп фойдаланилади.

بفرمایید موضوع راه اندازی قطار شهری اصلا در برنامه کاری شما وجود دارد؟ [Э.24373:6]

Айтингчи, шаҳар ичида қатновчи поездларни йўлга қўйиши масаласи сизнинг дастурингиздан жой олганми?

شما олмоши давлат раҳбарлари нуткида мурожаат сифатида кенг қўлланади.

هر آنچه ما داریم از لطف حق است و تلاش شما است [С.Р.3888:10]

Нимага эришган бўлсак яратганнинг марҳамати ҳамда сизнинг саъй ҳаракатларингиз туфайлидир.

Услужий нейтрал شما олмошининг юқори услубга хос سرکار عالی, سرکار عالی, جناب, سرکار عالی, آنجناب, عالی шакллари расмий характерга эга матнларда қўлланиши уларнинг услубий имкониятларини намоён этади.

از جناب عالی و هیئت مذاکره و شخص وزیر محترم و همه دست اندرکاران تشکر میکنم [Ж.Э.10277:13]

Сиз ва музокара аъзоларига, муҳтарам вазир ва барча иштирокчиларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

اينها газета матнларида фаол қўлланувчи олмошлар саналади. Форс тилида 3-шаҳс кўпликни ифодаловчи ایشان кишилик олмоши ҳам мавжуд. Бу олмошнинг она олмошидан фарқи, асосан ҳурмат маъносини англатиб, кўпликка нисбатан эмас, бирликка нисбатан қўлланади. Бу олмошнинг газета матнларида ишлатилиши фаол саналади.

ایشان با بیان این مطلب خاطر نشان ساختند... [Ж.Э.10274:6]

Улар бу масала юзасидан таъкидладилар...

Форс тилида кўрсатиш олмошларидан این сўзловчига нисбатан яқин, آن эса сўзловчига нисбатан узокда жойлашган нарсаси-предметни англатади. این ва این кўрсатиш олмошларининг همین, چنين, همان, چنان шакллари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг газета матнларида қўлланиши фаол бўлиб, همین, همان, چنين, چنان олмошларида این ва این олмошларига нисбатан таъкид кучлироқ ифодаланади.



[Ж.Э.10276:14] *همین وضعیت برای نسبت سال 2012 نیز وجود دارد [Ж.Э.10276:14] 2012 йилда ҳам қузатилган.*

Форс тили газета матнларида сўроқ олмошларининг қўлланиши бошқа олмош турларига нисбатан нофаол. Албатта бу нофаоллик газета матнлари орқали етказилган хабарда аниқлик талаб этилиши билан изоҳланади. Сўроқ олмошлари қатнашган матнларда эса қайсидир маънода ноаниқлик сезилади. Кузатувлар газета матнларида сўроқ олмошлари асосан муаллифнинг ўзи савол бериб, баъзан ўзи жавоб қайтариши услуби қўлланган баёнда намоён бўлишини кўрсатди.

Гумон маъносидаги олмошларнинг фаол эмаслиги газета-публицистик услубдаги аниқликка мойилликнинг кучлилиги, бунга гумон олмошлари халақит бериши билан изоҳланади. Лекин шунга қарамай, гумон олмошларининг газета матнларида қўлланиши кузатилади. Газета-публицистик услубга хос бўлган аниқликка мойиллик уларнинг фаол ишлатилишига монелик қилмайди.

پس از این نیز آمریکا چند شرکت ایرانرا به لیست تحریمها اضافه کرد [С.Р.3916:11]

Шундан сўнг Америка бир нечта Эрон компанияларини санкция рўйхатиغا қўшиб қўйди.

Охирги вақтларда газета матнлари таркибида сонларнинг қўлланиш ҳолатлари кўпайиб бораётганини кўп олимлар таъкидлаганлар¹. Публицистик услубда соннинг услубий хусусиятлари намоён бўлиши нофаол, функционал хусусиятлари эса фаоллигини кузатиш мумкин. Газета матнларида сон ўзнинг бирламчи, яъни аниқ, объектив ахборотни етказиш билан бир қаторда, экспрессив вазифани ҳам бажаради.

Эрон газеталарида сон сўз туркумининг қўлланиши таҳлил этилганда бу сўз туркумининг барча саҳифалар, айниқса, иқтисод ва спорт саҳифасида кенг қўлланиши маълум бўлди. Спорт журналистикасида сон сўз туркумининг ўрни ўзига хос. Унда очко, гол, секунд ва ҳ.к.лар ҳақида маълумот берувчи хабарларда ўзига хос стилистик вазифани бажаради. Янги спорт рекорди ҳақидаги қисқа хабарда сон сўз туркуми устунлик қилса, интервью ёки очеркда иккинчи даражали ўринга тушиб қолади.

Эрон газеталарида сон сўз туркуми ҳам сон орқали, ҳам сўз орқали ифодаланади. Бундан ташқари, аралаш ифодаланиш ҳолатлари ҳам мавжудлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

هر یک در صد رشد اقتصادی، نیازمند یک تریلیون ریال (۱۰۰ هزار میلیارد تومان) سرمایه گذاری

است [Ж.Э.10294:10]

Иқтисодий ўсшининг ҳар бир фоизи учун бир триллион риёл (юз минг миллиард тумон) сармоя зарур. Бундай ҳолатлардан асосан катта миқдорни ифодалашда фойдаланилади. Ушбу ифода усули маълумотни қабул қилишни осонлаштиради.

¹Тертычный А. А. Цифра – материя тонкая // Журналист. –2006. № 1. –С.76; Шостак М.И. Репортер: профессионализм и этика. –М.: Изд-во им. Сабашниковых, 1999. –С.47.



Вақт кўрсаткичи замонавий ҳаётни акс эттирувчи газета матнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Эрон газета матнларида хронометражга алоҳида эътибор қаратилади, чунки уларнинг асосий қисми хабар ва янгиликлардан иборат. «Вақт» тематик гуруҳида вақт ўлчови учун *داқиқа*, *ساعت*, *روز*, *кун*, *هفته*, *ҳафта*, *ماه*, *ой*, *سال*, *йил* каби сўзлар қўлланади, лекин уларнинг ишлатилиш доираси чегаралангани кузатилади.

سال «йил» сўзи сон билан бирикиб, йил ҳисобини англаиб келган бирикмалар газетанинг деярли барча саҳифаларида фаол қўлланади. Масалан, сиёсий саҳифада бирор сиёсий музокара ёки учрашув вақти, бирор сиёсий жараёнлар вақти, сиёсий келишувлар санасини ифодалашга хизмат қилади. Спорт саҳифасида эса бирор спорт мусобақаси ўтказиладиган вақтни ифодалаб келади. Иқтисод саҳифасида муайян анжуман бўлиб ўтган пайт ёки иқтисодий жараён вақтини ифодалашга хизмат қилади. Маълумки, Эронда ҳижрий йил ҳисоби юритилади. Газета матнларида мамлакатнинг ички ҳаётига оид материаллар ёритилган мақолаларда ҳижрий йил ҳисоби, халқаро майдонда юз берган воқеаларни ёритишда мелодий йил ҳисобидан фойдаланилади. Ҳижрий йил ҳисоби ифодаланганда аксар ҳолатларда йил тўлиқ эмас қисқартирилган шаклда берилади. Бу ҳам газета матнларида сонларнинг ифодаланишида ўзига хос услубий жиҳат саналади.

وزير تعاون، کار و رفاه اجتماعی گفت: افزایش دستمزد کارگران در سال ۹۵ بیش از نرخ تورم خواهد

بود [C.P.3911:4]

Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазири тўқсон бешинци йилда ишчилар иши ҳақининг ошиши инфляция даражасидан юқорироқ бўлишини айтди

«Вақт» тематик гуруҳига оид бирикмаларнинг газета матнларида қўлланиши унинг информацион вазифасини намоён қилишга хизмат қилади. Газетада қўлланивчи вақтни англаган бирикмалар аксарият ҳолларда узоқ тарихни эмас, яқин ўтмишни ифодалайди.

Вақтни ифодалаш кундалик газетанинг асосий хусусиятларидан бири бўлишига қарамай, пул миқдори ифодаланиши ҳам газета матнларида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Буни ҳозирги кунда иқтисодиётнинг ривожланиб бориши билан асослаш мумкин. Газета матнларида сон пул ҳисобини ифодалашда қиймат (пул) ҳисоби учун ишлатиладиган сўзлар билан бирикиб келади. Ҳаётнинг турли тармоқларини пул орқали ҳисоблаш қайсидир маънода «иқтисодий психология» жиҳатларидан бирини намоён этади. Газета матнларига турли маблағ миқдори киритилиши, шу билан бирга, турли вақт оралиғида ҳаражат ва фойда кўрсаткичларини таққослашга имкон яратувчи маблағларнинг фоизли кўрсаткичига ахборотнинг умумий тижоратлаштируви белгиси сифатида қаралиши мумкин¹. Газета матнларида пул ҳисобини келтиришда аниқликка

¹ Симакова С.И. Цифровые обозначения как элемент газетного текста (на примере «Челябинского рабочего»): дис. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2009. – С.50.



тўла риоя этиш керак, акс ҳолда, берилаётган маълумот иқтисодий абстракцияга айланиб қолади.

Газета матнларида сон ўлчов бирлигини билдирувчи сўзлар билан бирикиб келади. Ўлчов гуруҳига узунлик, масофа, вазн, ҳажм ва ҳ.к. киради. Газета матнида ўлчов инсоннинг дунёни тадқиқ этиш, уни ўлчашга интилишни ифодалайди. Мазкур гуруҳда энг кўп учрайдиган ўлчанадиган объект фоиз кўрсаткичи эканлиги аниқланди.

Замонавий газета аниқ фактларга асосланган, ўқувчига ҳаққоний маълумот беришга қаратилган мақолалар билан характерланади. Лекин ҳозирги кун қисқалик ва аниқликни талаб қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, охириги йилларда сонлар қатнашган маълумотларни инфографика орқали ифодалаш ривожланмоқда. Ҳатто инфографика журналистиканинг янги жанри сифатида талқин қилинмоқда. Инфографика диаграмма, графика, жадвал, гистограмма, шкала кабиларни ўз ичига олади. Маълумотни юқорида санаб ўтилган воситалар орқали етказиш катта ҳажмдаги хабарни тез фурсатда қабул қилишни таъминлайди. Эрон газеталарида инфографика асосан статистик характердаги мақолаларда кенг қўлланилади. Қуруқ статистик маълумотни қамраб олган мақола ўқувчи учун у даражада қизиқиш уйғотмаслиги мумкин. Лекин инфографика орқали ифодаланган маълумот қизиқарли, кўпчиликти ўзига жалб қилиш хусусиятига эга. Шу билан бирга, инфографика оммавий ахборот воситаларида маълумот етказишнинг энг самарали усулларида эканлиги, келажакда бу йўналишни янада ривожлантириш зарурати борлигидан далолат беради.

Форс тилида газета матни баёнида замон шакллариининг барчаси иштирок этади. Лекин газетанинг информатив вазифаси инобатга олинса, унда феъл ўтган замон шакллариининг қўлланиши маҳсулдор ҳисобланади. Шу билан бирга, газета матнларида ифодаланувчи кенг планлилик боис ҳозирги ва келаси замон шакллариининг қўлланиши ҳам кузатилади.

Форс тили газета матнларида ҳозирги замоннинг *است ... در حال* бирикмаси орқали ифодаланиши газета услубининг ўзига хос жиҳати саналиб, ҳозирги замоннинг бундай бирикмалар орқали ифодаланиши матнга расмийлик ва юқори услуб руҳини бағишлайди. Масалан,

ایران برای اتصال کریدور خاورمیانه به آسیای میانه در حال فعال کردن چهار کریدور مهم منطقه ای

[Ж.Э.10288:2]است

Эрон Ўрта Шарқ коридорини Ўрта Осиёга бирлаштириши учун тўрт муҳим минтақавий коридорни йўлга қўймоқда жумласини меъёрий тил грамматик қондаси бўйича шакллантирилса, жумла таркибида келган *چهار کردن* бирикмаси ўрнида *فعال کردن* феъли қўлланиб, жумла *ایران برای اتصال کریدور خاورمیانه به آسیای میانه چهار کریدور مهم منطقه ای را فعال میکند* шаклида бўларди. Лекин газета матнларининг услуби ҳозирги замонни ифодалашда ана шундай бирикмаларни қўллашни тақозо этади.

Газета матнларида ўтган замон феълларининг асосан хабар бериш функцияси намоён бўлади. Аниқ ўтган замон феъли мамлакатда юз берган



сиёсий, ҳарбий, ижтимоий воқеалар, давлат раҳбарлари сафарлари, табиий офатлар, маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ва ҳ.к. ҳақида маълумот келтирилган мақолаларда қўлланади. Газета матнларида ўтган замон маъносини ҳозирги келаси замон феъл шакллари билан ифодалаш уларга ўзига хос услубий бўёқдорлик бағишлайди. Газета матнларида ўтган замон натижали феъли қўлланиш даражасининг баландлиги унинг грамматик функцияси билан чамбарчас боғлиқ. Фақат иш-ҳаракатнинг бажарилгани ҳақида маълумот берувчи аниқ ўтган замондан фарқли ўлароқ, ўтган замон натижали феъли нафақат иш-ҳаракатнинг бажарилиши, балки нутқ моментига нисбатан муносабатга ҳам эътиборни қаратади. Асосан маърузалар, ҳисобот шаклидаги мақолаларда кузатилади.

Феъл майллари шаклларининг газета матнларида қўлланиши чегараланган бўлиб, уларда феъллар, асосан, аниқлик майли шаклида бўлади. Газета матнларида буйруқ майлининг қўлланиши бу услубга хос жиҳат бўлмаса-да, баъзан буйруқ майли ишлатилган ҳолатлар учрайди. Бундай ҳолларда буйруқ майли ўқувчилар эътиборини кучайтириш воситаси вазифасини бажаради. Шу билан бирга, буйруқ майли давлат раҳбарлари нутқи ифодаланган матнларда халққа мурожаат, уларни бирор ишга чорлаш, эътиборни қаратиш каби ўринларда ишлатилади.

مدام سعى نكنيد خودتان را با ديگران مقايسه كنيد و خود را از ديگران برتر بدانيد [Э.24382:3]

Доимо ўзингизни бошқалар билан солиштиришига уринманг ва ўзингизни бошқалардан устун деб ҳисобламанг.

Публицистик услубда мажхул нисбатнинг қўлланиши кўпроқ кузатилади. Газета матнларида қўшма феълларнинг мажхул нисбатини ифодалашда *گرديدن* феълдан кенг фойдаланиш бу услубга хос жиҳатлардан биридир.

۸۵ ميليارد ريال ان اگر پرداخت شود، ديرکرد پول ان ها از سوى بانک بخشوده مى

شود [Ж.Э.10292:12]

Агар унинг 85 миллиард риёл тўлови амалга оширилса тўлов кечиктирилиши банк томонидан кечиради.

Форс тилида кўп феълларнинг юқори услубдаги вариантлари мавжуд. Газета матнлари расмий хабарлар, давлат раҳбарлари маърузалари ва ҳ.к.ларни ўз ичига олгани боис уларнинг таркибида юқори услубга оид феълларнинг кенг қўлланиши газета тилининг ўзига хос жиҳати саналади. Форс тилида газета матнларида расмийликни ифодаловчи феълларнинг ишлатилишида бир қатор ўзига хос жиҳатлар ажратилади. Форс тилида расмийлик ва ҳурмат экспрессиясини бериш учун маълум феъллар қўлланади: *رفتن*, *فرمودن* ўрнига *گفتن*; *آفریدن* ўрнига *ساختن*, *تشریف آوردن* ўрнига *آمدن*, *تشریف بردن* ўрнига *کردن* феъли ўрнига ҳар доим *نمودن* феълени қўллаш мумкин. Бундай ҳолларда *نمودن* феъли қўшма феълга юқори услуб оттенкасини беради. Газета матнларида *گرديدن* феълнинг *شدن* феъли ўрнига *نمودن* феъли ўрнига *کردن* феълнинг ишлатилиши публицистик услубга хос жиҳатлардан ҳисобланади.



Таҳлиллар натижасида форс тили газета матнларида қўшма феълларнинг дистант ҳолатда қўлланиш фаоллиги маълум бўлди. Газета матнларида қўшма феълларнинг дистант ҳолатда қўлланиши расмийликни сақлаб қолиш, газета матнларига юқори услуб оттенкасини бериш усули сифатида намоён бўлади. Бунда *نیاز داشتن, وارد شدن, دعوت شدن, آسیب رساندن, تصمیم گرفتن, شروع کردن, بستگی داشتن* каби феъллар қўлланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, газета матнларида *قرار گرفتن* феълларни қўллаш газета услубининг ўзига хос хусусиятини намоён қилади.

نمایندگان مجلس در ادامه، کلیات طرح جرم سیاسی را مورد بحث و بررسی قرار دادند و به تصویب رساندند [С.Р.3894:7]

Депутатлар сиёсий жиноят ҳақидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилиб, тасдиқладилар.

Форс тили газета матнларида феълнинг барча семантик гуруҳлари қўлланади. Лекин, тадқиқотнинг мазкур бўлимида нутқ феълларининг газета матнларида қўлланишида ўзига хос хусусиятлари таҳлилга тортилди. Бинобарин, нутқ феъллари барча тилларда бўлгани каби форс тилида ҳам ахборот етказишда фаол қўлланивчи воситалардан бири саналади.

Ахборот матни муҳим воқеалар ҳақида хабар бериб, маълумотни оператив равишда етказиб беришга йўналтирилгани учун феълларнинг фаол қўлланишини тақозо этади. Ахборот матнларида феъл семантикаси ўзига хос хусусият касб этади. Унда ахборот, таъкид ва тасдиқ маъносига эга нутқ феъллари асосий ўринни эгаллайди. Тўпланган материаллар таҳлили давомида эрон газета матнларида фаол қўлланивчи *گفتن* *айтмоқ*, *تاکید کردن* *таъкидламоқ*, *تاکید داشتن*, *تاکید داشتن*, *افزودن* *қўшимча қилмоқ*, *خاطر نشان کردن* *эслатиб ўтмоқ*, *اظہار کردن* *изҳор этмоқ*, *ادامه دادن* *давом этмоқ*, *توضیح دادن* *таъкидламоқ*, *بیان داشتن* *баён қилмоқ* каби нутқ феъллари аниқланди.

Нутқ феъллари газета матнларида ахборот бериш функциясини бажариб, «ахборот бериш» семаси остида бирлашади. Лексик семантик майдоннинг асосини *گفتن* феъли ташкил этади. Газета матнларида нутқ феълларининг қўлланишидаги ўзига хослик шундаки, унда турли феъллар бир маънода қўлланиши мумкин. Масалан, *جواب دادن* *жавоб бермоқ* ва *گفتن* *айтмоқ* бир маънода *демоқ*, *айтмоқ* маъносига қўлланиши мумкин. Газета матнларида қўлланган нутқ феъллари нафақат кўчирма гап, балки оддий гап таркибида ҳам кенг қўлланиши кузатилади. Нутқ феълларининг лексик-семантик таҳлили натижасида улар асосий семаси *нутқни амалга оширмоқ* бўлган *фактлар ҳақида ахборот бермоқ*, *бирон нарса билан боғлиқ фикрни билдирмоқ*, *бирор нарса ҳақида гувоҳлик бермоқ*, *бирор нарсага ишора қилмоқ* каби маъноларда қўлланади. Нутқ феълларининг асосий хусусияти, *хабар бермоқ* маъносини ифодалашдир.



Газета матнларида *اظهار کردن*, *اعلام کردن* феъллари нафақат *маълум нарса ҳақида ахборот бериши*, балки маълум расмий шахснинг сўзларида ифодаланган *нутқ жараёни* кучи ва йўналишини ифодалайди:

لاورف اظهار کرد: این اولین بار نیست که مقامات اسرائیلی از احتمال حمله به ایران اشاره کرده اند. موضع ما در این معلوم است - این امر میتواند یک اشتباه جدی مملو از عواقب غیر قابل پیش بینی شود [C.P.3904:4]

Лавровнинг таъкидлашича, Исроил расмийларининг Эронга хужум қилиши эҳтимоли ҳақида хабарлари биринчи бор эмас. Бу масала бизнинг позициямиз яхши маълум. Бу жиддий хатодир, чунки у қутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Эрон газета матнларида *اظهار کردن*, *اعلام کردن* феълларининг лексик маъноси газета матнларида *ахборот бермоқ* доминант феъли семантикаси билан узвий боғлиқ. *پیشنهاد کردن* феъли ҳам газета матнларида *бирор нарса ҳақида хабар беримоқ*, *бирор ишининг бажарилишини талаб этмоқ*, *бирор номзодни тавсия этмоқ* каби маъноларини англатади.

Эрон газета матнларида хабар, мулоқот, таъсир, мурожаат ҳамда нутқ фаолияти каби лексик-семантик гуруҳига оид нутқ феъллари қўлланади. Мазкур лексик-семантик гуруҳ феъллари турли нутқ вазиятларида воқеананс-да, баъзиларининг расмий бошқаларининг эса норасмий вазиятда қўлланиш фаоллиги аниқланди. Масалан, расмий нутқ вазиятида асосан хабар лексик-семантик гуруҳига оид феъллар фаол бўлса, нутқ фаолияти лексик-семантик гуруҳига доир феъллар нофаол қўлланиши кузатилади. Буни адресатга бирор ахборотни етказиш расмий мулоқотнинг бош вазифаси саналиши билан асослаш мумкин.

В.Костомаров фикрича, экспрессия ва стандарт услубнинг конструктив принципи ҳисобланади ¹. Стандартлаштириш услубнинг конструктив принципларидан бири сифатида қабул қилинса ахборотнинг тез узатилишини таъминлайди, вақтни тежаш, воқеа-ҳодисаларга оператив тарзда жавоб қайтаришни таъминлаб, услубнинг нейтрал фонини вужудга келтиради. Шу билан бирга, бу маълум қолипларнинг вужудга келишига ҳам туртки бериши мумкин. Эрон газета тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири бирор шахс нутқи ёки фикри ифодаланган мақолада ҳар бир жумла маълум қолипдаги феъл шакллари билан бошланади. Бунда асосан *گفت دеди*, *تاکید داشت*, *تاکید داشت* *таъкидлади*, *تصريح* *توضیح داد* *изоҳ берди*, *خاطر نشان کرد*, *افزود* *қўшимча қилди*, *پیداوار شد* *элатиб ўтди*, *ادامه داد* *давом этди*, *اظهار کرد* *изҳор этди*, *بیان داشت* *баён қилди* каби феъллар қўлланади.

Газета матнларида юқорида санаб ўтилган нутқ феълларининг маълум қолип шаклига эга бирикмалар таркибида ҳам қўлланиш ҳолатлари кўп учрайди. Бунда *бирор* *бир چیزى تاکید و بیان کرد*, *бирор* *ماسالا شارҳیدا دеди* *به تشریح چیزی پرداخت و گفت*

¹Костомаров В.Г. Лингвистический статус массовой коммуникации и проблема «Газетного языка»: (на материале советской прессы) // Психолингвистические проблемы массовой коммуникации. – М., 1974. – С.65.



туркумларига оид аксарият лексик бирликлар миллий специфика - Эроннинг давлат тузилиши, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият, миллий менталитетнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳ.к. таъсирида шаклланган.

Сифатларнинг коммуникатив ва экспрессив функциялари газета матнларида бирор воқеа-ҳодисага муносабат билдиришда намоён бўлишини алоҳида таъкидлаш лозим. Форс тили газета матнларида туб сифатларга нисбатан ясама сифатларнинг қўлланиши фаол усуллардан саналади. Газета-публицистик услубнинг асосий вазифаси ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалаларни ёритиш, бунда эса шу соҳага мос лексикани қўллашни тақозо этади. Ясама сифатларнинг салмоқли улуши мана шу масалаларни ёритишда қўлланивчи отларнинг белгисини англатади. Олд қўшимчалар билан ясалган сифатлар ичида غير инкор юкламаси иштирокида ясалган сўзлар таркибидаги غير юкламасида публицистик услубга алоқадор чегараланганлик сезилади.

Газета матнларида олмошларнинг услубий хусусиятлари яққол намоён бўлиб, من кишилик олмошининг ما шаклида қўлланиб, турли услубий маъно нозикликларини ифодалаш имконияти орқали ҳам кўринади. Газета матнларида من кишилик олмоши ўрнида баъзан اينجانب қўлланиши мумкин. Сўроқ олмошларида услублараро умумийлик мавжуд. Газета матнларида олмошларнинг қўлланишидаги ўзига хос жиҳатлар унинг услубий имкониятларини аниқлаб беради. Газета-публицистик услуб спецификасининг намоён бўлишида олмошларнинг алоҳида ўринга эгаллиги сўроқ олмошлардан танқидий мавзудаги мақолаларда фойдаланишда кўринса, бўлишсизлик ва гумон олмошларининг нофаоллиги аниқликка интилиш билан асосланади.

Сонларда от ва сифат сўз туркумлари каби публицистик услубга хос белгилар кўп бўлмаса-да, эмоционал-экспрессив бўёқ ва маънони намоён этиши учун мавжуд хусусиятларнинг ўзи ҳам газета матнида етарли даражада хизмат қила олиши аниқланди. Сон сўз туркуми газета матнларида муҳим вазифани бажаради. Улар берилаётган маълумотнинг аниқлигини таъминлаш билан бир қаторда, маълум маънода ўқувчига таъсир қилиш, унда тасвирланаётган воқеаларга нисбатан баҳоловчи муносабат шаклланишида хизмат қилади. Сон газета матнларининг доимий ва ўзгармас қатнашчиси сифатида, уларнинг ўзига хос услубий колоритини яратишда муҳим ўринга эга. Сон газета матнларида маълумотнинг аниқ етказилишида асосий омил вазифасини бажаради. Газеталар кўриб қабул қилишга мўлжаллангани сабаб, уларда берилган 10 гача бўлган сонлар рақамлар билан, 10дан юқори бўлган сонлар ҳарфлар орқали ифодаланди. Бу маълумотни янада яхшироқ, аниқ, енгил қабул қилишни таъминлайди.

Феъл сўз туркуми бошқа сўз туркумларига нисбатан газета матнларининг таянч қисми бўлиб, унинг грамматик ўтган замон шакллари, мажхул нисбати, расмий шакллари, дистант ҳолати каби категориялари бу сўз туркумининг газета-публицистик услубда услубий хусусиятларини намоён этувчи асосий воситалар саналади. Газета матнларида замон шаклларининг барчаси қатнашади, аммо асосан улар бўлиб ўтган воқеалар тафсилотига йўналтирилгани ҳисобига



фёълнинг ўтган замон шакллари фаол ҳисобланади. Газета-публицистик услубда майл формаларининг қўлланиши чегараланган бўлиб, асосан фёъллар аниқлик майли шаклида бўлади, буйруқ майлининг қўлланиши эса бу услубга хос жиҳат ҳисобланмайди. Газета-публицистик услубда фёълнинг барча нисбат формалари ишлатилади, аммо бу услуб мажхул нисбатдаги фёъллар фаоллиги билан ажралиб туради.

ХАСАНОВА ШАХЗОДА

Ўқитувчи, ТДШУ

Фразеологизм структурасининг асосий хоссалари

Аннотация. Ўзбек тилишунослигида фразеологизмларни семантик жиҳатдан классификация қилиши масалалари юзасидан хилма-хил қарашлар талқин қилинмоқда. Фразеологизмларнинг семантик структураси хилма-хил ва мураккаблиги билан бошқа тил бирликларидан фарқланади. Бинобарин фразеологизмларнинг таркибида икки ёки ундан ортиқ сўз иштирок этишига қарамай, уларнинг маъноси яхлит умумий бир маънони англатади. Фразеологизмлар кўп ҳолларда сўзларга муқобил бўлиши билан бирга, фразеологик маъно билан лексик маъно тенг бўлавермайди. Фразеологик стилистика умумий стилистикасининг ажралмас бир бўлаги ҳисобланади. Ўзбек тилишунослигида фразеологизмларнинг нутқ жараёнидаги фаолияти борасида эътиборли назарий тадқиқотлар амалга оширилган. Маълумки, стилистика нутқ маданиятимиз билан боғлиқ ва унинг асосини ташкил этади. Ўзбек тилининг фразеологик бойлиги унинг сон таркиби билан белгиланиб қолмасдан, балки уларнинг кенг маъно қўлланлиги ва турли стилистик сифатлари билан ҳам белгиланади. Фразеологизмлар ҳам худди сўз каби стилистик бўёқдорликка турли хил муносабатларда мавжуд бўлади. Сўзнинг стилистик характеристикаси каби фразеологизмларда ва функционал-стилистик бўёқдорлик, эмоционал-экспрессивлик ва баҳо-муносабат билан омўхта ҳолда мавжуд бўлади. Ибора меъёрлари тил ва нутқ ҳолати нуқтаи назаридан олиб қаралмоғи керак. Биринчи ҳолатда иборани муаллиф ўз олдида қўйган мақсади йўлида қайта қуриши, ўзгартириши мумкинлиги кўзда тутилади, чунки нутқ ҳолатида бунга йўл қўйилишига кўп дуч келинади. Фразеологизмларнинг стилистик парадигмасини яққол англаш учун фразеологизмларнинг семантик структураси мавжуд бўлган эмоционал-экспрессив, яъни коннотатив ма'нолари ҳақида фикр юритиши жоиздир. Фразеологизмларда қўшимча ма'нолар ва маъно қирраларининг кучли ифоданиши уларнинг характерли томонлари ҳисобланади.

Калит сўзлар: фразеологик стилистика, трансформация ҳодисалари, фразеологизмларнинг услубий вазифалари, эмоционал-экспрессив.

Аннотация. В узбекской лингвистике трактуются разные взгляды на вопросы семантической классификации фразеологизмов. Семантическая структура фразеологизмов отличается от других языковых единиц своим разнообразием и сложностью. Поэтому, несмотря на то, что в состав фразеологических единиц входят два и более



слова, их значение означает одно общее значение. Фразеологизмы во многих случаях являются альтернативой слову, но фразеологическое значение и лексическое значение не равнозначны. Фразеологическая стилистика является составной частью общей стилистики. В узбекском языкознании проведены тщательные теоретические исследования деятельности фразеологии в речевом процессе. Известно, что стилистика связана с нашей культурой речи и составляет ее основу. Фразеологическое богатство узбекского языка определяется не только его числовым составом, но и их широким спектром значений и различными стилистическими качествами. Фразеологизмы, как и слова, существуют в разных отношениях к стилистической окраске. Стилистическая характеристика слова присутствует во фразеологизмах и функционально-стилистической окраске, эмоциональной выразительности и оценочно-отношении. Фразеологические нормы следует рассматривать с точки зрения языковой и речевой ситуации. В первом случае предполагается, что фраза может быть перестроена и изменена в соответствии с поставленной автором целью, поскольку это часто допускается в речевой ситуации. Для ясного понимания стилистической парадигмы фразеологизма допустимо подумать об эмоционально-экспрессивных, т. е. коннотативных значениях фразеологизма, имеющих семантическую структуру. Для фразеологизмов характерна сильная экспрессия дополнительных значений и аспектов значения.

Ключевые слова: фразеологическая стилистика, трансформационные события, стилистические задачи фразеологии, эмоционально-экспрессивные.

Abstract. In Uzbek linguistics, different views are being interpreted on the issues of semantic classification of phraseologies. The semantic structure of phraseologies differs from other language units by its diversity and complexity. Therefore, although two or more words are involved in the structure of phraseological units, their meaning means one common meaning. Phraseologists are alternatives to words most times, but the phraseological meaning and lexical meaning are not equal. Phraseological stylistics is an integral part of general stylistics. In Uzbek linguistics, careful theoretical studies have been carried out on the activity of phraseology in the speech process. It is known that stylistics are related to our speech culture and form its basis. The phraseological wealth of the Uzbek language is determined not only by its numerical composition but also by its wide range of meanings and various stylistic qualities. Phraseologisms, like words, exist in different relationships to stylistic coloring. The stylistic characteristic of the word is present in phraseologies and functional-stylistic coloring, emotional expressiveness, and evaluation-attitude. Phrase norms should be considered in terms of language and speech situation. In the first case, it is assumed that the phrase can be reconstructed and changed in the way of the goal set by the author because this is often allowed in the speech situation. In order to clearly understand the stylistic paradigm of phraseology, it is permissible to think about the emotional-expressive, i.e., connotative meanings of phraseology, which have a semantic structure. Phraseologisms are characterized by strong expressions of additional meanings and aspects of meaning.

Keywords: phraseological stylistics, transformation events, stylistic tasks of phraseologies, emotional-expressive.

Кириш. Тилшунослар томонидан эътироф этилганидек, тил стилистикасида унинг уч қисми ажралади: лексик стилистика, фразеологик стилистика ва грамматик стилистика. Стилистика тил миқёсида услубларни, уларнинг



семантик-стилистик хоссаларини ўрганади. Фразеологик стилистикада эса фразеологизмларнинг услубий хусусиятлари ўрганилади. Фразеологик стилистиканинг ўрганиш объекти ҳақида тилшунослар орасида аниқ бир тўхтамаг келингани йўқ. Айрим тилшунослар бу ҳақда асосий эътиборни уларнинг эмоционал-экспрессив хусусиятларини ўрганишга қаратса, айримлари турли стилистик қатламларни ўрганишни кўрсатади. Учинчи хили эса фразеологизмларда трансформация ҳодисаларини, яна айримлари эса фразеологик синонимия, антонимия ва фразеологик полисемияларини ўрганишни кўрсатади.

Бу ўринда проф. А.Ҳожиёвнинг фикрига тўлиқ қўшилиш лозим: “фразеологизмлар ўз синонимлари бўлмиш сўзларга нисбатан, биринчидан, маънони кучли даража билан ифодаласа, иккинчидан, улар образлилик оттенкасига эга”¹. Демак, фразеологизмларнинг семантик структураси фразеологик маъно, яъни бирламчи маъно ва қўшимча кучайтирувчи маънолардан иборат бўлади. Фразеологизмларнинг маънолари кўпроқ матнда ва нутқ вазиятида кенгрок намоён бўлади. Лекин улар алоҳида ҳам маълум номинатив маънода ифодаланиши мумкин. Номинатив маъно белги, ҳаракат, предмет кабилар ҳақида фразеологизм ифодайдиган маълумот ҳисобланади. Масалан, Мойянинг “酒国” ёзган асарда 速度放慢² *sùdù fàng màn* сўзма-сўз таржима қилганда секинлашиш даражаси деб таржима қилинади асарда эса ушбу бирикма мазмунан қаралганда беихтиёр дея таржима қилинади яни биз бунини сўз бирикмаси яъни фразеологик бирикма сифатида қарай оламиз. Тадқиқотимиздаги “他感到乏味、无趣，便把她推开。*tā gǎndào fáwèi, wúqù, biàn bǎ tā tuī kāi.*”, ушбу гапни таржимаси қуйидагича берилган:

“Унинг ҳафсаласи пир бўлиб, бирдан унга қизиқиши сўнди ва ўзидан нари итарди”³ 感到乏味、无趣 *gǎndào fáwèi, wúqù* ушбу фразеологик бирикмани ҳафсаласи пир бўлиб дея таржима қилиниши мақсадга мувофиқ бўлган.

他的心里生出一些疑虑和恐惧 *Tā de xīnlǐ shēngchū yīxiē yǐlù hé kǒngjù.* Ушбу мисолни сўзма-сўз таржима қилганда “унинг юрагида шубҳа ва қўрқув вужудга келди”. Дея таржима қилиш мумкин. Лекин бунда бадиий бўёқдорлик ҳамда асар соддалаштирилган бўлиб қолади. Фразеологизмлардан фойдаланиш эса асарни янада бойитади. Ш.РАҳматуллаев “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”⁴ номли луғатда “юрагига ғулғула тушмоқ” сўзидан фойдаланган. Юрагида шубҳа ва қўрқув вужудга келди сўзининг ўрнига юрагига ғулғула тушди, ибораси қўлланилса асарнинг бадииятига путур етмаган ҳамда жозибасига янада жозоба қўшилган бўлади назаримизда. Шунингдек юқоридаги иборага синоним сифатида қуйидаги сўзларни ишлатиш ҳам

¹ Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. “Фразеология”. - Тошкент, “Ўқитувчи”, 1981, 180-бет.

² 莫言酒国 2 页。

³ Moyan. Musallaslar mamlakati. (Amir Fayzulla, Sevara Alijanova tarjimasi) – T: O‘zbekiton NMIU, 2018. -6 bet.

⁴ Raxmatullayev Sh. O‘zbek tilining izohli frazeologik lug‘ati. –T: O‘qituvchi, 1978, 269 bet.



ўринлидир: “юраги така-пука”, “оёғи куйган товукдай”, “тоқати тоқ бўлмоқ” ёки, тилимиздаги “кўнгли тоза”, “дили тоза”, “юраги тоза”, “қўй оғзидан чўп олмаган”, “мусичадек беор” каби фразеологизмлар учун “софдил”, “ҳалол” маъноси, шу фразеологизмлар учун номинатив маъно саналади. Бу фразеологизмлар характернинг белгилари ҳақида маълумот беради. Таъкидлаганимиздек, фразеологизмлар номинатив маънодан ташқари қўшимча оттенкаларга ҳам эга бўлади.

Фразеологизмларнинг семантик структурасидаги қўшимча маънолар уларни бошқа тил бирликларидан фарқлашда асосий роль ўйнайди. Шу маънода стилистикани ўрганиш, унинг нормаларини англаш, нутқий маданиятимизни оширади. Шунинг учун ҳам тил луғавий бирликларининг услубий хусусиятларини ўрганиш илмиямалий аҳамиятга эгадир. Фразеологик стилистика фразеологизмларнинг барча ифодалаш, тасвирлаш хусусиятини қамраб олишни керак. Жумладан, фразеологизмларнинг стилистик белгилари: ўзбек фразеологиясининг стилистик қатламлари, (услублараро, сўзлашувга хосланган, оддий сўзлашувга хосланган, китобий) фразеологизмларда синонимия ва муқобиллик; омонимлик ва антонимлик; фразеологизмларнинг услубий вазифалари; фразеологизмларнинг трансформацияланиши; услубга тегишли фразеологизмларнинг луғатларда қайд этилиши каби қамраб олмағи лозим.

Фразеологизмларнинг стилистик парадигмасини яққол англаш учун фразеологизмларнинг семантик структураси мавжуд бўлган эмоционал-экспрессив, яъни коннотатив маънолари ҳақида фикр юритиш жоиздир. Фразеологизмларда қўшимча маънолар ва маъно қирраларининг кучли ифоданиши уларнинг характерли томонлари ҳисобланади. А.Абдуллаев таъкидлаганидек, “фразеологизмлар номинатив ва қўшимча оттенкаларининг ажралмас бирлигидан иборат бўлган махсус нутқий фигуралардир”. Тилимизнинг фразеологик таркиби эмоционал-экспрессивликка бойлиги билан характерланади. Фразеологизмлар яхлитлигича ёки компонентларидан бирининг кўчма маъноси асосига қурилган бўлади. Бу эса бирикмаларда эмоционал-экспрессивлик оттенкаларининг кучли ифодаланишига сабаб бўлади. Тилшуносликда у ёки бу тил бирлигининг эмоционал-экспрессив маънолари уларнинг коннотатив маънолари деб ҳам юритилади. Коннотатив маъно «денотатив маънога қўшимча равишда экспрессив, стилистик муносабат кабиларни ифодалайди». Шу ўринда тилшунослар коннотатив маънони фразеологик маъно таркибидаги алоҳида ролини эътироф этадилар. Шу билан бирга фразеологизмларнинг маъно структурасидаги коннотатив маънони бошқа тил бирликларидан фарқловчи асосий белги деб ҳам қарайдилар. Лекин тилшуносликда коннотатив маъно ҳақидаги билдирилган фикрлар алсо бир хил эмас. Коннотатив маъно тилшунослар томонидан турлича талқин этилади. Айниқса коннотатив маънонинг денотатив маъно билан фарқли томонлари, улар орасидаги диалектик боғлиқлар тўғрисида тилшунослар орасида бир хиллик мавжуд эмас. Кўп ҳолларда коннотатив маънони сўз ва фразеологизмнинг асосий маъносига қўшилган устама маъно



деб қарашади. Шу ўринда шуни таъкидлаш керакки, умуман фразеологизмлар, жумладан эмоционал-экспрессив бўёқдор фразеологизмлар, шунингдек, шундай характердаги сўзлар фикрни таъсирчан, образли, эмоционал-экспрессив ифодалаш учун яратилган тил ҳодисасидир. Коннотатив аспектдаги маъно ва асосий маънога қўшилган устама маъно бўлмасдан, балки, асосий маъно, яъни предметни аташ маъноси билан мураккаб бирликда мавжуд бўлади ва бу маъно объектив оламни, айтилган фикрни англашда, идрок этишда алоҳида роль ўйнайди. Ўзбек тилшунослигида тилнинг эмоционал-экспрессивлик хусусиятлари нисбатан кам ўрганилган. Шуни эътироф этиш керакки, ўзбек тили лексикасининг эмоционал-экспрессив бўёқдорлик жиҳатдан хусусиятлари ҳақида бир мунча илмий ишлар амалга оширилган. Аммо бу масалалар фразеологик материаллар асосида ўрганилган эмас. Шу ўринда эмоция ва экспрессивлик тушунчасини ва уларнинг тилда ва нутқдаги фаолияти ҳақида фикр юритиш, уларни англаб олиш ҳам зарур. Тил кишилар фикрининг воқе бўлишидир, кишилар атроф-муҳитни идрок қилиш жараёнида, инсон онгида пайдо бўлган тушунча-мулоҳазалари ва субектив муносабатлари ҳам нутқ орқали юзага чиқади. Сўзловчининг ёки тингловчининг воқеликка, у ёки бу муносабатлари тилда турли хил моделлик, эмоционаллик-экспрессивлик, стилистик воситалар орқали юзага чиқади, ойдинлашади. Демак, инсон ўз нутқида воқеа-ходисани, жараёнларни, умуман объектив оламни идрок қилиш билан бирга, шу объектив оламга ўзининг ижобий ёки салбий муносабатини ифодалашга интилади. У ёки бу муносабатни (муносабатлар ижобий ёки салбий бўлади) ифодалаш кишилардаги ҳис-ҳаяжон, эмоция орқали юзага чиқади. Шунга кўра нутқнинг:

а) интеллектуал нутқ;

б) интеллектуал-эмоционал нутқ формалари юзага келади.

Интеллектуал ва интеллектуал-эмоционал нутқ формалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бири иккинчисини тақозо қиладиган ҳодисалардир. Бу ҳодисаларга қандай изоҳ бериши лозим. Кишилар эмоцияси ва ҳис-ҳаяжонлари лингвофилософик категория бўлиб, у қадимдан философлар, сосоиолог, психолог ва албатта тилшуносларни ўзига жалб этган. Класцикларимиз эмоция масалаларини материалистик билиш нуқтаи-назаридан қараб ўрганиб, чуқур мулоҳазалар яратганлар. Эмоция воқеа-ходисага, жараёнга бўлган инсон муносабати бўлиб, дунёни билишнинг бир формасидир.

Тилшуносликда эса эмоционал сўз ёки (фразеологизмнинг яъни луғавий бирликнинг семантик структурасида мавжуд бўлган номинатив, денотатив ма'нолар билан ҳамоҳанг ма'нолардир. Эмоционаллик ҳамма вақт нутқда экспрессивлик, баҳолаш, муносабат билдириш хусусиятига эга, яъни эмоционал айтилган фикр экспрессив ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга эмоционал айтилган фикр у ёки бу жараённи ижобий ёки салбий баҳолайди, сўзловчининг у ёки бу муносабатини ҳам ифодалаш хусусиятига эга. Шу маънода эмоциялар икки катта гуруҳга ажралади:



- а) ижобий эмоциялар;
- б) салбий эмоциялар.

Масалан, “қувончи ичига сиғмайди” – ижобий эмоция, “бети курсин”, “қўзларининг пахтаси чиқди”- салбий эмоция. Экспрессивлик тил, бирлиги бўлиб, унинг маъно функцияси фикрни тез, кучли, таъсирчан ифодалашга хизмат қилади. Экспрессивлик нутқда баҳо-муносабат билдириш хусусиятига эга бўлиши ҳам мумкин, бўлмаслиги ҳам мумкин. Экспрессивлик эмотив ёки эмотив бўлмаслиги мумкин. Баҳо-муносабат - бу кишиларнинг обектив ва субъектив ёки аксинча муносабатлари тил воситалари орқали изоҳли, ифодали, аниқ, очиқ-ойдин ёки сирли, яширин, очиқ бўлмаган тарзда ифодалашдир. Эмотинал-фразеосемантик майдон - тилнинг лексик ва фразеологик бирликларининг семантик структурасида коннотатив маънонинг мавжудлиги билан фарқланади. Туркум фразеологизмлар маъно яқинлигига кўра, улар маълум фразеосемантик уяларга бирлашиши мумкин. Масалан “боши осмонга етмоқ”, “қўйи мингга етмоқ”, “оламга сиғмайди” каби фразеологизмлар, гарчанд, лексик-грамматик хусусиятига кўра турли хил группаларга ажралсада, семантик жиҳатидан улар бир фразеосемантик майдонни ташкил этади. Тилнинг эмоционал-экспрессив маънолари сўзловчининг ҳис-ҳаяжони ва унинг обектив оламга бўлган муносабати билан чамбарчас боғлиқдир. Бу тўғрисида Э.С.Азнаурова шундай ёзади: “обектив оламда билиш билан боғлиқ бўлган киши фаолияти, эмоциянинг иштирокисиз мумкин эмас”¹.

Е.М.Галкина-Федорук экспрессивликни тасвирийликни кучайтирувчи, айтилган фикрнинг таъсирчанлигини оширувчи восита сифатида қарайди. Шу билан бирга муаллиф экспрессивликни интеллектуал ва интеллектуал-эмоционал тушунчасини эса М. Галкина-Федорук экспрессивлик тушунчасига нисбатан тор маънода тушунади. Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларнинг эмоционал-экспрессивлик хусусиятлари алоҳида тадқиқ сифатида ўрганилган эмас. Ўзбек тили эмоционал-экспрессив лексикаси стилистик бўёқдорлик жиҳатидан бирмунча ўрганилганини эътироф этиш керак. С.Ғойибов ўзининг шу масалаларга бағишланган илмий тадқиқларида сўзларнинг эмоционал-экспрессивлик даражаси, уларни юзага келтирувчи лингвистик воситалар ҳақида атрофлича фикр юритади. Шу маънода у эмоционал-экспрессивлик категорияларни бир-биридан ажратадиган ҳодиса эмаслигини таъкидлайди ва эмоционал-экспрессив атамасини бирга ишлатишни таклиф этади. А.Абдуллаев ўзининг илмий тадқиқотларида ўзбек тилида экспрессивликни ифодалашнинг восита ва усуллари тўғрисида фикр юритади. Шу билан бирга эмоционаллик ва экспрессивлик категорияларини характерлайди. Жумладан, у шундай ёзади: “Экспрессивлик ва эмоционаллик бир-биридан ажратиладиган ҳодисалар эмас. Бу ҳодисаларнинг бирида экспрессивлик устун, бошқасида эмоционаллик устун, яна бирида ҳар иккиси тенг бўлиши мумкин. Шунга кўра биринчисини

¹ Азнаурова, Э.С. Очерки по стилистике слова / Э.С. Азнаурова. – Ташкент: Фан, 1973. – 405 с.



экспрессив, иккинчисини эмоционал, учинчи хилини эса эмоционал-экспрессив деб аташ мақсадга мувофиқдир”¹.

这才叫“内行看门道，外行看热闹”，这才是“有心栽花花不开，无意插柳柳成荫”呢[2,98]。 *Zhè cái jiào “nèiháng kān mén dào, wàiháng kàn rè nào”, zhè cái shì “yǒuxīn zāi huā huā bù kāi, wúyì chā liǔ liǔ chéng yīn” ne.*

Бу “уста усталик билан йўлини топади, ношуд икки кўлини бурнига тикиб қолаверади”, ёки яна бир мисол “авайлаб экилган гул қуриб қолади, наридан бери суқилган таёқ ҳайқирган дарахтга айланади”ни эслатади[3,128].

Буни “*тихини ёрган* йўлини топади, содда эса томошани кўриб қолаверади” яна “юрақдан меҳр билан экилган гул гулламайди, мақсадсиз қўйилган тол соя қиладиган бўлади” дейишади.(Таржимон)

Тилда эмоционаллик икки хил характерга эга бўлади: а) сўзловчига нисбатан; б) тингловчига нисбатан. Маълумки, тил бирликлари у ёки бу ҳодисаларни, предметларни ифодалаш учун хизмат қилади. Лекин сўзловчининг воқеликка нисбатан у ёки бу муносабатига кўра нутқнинг интеллектуал-эмоционал нутқ формаси юзага келар экан. Бу нутқ формаси асосан инсоннинг психо-физиологик ҳолатини, объектга нисбатан субъектив муносабатини ифодалайди. Бу ўринда фразеологизмлар ифода этган эмоционал-экспрессив маънолар айниқса диққатлидир. «Агар лексика ўз мажмуасида воқеа-ҳодисалар, фактлар ва воқеалик жараёнини ифода этса, фразеологизмлар эса биринчи навбатда қайғу, ҳис-ҳаяжон, туйғу, индивидларнинг психик ҳолатини, бахт, севги-муҳаббат, темасини, инсоннинг сифат кўринишларини ифода этади»⁸. Фразеологизмлар тил воситаси сифатида эмоционал-экспрессивликни кучли ифодалаш билан ажралиб туради. Фразеологизмларнинг кўпчилиги нутқда маълум стилистик мақсадлар, айниқса кишиларнинг эмоционал ҳолатини ва эмоционал-баҳо муносабатини ифодалашга хизмат қилади.

“Тилнинг ҳар қандай воситаси махсус бирор стилистик мақсадда ишлатилса, қандайдир экспрессивлик-эмоционаллик каби оттенкаларни келтириб чиқаради”. Бу маънода фразеологизмлар компонентларининг бири ёки бирикманнинг тўласинча кўчма маънода ишлатилиши бирикмада эмоционал-экспрессивликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Фразеологизмларни тил ҳодисаси сифатида А.Абдуллаев шундай характерлайди: “Фразеологизмлар воқеа-ҳодиса, белгиларнинг инсон онгида кучли таъсир қилиш, шу кучли таъсир натижасини нутқда тўлалигича, борлигича ифодалаш-умуман фикрнинг таъсирчанлигига эришиш мақсади заминидан яратилган тил ҳодисасидир”².

Тил мураккаб тизим эканлиги маълум. У фақатгина фонетик, лексик-фразеологик, сўз ясаши ва грамматик сатҳда қурилмасдан, балки стилистик

¹ Ройзензон Л.И., Авалиани Ю.Ю. Современные аспекты изучения фразеологии. В кн.: Проблемы фразеологии и задачи её изучения в высшей средней школе. 1967. С.4.

² Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. Тошкент, “Фан”, 1983, 6-33бет



муносабатда ҳам мавжуд бўлади. Услубий бўёқдорликни юзага келтирувчи, шунингдек, нейтралликни ифодаловчи воситалар, турли услублар ва уларнинг таркиби, тилнинг стилистик мажмуасини ташкил қилади. Фонетиканинг ўрганиш кўлами товушлар бўлса, лексикологиянинг ўрганиш кўлами лексика, грамматиканинг ўрганиш кўлами эса сўз қурилиши ва гапдир. Кўринадики, ҳар бир тил сатҳининг ўз ўрганиш объекти мавжуд. Шу ўринда стилистиканинг ўрганиш объектини тилнинг қайси сатҳидан излаш лозим? Стилистиканинг ўрганиш объекти ҳар бир тил сатҳининг ўзида мавжуд бўлади. Шу маънода фонетик стилистика, лексик стилистик, фразеологик стилистика, грамматик стилистика каби сатҳлари фарқланади.

Тилнинг стилистик тузилиши ёки стилистик сатҳи бўлган фонетик, лексик-фразеологик, сўз ясаши, грамматик қисмлари умумий стилистикага бир бутун ҳолда таъсир этади ва уни ташкил этади. Масалан: юз-бет-чеҳрабашаратурқ сўзлари фақат фонетик ёки грамматик жиҳатидан эмас, балки семантик-стилистик планда ҳам қизиқарлидир. Қайд этилган сўзлар инсоннинг маълум бир тана аъзосини ифодалаши, яъни номинатив вазифани бажариши маълум, аммо бу сўзлар бир-бирларидан маълум стилистик оттенкалари билан фарқланади. Тилшуносликда қуйидаги модель стилистик парадигма деб аталиб, бунда у ёки бу сўзнинг умумий маъноси сақланган ҳолда, уларнинг стилистик оттенкасига кўра сўзнинг вариантини ишлатишдир. Стилистик парадигма асосан лексикада кўп учрайди, аммо бу ҳодиса тилнинг бошқа сатҳларида ҳам ўз аксини топмоқда. Бошқа тиллардаги каби ўзбек тили фразеологияси ҳам мислсиз тил ҳодисаси бўлиб, бунда ўзбек халқ тилининг ўзига хос ижодиёти, миллийлиги гавдаланади.

Ўзбек тилининг фразеологик бойлиги унинг сон таркиби билан белгиланиб қолмасдан, балки уларнинг кенг маъно кўламлиги ва турли стилистик сифатлари билан ҳам белгиланади. Фразеологизмлар ҳам худди сўз каби стилистик бўёқдорликка турли хил муносабатларда мавжуд бўлади. Сўзнинг стилистик характеристикаси каби фразеологизмларда ва функционал-стилистик бўёқдорлик, эмоционалекспрессивлик ва баҳо-муносабат билан омухта ҳолда мавжуд бўлади. Масалан тилимиздаги «юраги ёрилди» қаттиқ кўрқувни ёки қаттиқ ҳаяжонни англатиб, нутққа қўшимча эмоционал бўёқ бахш этади. Тилимиздаги «содда дил» бирикмаси ҳам сўзлашувга хос бўлиб, унинг семантик таркибида стилистик бўёқдорлик йўқ, аммо баҳолаш хусусияти мавжуд. Фразеологизмларнинг предметлик маъносидан ташқари эмоционалекспрессив, баҳо-муносабат каби маъно элементларининг омухталиги фақатгина предметга хос бўлган мантиқий маънони ифодалаб қолмасдан, шу билан бирга образли тасаввур ва предметнинг мантиқий маъносига эмоционал муносабатни ҳам ифодалаши билан характерланади. Масалан, «пихини ёрган», «илоннинг ёғини ялаган» фразеологизмлари катта ҳаётий тажрибалиликни, шумлик, муғомбирлик каби кишининг характерини ифодалайди. Шу билан бирга бу фразеологизмлар кишига нисбатан ироник муносабатни ҳам кўрсатади. Шу боис буларни



нейтрал вазиятда ишлатиб бўлмайди. Демак, булар умумистеъмол фразеологизмлари бўлмисдан, (услугбинг бирортасига) услубга хосланган бўлади.

Нутқда фразеологизмлар асосан эмоционаллик, экспрессивлик, образлик, умуман прагматик вазифани бажаради. Шу маънода фразеологизмларнинг услубий хусусиятларини ўрганиш ҳам амалий ҳам назарий аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиздир. Оғзаки нутқда ҳам ёзма нутқда ҳам фразеологизмларнинг иштироки нутқнинг жонли, тасвирий, образли бўлишини таъминлайди, унга миллий ўзига хослик бахш этади.



МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК //
 ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ И ТЕКСТОЛОГИЯ //
 SOURCE STUDY AND TEXTOLOGY

НИЗАМЕТДИНОВ НАЖМИДДИН

профессор, ЎХИА

Маҳатма Ганди: «Икки диний эътиқод – бир миллат»

***Аннотация.** Арабларнинг VIII асрдан бошланган «Ҳинд юриши»дан кейинги воқеалар жараёнида пайдо бўлган «ҳинд-мусулмон муаммоси» кўндан маҳал-лий ҳинд олимлари қатори хорижий шарқшуносларнинг ҳам эътиборида бўлган. Шу нуқтаи назардан қадимдан ҳиндлар билан яқин ва дўстона муносабатда бўлган ўзбек халқи илм аҳли ҳам мазкур масала ҳақида ўз миллий тафаккур тарзи асосида фикр юритган. Бу хусусда буюк Абу Райҳон Бе-рунийнинг «Ҳиндистон» асари ўзининг бетакрор илмий савияси билан дунё миқёсида шуҳрат қозонган десак, муболага бўлмас. Айни аллома қалам юритган мавзу тадқиқоти ҳамон диёримизда давом этилмоқда. Бинобарин, эътиборга ҳавола қилинган мақола ҳам ўзбек ҳиндушunosлиги анъаналари-нинг мантиқий давоми сифатида Маҳатма Гандий таърифидаги бир миллат-нинг икки диний эътиқодига бағишланган бўлиб, унда ҳиндуизм ва ислом динидаги гоявий, ижтимоий ва маърифий дунёқарашларнинг илмий таҳлили баён этилди. Ҳиндистон яриморлидаги ҳинд ва мусулмон каби икки диний эътиқод намояндаларининг бир мамлакат фуқароси сифатида жипслашуви жараёни тарихини уларнинг диний қадриятларининг қиёсий таҳлилисиз та-саввур қилиши қийин. Шу боисдан дунёнинг йирик диний эътиқодлари – ҳиндуизм ва исломдаги юқорида қайд қилинган муштарак жиҳатлар таҳлилини ушбу мақола орқали илмий асосда юзага чиқаришга ҳаракат қилдик.*

***Калит сўзлар:** сансара, нирвана, мокиша, фано, бақо, хинаяна, маҳаяна, сат-юг, двапра, трета, калюг, унмеша, нимеша, апана, прана, шукуша, иччха.*

***Аннотация.** «Индийско-мусульманская проблема», возникшая в процессе событий «индийского похода» арабов, начавшегося в VIII в. находилась в центре внимания многих местных индийских ученых, а также зарубежных востоковедов. С этой точки зрения ученые узбекского народа который издревле находится в тесных и дружеских отношениях с индийцами, также задумывались над этим вопросом, исходя из своего национального образа мышления. В связи с этим не будет преувеличением сказать, что труд великого Абу Райхана Беруни под названием «Индия» получил всемирную известность благодаря своей высокой научной ценности. Исследования по этой теме продолжают в нашей стране и сейчас. Именно поэтому данная статья, являющаяся логическим продолжением традиций узбекской индологии, посвящена по определению Махатмы Ганди двум религиозным верованиям одной национальности, в которой проведен научный анализ идейно-социальных и просветительских мировоззрений индуизма и ислама. Более того, историю процесса интеграции граждан – представителей как выше сказано*



двух религиозных верований, трудно представить в частности без сравнительного анализа их общих религиозных ценностей. По этой причине мы попытались провести в данной статье сравнение на научной основе общих аспектов крупных религиозных верований как индуизм и ислам.

Ключевые слова: сансара, нирвана, мокша, фано, бако, хинаяна, махаяна, сатюг, двапра, трета, кальяг, унмеша, нимеша, апана, прана, шукуша, дукча, ичча.

Abstract. "The Indian-Muslim problem, which arose during the course of the Arabs' "Indian campaign" that began in the eighth century, has been the focus of many local Indian scholars, as well as foreign Orientalists. From this point of view, scholars of the Uzbek nation, which has had close and friendly relations with Indians from time immemorial, have also considered this issue based on their national way of thinking. It is no exaggeration to say that the work of the great Abu Rayhan Beruni, entitled "India", has acquired world renown for its high scientific value. The studies on this subject are continuing in our country even now. That is why the present article, which is a logical continuation of the tradition of Uzbek Indology, is dedicated to two religious beliefs of the one nationality according to the definition of Mahatma Gandhi, with a scientific analysis of the ideological, social and enlightenment worldviews of Hinduism and Islam. Moreover, the history of the process of integration of citizens – representatives of two religious faiths is difficult to imagine in particular without a comparative investigation of their common religious values. For this reason we have tried to make a scientific comparison of aspects of the major world religious beliefs as Hinduism and Islam in this article.

Keywords: sansara, nirvana, moksha, phano, bako, hinayana, mahayana, satyug, dvapra, treta, kalyug, unmesha, nimesha, apana, prana, shukusha, dukcha, ichcha.

Кириш. Мақола учун танланган мавзу таджикотини ҳар икки диний эътиқодга маънан вобаста қуйидаги бир рамзий мисол билан бошлашни жоиз билдик. Зеро, Низомиддин Авлиё ўз муриди билан суҳбат вақтида Иброҳим алай-ҳиссалом ҳаётига оид бир воқеани эслаб, шундай ҳикоя қилибдилар:

«У зот ҳеч қачон бир ўзлари таом емас, агар меҳмон бўлмаса, ҳатто уйдан ташқари чиқиб бирор кимсани излашга тушар эканлар. Бир куни уларнинг ҳузурига мажусий эътиқодидаги кимса келганида, Иброҳим алай-ҳиссалом ўз одатларига кўра меҳмонни таом билан сийлашга не-гадир иккиланибдилар. Шунда дафъатан Худои таолодан ваҳий келибди:

-Эй Иброҳим, бу нима деган гапки, Биз жон ато этган бандадан сен таомни дариг тутсанг!» (Contemporary Relevance of Sufism. 1999.:xliv).

Биргина шу мисолнинг ўзидан комил ишонч билан айтиш мумкинки, Тангрининг бандасига бўлган бемисл меҳр-муҳаббати, у ким ёки қандай эътиқодда бўлишидан қатъи назар қанчалик чексиз ва безавол. Шунингдек, бу марҳаматда Унинг ер юзидаги ўз ноибига маънавий жиҳатдан нақадар етуклик бахш этганлиги ҳам намоён. Инсоннинг яратилишидаги бундай маънавий такомиллик ҳиндуизмда ҳам қўллаб-қувватланади. Чунки ҳинду-парастрлар тасавурида дунёнинг ибтидосидан то қиёматга қадар ўтгувчи



«тўрт давр»нинг биринчиси, яъни «сатюг»да яшаганлар ҳалол ва ҳақиқатгўй бўлганлар ва ҳатто кейинги давр босқичларида ҳам имкон қадар ўз аслиятига содиқ қолганлар». Фақат нафс балоси туфайли одамзотда моддий манфаат маънавиятдан устун келганида ҳиндуизм талқини бўйича кейинги даврлар: *дванра*, *трета* ва ниҳоят охирзамон – *калюг* бошланади. Бинобарин, ис-ломдаги охирзамон даврига хос сабаблар ҳиндуизмнинг бу борадаги талқи-нидан маънан деярли фарқ қилмайди.

Услублар. Ушбу мавзунинг баъзи жиҳатлари Абу Рейхан Беруни, Аҳмад Яссавий, Азизиддин Насафий, Кочетков А.Н., Комилов Н., Яблоков И.Н., Goyal D.R. ва Rasheedudin Khan томонидан ўрганилди, жумладан баъзи жиҳатлари таққослаш, анализ, қиёсий таҳлил ҳамда контент таҳлил қилиш методлари асосида таҳлил қилинган.

Таҳлил. Агар ҳиндуизм ва ислом дунёқарашларидаги ўхшаш нуқталарга эътибор қилсак, ҳиндупарастлардаги «Брахма» ва «атма» тушунчасига монанд тасаввур тасаввуфда ҳам кузатилади. Буни мутасаввиф Азизиддин Насафий-нинг «*Зубдатул ҳақойиқ*» асаридаги шариат аҳли таърифида кўриш мумкин:

«Тангри субҳонаҳу ва таоло илк дафъа бир жавҳар яратди. Унинг номи «Нафси аввал (Руҳи аввал)дир» (Aziziddin Nasafi. 1996:5).

Аллоҳни излаган кимса аввало ўз юрагига боқиши ва албатта истаганини топиши тасаввуф бадииятида кўп қаламга олинган мавзу. Чунки «му-сулмон шарқида исломнинг ортодоксал жиҳатларига нисбатан норозилик ифодаси сифатида пайдо бўлган тасаввуфнинг пантеистик (вужудия) таълимоти объектив борлиқни илоҳийлаштирди. Яъни, бутун борлиқ Абсолют ҳақиқат – Худо (ал-Ҳақ) нинг инъикосидан иборат бўлиб, инсонда эса илоҳий зарра бор экан, демак, у ҳам шарафли ва муҳаббатга лойиқ».

Ёки Бҳагавад-гита талқинида «*Тангри қайси ном билан аталмасин – Рам, Вишну, Ишвар, Шанкар ё Прабҳуми, фақат танҳо Ўзигагина бўйсунамиз ва биз ҳам ҳар биримиз ўз ҳолимизга митти «ишвар»чалармиз – худочалармиз» (Bhagavad-gita. 1984:22).* Ва бу талқин ташбиҳида ҳам, албатта инсондаги илоҳий зарра назарда тутилган. Зеро, инсондаги бу илоҳийлик мартабаси сўфий ижодкорлар асарида янада конкрет тус олган:

«Мансур Ҳаллож инсоннинг илоҳийлигини шарафлаб «Анал Ҳақ», яъни «Мен – Худоман» дегани учун у мусулмон ҳукмронлари томонидан шаккокликда айбланиб, қатл қилинган эди. Лекин Яссавийнинг ҳукмича, нодон жохилгина «Анал Ҳақ»нинг маъносини билмайди»:

«Анал Ҳақ» маъносини билмас нодон,

Доно керак, бу йўлларда пок мардон» (Ahmad Yassawi. 1991:12).

Ниҳоят, инсоннинг «илоҳийлиги» хусусидаги тасаввуф аҳли фикри Ру-мийнинг мисраларида янада ихчам, чиройли ва қамровли ўз ифодасини топ-ган:

أنها كه طلبگار خدانيد خدانيد
بيرون ز شما نيست شما نيست شما نيست



*Аё сиз жон чекиб, ҳар лаҳза
изларсиз илоҳийни,
Ани излашга ҳожат йўқ,
илоҳий – сиз, илоҳий – сиз!* (Ahmad Yassawi. 1991:27).

Байтда мадҳ этилган «илоҳийлик» бу инсоннинг Илоҳ эканлиги эмас албатта, балки бандасининг, таъриф жоиз бўлса, ўз Яратганига мансуб комил фазилатларга «меросхўр»лиги. Ва шоир қаламида «Илоҳ ҳамда инсон» ўр-тасидаги «масофа манзиллари»нинг бир нуқтага келтирилиши шу маънодаки, Яратган ўз бандаларига қанчалик меҳр-муҳаббатли бўлса, улар ҳам ўзаро муносабатда ўз Аслиятига муносиб худди шундай комил фазилатлар усту-ворлигига масъулдирлар!

Инсондаги бу масъуллиққа зид бўлган ҳар қандай дилозорлик – у хоҳ шахсий, хоҳ миллий ёки хоҳ диний бўлсин, сўфийлар томонидан қаттиқ ва бемураса қораланган. Жумладан, Аҳмад Яссавий «Аллоҳ қаҳри ғазабидан кўркмай одамларга ранж етказиб, бечораларнинг кўзларидан ёшлар оқизувчи бағритошларга имонсизлар деб қараган ва ўша зулмкорларни ўзича бир фаоллик билан айблаган». Унинг нуқтаи назари бўйича на кофир, на мусул-мон бировга озор бермаслиги шартдир:

*Суннат эрмиш кофир бўлса берса озор,
Кўнгли қаттиқ дилозордан Худо безор»* (Ahmad Yassawi. 1991:9).

Яна, ҳиндуизмда «карма»га биноан пок ва бегуноҳ яшашга муваффақ бўлган ҳинд руҳининг ўз Аслига қайтиши тушунчаси тасаввуфда ҳам мантиқан ўхшаш: «*Жон танадан узилганидан кейин, агар у комилликка эриш-ган бўлса, асл ақллар ҳузурига қайтади ва гайблар олами билан қўшилади*» (Aziziddin Nasafi. 1996:5).

Энди руҳ хусусидаги талқинни бевосита ҳинд манбаларидан аниқлаш учун мавзуни қуйидаги маълумот тафсили билан давом эттираемиз:

*«Рух – бу нима ўзи?»- деб сўрабди подшо Жанаки мутафаккир Ва-
жнаваякиядан.*

*-У шундайки, - дебди муқаддас зот, - ботиндан инсоннинг беш сезги
аъзоси билан кўради, эшитади ва ҳидни билади.*

*Рух нафақат инсон аъзолари, балки ўз атрибутлари билан ҳам фаолият
кўрсатади, улар:*

Апана – ички нафас.

Прана – ташиқи нафас.

Унмеша – кўзни очиши.

Нимеша – кўзни беркитиши.

Маногати – сезги ва онг фаолияти.

Индраянтара – сезги ботиний ҳаракати.

Шукша-дукҳа – роҳат ҳамда дард туйғуси.

Ичҳа – хоҳиш, яъни ўзи йўқ нарсани иташ.

Двеша – жирканиши ёки ёқмаган нарсдан юз ўгириши.



Праятна – интилиши, яъни муттасил маиш қилиши.

Рух танани тарк этганда барча сезги фаолияти ҳам ўз адоғига етади ва у озодликка муяссар бўлмагунича, яна аввалги ҳаётида эришган хусусиятларига мувофиқ ўзи учун янги «макон ва майдон» излайди (Goyal D.R. 2000:89-90).

Рухнинг танани тарк этиши ва кейин унинг асл «Муқаддаслик»ка талпиниши қадимда юнон файласуфларини ҳам қизиқтирган ва уларнинг бу соҳадаги изланишлари ислом дунёсини ҳам бефарқ қолдирмаган. Берунийнинг асаридаги рухнинг моҳияти, хусусияти ва фаолиятига бағишланган ҳинд манбалари шарҳи қаторида Аммоний, Сукрот, Прокл илмий меросидан келтирган иқтибослари ҳам мавзу учун жуда муҳим:

«Рух ўз моҳияти билан танани тарк этаркан, азалдан барҳаёт ва бардавом Муқаддаслик томон равона бўлиб, У билан тутинади. Шунда рух қандайдир ўзаро яқинлик таъсирида, ўзи ҳам Муқаддаслик сингари абадийлашади ва бу ўзлашиши қобилияти «ақл» деб аталади...

Рух ҳеч ўлмайдиган ва йўқолмайдиган илоҳий моҳият билан жуда ҳам ўхшаш. У яккаю ягона, онгли ва мутлақ бўлиб, тана эса унинг акси-дир. Рух ва тана бирлашганида табиат танага хизмат кўрсатишини буюради, рух эса унга раҳбарлик қилади ва улар ўзаро ажралганида рух танадан фарқли ўлароқ, ўзга ерга равона бўлади. У шунда ўзига ўхшаш нарсалардан бахтиёрлик ҳис этади ҳамда инсоний нуқсонлардан холи ҳолдаги алоҳидаликдан баҳрланади, башарти у покдомон бўлиб, танадан нафратланса. Агар у тана билан келишиб, унга хизмат қилсаю, яна уни севса ва оқибатда тана ундан хузурланиши учун фойдаланса, у ҳолда рух тана билан яқинликдан бўлак бирор ўзига муносиб мавқега эришол-майди».

Қизиғи, юнонларга қиёсан шаклан бўлмаса-да, мазмунан «рухнинг танадан озод бўлишидан кейинги тақдири» натижалари ҳиндуизм фалсафасига ҳам хос. Илло, бу ҳақда кейинроқ, ҳозир эса эътиборни рухнинг ўз Аслига қайтиши учун вожиб бўлган ҳиндупарастлар ҳаёт тарзи йўлларига қаратамиз.

Ҳиндуизмдаги рухнинг тана мутелигидан холи бўлиши уч йўналишдаги ди-ний-дунёвий фаолият шарофати билан амалга ошиши мумкин:

1.«*Карма марга*» – диний кўрсатмалар бўйича ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечиришдан иборат «*Аъмол йўли*».

2.«*Жанана марга*» – диний кўрсатмалар бўйича ақл-заковат билан ҳаёт кечиришдан иборат «*Билим йўли*».

3.«*Бҳактий марга*» – диний кўрсатмалар бўйича Тангрига содиқ туйғу билан ҳаёт кечиришдан иборат «*Садоқат йўли*» (Rasheedudin Khan. 1999:223).

Ҳинд, юнон ва ислом теологиясида рух, унинг табиати ва фаолияти юзасидан билдирилган мулоҳазалар инсон тафаккурининг мудом ўз яратилиши, асли-наслига қизиқиши сингари сўнмас ақлий жараёнининг фалсафий бир



тахлилидир. Агар ақлий жараён сабаб бўлган «фалсафий таҳлил» талқинига Пайғамбаримиз (с.а.в.) томонидан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисга мурожаат қилсак, фикримиз янада равшанлашади:

«Ақл ҳақ ва ботилни ажратувчи қалбдаги нурдир».

Рух ҳақида Расули акрамдан сўралиши ва унга Қуръони каримда берилган жавоб мазмунидан маълумки, «Рух фақат Раббининг иши». Аммо шуниси ҳам ҳақиқатки, Аллоҳ бу билан барча диний-дунёвий ишларда бандаларига мустақил фикр-мулоҳаза қилишни на ман этади ва на чеклайди. Балки, У ҳар бир соҳада, ҳаттоки, оятларга амал қилишда ҳам ўйламай-нетмай эмас, фаҳм-фаросат билан иш тутишни маъқуллайди:

الَّذِينَ إِذَا ذُكِرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ لَمْ يَخِرُّوا عَلَيْهَا صُمًّا وَعُمْيَانًا

«Уларга Парвардигорларининг оятлари эслатилган вақтида у (оятларга) гунг ва кўр ҳолларида ташланмайдилар (балки уларни англаб-билиб амал қилурлар)».

Навбат юқорида урғуланган «Рух ҳақидаги илм»дек ниҳоятда нозик ва масъулиятли бир нуқтага етиб келганда, диққат-эътиборни яна бир «дақиқ нуқта»га жалб қилмоқчимиз. Яъни, негацир дунё динларини қиёсий ўрганиш соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларга баъзан ҳатто мутахассислар ҳам «икки ёки ундан ортиқ диний эътиқодлар ўртасидаги айрим тасодифий назарий ўхшашлик ёки нари борса муштаракликни юзага чиқариш»га бўлган уринишдек қарайдилар. Ваҳоланки, қиёсий илмий таҳлиллар наинки диний-фалсафий таълимотлардаги умумий ғоя ва дунёқарашларни аниқлашга, балки шунингдек улар ўртасидаги қарама-қарши нуқтаи назарлар асосини англаш ва мушоҳада қилишга ҳам ундайди. Қолаверса, дунё динларининг асл мо-ҳияти – бирлиги омилига азалдан илму ижод аҳли беписанд бўлмаган. Зотан, Жалолиддин Румий талқинидаги динларга хос ибтидоий «зиддийлик»нинг интиҳода бирликка ўтиши, жаъми эътиқодлар манзили ягоналигига энг ях-ши ибрат:

«Кўрмаяпсанми, Каъбага Шимолу Шарқ, Жанубу Фарбдан, Ироқу Ажам, Ҳинду Ямандан одамлар йўлга чиққан. Йўлда ихтилофлар, тортишувлар бўлади, аммо Каъбага етгач, баҳслар тўхтайдилар, ихтилофлар барҳам топади...» (Komilov N. 1999:26).

Ёки Шайх Нажмиддин Кубронинг башорат қилган биргина калимасининг ўзида бандаси учун босиб ўтиладиган ягона Манзил йўлларининг беҳисоблиги мажози шундай бир қамровда мисол қилинади:

«Аллоҳга элтувчи йўлларнинг адади махлуқотнинг нафаслари қадар беҳисоб».

Шайхнинг «арбоби тасаввуфнинг энг машхур сўзларидан бўлган» калимаси Исмоил Ҳаққи Бурсавий томонидан шундай шарҳланган:

«Бундаги нафас инсоннинг оғиз ва бурнидан кириб чиқадиган ҳаво бўлиб, унинг бир кунлик миқдори йигирма тўрт мингга яқиндир. Шу боис ҳар ким умр бўйи олган нафасича Ҳаққа борувчи йўл имкониятига соҳиб-дир».



Йўлчи қадам-бақадам илгариллаганидек, бу йўлда сабот кўрсатганлар ҳар нафасда Аллоҳга тобора яқинлашиб борурлар. Аслида йўл ягонадир...» (Islom tasavvufi manbalari. 2005:130).

Берилган икки-уч мисолнинг ўзиданоқ маълум бўлдики, турли дин намояндалари ўртасидаги «англашилмовчилик»лар маънода эмас, шаклда – сўзда! Ҳа, «дунё касрат – кўплик олами. Касрат эса хилма-хил қарашлар, тушунчалар, истак ва хоҳишлар демакдир. Дин ҳам ана шунга мос равишда кўпдир. Демак, динлар, мазҳаблар, таълимотлар ва қарашларнинг турли-туман бўлиши қонуният ва табиий ҳол...» (Islom tasavvufi manbalari. 2005:33).

Айни шу турфалик, яъни, турли тасаввур ва талқинлар нуқтаи назаридан ҳиндупарастликдаги «руҳнинг таносуhi» масаласига ҳам бироз тўхталсак. Чунки ҳиндуизмга хос бу қонуниятда унинг дунёни тушуниши, кишилиқ жамиятининг табақа тизими асосидаги тузилиши, қисқаси, борлиқнинг азалий ва абадийлиги сингари фалсафий мушоҳадалар мужассам. «Ўлмас руҳнинг Тангри иродаси билан бир танани тарк этиб, иккинчисига ҳулул қилиши» – кириши ҳамда унинг янги вужудда ўтмиш «карма»сига қараб табақада мукофотга ноил ёки жазога маҳкум этилишини Шри Кришна «Бхагавад-гита»да шундай тасвирлайди:

«Одам боласи гўё янги либосни кийганида эскисини ташлаганидек, руҳ ҳам ўзидаги эскирган ва кераксизланган танадан фориг бўлади. Руҳни ҳеч бир яроқ билан ёриб, майдалаб, оловда ёқиб, сувда ҳўлаб ё шамолда қуришиб бўлмайди...»

Руҳ кўзга кўринмас, ақлга сизмас ва ўзгармасдир. Шуни билгач, тана учун қайгуришининг кераги йўқ, кимки туғилса, у албатта бир кун ўлади ва яна туғилади...»

О, Кунтийнинг дилбанди, иблис шаклида туғилганлар асло Менга яқин келолмайдилар. Улар охири энг жирканч «ҳаёт шакллари» тубига етиб борадилар».

Изоҳ. Матнда очиқ-ойдин айтилганки, иблислар бир ҳаётдан иккинчисига ўтар эканлар, улар ўз зотларига ўхшаш уруғлардан туғилиб, Тангри марҳаматидан бенасиб то мушук, кучук ёки тўнғиз танасига киргунларича тобора тубанлаша бораверадилар».

Мазкур изоҳдан келиб чиқиб, «сансара – қайта туғилиш» жараёнини Беруний таърифида айтганда:

«Худди мусулмон Худонинг борлигига имон келтириши билан танилганидек ё насронийларнинг «Учлик» ҳақидаги таълимоти ёки шанбада байрам қилиш яҳудийларнинг белгиси бўлганидек, руҳнинг таносуҳ қилиши ҳам ҳинд динининг нишонидир» (Abu Reyhan Beruni. 1963:88).

Аслида ҳиндупарастлар динида инсон зотига мансуб улуғ мақомни гуноҳлар туфайли бирор жонивор танасига кириш билан йўқотиш эмас, балки уни амалда оқлаш ва янада юксакликка кўтариш буюрилган. Яъни, ҳинд ўз ўтмишидаги айрим номуносиб аъмоли натижасида дунёга қайта келар экан,



у энди ҳамиша диний кўрсатмаларга амал қилиб яшаши керак, токи Тангри яр-лақаса, ўзга танага қайта кириш – туғилиш азобидан мутлақо озод бўлсин! Фақат шунда ҳар бир хинд «нирвана»га ўтиши билан хурликка эришиб, сўнг абадий руҳий олам – «мокша»га муяссар бўлиши мумкин.

Назаримизда, нирвана ва мокша маъноси ҳамда моҳияти талай хорижий илмий манбаларда таърифлангани билан, уларнинг ўзаро фарқига кўпда етар-ли эътибор берилмаган. Гоҳи биргина нирвана тушунчасининг ўзи икки хил талқин қилинади. Айтайлик, буддизмнинг «ҳинаяна» мазҳабида нирва-на, комилликка эришган коҳин учун туғилишлар силсиласидан қутилишни англатса, «махаяна» йўналишида, айни мақом етук такводор учун унинг бе-восита «Будда ҳолати»даги мавжудлигининг рамзи. Чунки эътиқодда ҳар бир буддапараст Будданинг зарраси бўлганлиги туфайли ҳали кўзи тириклиги-даёқ нирванага дохил бўлишга ҳақли ва бундай бахтдан фақат гуноҳкорлар истисно (Yablokov I. N. 2000:427-428).

Нирвана, диншунослик таърифида «руҳнинг сокин, беғараз, беғуноҳ ҳолати, комилликнинг олий чўққиси ёки тугал номавжудликдаги изтиробларнинг барҳам топиши» (Kochetkov A.N. 1976:69). Мокша эса, руҳнинг сансара жараёнидан буткул қутилиб, қайтадан ўз илоҳий мақомига ўтиб ўзлашуви. Агар бу жараённи мухтасар равишда Марказий Осиё ҳудудида топилган санскрит тили-даги «*Маҳапаринирвана*» номли асл манба матни таржииасидан кузатсак, у – шундай:

«Маҳасатва абсолют вужудни худди ойнадаги ўз қиёфаси аксидек аниқ-тиниқ кўради. Шундан сўнг яна Татҳагата Кашияпега деди:

- О марҳаматли ўғлон, энди мазкур сутранинг моҳияти ва мағзи тўғри ўзлаштирилиши керак. Токи тирик жонзот сутраларнинг номини эшитиши билан, ўзининг кейинги туғилишида тушаржак тўрт бемаъни аҳволга дучор бўлмасин. Айни шу мақсадда навбатдаги сутрада барча комил фазилятлар асосини тушунтираман.

Ўғлон савол берди:

- (Унда) қандай қилиб бу ададдаги сутраларнинг тўғри матнини бўд-дҳисатвалар ўз хотирасида сақлай оладилар?

У шундай деди:

- Бу сутра улуг «паринирвана»дир. У – ибтидо ва дармиёну интиҳодаги эзгулик, мазмунан ва услубан маъқул, яккаю ягона, тугал даражада яқунланган, мутлақо мусаффо, мағз-мантиқли ва буюк! Чунки у бамисоли «важра» янглиг абадий – гўё Ганга, Жамна ва бошқа дарёлар баҳри уммонга бориб қуйилганидек.

Эй ўғлон, улар ўн миллион клешамар, пракритимар ва бошқа (мар)-ларни мағлуб этиб, қазодан сўнг бу дунёда жисмларини қолдириб, улуг «паринирвана»га муяссар бўладилар» (Ancient India: history, language, culture. 1982:151).



Умуман, бир қарашда гўё нирвана ва мокша мазмунан бирдек, яъни моддий дунёдан рухий оламга ўтиш. Аммо икки ҳолат атамасининг луғавий хусусига эътибор берсак, уларнинг куйи ва юқори поғоналардан иборат икки мустақил босқичларга бўлинишини кўрамиз.

«Сўниш» маъносидаги нирвана – руҳнинг бегуноҳ ва беҳожатлиги бўлса, унга нисбатан «мутлақ озодлик» маъносидаги мокша – руҳнинг ғайблар олами билан бирлашувини билдиради. Бу жиҳатдан ҳар икки ҳолат хусусининг исломдаги «*фано* ва *бақо*» тушунчалари билан илмий-қиёсий таҳлили, фикримиз доирасини янги маълумотлар билан тўлдириши шубҳасиз.

Ҳиндуизмда Парматмани таниш ёки «Мутлақ ҳақиқат»ни англаш уч аспект мисолида тушунтирилади: «куёшнинг ёруғлиги, куёшнинг сатҳи ва куёш планетасининг ўзи». Бунда ўқувчи дастлаб куёш ёруғлигини ўрганади, кейин унинг сатҳи таркибини ва ниҳоят, ақлан «планетанинг ўзига кириш» билан унинг моҳиятини ўзлаштиради» (Bhagavad-gita. 1984:85).

Бу соҳада тасаввуфдаги уч хил билимнинг тадрижий тавсифи Бҳагавад-гитадан келтирилган иқтибосга анча мос келади: «*илмул яқин*» орқали олов иссиқлигига ишониш, «*айнул яқин*» орқали оловнинг куйдиришига ишониш, «*ҳаққул яқин*» орқали бевосита оловда куйишликка ишониш. Бу уч босқичда биринчиси китобий, иккинчиси таҳсилый билимга ишора бўлса, учинчиси тажриба ҳақиқатини англаш билимидир» (Komilov N. 1996:39).

Тангри таолони тадрижий танишнинг ҳиндуизм ва исломда яна шундай йўллари ҳам борки, уларда бу мақсаддаги биринчи қадам инсоннинг ўзидан – маънавий дунёсидан бошланади. Шу маънода агар «Ҳадиси шариф»да «Кимки ўзини таниса, Раббини танийди» дейилган бўлса, бҳақтий таълимоти шиорида эса Инсонга муҳаббат – бу (англаб етилган) Тангрига садоқатдир».

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мавзу юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар орасида, баски, Ҳақни топиш йўллари билим, шахсий шижоат ва меҳр-муҳаббатда экан, демак, инсоннинг ҳаёти, эътиқоди ва фаолияти ҳам фақат эзгу-ликка йўғрилган бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳинд ва му-сулмонлар ўртасидаги аввалги очик муҳолифат ва кейинги бегоналик туйғу-ларини муросасозлик руҳи эгаллашида ўзаро маънавий яқинлик муҳим роль ўйнади. Ва бу ижобий ўзгариш, дастлаб, ҳар икки диний эътиқод ижод аҳли фаолиятида сезилди. Ёки ҳинд олими Ҳумоюн Кабир фикрича: «Ўрта аср Ҳиндистонининг ҳақиқий тарихи ва ҳинд-мусулмонларнинг чатишуви, даст-лаб ҳаётий ҳамда ижодий жабҳалардаги ўзаро маънавий ҳамкорликда ифода-ланди». Ушбу хусусда яна шуни унутмаслик керакки, ўрта асрга келиб ибти-дойй тарафкашликнинг ўзаро «чатишув» жараёнини касб этиши, ҳинд сарза-минида мусулмон зиёлиларининг биринчи қадамидан – маҳаллий илм-фан ва маданият соҳаларига бўлган ижобий муносабатидан бошланган эди. Вақти келиб бу



икки дин, икки маданият ва маърифат унсурлари бирликда шундай оламшумул аҳамиятга ноил бўлдики, уни аввал ҳиндистонликлар ва улардан сўнг жумлаи жаҳон ўз кадриятлари тарихидаги байналмилал руҳиятнинг тимсоли сифатида «Ҳинд-мусулмон маданияти» деган атамада қайд этди.

САИДОВ ШАВКАТ

Тарих фанлари номзоди, доцент, ТДШУ

Хива хонлигидаги вазият ва Россия билан муносабатлари тарихидан (1916-1917 йиллар)

Аннотация. Биринчи жаҳон уруши йилларида (1914-1918) Россия империясида юзага келган оғир ижтимоий-иқтисодий вазият натижасида мамлакатда сиёсий инқироз чуқурлашди. Туркистон ва унинг таркибий қисми ҳисобланган Хива хонлигида халқнинг моддий аҳволи ниҳоятда ёмонлашди. 1915-1916 йилларда Хива хонлигини халқ кўзгюлонлари қамраб олди. Бу вақтда миллий уйғонини асосида вужудга келган демократик ҳаракатлар таъсирида хур фикрловчи, ўлка тараққиёт сари борилишни хоҳловчи, илғор фикрли кишилар етишиб чикди ва улар “Ёш хиваликлар” ҳаракатига асос солдилар.

Бу даврда Хива хукмдори Асфандиёрхон (1910-1918) рус маъмурлари билан келишган ҳолда Хива хонлигида Россия ҳарбий комиссари лавозимини таъсис этади. Россияда 1917 йилнинг февраль ойининг охирида юз берган инқилоб натижасида ташиқил қилинган Муваққат ҳукумат бошқарувнинг монархия шаклидан воз кечиб, мамлакатни Республика деб эълон қилади. Империяда демократик ислоҳотлар эълон қилинади. Хивада ҳам ислоҳотчи кучлар таъсирида Хива хукмдори Асфандиёрхон 1917 йилнинг 5-апрелида демократик ва сиёсий эркинликлар берувчи Манифестга имзо чекишига мажбур бўлади. Манифестга мувофиқ Хивада Туркистон тарихида илк бора конституцион монархия тузуми шаклидаги бошқарув тартиби ўрнатилади ва демократик характердаги ҳукумат ташиқил этилади. Ёш ҳукумат Россия билан сиёсий ва дипломатик муносабатларга киришади. Шунингдек, Бухоро, Тошкент, Қўқон ва Россиялик жаидлар билан алоқалар ўрнатилади. 1917 йилнинг август ойида Асфандиёрхон бошчилигида диний уламолар ва бой савдо-тижорат вакиллари, ер эгалари Россиянинг Хивадаги вакили, ҳарбий комиссар генерал Мирбадаловга суянган ҳолда “Ёш хиваликлар” ҳукумати ағдарилади ва хонликда яна мустабид тузум қарор топади.

Калит сўз ва сўз бирикмалари: Россия империяси, Николай II, Хива хонлиги, Асфандиёрхон, Ёш хиваликлар, Миллий мажлис, дипломатик алоқалар, Муваққат ҳукумат, ҳарбий комиссар, большевиклар, совет ҳокимияти.

Аннотация. В годы Первой мировой войны (1914-1918 гг.) политический кризис в стране углубился в результате тяжелого социально-экономического положения в Российской империи. В Туркестане и Хивинском ханстве, которые считались составной частью Российской империи, материальное положение народа сильно ухудшилось. В



результате, в 1915-1916 годах Хивинское ханство было охвачено народными восстаниями. В это время под влиянием демократических движений, возникших на основе национального возрождения, свободомыслящие люди, боролись за демократические преобразования и основали движение «младохивинцев».

Хивинский правитель Асфандияр-хан (1910-1918) договорился с Российскими властями об учреждении в Хивинском ханстве должности Российского военного комиссара. Временное правительство, созданное в феврале 1917 г. в результате революции в России, отказалось от монархической формы правления и провозгласило страну республикой. В империи объявлялись демократические реформы. Под влиянием реформистских сил в Хиве Асфандияр-хан, правитель Хивы, был вынужден 5-апреля 1917 г. подписать Манифест, который давал демократическую и политическую свободу. Согласно манифесту, впервые в истории Туркестана в Хиве была создана система управления в форме конституционной монархии и установлено демократическое правительство. Молодое правительство вступает в политические и дипломатические отношения с Россией. Также они налаживают отношения с Бухарскими, Ташкентскими, Кокандскими и Российскими джадидами. Чтобы ханство шло по пути просвящённого развития. Однако в августе 1917 года под руководством Асфандияр-хана религиозеды и богатые представители торговли, крупные землевладельцы, опиравшиеся на представителя России в Хиве генерала Мирбадалова, свергли правительство «Младохивинцев», и ханство вернулось в деспотическое правление.

Ключевые слова и словосочетания: Российская империя, Николай II, Хивинское ханство, Асфандияр-хан, младохивинцы, махкамаи адлия, дипломатические отношения, военный комиссар, большевики, советская власть.

Abstract. During the First World War (1914-1918), the political crisis in the country deepened as a result of the severe socio-economic situation in the Russian Empire. In Turkestan and the Khanate of Khiva, which was considered to be its territorial component, the material condition of the people had become extremely bad. In 1915-1916, Khiva Khanate was engulfed by popular uprisings. By this time, under the influence of the democratic movements that arose on the basis of the national revival, free-thinking people with advanced minds who wanted the country to move towards development emerged and established the "Young Khivans" movement.

During this period, Khiva governor Asfandiyar Khan (1910-1918) agreed with the Russian authorities to establish the post of Russian military commissar in the Khiva Khanate. The Provisional Government established as a result of the revolution in Russia at the end of February 1917 renounced the monarchical form of government and declared the country a Republic. Democratic reforms were announced in the empire. Under the influence of reformist forces in Khiva, Asfandiyar Khan, the ruler of Khiva, was forced to sign the Manifesto on April 5, 1917, which gave democratic and political freedoms. According to the manifesto, for the first time in the history of Turkestan, Khiva established a system of governance in the form of a constitutional monarchy and established a democratic government. The young government enters into political and diplomatic relations with Russia. Also, they establish relations with Bukhara, Tashkent, Kokand, and the Jadids of Russia. To ensure that the khanate goes on the path of educational development.

However, in August 1917, under the leadership of Asfandiyar Khan, religious scholars and rich representatives of trade and commerce, landowners leaning on the representative of Russia



in Khiva, military commissar General Mirbadalov, overthrow the government of "Young Khivans" and the khanate was restored.

Key words and phrases: *Russian Empire, Khanate of Khiva, Nicholas II, Asfandiyar Khan, Makhkamai adliya, diplomatic relationships, provisional government, military commissar, Bolsheviks, Soviet power.*

Кириш. XX аср бошларида Туркистонда, жумладан, Хива хонлигида ҳам ҳур фикрловчи, мамлакатни тараққиёт сари боришини хоҳловчи, илғор фикрли кишилар етишиб чикди. Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Бобо Охун Салимов, Назар Шоликоров, Ҳасан Алиакбаров, Худайберган Девонов, Отожон маҳрам Сапаев, Хусайн Матмуродов каби зиёлилар шулар жумласидан эдилар. Хива хонлигида вужудга келиб, кучайиб бораётган миллий-демократик руҳдаги озодлик ҳаракати, шунингдек, иқтисодий ночорликдан қаттиқ қийналаётган меҳнат аҳлининг норозилик чиқишлари мавжуд давлат тизими асосларига тобора кўпроқ таҳдид сола бошлади. Биринчи жаҳон уруши (1914-1918) Россия империясида иқтисодий-сиёсий инқирозни янада кучайтирди. Бу ҳолат Хива хонлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатди, албатта. Уруш даврида хива халқининг турмуши ниҳоятда оғирлашди, натижада аҳолининг норозилик чиқишлари ортиб, исён ва кўзғолонлар мамлакатни қамраб ола бошлади. Бундай шароитда подшоҳ Россияси Хивани итоатда тутиб туриш учун хонликни бевосита бошқариш ваколатига эга бўлган Россия империясининг Хива хонлигидаги махсус вакили-Ҳарбий комиссар лавозимини жорий қилади. Мақола ушбу сиёсий ўзгаришлар даврида Россия ва Хива хонлиги ўртасидаги муносабатлар батафсил таҳлил қилинади.

Хива хонлигидаги вазият ва Россия билан муносабатлари тарихидан (1916-1917 йиллар)

Биринчи жаҳон уруши (1914-1918) даврида Россияда вужудга келган иқтисодий ва сиёсий инқироз империянинг итфоқчиси, айтиш мумкинки итоаткор вассали бўлган Хивада хонлик тузумининг келажаги хавф остида қолади. Рус маъмурлари Хивадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни доимо кузатиб ва назорат қилиб борганлар. Айниқса, 1915-1916 йилларда хонликни қамраб олган халқ кўзғолонлари уларни қаттиқ ташвишга солиб қўйганди. Бу ҳақда Хивада фаолият олиб бораётган рус ҳарбий амалдорлари ва Туркистон генерал-губернатори Алексей Николаевич Курапоткин (1916-1917) Россия Ҳарбий вазири Иван Константинович Григоровга (1911-1917) таҳлилий маълумотлар тақдим қилиб туришган. Ҳарбий вазир 1916 йилнинг 17 июлида Россия императори Николай II (1894-1917) номига ёзган махсус маълумотномасида Хива хонлиги билан боғлиқ вужудга келган муаммолар батафсил баён қилинади¹. Россия ҳарбий маъмурлари Хивадаги норозилик исёнларини бостириш ва келажакда вужудга келиши мумкин бўлган бундай

¹ЎзМА, жамғарма-И-1, рўйхат-27, иш-1794, варағ-1 (орқа тараф)



ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, Хива хонлигини итоат ва назоратда ушлаб туриш учун Хива шаҳрида катта ҳарбий-маъмурий ва сиёсий ваколатларга эга бўлган, Россия ҳарбий комиссари лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги таклиф қилишади. Мазкур тadbир, император Николай II томонидан маъқулланади¹. Туркистоннинг сўнгги генерал-губернатори генерал-адъютант Алексей Николаевич Куропаткиннинг фикрича: "...Хива хонлигидаги нотинч ҳолат, исёнкорлик руҳи, империянинг хонлик билан қўшни бўлган вилоятлар аҳолисининг кайфиятига салбий таъсир этиши мумкин"².

Айнан мазкур омил, Хива хонлигини алоҳида усулда бошқариш тартибини жорий қилишни талаб қилар эди. Аммо, иқтисодий ночор аҳволда бўлган Россия империясининг Туркистондаги маъмуриятида мазкур тadbирни амалга ошириш учун маблағи бўлмаган. Шунинг учун ҳам, Ҳарбий комиссар лавозимини тезроқ таъсис этилишидан манфаатдор бўлган Хива хони Асфандиёрхон(1910-1918) зарур молиявий муаммони ҳал қилишни ўз зиммасига олади ва шу мақсадлар учун ҳар ойда 13 минг рубл маблағ ажратишга рози бўлади³. Натижада Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткин ва Хива хони Асфандиёрхон ўртасида 1917 йилнинг 29 январь куни битим имзоланади, шу асосда Хива хонлигида империянинг махсус вакили, Россия Ҳарбий комиссари лавозими таъсис этилади⁴. Шу билан Россия томонидан Хива хонлигини тўғридан-тўғри бошқариш тартиби жорий қилинади. Чунки, ушбу вақтга келиб, Хоразм минтақаси империянинг энг исёнкор худудларидан бирига айланган эди.

Хива хонлигида фаолият олиб борувчи Россия империяси ҳарбий комиссарининг ваколатлари ва вазифалари алоҳида "Низом" билан тасдиқланади⁵. "Низом"нинг биринчи бандида шундай деб ёзилган: "Хива хонлигида тинчлик ва осойишталикни таъминлашга ёрдам бериш, Рус ҳукумати билан Хива хони ўртасида доимий мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш ва назорат қилиб бориш мақсадида Хива шаҳрида, бевосита Туркистон генерал-губернаторига бўйсунадиган Россия Ҳарбий Комиссари лавозими жорий этилади"⁶. Россия империясининг олий раҳбарлари ушбу лавозимга шу даражада катта аҳамият беришганки, Ҳарбий комиссар, Россия Ҳарбий вазирлиги штатида ишлайдиган зобитлардан Туркистон генерал-губернаторининг тавсияси билан бевосита Император томонидан шахсан

¹ЎзМА, жамғарма-И-1, рўйхат-27, иш-1794, варағ-1 (орқа тараф)

²ЎзМА, жамғарма-И-1, рўйхат-27, иш-1794, варағ-2

³Ўша жойда, варағ-2 (орқа Тараф)

⁴Ўша жойда

⁵ЎзМА, жамғарма-1, рўйхат-27, иш-436, варағ-7

⁶Ўша жойда



тайинланган.¹ Шулардан келиб чиқиб, ҳарбий комиссарга жуда катта ваколатлар берилган ва улар қуйидагилардан иборат бўлган:

“1. Хива хонлиги ҳудудидаги мавжуд, энди пайдо бўлиши мумкин бўлган барча рус манзилгоҳларига раҳбарлик қилиш;

2. Хива хонлигида Россия ҳукумати, рус корхоналари ва рус фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур ҳолларда муаммоларни ҳал қилишга амалий ёрдам бериш;

3. Хонликда истиқомат қилаётган чет эллик фуқароларни рўйхатдан ўтказиш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш;

4. Россия империяси ҳудудига ва ҳорижий мамлакатларга чиқадиган Хива фуқароларига паспортлар бериш;

5. Хива хонлиги ҳудудида Россия судлари чиқарган қарор ва ҳукмларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш, худди шундай ҳаракатларни хиваликларга ва ҳорижий фуқароларга нисбатан қўллаганда Хива ҳукумати билан мулоқот ўрнатишни йўлга қўйиш”².

Умуман, мазкур “Низом” бўйича ҳарбий комиссарга Туркистондаги вилоятларга раҳбарлик қилувчи ҳарбий губернаторларга тенглаштирилган ваколатлар берилганлигининг ўзиёқ Хива хонлиги амалда Россиянинг “провинцияси” даражасига тушиб қолганлигини кўрсатади. 1912 йилдан Хива хонлиги ҳудудининг Россия юрисдикцияси амал қиладиган ҳуқуқий маконга тенглаштирилиши, 1917 йилдан, яъни, февраль воқеаларидан кейин эса, Хива хонлигига нисбатан Амударё бўлими бошлиғи томонидан қўлланилиб келинган дипломатик вазибаларнинг бекор қилиниши, эндиликда, хонликнинг нафақат ташқи сиёсати, балки ички ҳаёти ҳам тўлиқлигача Ҳарбий комиссар хоҳиш иродасига бўйсундирилиши, Хива хонини амалда “қўғирчоқ” ҳукмдорга айланиб қолганлигини, мамлакат эса барча ҳуқуқлардан маҳрум қилинганлигини билдирар эди.

Хива хони Асфандиёрхон (1910-1918) ҳукмронлиги йилларида халқнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашди. Мавжуд мустабид тузумни ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, ислоҳотлар йўли билан жамиятни ўзгартириш ва янгилаш тарафдори бўлган Хоразм маърифатпарварлари “Ёш хиваликлар” ҳаракатига асос солдилар. Унинг сафларида аҳолининг турли тоифа вакиллари, яъни зиёлилар, хунармандлар, савдо-тижорат аҳлини, илғор фикрли руҳонийларни учратиш мумкин эди. Шундай бир шароитда, Хивадаги хонлик тузумининг таянчи ҳисобланган Романовлар сулоласининг сўнгги вакили Николай II ҳам тахтдан воз кечади. Натижада 1917 йилнинг февраль ойининг охирида юз берган сиёсий жараёнлар, инқилоб натижасида уч асрдан ортиқроқ Россияни бошқарган сулола ҳукмронлигига яқун ясалади. Россияда молия-саноат капитали вакиллари манфаатларини ифодаловчи

¹ ЎзМА, жамғарма-1, рўйхат-27, иш-436, варағ-7.

² ЎзМА, жамғарма-1, рўйхат-27, иш-436, варағ-7.



Муваққат ҳукумат тузилади. Муваққат ҳукумат бошқарувнинг монархия шаклидан воз кечиб, мамлакатни республика деб эълон қилган эди. Россия императори Николай иккинчининг тахтдан четлаштирилиши оқибатида, нафақат Россияда, балки, Хива хонлигида ҳам ижтимоий-сиёсий вазият тубдан ўзгарди.

Бу пайтда Хива хони Асфандиёрхон Қримда, Ялта сихатгоҳида дам олаётган бўлиб, 1917 йил февраль ойида юз берган воқеалардан кейин Тошкентга келади¹. Туркистон ўлкасида Муваққат ҳукуматнинг расмий органи Туркистон қўмитаси ташкил қилинган ва у минтақада Муваққат ҳукумат номидан иш олиб борган. Асфандиёрхон ўз ҳокимиятини асосан Россия монархияси ҳарбий-маъмурий кучига таянган ҳолда бошқарган бўлса, эндиликда ўзгарган вазиятда, янги ҳокимият вакиллари билан шундай алоқани йўлга қўйишни мақсад қилади. Асфандиёрхон Тошкентда Муваққат Ҳукумати вакиллари билан учрашиб, улардан ҳар томонлама мадад олиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилади. 1917 йилнинг март ойларида Чоржўй орқали Туркистондаги Муваққат ҳукумат вакили генерал Мирбадалов ҳамроҳлигида Хивага қайтиб келади². Генерал Мирбадалов Хива хонлиги Ҳарбий комиссари қилиб тайинланган эди.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, Хива хонлигида Ҳарбий комиссар лавозими, гарчи, Россия империяси ҳукумати томонидан жорий қилинган бўлса-да, янги, Муваққат ҳукумат даврида ҳам амал қилган. Мазкур лавозимда фаолият олиб борган ҳарбий Россия империясининг Хивадаги махсус вакили ҳисобланган. Эндиликда, Муваққат ҳукумат даврида Хива хонлиги билан боғлиқ барча ваколатлар Россиянинг Хивадаги вакили - Ҳарбий комиссарга юклатилган. Ҳарбий комиссар ўз ҳокимияти ва ваколатларини Хива хонлигида жойлашган рус ҳарбий қисмларига суянган ҳолда амалга оширган. Шунинг учун ҳам Хива хонининг асосий таянч қуввати бўлган рус ҳарбийлари хонликдаги ижтимоий-сиёсий вазиятга жуда катта таъсир кўрсатишган. Асфандиёрхон ҳам 1917 йилда империяда ўзгарган сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мақсадида Россия Ҳарбий комиссари билан ҳамкорликда фаолият олиб борган.

Шу билан бирга, 1917 йилнинг баҳорида Россия империясида юз берган демократик жараёнлар рус армиясига ҳам ўз таъсирини ўтказган бўлиб, ҳарбий қисмларда аскарлар томонидан сайланган инқилобий қўмиталар ҳам фаолият олиб бораётган эди. Ҳарбий қисм бошлиқлари эса улар билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлар. Шунинг учун ҳам Хиванинг ислохатчи кучлари хонликда хизмат қилаётган, инқилобий кайфиятдаги рус аскарлари билан доимий мулоқот ўрнатишган. Хивалик демократик кучлар 1917 йилнинг 4 апрелида Хива шаҳрида кўпминг кишилиқ намойиш уюштир-

¹ Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи. Т.: 2011. – Б.49.

² Қўшжонов О. Полвонов Н. Хоразмда ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. – Б.28.



дилар¹. “Ёш хиваликлар”нинг етакчилари Муваққат ҳукумат аскарларининг вакиллари Шокир Тенисов ва Абдушукур Латипов иштрокида Хивада демократик ўзгаришларни эълон қилувчи талабнома, Манифест матнини ишлаб чиқишди ва ушбу ҳужжатни тасдиқлаш учун Хива хони Асфандиёрхон ҳузурига Нуруллобой саройига ташриф буюришди². Айнан уларнинг тазйиқи билан Хива хони Асфандиёрхон 5 апрел куни демократик ва сиёсий эркинликлар берувчи ҳужжат - Манифестга имзо чекишга мажбур бўлади. Мазкур ҳужжат мамлакатда фуқароларга муайян эркинликларни амалга оширишга рухсат бериб, Хивада конституцион монархия тузуми шаклидаги бошқарув тартиби ўрнатилади. Халқ томонидан сайланадиган Миллий мажлис - “Идораи машвират” тузишга рухсат берилди. Тез орада сайловлар ўтказилади, натижада, 1917 йилнинг 26 апрел куни Хивада, Туркистонда демократик асосда сайланган, 49 халқ вакилидан иборат илк парламент, Миллий мажлис (“Идораи машвират”) ўз фаолиятини бошлади. Унинг раиси қилиб, жадидларнинг кўзга кўринган раҳномаларидан, Хиванинг собиқ қозикалони Бобоохун Салимов сайланди.³ Мажлис қарорига кўра, Ҳусайнбой Матмуродов бошчилигида “Ёш хиваликлар”дан иборат миллий-демократик характердаги Хива ҳукумати ташкил қилинди.

Шундай қилиб, 1917 йилнинг баҳорида Хива хонлигида бири-бирига қарама-қарши бўлган икки сиёсий куч шаклланди. Асфандиёрхон бошчилигида, консерватив* йўналишдаги диний уламолар ва бой савдо-тижорат вакиллари, ер эгаларини бирлаштирган биринчи гуруҳ, асосан, мавжуд тузумни жон-жаҳди билан сақлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эдилар. Уларнинг таянчи Ҳарбий комиссар, генерал Мирбадалов бошчилигидаги рус ҳарбийлари бўлган. “Ёш хиваликлар” бошчилигидаги демократик кайфиятдаги, оддий халқ томонидан сайланган Мажлис аъзолари ва ҳукумат иккинчи сиёсий кучни ташкил этган. Мазкур ҳукуматнинг ташаббуси ва топпириги билан Россияда ташкил қилинган Муваққат ҳукуматнинг Тошкентдаги ваколатли органи Туркистон Қўмитаси раҳбарлари билан учрашиш, музокаралар олиб бориш мақсадида Худайберган Девонов, Отажон Маҳрам Сапаев, Бобожонбой Ёқубовлардан иборат “Ёш хиваликлар”нинг ҳукумат делегацияси Тошкентга юборилади⁴. Рус ҳукумати билан Хива хони ўртасида доимий мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш ва унинг фаолиятини назорат қилиб бориш мақсадида Хива шаҳрида ташкил этилган Россия Ҳарбий комиссари лавозими Россияда вужудга келган янги

¹Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Т.: 2000. – С. 288.

²Қўшжонов О. Полвонов Н. Хоразмда ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. – Б.287.

³ Полвонов Н.Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи. – Б.52.

*Консерватив–мавжуд тузумни сақлаш тарафдорлари, ҳар қандай янгилик ва ислохотларга қарши бўлган сиёсий оқим (С.Ш).

⁴Полвонниёз Хожи Юсупов. «Ёш хиваликлар»тарихи (“Эсдаликлар”).Урганч.:2000. – Б.90.



Муваққат ҳукумати даврида фаолиятини давом эттиради. Хива хони Асфандиёрхон ўзининг шахсий ҳокимиятини асраб қолиш ва ислохотчи кучларга қарши туриш мақсадида Россия Муваққат Ҳукуматининг минтақадаги ваколатли органи, Туркистон Қўмитасининг Хивадаги Ҳарбий комиссари, генерал Мирбадалов билан тил бириктириб, Хива жадидлари томонидан ташкил қилинган илк демократик парламент -Миллат мажлиси ва “Ёш хиваликлар” ҳукуматига қарши яширинча кураш бошлайди. “Ёш хиваликлар”да уларга қарши туриши учун ҳарбий куч ва айниқса, курол-яроқ йўқ эди. Вазиятни ҳисобга олган Миллат мажлиси аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, 1917 йилнинг май ойида Полвонниёз Хожа Юсупов бошчилигида, ўзбек Юсуфбой Қурбонбой ўғли, қорақалпоқлардан Қутлимурод беклар беги, туркманлардан Мулла Шукурлардан иборат иккинчи ҳайъатни Тошкентга жўнатишади. Ҳайъат Тошкентга етиб келиб, ўша вақтда Гоголь кўчасида жойлашган, “Ёш хиваликлар” ҳукуматининг раҳбари Хусаинбек Матмуродовнинг уйида истиқомат қилиб турганлар¹. Бу ерда, олдин жўнатилган ҳайъат аъзолари Худайберган Девонов, Отажон Маҳрам Сапаев, Бобожонбой Ёкубовлар билан учрашадилар ва бундан кейин қандай ҳаракат қилиш тўғрисида маслаҳатлашиб оладилар.

“Ёш хиваликлар” Тошкентда бўлганларида Қозондан келган, Бошқиристон Мусулмонлар ҳайъати вакиллари Исмоил Обудий, Абул Бори, Ҳабиб Хорис Сайфул Мулуковлар билан учрашадилар. Муваққат ҳукумат вакиллари билан бўлажак учрашувда таржимонлик қилиш учун Сайфул Мулуков “Ёш хиваликлар” ҳайъати таркибига киритилди². Хива ҳукуматининг вакиллари Тошкентдаги Туркистон қўмитаси аъзолари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, иқтисодий - ҳарбий ёрдам олиш масалалари бўйича музокаралар олиб боришган³. Аммо, Муваққат ҳукумат вакиллари Хива ҳукуматига аниқ ёрдам беришишни режалаштирмаган эдилар. Шунинг учун ҳам Хоразм вакиллари Туркистондаги Муваққат ҳукумат вакиллари билан ҳеч қандай ёрдам ололмагач, Туркистонда фаолият олиб бораётган, миллий маърифатпарварларни бирлаштирган “Шўрои ислом” ташкилоти вакиллари Абдулвоҳид Эшон Қориев, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Карим Қори Ниёзийлар билан учрашадилар. Улар ҳам “Ёш хиваликлар”га ёрдам беришга ваъда берадилар. “Ёш хиваликлар” бу билан чекланмай Туркистоннинг етакчи жадид раҳномаларидан бири бўлган Мустафо Чўкаев билан ҳам учрашиб уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни сўрашади⁴. Полвонниёз Ҳожи Юсупов Тошкентда “Ёш бухороликлар”нинг вакиллари Мухураддин Махсум, Фатҳулло Комиловлар билан ҳам учрашади. Бундан ташқари, “Ёш хиваликлар” ҳукумати номидан ёрдам сўраб, музокаралар олиб бориш учун Назар Шоликоров

¹ЎзМА, жамғарма-69, рўйхат-1, иш-72, варағ-82

² Полвонниёз Ҳожи Юсупов. «Ёш хиваликлар» тарихи (“Эсдаликлар”). Урганч.: 2000. – Б.91.

³ Ўша жойда.

⁴ Полвонниёз Ҳожи Юсупов. «Ёш хиваликлар» тарихи (“Эсдаликлар”). – Б.93.



Москвага жунатилган эди. Полвонниёз Юсупов бошчилигидаги Хива вакилларининг қатъий талабларидан кейин Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси вакиллари полковник Тарезна, пропоршик Ҳорис Жумақуловдан иборат ҳайъатни Хоразмга, “Ёш хиваликлар” ҳукуматига халқ милициясини ташкил қилишда ёрдам бериш учун жўнатишга қарор қилади¹.

Полвонниёз Ҳожи Юсупов ва “Ёш хиваликлар” 1917 йилнинг ёзида Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси вакили полковник Тарезна билан Тошкентдан Хивага келишади. Аммо, Хива хони Асфандиёрхон Муваққат ҳукуматнинг Хивадаги вакили генерал Мирбадалов билан тил бириктириб, турли нопок йўллар билан полковник Тарезнани ҳам ўз томонига оғдириб олади. Хоннинг ифвогорона ҳаракатлари туфайли, реакцион кайфиятдаги руҳонийлар ва уларнинг таъсиридаги оломон “Ёш хиваликлар”га қарши ҳаракатларни авж олдирдилар. Шундай бир шароитда Муваққат ҳукумат томонидан 1917 йилнинг 25 июлида Хива хонлигидаги Ҳарбий комиссар лавозимига 4- Исет-Ставрополь казак қўшинлари бошлиғи, полковник И.М.Зайцев тайинланади². Асфандиёрхон ҳокимиятини қўллаб-қувватлаш, ислохотчи кучларга қарши курашиш учун Хивага Россия қўшинларининг янги қисмлари, кўшимча курол-яроғ келтирилади³. Шу вақтда Эрондан Хивага қайтиб келган туркман уруғлари сардори Жунаидхонни ҳам ўз тарафига ағдаришга муваффақ бўлган И.Зайцев ва Асфандиёрхон “Ёш хиваликлар” ҳукуматига қарши босимни кучайтирадilar. Муваққат ҳукумат вакилларига суянган, Асфандиёрхоннинг таянчи ҳисобланган фанатик руҳдаги айрим диний уламолар фатво чиқариб, халқ орасида, таракқийпарварларни диндан қайтган шаккоқлар деб эълон қилишади. Миллат Мажлиси раиси Бобоохун Салимов уз лавозимидан истеъфо беришга мажбур бўлади. Мажлис раислигига хон тарафдори Ортиқохун сайланади⁴. Натижада 1917 йилнинг ёзига келиб, Асфандиёр жадидларни ҳокимиятдан четлаштиришга муваффақ бўлади. Тез орада эса, Хусайнбек Матмуродов, Девонбеги Солий Юсуп ўғли, Муҳаммадали Эшон ўғли, Эшон Қори ва жами 30дан ортиқ “Ёш хиваликлар”лар камокқа олинadilar. Раимберган Ёқуб ўғли, Отажон Чоймахрам, Қурбонбой Қалантар ўғли, Жуманиёз Ҳожи Бобониёз ўғли каби бир гуруҳ “Ёш хиваликлар” Тўрткўлга қочадilar. Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Назар Шоликоровлар эса узоқ саргардонликлардан сўнг 1917 йил декабрида Тошкентга етиб келadilar.

Бу вақтда Тошкентда Муваққат ҳукумати ағдарилиб, большевиклар бошчилигида Туркистон Халқ комиссарлар совети иш бошлаган эди. Туркистондаги совет ҳукуматининг раиси Колесов бўлиб, “Ёш хиваликлар”, камокқа олинганларни қутқаришини сўраб унга мурожаат қилишади. Пол-

¹ Ўша жойда. – Б.94.

² Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – С.290.

³ Полвонниёз Ҳожи Юсупов. «Ёш хиваликлар» тарихи (“Эсдаликлар”). – Б. 290-291.

⁴ Қўшжонов О. Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. – Б.289-290.



вонниёз Ҳожи Юсупов ўз сафдошларининг тақдирини ўйлаб, уларни озод қилишга амалий ёрдам беришларини сўраб, 1918 йил 10 январ куни Қўқонга етиб келади ва Қўқон Мухторияти раҳбарларидан Ризоуддин Шокиров, Низомиддин Хўжаевлар билан учрашади. Аммо, Қўқон мухториятига қарши советлар томонидан яқинлашиб келаётган уруш таҳдиди туфайли Мухторият раҳбарияти “Ёш хиваликлар”га ёрдам бера олмайдилар. Фақат Асфандиёрхонга ва Хивадаги рус қўшинлари қўмондони полковник Зайцевга “Ёш хиваликлар”ни ҳибсдан озод қилишни сўраб телеграмма жўнатишади, холос¹. Охир-оқибатда тутқинликда бўлган “Ёш хиваликлар”нинг барчаси Асфандиёрхон ва Жунаидхон томонидан қатл қилинадилар. Айнан шу ҳолат “Ёш хиваликлар” сиёсий қарашларининг ўзгаришига жуда катта таъсир қилди. Улар, Хивадаги мустабид тузумни фақат қурол кучи билан, четдан ёрдам билангина афдариб ташлаш мумкин, деган хулосага келишади ва кейинги барча ижтимоий - сиёсий ҳаракатларини мана шу мақсад асосида олиб боришади.

Шундай қилиб, биринчи жаҳон урушида иштироки туфайли Россия империясида ижтимоий-иқтисодий аҳвол ниҳоятда оғирлашди, халқнинг қашшоқланиши кучайди. Бу эса ўз навбатида мамлакатда сиёсий инқирозни келтириб чиқарди. Бунинг оқибатида 1917 йилнинг бошларида Россияда инқилобий вазият вужудга келди ва февраль ойида Романовларнинг уч асрдан ортиқроқ давом этган ҳукмронлигига чек қўйилди. 1917 йилнинг март ойида Россияда Муваққат ҳукумат ташкил қилинганлиги эълон қилинди. Халққа сиёсий, иқтисодий ва бошқа демократик эркинликлар берилди. Мазкур ўзгаришлар Россия империясига қарам ҳудуд ҳисобланган Хива хонлигига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Хивадаги миллий- маърифатпарвар кучлар демократик ислоҳотларни амалга оширишга киришдилар. Хива хонлигида конституцион монархия бошқарув тартиби жорий қилинади.

Бу вақтда Хива хонлигини бошқариш Муваққат ҳукуматнинг Туркистондаги органи томонидан тайинланган Россиянинг Хивадаги Ҳарбий комиссарининг тўлиқ ваколатига берилган эди. Ҳарбий комиссарнинг Хива хони Асфандиёрхон билан ўзаро ҳамкорлиги туфайли хонликдаги ижобий ўзгаришларга чек қўйилди. Демократик оқим намоёндалари қатағон ва қувғин қилинди. Муваққат ҳукуматнинг Туркистондаги вакилларининг сиёсати туфайли хонликда яна мустабид тузум қарор топди. Қатағондан омон қолган миллатпарварларнинг айрим вакиллари Туркистонда, совет ҳокимияти ўрнатилган ҳудудларда, асосан, Тошкент шаҳрида паноҳ топишди. Хива хонлигини ҳам “жаҳон инқилоби” оловига тортишни мақсад қилган большевиклар учун бу айти муддао бўлди. Натижада, Хоразм жадидларининг большевиклар билан яқинлашуви рўй берди. “Ёш хиваликлар” ва большевиклар Хива хонлигини афдаришда иттифоқчилар сифатида ҳаракат қилишади.

¹ Полвонниёз Ҳожи Юсупов. «Ёш хиваликлар»тарихи (“Эсдаликлар”). – Б.292.



ТУЛЕМЕТОВА ГУЛЧЕХРА

кандидат философских наук, доцент, МИАУ

Общенаучные принципы исследования материалов религиозного содержания

Аннотация. Религиоведческая экспертиза (далее РЭ) нуждается в разработке общенаучных принципов исследования материалов религиозного содержания. Научный характер экспертизы означает следование определенным методическим стандартам. Важным моментом является учет междисциплинарного характера религиоведческого знания. Религиоведение, сформировавшееся как самостоятельная область знания со своим категориальным аппаратом, отличным от теологии и атеизма подходом, светской оценкой религии около полутора века тому лет назад в Западной Европе использует методы других наук (истории, социологии, психологии, филологии, культурологии и др.). В Узбекистане цель этой процедуры заключается в проведении уполномоченным органом исследования по установлению наличия или отсутствия в материалах религиозного содержания (далее МРС) элементов, противоречащих действующему законодательству, отступлений от религиозных законов или искажений в них, для решения вопроса о разрешении (запрещении) их изготовления, ввоза, распространения на территории Республики. Выявление в МРС «отступлений от религиозных законов или искажений» решается в процессе теологического, исследования. Таким образом, соблюдается гармонизации светских и религиозных знаний, хорошо зарекомендовавший себя в религиозно-просветительской деятельности и идеологической работе по пропаганде религиозных ценностей. Цель исследования разобраться подходят ли методы идеологической работы для научного исследования МРС в процессе РЭ? Методом сравнительного анализа общенаучных и теологических методов определен круг приемлемых для РЭ, установлены требования к научному и к теологическому методу, выявлены особенности научного и теологического подхода, дана оценка практики их сочетания в процессе РЭ.

В заключении сделаны выводы о том, что на исследовательском этапе РЭ необходимо соблюдать такие общенаучные требования к методу как направленность, однозначность, аксиологической нейтральность, а при теологическом исследовании целесообразно использование специфических методов религий (қийās, тақлїд и т.п. в исламе; методы герменевтики и контекстуальной теологии и др. в христианстве). На заключительном этапе РЭ учет согласованного мнения религиоведа и богослова обеспечивает консенсус при составлении экспертного заключения. Даны рекомендации по условию применения принципа сочетания научных и религиозных знаний при проведении РЭ.

Ключевые слова: общенаучные методы, теологические методы, религиоведческая экспертиза (РЭ), материалы религиозного содержания (МРС), аксиологическая нейтральность, наука, идеология.

Аннотация. Динишунослик экспертизаси (кейин ДЭ) ўтказишида диний мазмундаги материаллар (кейин ДММ) ўрганиши умумий таъминларига амал қилиши талаб этилади ва услубий стандартларга риоя қилишини аниқлади. Динишуносликнинг фанлараро хусусиятини ҳисобга олиши муҳим аҳамият касб этади. Бундан бир ярим аср аввал Фарбий Европада мустақил фан соҳаси сифатида шаклланган динишунослик



ўзининг илоҳиёт ва атеизмдан фарқли равишида тушуновлар аппарати, ёндашув, динга дунёвий баҳо бериши жараёнида бошқа фанлар (тарих, социология, психология, филология, маданиятишунослик ва ҳ. к.) усулларидан фойдаланади. ДЭни ўтказишидан мақсад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ДММни тайёрлаш, олиб кириши, тарқатишига рухсат бериши (рухсат бермаслик) масаласини ҳал этиши мақсадида ваколатли орган томонидан ДММда амалдаги қонунчиликка зид элементлар, диний қонун-қоидалардан оғишганлик ёки бузиб кўрсатишининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашдан иборат. ДММда “диний қонун-қоидалардан оғишганлик ёки бузиб кўрсатиши”ларни аниқлаш илоҳиётишунослик тадқиқот жараёнида ҳал қилинади. Шундай қилиб, диний-маърифий фаолият ва диний қадриятларни тарғиб қилиши бўйича мафкуравий ишларда ижобий натижаларни намойиши этган “дунёвий ва диний билимларнинг уйғунлашуви” кузатишмоқда. Мақсад дунёвий фан бўлмиши динишунослик экспертизаси ДММни тадқиқоти билан боғлиқ жараёнида мафкуравий иш услубларини қўллаш амалиёти методологик нуқтаи назаридан қанчалик мос келишини аниқлашдан иборат. Умумилмий ва диний усулларни қиёсий таҳли қилиши усули натижасида ДЭ учун мақбул бўлган усуллар доираси белгиланди, илмий ва теологик услубга қўйиладиган талаблар таъкидланди, илмий ва теологик ёндашувнинг хусусиятларини аниқланди ва уларни уйғунлаштириши амалиёти баҳоланди.

ДММ умумилмий тамойиллари комплекс равишида ўрганилиб, қуйидаги хулосаларга келинди: ДЭнинг тадқиқот босқичида илмий услубнинг аниқлиги, йўналганлиги ва аксиологик холислиги талабларига, теологик тадқиқотида эса динлар маҳсус услубларининг (қиёс, тақлид кабилар исломда; герменевтика ва контекстуал теология кабилар христианликда ва ҳоказо) талабларига риоя қилиши лозим. ДЭнинг якуний босқичида динишунос ва илоҳиётишунос уйғунлашган (*consensus*) фикрлари инобатга олиниши мақбул.

Калим сўзлари: умумилмий усуллар, теологик усуллар, динишунослик экспертизаси (ДЭ), диний мазмундаги материаллар (ДММ), аксиологик холислик, фан, мафкура.

Abstract. Religious expertise needs to develop general scientific principles for the study of religious content materials. The scientific nature of the examination means following certain methodological standards. An important point is to take into account the interdisciplinary nature of religious knowledge. Religious studies were formed as an independent field of knowledge with its own categorical apparatus, an approach different from theology and atheism, a secular assessment of religion about a century and a half ago in Western Europe, has been using the methods of other sciences (history, sociology, psychology, philology, cultural studies, etc.). In Uzbekistan, the purpose of this procedure is to conduct a study by the authorized institution to establish the presence or absence in the materials of religious content (hereinafter referred to as MRC) of elements that contradict the current legislation, deviations from religious laws or distortions in them, in order to resolve the issue of permitting (prohibiting) their production, import, distribution on the territory of the Republic. Identification in the MRC of “deviations from religious laws or distortions” is decided in the process of theological research. Thus, the harmony of secular and religious knowledge is observed, which has proven itself in religious and educational activities and ideological work to promote religious values. The purpose of the study is to understand whether the methods of ideological work are suitable for the scientific study of MRC in the process of religious expertise. The method of comparative analysis of general scientific and theological methods determines the range of methods acceptable for religious expertise, establishes the requirements



for the scientific and theological method, identifies the features of the scientific and theological approach, and evaluates the practice of combining them in the process of religious expertise.

In the end, conclusions are drawn that at the research stage of religious expertise it is necessary to comply with such general scientific requirements for the method as focus, unambiguity, axiological neutrality, and in theological research it is advisable to use specific methods of religions (*qiyas, taqlid, etc. in Islam; methods of hermeneutics and contextual theology, etc. in Christianity*). At the final stage of the RE, taking into account the agreed opinion of the religious scholar and the theologian provides a consensus in drawing up an expert opinion. Recommendations are given on the condition for applying the principle of combining scientific and religious knowledge when conducting religious expertise.

Key words: scientific methods, theological methods, religious expertise, materials of religious content, axiological neutrality, science, ideology.

Введение. Большинство религиоведов указывают на несформированность методологической базы и понятийного аппарата религиоведческой экспертизы (далее РЭ) как основную причину, тормозящую повышение эффективности экспертизы материалов религиозного содержания (далее МРС). Важным фактором совершенствования РЭ является подготовка высококвалифицированных экспертов – религиоведов и теологов, владеющих навыками использования методов своей области знания, а также инновационных методов и средств, способствующих быстрому и качественному составлению экспертного заключения. Исследование в этой области является давно назревшей потребностью начать решение теоретических проблем и практических вопросов РЭ, возможностью поделиться опытом Узбекистана.

На новом историческом этапе Узбекистана разработка методик РЭ связана с приоритетными направлениями государственной политики Узбекистана: научное исследование культурного наследия ислама, пропаганда его роли в развитии цивилизации ЦА посредством инновационных методов; ранняя профилактика и противодействие распространению идеологии экстремизма и терроризма, прикрытой религиозными догмами, путем подготовки и переподготовки квалифицированных кадров в этой сфере; выработка предложений по совершенствованию методико-практической базы в данной сфере и их внедрение. Актуальность выполнения вышеназванных задач обозначена в указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева, в постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан, в Уставе Комитета по делам религий при Кабинете Министров Республики Узбекистан¹ и других нормативно-правовых доку-

¹О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительской сфере. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5416 от 16 апреля 2018 года. <https://lex.uz/docs/3686283>; Указ Президента Ш. Мирзиёева № УП-6255 от 01.07.2021 г. Об утверждении Национальной стратегии Республики Узбекистан по противодействию экстремизму и терроризму на 2021–2026 годы. Национальная база данных законодательства, 02.07.2021 г., № 06/21/6255/0638); Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-5186 от 16 июля 2021 г. «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Центра исламской



ментах. Почти в 30-летней практике РЭ в РУз. произошло множество организационных изменений. На новом историческом этапе Узбекистана настало время решения фундаментальной проблемы – разработки научно-методологической базы, методов и подходов к исследованию МРС и решения практических вопросов, формирования методологической базы экспертных исследований религии, стандартизации терминологии, подготовки кадров в области религиоведческой экспертизы. Оперативность и качество решения этих проблем оказывает прямое влияние скорость выполнения и результаты намеченных в “Дорожных картах” мероприятий в сфере государственно-религиозных отношений и религиозной политики Узбекистана.

Цель и задачи. Цель исследования определить круг приемлемых для РЭ общенаучных методов и дать методическую оценку практики сочетания научного и теологического подхода к экспертизе МРС. Для достижения этой цели были решены следующие задачи: установлены требования к научному и к теологическому методу, выявлены особенности научного и теологического подхода.

Метод. В исследовании использовался сравнительный анализ общенаучных и теологических методов. При анализе научного подхода к исследованию МРС применялась логическая процедура обоснования использования требований однозначности, направленности и аксиологической нейтральности применительно к функциям, целям и задачам РЭ. При анализе теологического подхода к исследованию МРС применялась логическая процедура обоснования использования специфических методов, разработанных в рамках определенных вероучений. Для доказательства целесообразности учета согласованного мнения религиоведа и богослова на заключительном этапе РЭ было обосновано применение принципа рациональности, объективности и интерсубъективности (способность эксперта при исследовании МРС учитывать, сравнивать, противопоставлять, примирять свои и другие точки зрения на объекты и события).

Анализ и обсуждение. В процессе поиска ответа на вопрос о приемлемой методике анализа МРС при проведении РЭ мы установили, что практиковавшаяся в атеистический период отечественной истории абсолютизация социально-политического подхода искажала духовную сущность религии, ставила под сомнение ее нравственную чистоту, бескорыстность и другие ценности. В данном случае этот подход не представляет интерес для нашего исследования. После обретения республикой независимости и особенно в новом Узбекистане религия, прежде всего

цивилизации в Узбекистане при Кабинете Министров Республики Узбекистан». - URL: <https://lex.uz/docs/5514991>; Постановление Кабинета Министров РУз. № 180 от 14. 04. 2022 г. «Об утверждении Положения о порядке изготовления, ввоза и распространения материалов религиозного содержания и проведения религиоведческой экспертизы»). - (ҚММБ, 14.04.2022 й., 09/22/180/0307-сон); Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 612 от 29 сентября 2021 г. «Об утверждении Устава Комитета по делам религий при Кабинете Министров Республики Узбекистан» <https://lex.uz/docs/5663785>



ислам, играет важную роль в социальной и духовной жизни общества. Ее значимость во многом обеспечивается обширным пластом MPC с *религиозно-просветительским контентом*, направленностью изучения ценностей ислама, его культурного наследия. Она широко представлена в сборниках трудов Центра исламской цивилизации в Узбекистане, международных научно-исследовательских центров имени имама Бухари, имама Термизи, а также имама Матуриды при Международной исламской академии Узбекистана, Международной исламской академии Узбекистана, Ташкентского государственного университета востоковедения, в материалах проводимых ими международных научно-практических конференций и семинаров при поддержке UNESCO, ICESCO, IRCICA.

Применительно к исследованию MPC исследование выявило четыре подхода: *конкретно-исторический, философский, теологический и аксиологический (от axiology – учение о ценностях)*. Последний восходит к идеям философов Баденской школы неокантианства. Развивая идеи классической философии Гегеля, они рассматривали ценности в отношении к абсолютной ценности – Богу. Такое понимание ценностей привело к разработке лишь ее идеальной стороны¹. Аксиологический подход к исследованиям MPC привел к тому, что религиозные ценности оказались «оторванными» от их реального носителя – верующего. Примером аксиологического подхода является *аксиоматический метод*. Его специфика в том, что в основу кладется аксиома и общепризнанные постулаты, а затем из нее логическим путем выводятся доказательства. Он часто применяется в теологии. По мнению Луи де Бройля, аксиоматический метод не способен открывать новые знания². На наш взгляд, это мнение слишком категорично. Как один из методов приращения добытого знания, он используется в религиозно-просветительской и пропагандистской работе, в сфере духовности и просветительства³.

Аксиологический подход применяется при изучении вопросов религиозного сознания и национального самосознания, культуры и деятельности⁴, а также при исследованиях в области педагогики⁵. Общим для них является попытка внедрить

¹ Жильцова Е. И., Егорова Э. Н., Сухолет И. Н. На пути к современной цивилизации. М., 1993. С. 30

² Бройль Луи де. По тропам науки. М., 1962. С. 179.

³ Махсудов Д., Сабдин А. Мутаассибликка қарши мўтадиллик: метод ва таҳлиллар [Матн] -Т.: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. – 84 б. Ҳасанбаев Ў. Диний-маърифий ва ижтимоий-маънавий соҳа тарғиботчилари учун айрим атама ва тушунчаларнинг изоҳли лугати.-Т.: «Shamsuddinxon Boboixonov» nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020. - 608 б. Экстремизм ва терроризм – тараккиёт душмани: Ички ишлар тизими ходимлари (профилактика инспекторлари) учун ўқув қўланма / Масъул муҳаррирлар: З. Исломов, Ш. Икромов. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.– 164 б.

⁴ Кимсанбаева Ш. Аждодларимиз диний меросининг миллий ўзликни англашга таъсири. Фалс. фан. PhD...дисс. автореф. Т., 2020.

⁵ Махмудова Н. “Авесто”да таълимий-ахлоқий қарашлар. Пед. фан. PhD ...дисс. автореф.-Т., 2005; Алауатдинов С. Исломи дини манбаларида тарбиявий фикрлар ва уларни педагогик таҳлил этиш механизми. Пед. фан. PhD ...дисс. автореф.-Самарқанд, 2020; М. Хажиева Хожа Аҳмад Ясса



в сознание современной молодежи средневековые религиозные ценности, рекомендации по формированию духовно-нравственного воспитания молодежи на основе религиозной философии и исламского права¹. Помимо скрытой положительной оценки средневековых педагогических приемов, иногда даже в переводе названия диссертационного исследования содержится моральная оценка (правильный–неправильный), неприемлемая для научного подхода². Мы разделяем точку зрения П. Абдуллаханова о том, что «существуют общественные феномены, которые являются носителями определенной ценности лишь в конкретно-историческую эпоху»³.

В отличие от аксиологического, подход, основанный на принципе историзма и расширенном понимании *философии*, приводит к объективным выводам. В научно-философской литературе по разработке феномена ценностей применительно к философии ислама относятся труды известных отечественных философов. А. Валиев, П.Х. Пулатов, И.М. Муминов, М. М. Хайруллаев, Ю. Д. Джумабаев, Х. А. Аликулов, Х. А. Шайхова систематизировали аксиологические воззрения Навои, Фараби, Бируни, Руми, Фергани и др. В отличие от европейской традиции, где философия означает теоретическое изучение основ бытия и мышления, восточная философия ориентирована на практические задачи поиска духовных основ, прочувствованное, понимание борьбы добра и зла⁴.

Использование герменевтических процедур при использовании конкретно-исторического и философского подхода позволяют осознать глубинный смысл контекста, «ключ» к пониманию всего текста. Соблюдение принципа объективности означает соответствие представлений эксперта об объекте РЭ истинным его характеристикам, не зависимым от своих ценностных ориентаций и идеологических установок.

В отличие от научного исследования, теологический подход довольно жестко привязан к догматике вероучения и не позволяет делать объективные выводы, применимые к различным религиям. Объяснение этому дает христианский теолог и философ Фома Аквинский, который считает, что наука и религия различаются по методу постижения истины: наука и философия

вийнинг маънавий- тарбиявий қарашлари. Педаг.фан н...дис. автореф. -Т. 2004; Избуллаева Г. “Жалолитдин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш”. - Пед. фан. PhD ...дисс. автореф.- Т. 2017; Ташмурадова Қ, Тасаввуф таълимоти ўрганишда талаба-ёшлар шахсини шакллантиришнинг илмий-методик асослари. Пед.фан н...дис. автореф. -Т. 2006; Эшанова Г. Диний кадрлар ва тасвирий санъат интеграциясининг шахс маънавиятига таъсири. Фалс.фан ндис. автор. -Т. 2012.

¹ Рахманова З. Низомулмулкнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари. Автор. на соиск. уч. ст. канд.юрид. н.- Т. 2004

² Айрапетова А.Г. «Ёшларда нотўғри диний тушунчаларни шакллантирувчи шахс хусусиятлари». - <https://oak.uz/userfiles/files/2017-1-son.pdf>

³ Абдуллаханов П. Д. Ислам в системе культуры среднеазиатских народов (методологический аспект исследований проблемы. Дис.на соиск. уч. степ. к.филос.н., Т., 1992. - С.144

⁴ Культурология. История и теория культуры. Учебное пособие. М., 1996. С. 76



опираются на «истины разума», религия – на «истины Откровения». Используя метод гармоничного сочетания светских и религиозных знаний, Ф. Аквинский связывает идеи Августина Блаженного с философией Аристотеля и приводит пять доказательств бытия Бога. Разумеется, что выводы относятся только к католическому вероучению. Мы согласны с замечанием теолога о том, что при переводе религиозных текстов (в данном случае применительно к католической вере) «работа хорошего переводчика заключается в переводе [текстов] о католической вере с *сохранением значения*, но способ высказывания он меняет согласно свойствам языка, на который переводит. Ясно, что сказанное на литературной латыни при объяснении «по-простому» превратится в нескладное повествование, если толковать «слово за словом». Тем более так бывает, если сказанное на одном языке переводится на другой «слово за словом», – нечего удивляться тому, что возникают всяческие недоумения»¹.

Не только при переводе религиозного термина на другие языки, но даже при использовании его в родном языке, например, в контексте разных мазхабов ислама или в научном или общеупотребительном смысле, сохранение значения часто невозможно. Сочетание светских и религиозных знаний в данном случае не вносит ясность в эту проблему, а напротив, осложняет ее. Как видно из названия, экспертиза, проводимая Комитетом по делам религий (далее КПДР), является религиоведческой, следовательно, подход и методы к исследованию МРС должны быть религиоведческими, а не теологическим, как этого требовали Положения, действовавшие до 14.04.2022 г. Религиоведческие методы в отличие от теологических обладают рядом обязательных для научного метода характеристик, такими как *аксиологическая нейтральность; однозначность*, то есть соответствие друг другу различных положений метода, его внутренняя непротиворечивость; *направленность метода*, то есть следование определенной исследовательской цели, ориентация на соответствие цели конечному научному результату. Ранее заключением *религиоведческой* экспертизы считался «письменный документ, официально закрепляющий факт проведения *теологического* исследования в отношении МРС на наличие отклонений или искажений от религиозных канонов, необходимого для решения вопроса о допуске (отказе в допуске) к изготовлению, ввозу и распространению указанных материалов на территории Республики Узбекистан, который выполняется КПДР»².

¹ Фома Аквинский. *Contra errores Graecorum*. Против ошибок греков. / Комментированный пер. с лат. - Илья Бей. - К.: Кайрос, 2017. – С.52.

² Приложение к Постановлению Кабинета Министров от 19 апреля 2019 года № 335. Изменения и дополнения, вносимые в постановление Кабинета Министров от 20 января 2014 г. № 10 «О мерах по совершенствованию порядка осуществления деятельности в сфере изготовления, ввоза и распространения материалов религиозного содержания». <https://www.lex.uz/accts/4293451>



Очевидно, что цель и метод экспертов – религиоведа и теолога при исследовании круга поставленных перед ними вопросов не соответствуют применяемому методу и полученному результату, то есть заключению РЭ. Новое определение заключения экспертизы дополнено¹ в соответствии с международной практикой и логикой. Её целью является установление *соответствия или несоответствия законодательству РУз.* содержания текстов в МРС. Но и в нем нет указания на характер проводимого исследования. Теологическая экспертиза, особенно проведенная экспертами Духовного управления мусульман Узбекистана (далее ДУМУ), отличается особой точностью, корректностью, является авторитетной во всем исламском мире. Но «гармоничное сочетание светских и религиозных наук» применимо, эффективно и методически обоснованно на стадии формулировки экспертного заключения РЭ с учетом мнения эксперта-теолога и поставленных им исследовательских целей, а также в религиозно-просветительской сфере. На исследовательском этапе методологически верным является разделение подходов и следование методам, разработанным в своей области знания.

Э. Ибрагимов справедливо считал оправданным использование общенаучных принципов к религиоведческим исследованиям: «Религиоведение прошло долгий и трудный путь, прежде чем сформировался его категориальный аппарат, отличный от теологии и атеизма подход, светская оценка религии»². При этом светский не означает атеистический. Е.Элбакян также считает, что «религиоведение как отдельная отрасль научного знания, возникает в парадигме классической науки, объективность и беспристрастность, для которой являются важнейшими критериями научности»³.

Одна из главных характеристик научного метода при проведении РЭ является соответствие друг другу различных положений метода, его внутренняя непротиворечивость, то есть *однозначность* метода⁴. Применительно к методике экспертизы МРС означает ее способность отражать в своих показателях лишь те свойства текста, которые обусловлены целью проведения РЭ, как и следует из ее названия. Если же наряду с этими

¹ Постановление Кабинета Министров РУз. № 180 от 14. 04. 2022 г. «Об утверждении Положения о порядке изготовления, ввоза и распространения материалов религиозного содержания и проведения религиоведческой экспертизы»). (КММБ, 14.04.2022 й., 09/22/180/0307-сон).

² Ибрагимов Э. Некоторые аспекты подхода к предмету религиоведения западноевропейских и североамериканских ученых // Межконфессиональный диалог и религиозная толерантность – гарантия социальной стабильности. Мат. межд. конф. ТИУ, 12 ноября 2014. С. 21–22.

³ Е. Элбакян. Религиоведческая экспертиза в свете общенаучных принципов. – http://www.sclj.ru/massmedia/detail.php?SECTION_ID=438&ELEMENT_ID=6498.

⁴ Едророва В. Н., Овчаров А.О. Методы, методология и логика научных исследований в журнале: Экономический анализ: теория и практика. 2013. - № 9 (312). - С. 15



свойствами отражаются другие, дополнительные свойства, не связанные с религиозно-исследовательским исследованием, например теологические свойства, то методика не считается однозначной, хотя может быть частично достоверной. Приведем другие свойства, характеризующие научный метод:

– *направленность метода*, т. е. следование определенной исследовательской цели, ориентация на соответствие цели конечному научному результату, то есть экспертному заключению;

– *детерминированность* метода (обусловленность), т. е. установление причин появления, проявления чего-либо, в связи с объективными закономерностями, а не случайным субъективным мнением автора МРС. Например, на некоторых сайтах, публикующих МРС, можно встретить объяснение причин снижения заболеваемости и заражений COVID-19 не санитарными нормами, вакцинированием, соблюдением социальной дистанции, ношением масок, а произнесением определенных сур, питьём «освященной» в церкви воды и т. п.;

– *ясность* метода, т. е. содержание метода должно быть простым и понятным;

– *эффективность* метода, т. е. его научная результативность, способность давать хороший результат, вероятность его достижения искомого научного результата;

– *плодотворность* метода, т. е. его способность давать помимо основного результата еще дополнительные, но не менее важные результаты;

– *эвристичность* метода (производное от слова «эврика» и соответственно от греч. восклицания *héurēka* – нашел!), т. е. способность находить новый результат по мере накопления опыта в какой-либо деятельности. Хорошие эвристические программы способны во время работы собирать дополнительную информацию, а также самообучаться;

– *экономичность* метода, т. е. его получение научного результата с минимальными затратами средств, сил и времени.

Применение научного метода при проведении РЭ требует наличия всех вышеперечисленных характеристик метода. Мы согласны с применением общенаучных методов при проведении РЭ, конкретно-исторического и расширенного понимания философского подхода в соответствии с традицией восточной философии, с необходимостью применения экспертом принципов верифицируемости, фальсифицируемости, рациональности, системности, интересубъективности (*intersubjectivity*, способность человека в процессе коммуникации учитывать, сравнивать, противопоставлять, примирять свои и другие точки зрения на объекты и события) и аксиологической нейтральности при осуществлении РЭ.

Выводы и предложения.

Анализ применяемых в религиоведении общенаучных методов привел к выводу о целесообразности использования для РЭ конкретно-исторического



и расширенного понимания философского подхода в соответствии с традицией восточной философии, с необходимостью учета основных требований к научному методу – однозначности, направленности, аксиологической нейтральности. При теологическом исследовании целесообразно использование специфических методов, разработанных в контексте определенного вероучения. религий (кийās, таклїд и т.п. в исламе; методы герменевтики и контекстуальной теологии и др. в христианстве и т.д.). На заключительном этапе РЭ учет согласованного мнения религиоведа и богослова обеспечивает консенсус при составлении экспертного заключения.

МАҲМУДОВ ЖАСУРБЕК.

ф.ф.н., доцент, ЎЗМУ

Дастлабки фатий ва ахийлар ҳақида мулоҳазалар

Аннотация: Мақолада дастлаб фатий ва ахийлар ҳақида сўз юритилади. Бунга кўра Иброҳим а.с.нинг биринчи футувват вакили ва Ҳорун а.с.нинг биринчи ахий экани ҳақида, шунингдек ўзбек адабиётида ахийлик сахийликнинг юқори даражаси бўлгани тўғрисида хулосалар чиқарилади. Маълумки, аввалги жавонмардлар пайгамбарлар бўлишган. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти жавонмардлик намунаси эди. Шу маънода Қуръони каримдаги барча пайгамбарлар ҳақида ахий ёки фатий атамаси қўлланган. Бирор қавмга юборилган пайгамбарни ўзларининг акаси ёки укаси эканини билдирувчи ахий атамаси билан Яратган унинг шахсий сифатлари ҳам худди ака ёки уканинг ўз яқинларига муносабати каби бўлганига ишора қилади. Умуман, фатийлик бу якка шахсга тегишли бўлган хислат, фазилатдир, ахийлик эса умум жамоага тегишли бўлган хусусиятлардир. Шу маънода кўпчилик пайгамбарларга нисбатан ахий калимаси қўлланган, чунки улар жамиятнинг бир бўлаги сифатида изидан эргашишларни ўзининг эзгу хулқи билан раҳнамолик қилишган. Жавонмардларнинг энг юксак фазилатлиси Пайгамбар а.с. бўлиб, у ҳақда нозил бўлган махсус оятлар буни исботлайди (Қалам, сурасига қаранг). Демак, ахийликнинг энг юксак мақоми хушхулқлик, бошқаларга нисбатан меҳрибон бўлиш экани илоҳий оятлардан маълум бўлади. Ахийлар бошқаларни эргаштира оладиган қобилияти, яъни нотиклиги билан ҳам ўрнатилган бўлиши лозимлиги Мусонинг Ҳорун а.с. ҳақида билдирган фикрларидан маълум бўлади. Яъни, тили дудуқлиги учун Фиръавн ҳузурида тўғри гапира олмаслигини айтиб, Мусо ўзига ёрдамчи, вазир сифатида Ҳорунни танлайди ва улар биргаликда Фиръавн ҳузурига боришади. Бу ривоятдан иккита нарса маълум бўлади, биринчидан ахийлик якка ҳолда амалга ошириладиган маслак эмаслиги, иккинчидан ахийлар кўпинча нотиклиги, бошқаларни эргаштира олиши билан бошқалардан ажралиб туриши лозимлиги кўрсатилади. Ўзбек адабиётида эса ахийлик кўпроқ хушхулқлик, саховатлилик сингари фазилатларда ифодаланади. Турк хоқонлигидаги



шадд унвонининг пайдо бўлиши ҳам аслида ахийликнинг дастлабки кўринишларидан эди. “Қутадғу билик”, “Ҳибатул ҳақойиқ” каби асарларда эса бу атама кўп ўринларда қўлланилган.

Калит сўзлар: футувват, ўзбек адабиёти, ахийлик,

Аннотация: В статье сначала говорится о первых фатиев и ахиев. Делаются выводы о том, что Ибрагим а.с. первый представитель фатиев, а Харун а.с. – первый ахи, а также что ахи – высокий уровень щедрости в в узбекской литературе. Известно, что первые благородственные люди были пророками. Их жизни и деятельность были примером для благородных людей, то.есть для святых. В этом смысле термин ахи или фати используется для обозначения всех пророков Священного Корана. Термином ахий, означающим, что посланный к людям пророков является их братом. Творец указывает на то, что его личные качества подобны брата к своим родственникам. В целом фати это качество, принадлежащее одному человеку, а ахия это свойство принадлежащее всему сообществу. В этом смысле слово ахи применяется к большинству пророков, потому что они как часть общества своим поведением направляли тех кто шел по их стопам.

Пророк Мухаммед, мир ему, самый добродетельный из фатиев, и особые аяты, ниспосланные о нем, доказывают это (см. Калам, сура). Поэтому из божественных оятов известно, что высшим статусом ахия являются хорошие манеры, доброта к другим. Способность ахиев следовать за другими, то есть они должны быть примером своим красноречием, - вот что сказал Моисей Харуну а.с. это будет известно из высказанных о нем мнений. То есть, сказав, что он не может правильно говорить перед фараоном из-за дефекта речи, Моисей выбрал Харуна своим помощником, и они вместе отправились к Фараону. Из этого повествования известны две вещи, во-первых, показано, что ахия не является профессией, которой можно заниматься в одиночку, а во-вторых, ахия следует отличать от других своим красноречием и умением следовать за другими. В узбекской литературе великодушие больше выражается в таких добродетелях, как доброта и великодушие. Появление титула шадд в тюркском ханстве фактически было одним из первых проявлений Ахия. Этот термин используется во многих местах в таких произведениях, как «Қутадғу билик» и «Ҳибатул хагайык».

Ключевые слова: Аврам, Аарон, футувва, щедрость, великодушие, молодость

Annotation: The article first talks about Fati and Akhi. According to this conclusions are drawn that Ibrahim a.s. is the first futuvat representative and Harun a.s. is the first akhi, as well as that akhi is a high level of generosity in Uzbek literature. It is known that the previous youths were prophets. Their lives and activities were an example of youth. In this sense, the term akhi or fati is used for all the prophets in the Holy Qur'an. By the term ahiy, which means that the prophet sent to a people is their brother or sister, the Creator indicates that his personal qualities are similar to the relationship of a brother or brother to his relatives.

In general, philanthropy is a quality that belongs to a single person, while altruism is a characteristic that belongs to the whole community. In this sense, the word akhi is applied to most of the prophets, because they, as a part of the society, guided those who



followed their footsteps with their good behavior. The Prophet, peace be upon him, is the most virtuous of the youth. is, and the special verses revealed about him prove it (see Qalam, surah). Axiys, it is known from the divine verses that the highest status of akhiya is good manners, being kind to others. The ability of the Akhiyas to follow others, that is, they should be an example with their eloquence, is what Moses told Harun a.s. it will be known from the opinions expressed about it. That is, saying that he could not speak correctly in front of Pharaoh because of his speech impediment, Moses chose Harun as his assistant and minister, and together they went to Pharaoh. Two things are known from this narration, firstly, it is shown that Akhiya is not a profession that can be done alone, and secondly, Akhiyas should be distinguished from others by their eloquence and ability to follow others. In Uzbek literature, generosity is more expressed in virtues such as kindness and generosity. The emergence of the title of shadd in the Turkish khanate was actually one of the first manifestations of Akhiya. This term is used in many places in works such as "Kutadgu Bilik" and "Hibatul Hagayik".

Key words: Abram, Aaron, futuvvat, generosity, youthfulness.

Кириш: Илк фатийлар Арабистон ярим оролида қабилачилик даврида пайдо бўлишган. Ахийликнинг тамал асосларини ўзида акс эттирган футувват калимасининг асли бўлган “фата” (кўплиги фитён) жоҳилият даврида араб қабилалари кенг тарқалган ҳамда жавонмард, мусофирпарвар, ёрдам берувчи (кўмакчи), асолат (аслзода, аристократ), шижоат соҳиби маъноларини ифодалаган¹ [1]. Фатийликнинг араб халқлари орасида пайдо бўлганини Куръони карим ҳам тасдиқлайди, Иброҳим а.с. борасида “фатан”, яъни ёш йигит сўзи келтирилади.

Иброҳим а.с. Бобил (Месопотамия), яъни икки дарё оралиғидан Арабистон ярим оролига, хусусан, Маккага кўчгандан кейин, унинг жавонмардлик фаолияти янада кучайган. Агар у Бобилда кўпроқ бутсанамларга қарши курашган бўлса, Маккага ўтгач унда меҳмоннавозлик, саховат каби жавонмардлик хислатлари кучая борди. Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида бу шундай тасвирланади: “Ва Иброҳим алайҳиссаломга Жаброил башорат бердиким, минг пайғамбар Исҳоқ наслидин мутаваллид бўлғай. Иброҳим алайҳиссалом муножот қилиб дедиким, Худоё, чун Исҳоққа бу навъ улуғ мавҳибат каромат қилдинг, Исмоилни ҳам бир махсус иноят била баҳраманд қил. Хитоб келдиким, охируз-замон пайғамбари саллаллоху алайҳи ва салламким, коинот офариниши ва мавжудот парваришига анинг шариф зотининг хилқати сабабдур, Исмоил алайҳиссалом наслидин бўлғусидур. Иброҳим алайҳиссалом шодмон бўлуб, Тангри таоло ҳазратида шукр қоидасин бажо келтуруб ва Маккада Каъба уйин бино қилди. Ва ул уй тамомга еткондин сўнгра, манкулдурким, шукр қилиб, учасин Каъба девориға қўюб, тафохур қилдиким, бу уйин туготдим, деб. Хитоб келдиким, бир очниму тўйғорибсен ё бир ялонғочни бутқорибсенким, мубоҳат қиладурсен?!

¹ Ibn Manzur. Lisonul arab. XV. – Bayrut, 1990. – B.145-146.



Андин сўнгра Иброҳим алайҳиссалом билгачким, бу ики ишнинг не миқдор қурби ва фазилати бор эрмиш, меҳмонхона ясаб, эл зиёфатиға муболаға кўргузди ва Тенгри таоло амри била қурбонға маъмур бўлди... Ва Иброҳим алайҳиссаломнинг умри ихтилофида юз тўқсон беш йил дебдурлар. Ва Шом навоҳийсида Жабрун қарясида Тенгри таоло раҳматиға борди ва ани Сора ёнида дафн қилдилар. Лақаби Халилуллоҳ ва Халил ул-раҳмондур. Ва куняти Абуз-зифён ва Абул-анбиё ва Абул-Муҳаммаддур. Санъати деҳқонлик. Ва Иброҳим Абу роҳимдур, яъни раҳмлиқ ота. Анбиёға миллат атосидур¹ [2]”. Демак, Иброҳим а.с. Яратганга қурб – яқинлик бирор очни тўйғазмоқ ва бирор яланғочга кийим кийгизмоқ эканини билгач, меҳмонхона ясайди, элга зиёфат беради, Тангри таолонинг амри билан қурбонликка буюрилади. Шу сабабдан унга Меҳмонлар отаси деган куня – лақаб берилган. Иброҳим а.с. ҳеч вақт ёлғиз овқатланмагани, ҳамиша халқни йиғиб зиёфат бергани ҳақида маълумотлар келтирилади. Унинг бир мажусий меҳмонни кутиб олиши, унинг оташпараст эканини англаб ҳоли ўзгаргани, шунда Жаброил фаришта келиб унга танбех бергани воқеалари Шайх Саъдийнинг “Бўстон” асарининг иккинчи бобидаги “Ҳикояти Иброҳим алайҳиссалом”да шундай нақл қилинади:

“Шунидам, ки як ҳафта ибн ус-сабил,
 Наёмад ба меҳмонсарои Халил.
 Зи фархунда хўйи нахўрди багоҳ,
 Магар бенавои дар-ояд зи роҳ.
 Бурун рафт ва ҳар жонеби бенгарид,
 Бар атрофи водий негоҳ карду дид:
 Ба танҳо яке дар биёбон чу бид,
 Сару мўяш аз гарди пири сепид.
 Ба дилдориаш марҳабои бағўфт,
 Ба расми каримон салои бағўфт.
 Ки эй чашмҳои маро мардумак,
 Яке мардуме кўн ба нону намак.
 Наъам гўфту бар жасту бар дошт гом,
 Ки донест ҳалқаш алайҳиссалом
 Рақибон меҳмонсарои Халил,
 Ба иззат нешонданд пири залил.
 Бафармуд ва тартиб карданд хон,
 Нешастанд бар ҳар тараф ҳамгўнон.
 Чу Бисмиллоҳ оғоз карданд жамъ,
 Наёмад зи пираш ҳадиси ба самъ.
 Ченин гўфташ, эй пири диринаи рўз,
 Чу пирон намебинам сидку сўз.

¹ Alisher Navoiy. Tarixi Anbiyo va hukamo. MAT. 20 jildlik. 16 jild. – T.: “Fan”, 2000. – B.88.



На шарт аст вақтики рўзи хўри,
 Ки номи Худованд рўзи бари?
 Бағўфто нагирам тариқи ба даст,
 Ки нашунидам аз пири озарпараст.
 Бидонест пайғамбари некфол,
 Ки габраст пир, табаҳ буда ҳол.
 Ба хори барондаш чу бегона дид,
 Ки мункар бувад пиши покон палид.
 Сўруш омад аз кирдигори Жалил,
 Ба ҳайбат маломат кўнон к-эй Халил.
 Манеш дода сад сол рўзи ва жон,
 Тўро нафрат омад аз-у як замон.
 Гар у мебарад пеши оташ сужуд,
 Тў вопас чиро мибари дасти жуд?¹[3]”

(Мазмуни: Эшитдимки, бир ҳафтача бирор йўловчи Иброҳим халилнинг меҳмондорчилигида кўринмади. Ажойиб хислатлар соҳиби бўлган Иброҳим унинг аҳволидан безовталана бошлади, балки йўлда бирор нарса бўлиб қолгандир ёки... ана шу хаёллар билан кўчага чиқди ва водий атрофига назар ташлади. Нима бўлди экан, дея ташқарига чиқиб водий томонга қаради. Қараса, оппоқ соқоли қария биёбоннинг ўртасида худди кекса оқ теракка ўхшаб танҳо турар эди. Унга илиқлик билан мурожаат қилиб, караму саховат билан меҳмонни дастурхонига чақирди: эй кўзимизнинг оқу қароси, одамгарчилик қилиб бизнинг нону тузимизга шериклик қил, деди. Йўловчи, албатта, дедию тезлик билан қадам ташлаб уни пайғамбар ўз даврасига чақираётганини билиб жуда хурсанд бўлди. Халил меҳмонлари залил қарияни иззату ҳурмат билан тўрга ўтказишди. Чиройли қилиб дастурхонни тайёрладилар ва дастурхоннинг ҳар томонидан кўл узата бошлашди. Кўл узатар эканлар, меҳмонлар барчаси “Бисмиллоҳ” калимасини тилга жорий қилиб, тановулни бошлашди. Бироқ оқсоқол чолнинг тилидан бу калима (Бисмиллоҳ) эшитилмади. Шунда унга Халилуллоҳ деди: Эй кўпни кўрган оқсоқол, сенда қарияларга хос сидку ихлосни кўрмайман; ахир овқатланишни неъмат ато қилган зотнинг номи билан бошлаш керак эмасми? Чол жавоб бериб: мен оташпараст пиримдан ўрганмаган ва эшитмаган нарсамга амал қилмайман, деди. Бу гапдан Пайғамбар унинг оташпараст эканини пайқади ва ҳоли ўзгарди; унинг ўз даврасига бегона эканини сизди, поклар орасида нопок ўтирганидан ҳоли паришон бўлди. Шунда Ҳазрати Жалилдан Сўруш (Жаброил) фаришта ҳайбат билан хабар олиб келди: эй маломатчи Халил, мен бу чолга 100 йил неъмат ва жон ато қилдим, лекин миннат қилмадим, сенда эса бир

¹ Shayx Miqdod bin Abdulloh As-Siyuriy. – Tehron, Majlis kutubxonasi. 4976-raqamli qo‘lyozma.



сониянинг ўзида унга нисбатан нафрат пайдо бўлди. Хўп, у агар олов хузурида сажда қилиб, бошини эгар экан, сен нега саховат хузуридан қўлингни тортасан!?) Хуллас, Иброҳим а.с. тавҳидда, саховатда, балоларга сабр ва саботлиликда намуна ва фатийлар отаси, яъни Абул-фатийёндин.

Турк олим Абдулбоқий Гулпинарли ёзади: “Футувват Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)дан Алига ўтди. Муҳаммад Алига “Ё Али, Ҳорун Мусога қандай мақом-манзилда бўлса, сен мен учун ўша мақом-манзилдасан”, - деди”¹. Рутбада Мусо ва Ҳорун қандай бўлса, Пайғамбар а.с.га Ҳазрат Али рутбалари ҳам шундай бўлган. Бу эса Ҳазрат Али к.в.нинг футувватлик ташкилотини тузган шахс бўлганидан ҳам далолатдир. Абдулбоқий Гулпинарлининг мазкур мақоласида футувват силсиласи қуйидагича берилади: “Наққош Аҳмад футувватдаги нисбат шажарасини шундай келтиради: “Али – Салмони Форсий – Сатвон ибни Умайя. Али – Салмони Форсий – Ҳузайфа ал-Яманий – Миқдод ибни Асвад – Абул-изз-ал-Навбий – Ашажжи Бишрий – Ҳофиз-ал-Киндий – Авф ал-Каттоний – ал-Дайлабий”².

Энди ахийлик хусусида гапирадиган бўлсак, ахийлик асосан икки ёки ундан ортиқ кимсанинг уюшма-ташкилот ҳосил қилиши билан боғлиқ тушунчадир. Ташкилот бор жойда унинг дастур ул-амали бўлади, демак шу маънода ахийлик бу бир йўналиш, аниқроғи тариқатдир. Агар фатий, футувват сифатининг пайдо бўлишига яқка шахс(пайғамбар)нинг фазилати, хислати сабаб бўлса, ахийликда икки шахсдан иборат уюшмалар назарда тутилган. Ахийлик аслида футувватнинг кейинги босқичидир. Агар футувват бўлимида Мусо а.с. ва унинг хизматкори Ювшаъ а.с. мулоқотида фатийликни кўрган бўлсак, Мусонинг акаси Ҳорун а.с. билан бўлган қиссаларда ахийлик ҳаракатлари намоён бўлади, деган фикрдамиз. Парвардигор томонидан Мусо а.с.га ёрдамчи, вазир қилиб Ҳорун а.с. юборилади. Бу Мусонинг илтижоси, битта ўзи Фиръавнга қарши туролмаслигини айтганидан кейин содир бўлади. “Тоҳа” сурасида бу воқеалар шундай марҳамат қилинади: (24) *اذْهَبْ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ إِنَّهُ طَغَىٰ*

(Энди) Фиръавннинг хузурига бор! Ҳақиқатан, у ҳаддан ошди (“Худоман” деб даъво қилди)”. (25) *قَالَ رَبِّ اشْرَحْ لِي صَدْرِي* (Мусо) деди: “Эй, Раббим, бағримни кенг қилгин, (26) *وَاخْلُلْ بِفَقْهِي قَوْلِي* ишимни осон қилгин, (27) *وَأَجْعَلْ لِي وَزِيرًا مِّنْ أَهْلِي* тилимдан тугунни (дудуқликни) ечиб юборгин, (28) (токи) улар (қавмим) гапимни англасинлар. (29) *وَأَجْعَلْ لِي وَزِيرًا مِّنْ أَهْلِي* Менга ўз аҳлимдан вазир қилгин.

(30) *يَا أَيُّهَا هَارُونَ أَخِي* Яъни, биродарим Ҳорунни. (31) *اشْدُدْ بِهِ أَزْرِي* У билан белимни бақувват қилгин.

¹ Abdülbâki Gölpınarlı. İslâm ve Türk illerinde Fütüvvet teşkilâtı. – İstanbul, 1950. – S. 27.

² Abdülbâki Gölpınarlı. İslâm ve Türk illerinde Fütüvvet teşkilâtı. – İstanbul, 1950. – S.29.



Оятлардан шу нарса маълум бўладики, ахийлик уюшма шаклида пайдо бўлган ҳаракат-тариқатдир. Агар футувват бўлимида Мусо а.с. Ювшаънинг хўжайини сифатида фатийларнинг пешвоси мақомида эсланганини ҳисобга олсак, ахийлар фатийларнинг ёрдамчиларидир, деган хулоса чиқади. Буни биз Юсуф а.с. қиссасидаги воқеалардан, яъни зиндондаги иккита йигит қиссасидан англаймиз. Унда ҳам Юсуф а.с.га содиқлик қилган иккита йигит фатий унвони билан зикр қилинади. Бу эса ахийлик фатийликнинг давомидаги бир тариқат, йўналиш эканига ҳам ишорадир.

Демак, Қуръони Каримда ахий деб аталган Пайғамбар Ҳорун а.с. эди. Илоҳий каломда Ҳорунга нисбатан 4 мартаба “ахий” калимаси Мусо а.с. томонидан қўллаган. Булар “Тоҳа” сурасининг 30 ояти (юқорида келтирилди) ва қуйидагилар:

قَالَ رَبِّ إِنِّي لَا أَمْلِكُ إِلَّا نَفْسِي وَأَخِي فَافْرِقْ بَيْنَنَا وَبَيْنَ الْقَوْمِ الْفَاسِقِينَ (25)

(Мусо) айтди: "Эй, Раббим! Мен фақат ўзим ва биродарим (Ҳорун)га эғалик қилурман. Бас, бизни у фосиқлар қавмидан (Ўзинг) ажрим қилгин!" (Моида, 25)

وَأَخِي هَارُونُ هُوَ أَفْصَحُ مِنِّي لِسَانًا فَأَرْسَلْهُ مَعِيَ رِدْءًا يُصَدِّقُنِي إِنِّي أَخَافُ أَنْ يُكَذِّبُونِ (34)

Биродарим Ҳорун мендан кўра тили бурророк. Бас, уни ҳам мен билан бирга мени тасдиқлайдиган ёрдамчи қилиб юборгин. Чунки улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқурман". (Қасас, 34)

قَالَ رَبِّ اغْزُ لِي وَلِأَخِي وَأَدْخِلْنَا فِي رَحْمَتِكَ وَأَنْتَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ (151)

(Мусо) деди: "Эй, Раббим! Мени ва биродаримни мағфират қилиб, бизни раҳматингга киритгайсан. Сен раҳмлиларнинг раҳмлироғидирсан!" (Аъроф, 151)

Демак, Ҳорун а.с. Мусо а.с.нинг ёрдамчиси, вазири сифатида ахийлик уюшмасининг биринчи вакили бўлган. Ҳорун ҳақида луғатларда ўқиймиз: “Ҳорун – (иброний тилда – кўхнишин – тоғда ўтирувчи ёки равшан шўда (равшан бўлган) мазмунида). Муқаддас китобда (биринчи улуғ хабарда) Мисрда Мусонинг укаси, вазири ва суҳандони сифатида берилган. Рухонийлар ва Яҳудийлар хабарларида унинг хонадонларидан ҳисобланади. Тавротдаги хабарга кўра, Бани Исроил сиғиниши учун тилло бузокни у ясаган деган фикр келтирилади. Бироқ Қуръонда Мусони пайғамбар ва бузокни ясаган шахсни Сомирий деб беради ҳамда марҳамат қилинадики, Бани Исроил қавми Мусо йўқлигида унинг (Ҳоруннинг) гапига қулоқ солишмаган ва бузокқа топинувчига айланишган. Ҳурда вафот этган. (Қаранг: Қуръон: Бақара 249, Нисо 161, Аъроф 119, Юнус 76, Марям 54, Тоҳа 31, 73, 92, 94, Мўминун 47, Фурқон 37, Шуаро 12, 47, Қасас 34, Софот 114 ва 120)¹.

Кейинги бешинчи ахий калимаси эса Довуд а.с. ҳузурига келган икки даъвогар (фаришта) томонидан марҳамат қилинади:

¹ www.vojeehyob.ir



إِنَّ هَذَا أُخِي لَهُ تَسَعٌ وَتِسْعُونَ نَعَجَةً وَلِي نَعَجَةٌ وَاحِدَةٌ فَقَالَ أَكْفَأْنِيهَا وَعَزَّنِي فِي الْخِطَابِ (23)

(Уларнинг бири деди): "Дарвоқе, мана бу менинг биродарим, унинг тўқсон тўққиз совлиқ қўйи бор, менинг эса биргина совлиғим бордир. Бас, у: "Ўшани ҳам менга топширгин", -деди ва мени баҳсда енгиб қўйди". (Сод)

Қуръони каримдаги қолган 47 та оятдаги "ахий" калимасининг бошқача шаклда қўллангани бўлиб, уларда турли Пайғамбарларга нисбатан "биродари" деган мазмунда кўп қўлланган.

Энди савол туғилади. Ҳоруннинг ахийлиги натижаси қандай бўлди, бу ташкилот давом этдими? Бунга ҳам Илоҳий каломдан жавоб топамиз:

وَوَاعَدْنَا مُوسَى ثَلَاثِينَ لَيْلَةً وَأَتَمَمْنَاهَا بِعَشْرِ فِتْنَةٍ مِّمَّاتٍ رَبِّهِ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً وَقَالَ مُوسَى لِأَخِيهِ هَارُونَ اخْلُفْنِي فِي قَوْمِي وَأَصْلِحْ وَلَا تَتَّبِعْ سَبِيلَ الْمُفْسِدِينَ

Мусо билан ўттиз кеча ваъдалашдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. Шундай қилиб, Раббининг қирқ кеча дея белгилаган вақти камолига етди. Мусо (кета туриб) ўз биродари Ҳорунга: "Қавмимда (сен қолиб) менинг ўринбосарим бўлгин, (хатоларини) ислоҳ эт ва бузғунчилар йўлига эргашмагин!" - деди. (Аъроф, 142). "Тоҳа" сурасининг давомида Ҳорун фаолияти ҳақида аниқ хабарлар марҳамат қилинади:

وَلَقَدْ قَالَ لَهُمْ هَارُونُ مِنْ قَبْلُ يَا قَوْمِ إِنَّمَا فُتِنْتُمْ بِهِ وَإِنَّ رَبَّكُمُ الرَّحْمَنُ فَاتَّبِعُونِي وَأَطِيعُوا أَمْرِي (90)

Ҳолбуки, (бузоққа сиғинишларидан) олдин Ҳорун уларга: "Эй, қавмим, сизлар бу билан имтиҳон қилиндинглар. Шубҳа йўққи, сизларнинг Раббингиз Раҳмондир. Бас, менга эргашинглар ва амримга итоат қилинглар!" - деган эди.

(Мусо қайтиб келгач) деди: "Эй, Ҳорун, уларнинг адашганларини кўрганингда (тўхтатиб қолишдан) сени нима тўсди?! (Сўнгра Мусо Сомирийга қараб): "Бу қилиғинг нимаси, эй, Сомирий?" - деди.

Демак, Мусо а.с. вазифани топшириб, Тур тоғига кетгандан кейин Ҳорун бошчиличидаги қавм унинг гапига кирмасдан бузоққа сиғина бошлади. Келиб уни кўргач, Мусо а.с.нинг ғазаби чиқиб, Ҳорунни жазолади, бироқ, кеч эди. Бундан хулоса чиқадики, ахийлар кейинчалик ўз эътиқодларини ушлай олмаганлар, улар қаттиққўл раҳбар бор пайтидагина тартибга амал қилиб, у йўқлигида тариқатларига содиқ бўлишмаган.

Ахийликнинг келиб чиқиши ҳақида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, усмонли турк манбаларида илк ахийлар Анадўлуда пайдо бўлганлиги айтилади. Профессор Фуод Кўпрулуниг "Турк адабиётинда илк мутасаввифлар" асарининг "Юнус Эмрога қадар Анодулида турк адабиёти" бўлимида ахийлик тўғрисида шундай келтирилади: "XIII асрда бир қатор туркий мамлакатларда бўлгани каби Анодулида ҳам ахийлик номли жуда муҳим ва жуда кенг ёйилган бир маслак тасаввуфий қарашлар асосида шаклланган. Ушбу ахийлар усмонийларнинг илк ҳукмронлиги



даврида муҳим бир вазифа бажарганликларини тарихий манбаларда, шунингдек, Ибн Батутанинг саёҳат –мактуботларида кўрамиз¹”.

Бошқа бир турк олимлар куйидаги қарашларни ёзади: “Тасаввуфга кирган фатийлар бир-бирига юқори эҳтимол билан арабча “ахий” биродарим, деб чақиришган. Яъни, Анодолуда қўлланган ахий атамасининг асл мазмуни арабча биродарим маъносидаги калимадан бошқа нарса эмас. Тасаввуфнинг шаклланишида идеал қаҳрамон “фатий” тушунчаси билан аталган бўлса, ахий атамаси билан улар бир-бирига мурожаат этишган. Бунга мисол сифатида Занжонда 457/1065 йилларда яшаган Ахий Фараж Занжоний футувват аҳли мутасаввифи сифатида гўзал ўрнақдир. Ахий Фаражнинг иккита шогирди ўша замонда футувват аҳли ҳаракатининг давомчилари эдилар. Булар Нахичевонлик Ҳожи Муҳаммад Хушном ва Бала Халилдир²”.

Бизнингча, қадимги турк хоқонлиги битикларида, аниқроғи Ўрхун-Энасой ёдгорликлари “Шадд” унвони деган ибора мавжуд. Унга кўра шадд унвонига эга бўлиш учун 700 кишини бирлаштириш керак бўлган. Бу ҳолат эса мазмун-моҳияти жиҳатидан ахийликдаги атрофига одам тўплаш ҳолатига ҳам ўхшайди.

Баъзи олимлар ахий сўзи “Девони луғатут турк” ва “Атабат ул ҳақойиқ” асарларида келган “қўли очиқ, жавонмард” мазмунидаги туркча “ақи” асосидан келиб чиққан, деган фикрни билдиришади. Ахий атамаси, аввало, сахийликнинг юқори даражаси мазмунида ифодаланар экан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги куйидаги сўзлар буни тасдиқлайди:

2015. Ақылық кэрек бегкэ қусқы конул

Бу қусқы конул бирле қылқы атул

(Бег учун саховат ва хушфёъллилик лозим

Хушфёъллилик билан бирга ювош (фёъл)лик лозим)

2016. Ақы болса бэглэр аты жавланур,

Аты жавы бирлэ ажун бэклэнур.

(Беглар сахий бўлсалар, номлари шуҳрат топади,

(Улар) номининг шуҳрати туфайли олам қарор топади.

(79 б) 2019. Ақы бол бағишла иур ҳам йэтур,

Қалы эксусэ ур йана ал йэтур.

(Сахий бўл, инъом қил, ичир ҳам едир, Агар камайса, йиғ, яна ол, едир)³.

¹ Fuad Köprülü. Türk edebiyatında ilk mutasavvflar. 6.baskı. – Ankara: Kocatepe, 2006. – Б. 214-215.

² Mehmet Rihtim, Azərbaycan Tasavvuf tarixinde İlk sufiler (VIII–XI Asrlar) Journal of Qafqaz University History, Law and Sciences Number 29, 2010. – P.106-107.

³ Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. –Т.: “Fan”, 1972. – В. 344-347.



Шунингдек, жамиятга карам ва саховат билан кўмаклашиш ахийларнинг бош мақсади сифатида қаралган экан, “Кутадғу билиг”да ахий сўзининг иккинчи, яъни мард, лашкарбоши маъноси ҳам ифодалангани кўринади:

2017. Ақи йығлу тэрлур эрет су болур,

Эрет су билэ эр тилэкин булур.

(Ҳар томондан мардлар оқиб, йиғилиб келиб лашкар тўпланади, қўшин ташкил бўлади. Лашкар, қўшин билан киши тилагини топади).

Ўрта асрлар, аниқроғи XI – XII асрлардаги Марказий Осиёдаги биринчи ренессанснинг таназулига сабаб бўлган урушлардан кейин ҳудудларда турлича шаклларда уюшмалар пайдо бўла бошлади. Бунинг асосий сабаби эса мўғул босқинидан кейинги вайронагарчиликлар изини бутлаш, ободонлаштириш нияти эди. Халқ ҳаётини яхшилашда фақат юқори табақа вакилларига қараб ўтирмасдан, халқ орасидан касбга йўналган кўнгиллилар чиқиб халқ ҳаётини яхшилаш учун ўзаро бирлашиб уюшмалар туза бошлашди. Мазкур уюшмалар халқ орасида ахийлик деб атала бошланганлигига ҳам аҳамият қаратиш лозим. Бироқ ўзбек адабиётида ахий бу сахийларнинг сахийси, жавонмард инсон сифатида изоҳланган:

Bu dunyâ talusî axî er turur,

Axîliq şaraf jâh jamal arturur

Sewûlmäk tiläsâñ kişilär ara

Axî bol, axîliq seni sewdûrür¹.

Шу маънода ўзбек мумтоз адабиётида ахийлик уюшма сифатида эмас, балки яхши фазилатлар йиғиндиси, ўзидан кўра халқини ўйлайдиган шахс тимсоли талқин қилинади.

¹ Югнакий, Адиб Аҳмад. Ҳибату-л-ҳақойиқ [Матн]. Қ.Содиқов транскрипцияси, талқини ва таҳлилида. –Т.:Академнашр, 2019. – Б. 89.



ЎЛАҚАРО МУНОСАБАТЛАР // МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // INTERNATIONAL RELATIONS

ЭРНАЗАРОВ ОДИЛЖОН

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ЎХИА

Корея яриморотида мусулмон жамоаларнинг шаклланиши ва уларнинг ўлка маданиятига ассимиляцияси

Аннотация. Мақолада Корея яриморотида ислом динининг тарқалишига доир илк тарихий жараёнлар ёритилган. Бунда яриморолнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва географик муҳити тавсифланган ўрта аср мусулмон манбалари ва қолаверса, кўхна корейс солномаларининг замонавий инглиз тилига таржима қилинган версияларидан фойдаланилган.

Мусулмон жамоаларининг Корея яриморотида шаклланиши турли тарихий босқич ва шароитлар кечган. Биринчи босқичда мусулмон ва корейслар ўртасидаги муносабатлар тижорат асосида боиланиб, мусулмонлар иунга монанд равишида “daesik” деб аталган. Кейинги босқичда мусулмонларга нисбатан “hoehoe” атамаси ишлатилиб, бу ном ягона географик ҳудудда яшаб, маҳаллий аҳоли билан тенг манфаатли ҳамкорлик қиладиган ва рақобатга қирашидиган хорижий халқларнинг умумий мазмунини ифодалаган.

Икки маданият ўртасида ўзаро таъсир ва тарихий боғлиқликни акс эттирган мазкур бирдамлик муҳити корейс мусулмон идентификацияси шаклланиши учун дастлабки босқич ҳисобланади. Корёдан кейин Чосон империясининг ассимиляция сиёсати остида эса Кореяда юқори ижтимоий ва иқтисодий мавқега эга бўлган мусулмонлар муқаддам роя қилиниб келинган миллий кийимлар, урф-одатлар ва маросимларидан воз кечилишига мажбур бўлишган. Маданий ўзига хосликка қарши қаратилган сиёсат қаршиида мусулмон аҳоли яриморолда қолиб, маҳаллий урф-одатларга уйғунлаишини “тўғри йўл” сифатида қабул қилганлиги корейс мусулмон идентификацияси шаклланишида кейинги босқич сифатида баҳоланди. Боиқа томондан, ўрта асрларда Кореяда мусулмонларнинг жамиятга аккультурацияси икки маданиятни ягона ракурсда кўриши орқали содир бўлиши минтақадаги ислоний маданият белгилари ва маҳаллий анъаналарни бойишига ёрдам берган.

Таянч сўз ва иборалар: “Фан-Фанг”, Бирлашган Силла, Ибн Хурдазбих, Ибн Рустах, Ибн ал-Надим, Абул Фидо, Ибн ал-Бакувий, “Китаб ал-масалик вал-мамалик”, “Билим ва умумий кузатувлар”, Цюаньчжоу, Ханчжоу.

Аннотация: В статье рассматриваются первые исторические процессы распространения ислама на Корейском полуострове. Для этой цели использовались средневековые мусульманские источники, описывающие социально-политическую, культурную и географическую среду полуострова и современные корейские версии древних корейских династий.



Формирование мусульманских общин на Корейском полуострове проходило различные исторические этапы и условия. На первом этапе отношения между мусульманами и корейцами завязались на коммерческой основе, и мусульмане также именовались «*daesik*». На следующем этапе по отношению к мусульманам применялся термин «*hoehoe*», обозначающий общее значение иноземных народов, проживающих в едином географическом районе и сотрудничающих и конкурирующих на равных с местным населением.

Атмосфера солидарности, отражающая взаимодействие и историческую связь двух культур, является первым этапом формирования корейской мусульманской идентичности. При Корё, в рамках политики ассимиляции империи Чосон, мусульмане с высоким социальным и экономическим положением в Корее были вынуждены отказаться от соблюдавшихся ранее национальных костюмов, обычаев и ритуалов. Следующий шаг в формировании корейской мусульманской идентичности рассматривался как «правильный путь» для мусульман остаться на полуострове и адаптироваться к местным обычаям перед лицом антикультурной политики идентичности. С другой стороны, аккультурация мусульман в обществе в средневековой Корее путем рассмотрения двух культур с одной точки зрения способствовала обогащению исламских культурных символов и местных традиций в регионе.

Опорные слова и выражения: “Фан-Фанг”, Объединённое Силла, Ибн Хурдазбих, Ибн Рустах, Ибн ал-Надим, Абул Фида, Ибн ал-Бакуви, Общий обзор дорог и королевства, Обучение и общее обследование, Цюаньчжоу, Ханчжоу.

Abstract: The article covers the first historical processes on the spread of Islam in the Korean Peninsula. It were used the medieval Muslim sources described the socio-political, cultural and geographical environment of the peninsula and the modern English versions of ancient Korean chronicles.

The formation of Muslim communities on the Korean Peninsula has gone through various historical stages and conditions. In the first stage, the relationship between Muslims and Koreans began on a commercial basis, and Muslims were similarly referred to as “*daesik*”. In the next stage, the term “*hoehoe*” was used against Muslims, a term that refers to the general meaning of foreign peoples living in a single geographical area and cooperating and competing on an equal footing with the local population.

An atmosphere of solidarity that reflects the interaction and historical connection between the two cultures was the first stage for the formation of the Korean Muslim identity. After Koryo, under the policy of assimilation of the Chosun Empire, Muslims with high social and economic status in Korea were forced to abandon the national costumes, customs, and rituals that had previously been observed. The next step in the formation of Korean Muslim identity was seen as the “right way” for Muslims to stay on the peninsula and adapt to local customs in the face of anti-cultural identity policies. On the other hand, the acculturation of Muslims to society in medieval Korea by seeing the two cultures from a single perspective contributed to the enrichment of Islamic cultural symbols and local traditions in the region.

Keywords and expressions: Fan-Fang, Unified Shilla, Ibn Khurdadbih, Ibn Rustah, Ibn al-Nadim, Abu'l Fida, Ibn al-Bakuwi, General Survey of Roads and Kingdom, Learnings and General Survey, Quanzhou, Hangzhou.

Кириш. Корейс ва мусулмон халқлари ўртасидаги илк алоқалар тарихи ҳақида IX асрга оид мусулмон географларининг асарларида учратиш мумкин.



Ибн Хурдазбих, ал-Идрисий каби йигирмага яқин мусулмон олимлар ўз асарларида Силла қироллиги номини зикр қилишган. Муаллифлар асосан Силланинг қулай иқлим шароити, серунум тупроғи, аҳолининг фаровон турмуш тарзи ҳақида маълумот тақдим қилишган. Улар тақдим қилган маълумотлар асосида мусулмон дунёси Корея яриморолига эътибор қаратганлиги, иккинчи томондан, Корея томони ислом дунёси билан алоқалар боғлашга катта қизиқиш билдирганлиги кўзга ташланади.

Мусулмон географларининг Корея яримороли (Силла) ҳақидаги маълумотларида у ерни “Хитойнинг шарқи” дея тавсифлаб, чин юртидаги мусулмонлар ўрнашиб қолган Гуанчжоу, Цюаньчжоу, Ханчжоу ва Янчжоу каби шаҳарлар билан бир параллелда жойлашганлигини қайд этишган. Ибн Хурдазбих, Ибн Рустах, Ибн ал-Надим, Абул Фидо, Ибн ал-Бакувий каби олимлар эса Силлани умумий шаклда Хитой шарқидаги юрт эканлиги тўғрисида хабар қолдиришган. Масалан, Ибн Хурдазбих (в. 886 й.)¹ “Китаб ал-масалик вал-мамалик” (Йўллар ва подшоҳликлар ҳақида китоб) асарида қуйидагиларни ёзган: “Силла Қансу²дан Хитойнинг энг чекка нуқтасига қадар бўлган ҳудудда жойлашган заминдир”³. Ибн Рустах (в. 913 й.)⁴ “Китаб ал-аълақ ал-нафисах” (“Қимматбаҳо нарсалар китоби”) асарида қуйидагиларни келтирган: “Хитойнинг энг чекка қисмида олтинга тўлиб-тошган Силла номли ўлка мавжуд”⁵. Абул Фидо (1273-1331)⁶ “Китаб ал-мухтасар фи ахбар ал-башар” (“Инсоният жамияти хусусидаги умумий маълумотлар”) асарида қуйидаги маълумотни берган: “Хитой жанубида “Хитой хитойи” ёки қисқача “Силла” дея аталган жой бор. У орқали Тинч океанига чиқиш мумкин ва у улкан шаҳардир”⁷.

Мусулмон олимлари асарларидан икки аср ўтиб, Корея яримороли ва мусулмон дунёси ўртасидаги денгиз йўли орқали амалга оширган савдо

¹ Асл келиб чиқиши Форс заминидан бўлган Абу Қосим Муҳаммад ибн Хурдазбих Дажла дарёси яқинидаги Самара шаҳри маҳаллий почта идорасининг директори бўлиб хизмат қилган.

² Қансунинг географик жойлашуви ҳақида олимлар турли фикрларни билдирганлар. Қуйидаги моделга кўра (Ибн Баттута), Қансу номи Янцзе дарёсининг юқори қисмидаги Ханчжоунинг илк шакли ҳисобланади: Қансу – Кхансу – Кханса – Ханчжоу. Агар биз Қансуни Кхансу деб қарайдиган бўлсак, унда Ибн Хурдазбих келтирган ном замонавий денгиз порти Ханчжоуни ифодалаши маълум бўлади.

³ Абу Қосим Муҳаммад ибн Хурдазбих. Китаб ал-масалик ва мамалик. - Лэиден, 1882. – Б. 70.

⁴ Ибн Рустах келиб чиқиши форс миллатига мансуб бўлган. Унинг география фанига оид асарлари астрономик ёндашувларга эга бўлса-да, унинг қарашларидан Ер ўлчами, Макка ва Мадина жойлашуви, денгиз, дарё, иқлим, йўллар ўлчамини аниқлашда фойдаланилган.

⁵ Абу Али Аҳмад ибн Умар ал-Форсий ал-Исфажоний ибн Рустах. Китаб ал аълақ ал-нафисах. – Леиден, 1892. – Б. 82-83.

⁶ Абул Фидонинг насл-насаби айнобийлар хонадонига бориб тақалади. У ёшлигидан адабиёт ва ҳарбий санъат соҳасига қизиқиш билдирган. Кейинчалик у тарих ва география фанлари бўйича олиб борган илмий изланишлари натижасида мазкур йўналишдаги атоқли мусулмон шахслардан бири сифатида ном қозонган.

⁷ Имодиндин Исмоил Абу Фидо. Китаб ал-мухтасар фи ахбар ал-башар (1-жилд). – Қоҳира: Ал-матбаах ал-хусайнияҳ ал-мисрияҳ, 1956. – Б. 14.



муносабатлари тўғрисида корейс тарихий манбаларида ҳам маълумотлар қайд этилган. Ўрта асрларга оид корейс манбаларида ислом дини ва унга этиқод қилувчиларга нисбатан “ислом” ёки “мусулмон” тушунчаси эмас, маҳаллий худудда кенг тарқалган “даэсик” (“*daesik*”, хитой тилида муомалада бўлган “*dashi*” тушунчаси таъсири остида) номи ишлатилган.

Корейс қўхна солномаси “*Goryeo-sa*”га кўра, Корё давлати (IX аср) хукмронлиги давомида мусулмон тижоратчилари Корея яриморолига уч маротаба сафар уюштириб қайтишган. Улардан биринчиси 1024 йил ой тақвими бўйича ўнинчи ойда амалга ошган. Бу ҳақидаги хабарга биноан, ҳукуматга солиқ пулини олиб келаётган *Yeol-la-ja* исмли шахс “*daesik*” ўлкасидан келган юз нафар тижоратчини Корёга ўзи билан бошлаб келган. Яна мазкур манбада келгуси йилда ҳам юз нафар тижоратчи “*daesikguk*” (араб) денгизидан Корё давлатига сузиб келганлиги қайд этилган. Ушбу манбадаги яна бир маълумотга кўра, мусулмон тижоратчилари Корёга кемалар флотиллияси (ҳарбий кемалар мажмуи)да ташриф буюрган. 1040 йилга келиб мусулмон савдогарларининг Корея яриморолига навбатдаги сафари қайд этилган. Ушбу сафар ҳақида қолдирилган сатрлардан бу даврда икки томон ўртасидаги савдо айланмаси янада кенгайганлигини кўрсатади. Мисол учун, мусулмонлар симоб, фил суяги, сандал дарахти, мирра, саппан ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотларни тижорат мақсадида олиб келганлар. Ушбу маҳсулотлар ўз экзотик табиати ва доривор хусусиятлари сабабли маҳаллий аҳоли томонидан юқори баҳоланган. Шу билан бирга, мазкур маҳсулотларнинг асл ватани турли минтақалар эканлигидан шундай хулоса қилиш мумкинки, айти пайтда денгиз савдо тармоғи кенг камровли ва ўзгарувчан характерга эга бўлган.

Мақсад ва вазифа. Корейс ва мусулмон халқлари ўртасидаги илк алоқалар тарихи ва босқичларини аниқлаш ҳамда Кореяда исломий жамоаларнинг шаклланиши ва уларнинг ўлка маданиятига ассимиляциясини асослаб беришдан иборат.

Усуллар. Тадқиқот жараёнида Корейс яримороли тарихи, маданияти, диний-фалсафий таълимотлари ва манбалари, мазкур ўлкада ислом динининг тарқалиши ва ривожланишини ўрганишда қиёсий-тарихий, типологик, герменевтик ҳамда дедукцион таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Натижа ва мулоҳазалар. Ўрта асрларда яшаган мусулмон олимларнинг Корея яримороли ҳақидаги билимлари нисбатан чекланганлигига қарамай, улардан баъзилар яриморолнинг ташқи ҳолатидан ташқари унинг ички тузилиши ҳақида ҳам ўзларининг ҳисоботларида муайян қимматбаҳо маълумотларни қолдирганлар. Хусусан, Ибн Хурдазбих бу тўғрисида қисқача куйидаги маълумот берган: “Силла тоғли ўлка бўлиб, кўплаб ҳукмдорлар тарафидан идора қилинади...”¹. Мазкур иқтибосдан Силланинг тоғли ўлка эканлиги аниқ бўлиб, “кўплаб подшоҳлар” тушунчаси эса ўша даврдаги хукмронлик тизимини

¹ Абу Қосим Муҳаммад ибн Хурдазбих, Китаб ал-масалик ва мамалик. - Лэиден, 1882. – Б. 70.



ифодалаш учун кўлланилган. Қирол Вонсун (King Wonsong) хукмронлигидан бошлаб Бирлашган Силла қироллиги Пэкчэ ва Когурё давлатларини тўққиз провинцияга ажратиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида ҳокимлар танланган ва улар “чонгван” – “бошлиқ” ёки “тодок” – “ҳоким” деб аталган.

Мусулмон олимлар Корея яриморалининг географик ўрни ва тузилиши ҳақида хабар бериш билан бир қаторда, корейс халқининг келиб чиқиш тарихига алоҳида эътибор қаратганлар. Корейс ирқининг келиб чиқишига оид манбалар орасида 851 йил Сулаймон ал-Тожир томонидан ёзилган “Хитой ва Ҳиндистонга йўлланма” ва Масъудийнинг “Билим ва умумий кузатувлар” асарлари учрайди. Икки муаллиф ҳам Силла халқини оқ ирққа мансублигини таъкидлашган: “Силла халқи Хитой ва унинг агрофидаги миллатлар билан биргаликда еттинчи жамоатга тегишлидир. Улар Нухнинг ўғли Ёфас, Ёфас ўғли Амур авлодларидандир. Улар бир подшоҳга буйсунган ҳолда ягона тилдан фойдаланадилар”¹.

Сулаймон Силла халқини оқ ирққа мансуб таснифлайдики, чунки у даврда оқ ва қора иқрдан бўлак оралик ёки ортиқча ирқ мавжудлиги назарда тутилмас эди. Масъудий эса ўзидан аввалги олимлар фикрларидан таъсирланган ҳолда, корейс миллатини Амур авлодларидан эканлигини таъкидлайди. Амур Европа тилларидаги Гомер исмининг эквиваленти бўлиб, Эски Аҳдга кўра, у Нух фарзанди Ёфаснинг тўнғич ўғлидир. Масъудий дунё халқларини етти гуруҳга ажратиб, шундан Силла халқини хитойликлар билан бирга еттинчи гуруҳга киритади.

XIII аср ўрталарида Корё мўғул империяси тасарруфидаги автоном давлатга айланиши оқибатида Корея яриморалидаги мусулмонларга нисбатан Хитойда бўлгани сингари “хуэй” тушунчаси (Хитойда “*huihui*” шаклида) ишлатилган. Кўп йиллар мобайнида корейс ва мусулмонлар ўртасида алоқаларни мазкур атама мисолида ўзгартиришга урғу берилганлиги юан Хитойи ва мўғул империясида мусулмонлар мақоми барқарор ва аҳамиятли бўлганлиги ҳамда улар маҳаллий ҳаётда фаол иштирок этганлигини кўрсатади. Демак, биринчи босқичда мусулмон ва корейслар ўртасидаги муносабатлар тижорат асосида бошланиб, мусулмонлар шунга монанд равишда “*daesik*” деб аталган бўлса, кейинги босқичда мусулмонларга нисбатан “*hoehoe*” атамаси ишлатилиб, бу ном ягона географик ҳудудда яшаб, шахсий тараққиёт йўлида у ернинг маҳаллий аҳолиси билан ҳамкорлик қиладиган ва ўз навбатида, рақобатга қирашадиган хорижий халқларнинг умумий мазмунини ифодалаган.

Корея тарихий ҳужжатларида “хуэй” атамаси илк бор Корё давлати мўғул-юан империяси таъсирига ўтган XIII асрнинг иккинчи ярмидан ишлатилган. Ислом динининг Хитойдаги тарихига оид бир қатор тадқиқотлар муаллифи Майкл Диллоннинг фикрича, “тарихда Хитойга кириб келган барча мусулмон халқлар умумий тарзда “хуэй” деб аталган. Аммо масалага аниқ фактлар асосида

¹ Абул Ҳасан Али ал-Масъудий. Китаб ал-танбийх ва ал-ишраф. – Қоҳира: Мактабат ал-шарк ал-исламият, 1938. – Б. 24.



ёндашилса, бу тушунча асли марказий осиелик, туркий ва форсий забон мусулмон элат, яъни дунганларни ифодалаган”¹. Корейда эса “хуэй” атамаси оркали этник мансублиги ва асл ватанидан қатъий назар умумий тарзда яриморолда яшаб қолган мусулмонлар назарда тутилган². Шу жиҳатдан, уларнинг жойлашиш даражаси ва маҳаллий маданиятга мослашуви ўзлари яшаётган муҳитга мос равишда кечган. Ихтиёрий равишда жамиятга мослашув жараёнида, баъзи мусулмонларга маҳаллий фамилияларни олиш, корейс аёлларига уйланиш ва ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган нуфузли хонадонларга қариндош бўлиш имкони берилган.

Корея яримороли Юан империясининг бир қисмига айланиши оқибатида мўғул қўшинлари билан бир қаторда кўплаб мўғул амалдорлари ва улар эгаллаган ерлардаги турли халқ ҳамда элат вакиллари ҳам ушбу ҳудудга кириб келган бўлсалар-да, Корё ҳукумати чекланган мустақилликни сақлаб қолган ҳолда, XIII асрдаёқ илк глобализациялашган дунё тизимининг бир бўлагига айланган. Мўғул империясининг турли чеккаларида содир бўлган қитъалараро савдо – бу даврда Евроосиёдан етишиб чиққан саёҳатчилар гуруҳи томонидан тилларда дoston қилинган. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, 1242-1448 йиллар давомида сайёҳ, савдогар ёхуд элчилардан иборат умумий 126 дан ортик делегация Ғарб христиан дунёси Марказий ёки Шарқий Осиёга сафар уюштирган³.

Ушбу сафар ва ташрифлар амалий характерга эга бўлганлигини насл-насаби мусулмон халқларига мансуб Рашид ад-Дин (1247-1318)ни Корё давлатининг энг чекка ҳудудларини ҳам географик жиҳатдан билганлиги ҳақидаги маълумотлар тасдиқлайди. Рашид ад-Диннинг ўзидан аввалги мусулмон географларидан фарқи шундаки, олдинги уламолар Корея яриморолини Силла номи билан тавсифлаган бўлсалар, у “Корё” номининг хитойлашган “Каоли” шаклини қўллаган ҳолда яриморол ҳақида аниқ ва ҳақиқатга яқин географик фактларни тақдим қилган. Унинг ёзишича, Юан империяси 12 та провинциядан иборат бўлиб, Каоли (Корё) улардан бири ҳисобланган. Шунингдек, Рашид ад-Дин ўз асарида ўша даврдаги сиёсий вазият ҳақида маълумот берган: “Юан империясининг учинчи провинцияси Као Кау-лидир. У империясининг чегара ҳудудида жойлашган бўлиб, у ерда қироллик тизимига амал қилинади. Қирол “Ванг” деб аталади. Хубилайхон ўзининг қизларидан бирини у ер қиролига турмушга берган. Уларнинг ўғли Ингир Бука хон билан яқин қариндошлик алоқасига эга бўлса-да, тахтга меросхорлик қилмайди”⁴.

¹ Dillon, Michael. China’s Muslim Hui Community: Migration, Settlement and Sects. Surrey: Curzon Press, 1999. – P. 3.

² In-Sung Kim Han. Muslims in Medieval Korea: Personal Encounters with Connected World / https://www.islamawareness.net/Asia/KoreaSouth/ks_article101.pdf

³ Thomas T. Allsen. Culture and Conquest in Mongol Eurasia. – Cambridge, 2001. – P. 113-114.

⁴ Rashid al-Din (c. 1307), Jami al-Tawarikh Volume II, Kim Ho-Dong (2005) (trans.) [The Successors of Genghis Khan], Seoul. 421.



Мўғул империяси томонидан турли ўлкалар босиб олиниши, ўз навбатида, маҳаллий билим ва маданият белгилари ўзаро кенг ҳудудларга тарқалишига ҳам асос бўлганлигини кўрсатади. Бу вақт оралиғида мусулмонлар ҳам яриморолга кириб келиб, ҳукумат ишлари ва сиёсатида муҳим роль ўйнаш билан бир қаторда ўлканинг доимий аҳолисига айландилар. Шу тарзда, Корё мўғуллар қўл остида бўлган давр мобайнида ўлкада мусулмон жамоаларини шаклланиши аввалги даврлардан кўра кучлироқ, кенг тарқалган ва табиий ҳолатга айланди. Анъанавий савдо йўллари орқали мусулмонлар элчи ва Корё шаҳзодаларига турмушга чиққан мўғул маликалари хизматчилари сифатида Корё яриморолига кириб келдилар. Корё Юан-мўғул империясининг мустамлака ҳудудига айланганидан эътиборан, мўғулларнинг истило қилган ўлкаларидаги расмий вакили — “даругачи”¹ вазифасини Корё яриморолида баъзи мусулмонлар бажаришган.

Натижада, Юан Хитойида бўлгани сингари, Корё яриморолида ҳам мусулмонлар вақтинчалик меҳмон ёки тижоратчи сифатида эмас, балки доимий аҳолининг бир қисми ўлароқ қабул қилинишган. 1279 йилда хуэй (дунган) халқи Қирол учун зиёфат уюштирганлиги ҳақидаги тарихий маълумот Корё қироли саройига мусулмонлар тез-тез ташриф буюриб турганлиги ва улар қироллик оиласи билан яқин алоқаларни йўлга қўйганлигини кўрсатади. Мусулмонлар жамоаси Корё давлати пойтахти ва унинг атрофида ташкил топган бўлиб, мусулмонларнинг кўпчилиги савдо ва никоҳ алоқалари сабабидан маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетишган ва улардан баъзилари корейсча исмларни ўзлаштиришган. Самга шундай мусулмонлардан бири. Унинг асл келиб чиқиши дунганлардан бўлиб, 1274 йилда Корё қироли Чунгрёолга турмушга чиққан Хубулайхон қизи малика Жегук (Great Princess Jeguk or Khutugh beki, 1259-97, r. 1274-97)нинг шахсий ёрдамчиси (geor'gyong'gu) сифатида Корёга келган. Самга Корёда турли лавозимларда фаолият олиб бориб, хусусан, Юан ва Корё қироллик судлари билан яқин алоқага эгалиги сабабли тез-тез Юанга дипломатик вазифалар юзасидан ташриф буюрган. Манбаларда келтирилишича, 1297 йилда Самга ўзи учун иморат қурган ва у ташқи деворлари тош ва плиткалар билан қопланганлиги ҳамда гул тасвирлари туширилганлиги билан халқ оғзига тушган. Шу боис бўлса керак, ушбу иморат халқ тилида “Жанг девори” деб номланган (Biographies, Goryeo-sa). Самга томонидан қурилган иморат саҳнидаги тасвирий санъат намуналари халқ орасида машҳур бўлганлиги унинг ташқи кўриниши маҳаллий бинолардан фарқ қилганлиги билан боғлиқ, деб тахмин қилиш мумкин. Аслида, XII аср корейс меъморчилигида иморатлар саҳнида гулли нақшинкор тасвирларни тушириш янгилик бўлмай, бу даврда бундай тасвир намуналари Корёдаги мақбаралардан акс этган эди. Лекин,

¹ “Даруга”, “даругабек”, “даругачи” – ўрта асрлар Марказий Осиё хонликларида хоннинг шахсий мулки тасарруфини назорат қилувчи расмий лавозим номи. Унинг асосий вазифаси хонлик ҳудудида солиқ ишларини бошқаришдан иборат бўлган. “Даругачи” Бухоро ва Хива хонликларида катта нуфузга эга бўлиб, ҳатто, ҳарбий қўшин фаолияти назоратида ҳам иштирок этган.



юқоридагидан фарқли ўларок “Жанг девори”да хорижий нақш услубларининг мавжудлиги, хусусан, гулли нақшинкор тасвирлар исломий каллиграфия намуналарини эслатувчи мураккаб усулларда тасвирланганлиги уни эл орасида машхур бўлишининг асосий сабабчиси ҳисобланади. Табиийки, маҳаллий аҳоли хурмати ва расмий доира эътиборига сазовор бўлган Самга охир-оқибатда Корё фуқаролигига қабул қилиниб, исмини Жанг Сун-рён деб ўзгартирган ва Дэоксу Жанг уруғининг аждодига айланди. Мазкур уруғ авлодлари бугунги кунда қадар етиб келган. Улар орасида ўзларини мусулмон ҳисобламайдиганлар бўлса ҳам, лекин улар мусулмон аждодларини ибодат вақтида ёдга оладилар¹. Бироқ, шундай бўлса-да, Жанг Сун-рённинг этник келиб чиқиши араб, уйғур ва марказий осийлик туркий қабилаларга оидлиги ҳақида турли тахминлар билдирилади².

Шунингдек, Корё ҳукумати таркибида яна бошқа бир қатор мусулмонлар юқори лавозимларда фаолият юритганлари қайд этилган. Масалан, ислом дини вакили, Мин-бо (Min-Bo) 1310 йилда Корё давлатининг иккинчи пойтахти Пёнгианг (Pyongyang) ҳокими этиб тайинланган (Book 33/33, Goryeo-sa). Бу ерда, унинг исми шарифидаги одатда хитой мусулмонлари орасида тарқалган “Мин” сўзи ислом динига мансублигини, “Бо” эса уни корейя жамиятига уйғунлашиб кетганлигини билдирган. Мазкур тарихий воқеликлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Корё ҳукуматида кўплаб мусулмонлар вакиллари хизмат қилишган.

Корё даврида мусулмонлар жамият ҳаётида фаол иштирок этганлиги ва маҳаллий анъаналарга мослашиб кетганлиги қабртошларида ҳам кўзга ташланади. Корё мусулмон қабртошлари устида олиб борилган сўнгги тадқиқотлар корейс ва мусулмонлар ўртасидаги алоқалар тарихини ёритиш учун янги ва қўшимча маълумотлар тақдим қилди. 1985 йилда Гуанжоудаги ноҳиялардан бирида жойлашган мусулмонлар қабристонлари устида қурилиш ишлари бошланиши натижасида ўзига хос конструкцияга эга қабр тошлари топилди³. Бу қабр тоши шакли ва тузилиши билан Шарқий Осиё услубини эслатса-да, араб ва хитой тилларидаги каллиграфик ёзувлари билан ундан фарқлашиб турарди. Араб ёзувида қабр тошига Қуръони каримнинг “Бақара” сураси 255-ояти ёзилган бўлса, хитой ёзуви қабр тош четигадики нақш чизиғи вазифасини бажарган ва унда Корё даврида корейс мусулмонлари орасида тарқалган “Рамазон” исми қайд этилган. Шунингдек, қабртошида у Гуанси провинциясида “даругачи” лавозимида ишлаганлиги ёзилган. Қолаверса, қабр тошида у “Зизенг (Zhizheng) ҳукмронлигининг тўққизинчи йили (1349) 38 ёшда вафот этганлиги” ва “дафн маросими 8-ойнинг 18-куни Гуанжоу қасрининг шимолий қисмида бўлиб ўтганлиги” тўғрисидаги ёзувларни ўқиш мумкин. Ўз навбатида, қабртошига араб ёзувида у 1312 йил (Корё қироли Чунгсэон ҳукмронлигининг 4-йили) таваллуд

¹ Jeong Soo-il (2005), *Hankuksok ui segye* [World in Korea], Vol. 2, Seoul. 244

² Lee, Hee-soo (1991), *Han-iseullam gyoryu-sa* [The History of Exchange between Korea and Islam], Seoul. – P. 129-137.

³ Илк бор мазкур қабртошни ўрганиш ишларини корейлик олим Парк Хюн-Гю ўзининг 2003 йил Хитой жанубига амалга оширган илмий сафари давомида олиб борди.



топгани ва отасининг исми Алоуддин бўлгани ҳақида маълумот ёзиб қолдирилган. Шу билан бирга, қабртошидаги чизгилар арабий каллиграфия услубидаги ёзувлар муаллифи “Арса” исмли шахс экани ва у Халаб (Алеппо) шахридан бўлгани ҳақида маълумот беради.

Албатта, қабртошига Рамазоннинг оиласи қандай ва қачон ислом динини қабул қилгани ҳақида хабарлар ёзилмаган бўлса-да, аммо, у бу борада баъзи мулоҳаза ва таҳминлар билдиришга ундайди. Аввало, мазкур қабртоши Корёда корейс мусулмонлари истиқомат қилганлигини тасдиқлайди. Рамазоннинг отаси Алоуддин эса мусулмон юртлардан Корея яриморолига келган ёки маҳаллий аҳоли орасидан ислом динини қабул қилганлардан бўлиши мумкин. Биринчи таҳминга асосан фикр юритилса, Рамазон ва унинг оиласи маҳаллий диний қарашлардан узоқ эътиқодга мансуб бўлса-да, у Корёнинг нуфузли аъзоси ҳисобланган. Бошқа томондан, агар у корейс оиласидан ислом динини қабул қилган бўлса, Корёнинг корейс аҳолиси орасида исломий анъаналар кенг тарқалганлиги ҳақида хулоса қилса бўлади. Мўғул империясининг маълум очик сиёсати ва оддий мусулмонларнинг тарғибот фаолиятига айтарлик ғайрати бўлмаганлигини ҳисобга олинса, бу даврда фуқароларнинг динларини ўзгартириши ихтиёрий кечганлигини кўрсатади¹. Ислום динининг қабул қилиш сабаблари нима бўлишидан қатъий назар, мусулмон ҳаёт тарзи кўпроқ фарзандлар орасида чуқурроқ из қолдирган, чунки болалар асл налс-насаб асосида эмас, балки отанинг янги жамоаси кадриятларига мувофиқ униб-ўсганлар². Ҳар икки ҳолатда ҳам Рамазон аждодларидан икки авлод мусулмон саналишган. Мўғул империясида мусулмонларнинг ижтимоий бирдамлик ва нуфузга эгалиги Рамазон учун Юан Хитойида юқори ижтимоий мавқега эришишда қўл келганлиги эҳтимоли катта. Унинг Хитой жануби, жумладан, расмий қароргоҳи ва сўнгги дам олиш жойига қилган саёҳатлари у ерларда узоқ вақтдан буён мусулмон жамоалари мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Корё даврида мусулмонларнинг турли ижтимоий қатлам вакили сифатида фаолият юритганлиги икки маданият ўртасида ўзаро таъсир ва тарихий боғлиқлик мавжуд бўлганлигига далолат қилади. Айни пайтда, Чосон сулоласи ҳукмронлигининг илк йилларига қадар давом этган мазкур бирдамлик муҳити корейс мусулмон идентификацияси шаклланиши учун дастлабки босқичга айланди.

Дарҳақиқат, ислом динининг Кореядаги тарихи давомида аввалги сулола даврида мусулмонларнинг кечирган жўшқин ҳаёт тарзига нисбатан Чосон сулоласи ҳукмронлиги “сукунат вақти” ҳисобланади. Зотан, Чосон империяси (1392-1910)³нинг ассимиляция сиёсати остида Кореяда юқори ижтимоий ва иқтисодий

¹ Jerry H. Bentley (1996), “Cross-Cultural Interaction and Periodization in World History” The American Historical Review, 101 (3) : - P. 749-770.

² Richard Bulliet (1979), “Conversion to Islam and the Emergence of a Muslim Society in Iran”, Nehemia Levtzion (ed.), Conversion to Islam, New York. – P. 30-51.

³ Чосон қироллиги 1392 йилда Ёи Сеонгте томонидан ташкил қилиниб, таҳминан 1897 йилга қадар давом этган. 1897 йил октябрь ойида у расман Корея империяси номини олган. Корё



мавқега эга бўлган мусулмонлар муқаддам риоя қилиниб келинган миллий кийимлар, урф-одатлар ва маросимларидан воз кечишга мажбур бўлишди¹.

Табиат, илм-фан ва динга нисбатан Чосон даври ёндашувини англаш учун ўша даврдаги конфуцийлик хусусиятларини тушуниш зарур ҳисобланади. Зотан, бу даврда конфуцийлик жамият учун ғоявий асос вазифасини ўтаган бўлиб, корейс халқи мазкур фалсафий таълимот тақдим қилган тушунча ва қарашлар орқали борлиқ ва динни англашга ҳаракат қилишган. Аслида, корейслар IV асрданоқ конфуцийлик таълимоти ҳақида муайян маълумотга эга бўлишган эрсада, Чосон империяси ҳукмронлиги даврига келиб, ушбу таълимот қарашлари корейс жамиятида ҳукмрон мавқега эга бўлди. Бунда икки омил принципиал ўрин тутди: биринчи, конфуцийлик расман давлат дини, деб эълон қилинди (Илгари, у асосан давлат бошқаруви соҳасида қўлланма сифатида фойдаланилган, буддизм эса кўпроқ маросимчиликда қўлланиладиган ва дунёқарашни шакллантирувчи характерга эга бўлган). Иккинчи, Сун сулоласи (960-1279) ҳукмронлиги даврида Хитойда шаклланган конфуцийликнинг янги шакли Чосон даврининг дастлабки йиллари Кореяда ҳам кенг тарқалди². “Нео-конфуцийлик”³ деб номланган конфуцийликнинг бу янги шакли ҳукумат бошқаруви бўйича ахлоқий кўрсатмалар ва маслаҳатлар бериш билан бир қаторда, жамият аъзоларига коинот тузилиши ва унда инсоннинг ўрни ҳақида тушунтиришлар бериб ўтган эди.

Қолаверса, Чосон империясида ҳукмрон мавқега эришган нео-конфуцийлик бошқа динларнинг фаолият доирасини, жумладан, улардаги бажариш мумкин бўлган маросимлар ва маросимларда иштирок этиш ҳуқуқига эга шахсларни белгилаб берган. Оқибатда, буддизм ҳамда анимизм ва шаманизм каби ибтидоий диний тасаввурларни мужассамлаштирувчи маҳаллий динлар конфуцийлик таълимоти асосида қабул қилинган чекловлар доирасида фаолият юритишга мажбур бўлган. Христианлик (XVIII асрнинг сўнгги чорагида Корея яриморлида кўзга ташланган) ва XIX асрда вужудга келган Тонгхак диний эътиқоди “ёвузлик манбаи” деб эълон қилинган. Зеро, ушбу икки эътиқод тарафдорлари ҳукуматнинг ўз маросимларини назорат қилишга бўлган талабларини қабул қилишдан бош тортганлари сабабли давлат томонидан таъқиб остига олиниб, етакчилари қатл этилган.

империяси қулаганлиги оқибатида ҳозирги Шимолий Корея таркибидаги Кэсон шахри ўрнида ташкил топган мазкур қиролликнинг пойтахти эса замонавий Сэул шахрининг қадимий ўрнида жойлашган. Шу ўринда айтиш лозимки, Чосун Кореядаги энг охириги ҳукмрон сулола ҳамда конфуцийлик таълимоти вакиллари узок бошқарган империя ҳисобланади.

¹ Ibid., 9th reign of King Se-jong.

² <http://asianhistory.oxfordre.com/>

³ Нео-конфуцийлик эътиқоди тарафдорлари аждодлар руҳи сингари ғайритабиий тушунчаларнинг мавжудлигига ишонишса-да, улар “Мутлақ Қудрат соҳиби” – Худо ҳақидаги эътиқодни қабул қилмаганлар. Шунингдек, бу таълимотда бутун борлиқни яратган “Яратувчи”га эътиқод ҳам мавжуд эмас. Балки, нео-конфуцийлик таълимотига кўра, дунё ўз-ўзини ҳаминша яратибгина қолмай, бу жараён давомида ўзининг ахлоқ кодексларини ҳам юзага келтиради.



Мазкур диний шароит ва Чосон сулоласининг маданий ассимиляция сиёсати остида 1427 йилда қирол Седжон (King Sejong, 1397-1450/1418-1450) Маросимлар вазирлиги (Yejo) томонидан ишлаб чиқилган “Чосон худудидаги диний озчилик гуруҳларнинг урф-одатларини тартибга келтириш ҳақидаги” қарорни имзолаши Кореядаги мусулмонлар учун ноқулай муҳитни юзага келтирган. Ушбу қарорда мусулмонларнинг кийиниш тарзи маҳаллий аҳолиникидан ажралиб туриши бошқа миллат вакиллари билан ўзаро никоҳ алоқаларини боғлашга монъелик қилувчи омил сифатида қораланиб, улар анъанавий кийиниш тарзига ўтиш орқали мазкур фарқни бартараф этишлари ва эътиқодларига оид ибодатларни бажаришни тўхтатишлари лозимлиги қайд этилган¹. Табиийки, бу қарор расмий равишда Корея яриморотидаги мусулмон шахсиятининг ҳар қандай белгиси, айниқса, исломий маданият, ибодат ва урф-одатларга нисбатан чекловни ифодалаган.

Бошқа томондан, диний озчилик ҳақида чиқарилган мазкур қарор орқали мамлакатда мусулмонлар ўз ўрни ва нуфузига эга бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Чунки, мусулмонларга маҳаллий аҳоли билан ўзаро турмуш қуриш талаби қўйилиши улар Корея яриморотида “вақтинча жамоа” эмас, “доимий фуқаро” сифатида эътироф этилганлигини билдиради. Шунингдек, бу даврда мусулмонларнинг туб ерлик халқ турмуш тарзига мослашиб кетиши натижасида, ислом динининг минтақага хос хусусияти – диний тушунчаларнинг маҳаллий инсонлар тилига мувофиқ аташ урф бўлган. Масалан, мусулмонлар орасида етук диний билимга эга олимлар “хуэй-самун”, яъни, “мусулмон имом” ва ибодатларни бажаришда бош бўлувчи маъносидаги “доро” тушунчалари билан аталганлар.

Албатта, ижтимоий, маданий ва диний жиҳатдан қулай шароит 1427 йилдаги қирол Седжон қарори оқибатида поёнига етиши, ўз навбатида, мусулмонларнинг ҳам ўлкага оид тарих солномаларидан йўқолиб қолишига олиб келди. Кореядаги ислом тарихига нисбатан “сукунат даври” дея таърифланган ушбу вазият мутахассислар томонидан мусулмонларни оммавий равишда Хитой ёки ислом ўлкаларига кўчиб кетганлиги билан изоҳланади. Лекин бу фикрга қарши ўлароқ, бошқа бир гуруҳ олимлар ўрта асрларда Кореядан мусулмонларнинг жамоавий кўчиб кетганлиги ҳақида на Хитой, на мусулмон манбаларида маълумот учрамаслиги, бошқа томондан, ўз халқлари ҳаракатларини диққат билан кузатган ва ҳаётларини қатъий назорат остида ушлаб турган Мин ва Чосон империялари ҳукмронлиги даврида чегараларни кесиб ўтиш мушкул вазифа ҳисобланганлигини таъкидлайдилар. Мазкур омилларни ҳисобга олган ҳолда, маданий ўзига хосликка қарши қаратилган сиёсат² қаршисида мусулмон

¹ https://www.islamawareness.net/Asia/KoreaSouth/ks_article101.pdf

² Ўрта асрларда Мин сулоласи бошқарувидаги Хитой ва Чосон қироллиги ҳукмронлигидаги Кореяда “миллийлаштириш” сиёсати олиб борилган бўлса-да, ушбу сиёсатни амалга ошириш ва унга ёндашув борасида икки империя ўртасида кескин фарқлар учрайди. Масалан, Мин хитойи ўз худудидаги “хорижий” дин ва маданиятлар вакиллари турмуш тарзи ва савдо-сотик фаолиятига қисман мустақиллик бериш (“laissez-faire policy”) ва улар ўртасидаги маданий чегараларга ҳурмат



аҳоли яриморолда қолиб, маҳаллий урф-одатларга уйғунлашишни “тўғри йўл” сифатида кўрганлигини тахмин қилиш мумкин.

Шу тарзда, конфуцийлик қарашлари ва туб ерлик аҳоли орасида тарқалган билимларни ўзлаштириш, Чосон турмуш тарзи асосида ҳаёт кечириш, исмларини ўзгартириш орқали ассимиляция жараёнига киришиб кетган мусулмонлар корейс жамиятининг тўлақонли аъзосига айланиб бордилар. Ушбу жараён шундай даражага етдики, Корё ва Чосон қироллигининг илк даврида ҳукумат доирасида катта нуфузга эга бўлган мусулмон амалдорлар ва ислом дини ҳамда конфуцийлик таълимотининг муштарак ахлоқий жиҳатларини тушунтириш воситасида юқори мансабдорлар олқишига эришган Сэул Сон каби олимларнинг авлодлари ҳам вақт ўтиши билан мусулмон идентификацияларини унутиб, ўзларини корейс маданиятининг аъзоси ҳисоблай бошлаганлар.

Мутахассислар фикрича, диний аккумуляция¹ Чосон даврида мусулмонларнинг корейс солномаларидан “тушиб қолиши” асосий сабаби ҳисобланади. Ўз навбатида, ўрта асрларда Кореяда мусулмонларнинг жамиятга аккумуляцияси икки маданиятни ягона ракурсда кўриш орқали содир бўлиши минтақадаги исломий маданият белгилари ва маҳаллий анъаналарни бойишига ёрдам берди. Зеро, назарий олим Эрик М.Крамернинг таъкидлаганидек, “аккумуляция – бу шунчаки, оз миқдордаги гуруҳнинг катта жамиятга бир томонлама ассимиляциясини англатувчи “миқдорий бирикма” эмас, балки нозик ва кўз илғамас чизгилар мужассам қилган нақш каби “биргаликдаги эволюция” ҳисобланади”². Ҳақиқатда, мазкур фикрнинг тасдиғи ўлароқ, Хитой ва Кореянинг расмий солномаларига кўра, бутун Шарқий Осиёда кенг фойдаланилган ой тақвими системаси исломий астрономик услубнинг назарияси асосида ишлаб чиқилган. Шунингдек, Хитой ва Корея ой тақвими исломий тақвим сингари қамарий йил ҳисобига биноан ишлаб чиқилган. Қолаверса, фасллар алмашинув вақти 12 та бурж, яъни юлдузлар туркуми орқали қуёш ҳаракати асосида белгилаб олинган³.

Тақвимшунослик илмидаги тараққиёт билан бир қаторда, ўрта асрлар Шарқий Осиё жамияти астрономия ва метеорология соҳаларидаги илмий ва технологик муҳим ўзгаришлар орқали характерланади. Бу даврда кўплаб астрономик ва метеорологик усқуналар кашф қилинди. Илғор исломий илмлар Хитой ва Кореяда турли илмий жиҳозларни ихтиро қилинишига туртки бўлди. Ушбу давр давомида кашф қилинган астрономик ҳаракатлар ўлчови (celestial globe), сув соати, қуёш ўлчови (sundial), астрономик соат ва ёғингарчилик миқдорини ўлчовчи (rainfall gange) усқуналар ҳамда исломий санъат, тиббиёт ва адабиётга доир янгиликлар Шарқий Осиё халқларини орасига кириб борди. Бу даврда

кўрсатиш орқали “хитойлаштириш” сиёсатини олиб борган. Аксинча, Чосон империя эса хорижликларни маҳаллий урф-одат ва маданиятга мослашишга мажбурлаш воситасида яхлит жамият куриш йўлидан борган.

¹ Аккумуляция – муҳожир, этник ёки диний озчилик гуруҳларни ўз анъанаси, маданияти ва тилини сақлаб қолган ҳолда маҳаллий маданият ва тил хусусиятлари билан таништириш жараёни.

² Eric Mark Kramer. Dimensional accrual and dissociation: An introduction, J. Grace and E. M. Kramer (eds.), Communication, Comparative Cultures, and Civilizations. – New York: 2013. – P. 123-133.

³ K.Tazaka. An aspect of Islamic culture introduced into China. МТВ, 16. Tokyo 1957. – P. 77-149.



мусулмонларнинг тиббиёт соҳасида эришган ютуқлари таъсирида Корея ва Хитойда тиббиёт соҳаси ривожланди. Мусулмон дунёсида кенг тарқалган баъзи тиббий гиёҳлар Шарқий Осиёдан келтирилган. Бу даврда, Корея ва Хитойдаги мусулмонлар орқали ислом олами ҳаракатланувчи метал принтер (metal movable type printing) билан танишган¹. Демак, мусулмонларнинг маданий ўзига хослигини йўқолиши ва диний аккумуляцияси исломий маданиятни маҳаллий тушунча ва қарашларга мослаштириб, корейслар учун мақбул шаклга келтирган.

Маданиятшунослик фанидан маълумки, цивилизациялар одатда бир-бирига таъсир қилиб, ўзгаришларга юз тутиб туради. Аниқроқ қилиб айтганда, маданиятларнинг ўзаро синтези тарихий нормал жараёндир. Шу маънода, ислом ҳам Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ўртасидаги ўзига хос кўприк вазифасини бажарган. Бунда “мўтадиллик” тушунчаси ислом дини моҳияти ва у билан боғлиқ шаклланган маданиятнинг табиатини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда биз ишлатаётган “мўтадиллик” тушунчаси араб тилида “васатия” сўзи билан юритилиб, “ҳар бир нарсанинг ўртаси” маъносини ифодалайди. Қуръони каримга кўра, ислом динига эътиқод қилувчилар ҳам “ўрта уммат” ҳисобланади: “Шунингдек, сизларни одамлар устидан гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг устингиздан гувоҳ бўлиши учун ўрта уммат қилдик” (“Бақара” сураси, 143-оят). Исломуламоларининг фикрича, “бу масалада мусулмонлар динларининг асоси тўғрилиги, йўли ойдинлиги, шариати мустаҳкамлигини идрок қилган ҳолда иш олиб борадилар. Шу билан бирга, мазкур хусусиятлар уларнинг бошқалардан ажралиб қолишларига сабаб бўлмаслиги, балки ўзга дин ва маданият вакиллари билан ҳамкорликка йўл очиб беришини яхши биладилар”². Энди ўз навбатида, “мўтадиллик” тамойили Шарқий Осиё маданияти асосини ташкил қилган конфуцийлик эътиқодининг бирламчи таълимоти ҳамдир.

Тарихий жиҳатдан олиб қаралса, ислом дунёси ва Корея яриморали ўртасидаги маданий алоқалар минг йилдан ортиқ даврга бориб тақалади. Бу давр оралиғида, Чосон империяси ҳукмронлик вақтидаги каби диний аккумуляция жараёни ҳисобга олмаганда, тарих иккитомонлама жиддий қарама-қаршилик ҳамда урушларга гувоҳ бўлмаган. Минтақага ислом динининг кириб тарқалиши жараёни корейслар билан ўзаро тинч, очиқ ва бағрикенгликка асосланган мулоқот шароитида кечган. Бошқача айтганда, мусулмонлар ва ғайридин осиеликлар ўртасидаги алоқалар руҳий-маънавий ва маданий англаш асосида тартибга келтирилиб борилган.

Мазкур маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда Корея яриморалида мусулмонлар камчиликини ташкил қилиши ва баъзи протестант гуруҳлар фаолияти таъсирида исломофобик кайфиятни ёйилиши³ диний қарама-

¹ Hee-Soo Lee. The spread of Islamic culture to East Asia before the era of modern European hegemony. *Islam aristirmalari dergisi*. Sayi 7, 2002. – P. 58.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Васатия – ҳаёт йўли. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 304 б.

³ Two Contradictory Trends in Recent Korean Society: Understanding Islam and Islamophobia Submitted by Hee Soo Lee, Ph.D Professor/Dept. of Cultural Anthropology/ Director/ Institute of Cultural Properties



қаршилик ёки маданий идентификациялар ўртасидаги турфа хиллик билан боғлиқ бўлмай, балки Чосон империясининг уч юзлик маданий изоляция сиёсати оқибатида корейс ва мусулмон халқлари ўртасидаги алоқалар тарихидан беҳабарлик асосий омил бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, мусулмон дунёси ва Корея Республикаси ўртасидаги муносабатлар истиқболли нафақат иқтисодий манфаатлар, балки ислом ва конфуцийлик таълимотлари ўзагидаги бағрикенглик руҳиятидан келиб чиқиб янада ишончли ва мустақкам кўриниш олишини умид қилиш мумкин.

Хулоса. Узоқ тарихга эга корейс ва мусулмон халқлари ўртасидаги алоқалар давомида исломий жамоаларнинг шаклланиши ва маҳаллий муҳитга мослашуви куйидаги ҳолатларда кечган:

1. Кореяда ислом динининг тарқалиши уч босқичда кечган бўлиб, бунда Бирлашган Силла подшолиги охирларидаги корейс ва мусулмон халқлари ўртасида йўлга қўйилган ўзаро алоқалари илк босқич, Корё сулоласи ҳукмронлиги даврида ислом дунёси билан савдо алоқаларини фаоллашуви натижасида яриморолда мусулмон жамоаларини вужудга келиши иккинчи босқич ҳамда 1270 йилдан Юан-мўғул империяси Корея яриморолида назоратни тўлиқ ўз қўлига олиши ортидан Юан ҳукуматига яқин ва амалдорлар орасида нуфузга эга кўплаб мусулмонлар Кореяга кириб келиб, у ерда муқим ўрнашиб қолиши, ижтимоий ва иқтисодий имтиёزلарни қўлга киритган ҳолатда корейс жамиятига араллашиб кетиши учинчи босқич ҳисобланади.

2. Чосон империясининг ассимиляция сиёсати остида Кореяда юқори ижтимоий ва иқтисодий мавқега эга бўлган мусулмонлар муқаддам риюя қилиниб келинган миллий кийимлар, урф-одатлар ва маросимларидан воз кечишга мажбур бўлишган.

3. Мусулмонларнинг маданий ассимиляция сиёсати тортимида жамиятда ҳукмрон мавқега эришган нео-конфуцийлик катта таъсир кўрсатган бўлиб, бу даврда мазкур таълимот бошқа динларнинг фаолият доираси, жумладан, улардаги бажариш мумкин бўлган маросимлар ва маросимларда иштирок этиш ҳуқуқига эга шахсларни белгилаб берган.

4. Маданий ўзига хосликка қарши қаратилган сиёсий жараёнда мусулмон аҳоли яриморолда қолиб, конфуцийлик қарашлари ва туб ерлик аҳоли орасида тарқалган билимларни ўзлаштириш, Чосон турмуш тарзи асосида ҳаёт кечириш, исмларини ўзгартириш орқали маҳаллий урф-одатларга уйғунлашишни “тўғри йўл” сифатида қабул қилган.

5. Ўрта асрларда Кореяда мусулмонларнинг жамиятга аккультурацияси икки фарқли маданиятни ягона ракурсда қабул қилишга мажбурлаш эвазига содир бўлиши минтақадаги исломий маданият белгилари ва маҳаллий анъаналарни бойишига ёрдам берган.



АДЫГЕЗАЛОВ АЗЕР

PhD, Международный институт Центральной Азии

ORCID ID:0000-0002-1985-4976

К вопросу участия Узбекистана и Азербайджана в движении неприсоединения

Аннотация. В статье прослеживается краткая история становления и развития, второй после ООН по величине, международной организации, объединяющей 120 участников и 28 наблюдателей (18 стран и 10 организаций).

Особый интерес вызывает структура и институционализация Движения неприсоединения. Организация, не имеет ни Устава, ни бюджета, а его штаб-квартирой является столица страны, в которой проходила последняя конференция глав государств и правительств. Благодаря чему данная структура с юридической точки зрения заняла срединную позицию между конференцией и организацией

Преодоление Движением неприсоединения кризиса 1990-х, связанного с развалом СССР и ставящего под вопрос саму необходимость существования данной организации, а также трансформация мироустройства от биполярного к однополярному, а затем и многополюсному, содействовало становлению этой авторитетной международной структуры в реалиях нового мироустройства.

Главный акцент в статье уделяется участию в организации Узбекистана (1992) и Азербайджана (2011), а также их взаимодействию в данной организации. В своих внешнеполитических доктринах Узбекистан и Азербайджан отдают приоритет: верховенству национально-государственных интересов; невмешательству во внутренние дела других государств; не допущению нарушения территориальной целостности государств и насильственного изменения границ; сохранению мира и безопасности; открытости для сотрудничества; добросовестному выполнению международных норм и взятых на себя обязательств; развитию внешних связей как на основе двусторонних, так и многосторонних соглашений.

В целом, по средствам концепций, стратегий и принципов, а также определению приоритетов внешнеполитической деятельности, оба государства зарекомендовали себя, в качестве противников присоединения к военно-политическим альянсам и сторонников мирного урегулирования спорных вопросов, что закреплено в Конституциях обоих государств, а также полностью совпадает с целями Движения неприсоединения.

Причем, как Республика Узбекистан, так и Азербайджанская Республика во внешней политике приоритет оставляют за двусторонними отношениями, при осуществлении которых, не позволяют попадать в зависимость от третьих стран или организаций.

Ключевые слова: Движение неприсоединения, Бандунгская конференция, 10 принципов, Республика Узбекистан, Азербайджанская Республика, участие Узбекистана и Азербайджана в Движении неприсоединения, Председательство Азербайджана, саммит Контактной группы.

Аннотация. Мақолада 120 та иштирокчи ва 28 та кузатувчини (18 та давлат ва 10 та ташиклот) бирлаштирган БМТдан кейин иккинчи йирик халқаро ташиклотнинг шаклланиши ва ривожланишининг қисқача тарихи ёритилган.



Қўшилмаслик ҳаракатининг тузилиши ва институционализацияси алоҳида қизиқиши уйғотади. Ташиқлотнинг Устави ҳам, бюджети ҳам йўқ, штаб-квартираси эса давлат ва ҳукумат раҳбарларининг сўнгги конференциясига мезбонлик қилган мамлакат пойтахти ҳисобланади. Шу туфайли, ҳуқуқий нуқтаи назардан, ушбу тузилма конференция ва ташиқлот ўртасида ўрта позицияни эгаллайди.

Қўшилмаслик ҳаракатининг 1990-йиллардаги инқироз, ССРИ парчаланиши, дунё тартибини икки қутбдан бир қутбга, кейин эса кўп қутбга ўтиши, шунингдек, ташиқлотнинг мавжудлигининг зарурлигини иубҳа остига қўйиши билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни енгиб ўтиши унинг янги дунё тартиби замонида нуфузли халқаро тузилма сифатида шаклланишига ҳисса қўйди.

Мақолада асосий эътибор Ўзбекистон (1992) ва Озарбайжоннинг (2011) ташиқлотдаги иштироки, шунингдек, уларнинг ушбу ташиқлотдаги ўзаро ҳамкорлигига қаратилган. Ўзбекистон ва Озарбайжон ташиқи сиёсат доктриналарида қўйидагиларга устувор аҳамият берадилар: миллий-давлат манфаатларининг устунлиги; бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини бузиши ва чегараларни мажбуран ўзгартиришига йўл қўймаслик; тинчлик ва хавфсизликни сақлаш; ҳамкорлик учун очиқлик; зиммасига олган халқаро нормалар ва мажбуриятларни виждонан бажариши; ташиқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шартномалар асосида ривожлантириши.

Умуман олганда, концепция, стратегия ва тамойиллар, шунингдек, ташиқи сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаш орқали ҳар икки давлат ўзларини ҳарбий-сиёсий иттифоқларга қўшилишининг қаришлиги ва Конституцияларда мустаҳкамлаб қўйилган низоларни тинч йўл билан ҳал этиши тарафдори сифатида кўрсатиши, иккала давлатнинг мақсадлари Қўшилмаслик ҳаракатининг қадриятларига тўлиқ мос келишини кўрсатади.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ҳам, Озарбайжон Республикаси ҳам ўз ташиқи сиёсатларида учинчи давлатлар ёки ташиқлотларга қарам бўлиб қолишига йўл қўймайдиган икки томонлама муносабатларни амалга оширишида устувор аҳамият берадилар.

Калим сўзлар: Қўшилмаслик ҳаракати, Бандунг конференцияси, 10-та тамойил, Ўзбекистон Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг Қўшилмаслик ҳаракатидаги иштироки, Озарбайжон раислиги, Алоқа гуруҳи саммити.

Abstract. The article traces a brief history of the formation and development of the second largest international organization after the UN, uniting 120 participants and 28 observers (18 countries and 10 organizations).

Of particular interest is the structure and institutionalization of the Non-Aligned Movement. The organization has no charter or budget, and its headquarters is in the capital of the country where the last conference of heads of state and government took place. This structure, from a legal point of view, has taken the middle ground between the conference and the organization.

The Non-Aligned Movement's overcoming of the crisis of the 1990s related to the collapse of the USSR and questioning the very need for its existence, as well as the transformation of the world order from bipolar to unipolar and then multipolar, contributed to the establishment of this authoritative international structure in the realities of the new world order.

The main focus of the article is on the participation of Uzbekistan (1992) and Azerbaijan (2011) in the organization, as well as their interaction within this organization. In their foreign



policy doctrines, Uzbekistan and Azerbaijan prioritize the supremacy of national state interests; non-interference in the internal affairs of other states; the prevention of violations of the territorial integrity of states and violent changes in borders; the preservation of peace and security; openness to cooperation; the conscientious implementation of international norms and obligations undertaken; the development of external relations on the basis of both bilateral and multilateral agreements.

In general, by means of concepts, strategies and principles, as well as the definition of priorities of foreign policy activities, both states have established themselves as opponents of joining military-political alliances and supporters of peaceful settlement of disputed issues, which is enshrined in the constitutions of both states, and also fully coincides with the goals of the Non-Aligned Movement.

Both the Republic of Uzbekistan and the Republic of Azerbaijan prioritize bilateral relations in their foreign policy, and do not allow themselves to become dependent on third countries or organizations.

Key words: *Non-Aligned Movement, Bandung Conference, 10 Principles, Republic of Uzbekistan, Republic of Azerbaijan, participation of Uzbekistan and Azerbaijan in the Non-Aligned Movement, Azerbaijani Chairmanship, Contact Group summit.*

Введение. Движение неприсоединения (далее ДН) - это вторая по величине, после ООН, международная организация, объединяющая 120 государств-участников, а также 18 стран и 10 организаций, наделенных статусом наблюдателя, на принципах неучастия в военных и военизированных блоках.

В 1961 году Иосип Броз Тито (лидер Югославии), Гамаль Абдель Насер (президент Египта) и Джавахарлал Неру (премьер-министр Индии) объединив 25 государств, создали организацию, выступавшую за неприменение от военных блоков – НАТО и ОВД.

После обретения государственной независимости, как Узбекистан, так и Азербайджан, движимые своими внешнеполитическими доктринами, миролюбивой политикой и отказом от вступления в разного рода силовые и военизированные блоки, стали участниками ДН. Совпадение целей ДН с доктринами внешнеполитических векторов двух государств обусловили динамику дальнейшего взаимодействия Узбекистана и Азербайджана, как между собой, так и в рамках ДН в целом.

За свою более чем 60-летнюю историю существования (в 2021 году ДН отметило юбилей – 60 лет), организация прошла весьма сложный и тернистый путь развития, что обязывает рассмотреть ее деятельность, особенность структуры и направленность - более детальнее, уделяя главный акцент участию Узбекистана и Азербайджана в данной структуре.

Цель: дав краткую информацию о становлении и развитии ДН, рассмотреть участие в этой организации Узбекистана и Азербайджана, выявить причины и предпосылки вступления в эту структуру обоих государств, а также определить точки взаимодействия в рамках организации.

Методы: при раскрытии статьи применялись проблемно-хронологический, историко-сравнительный и фактологический методы.



Краткий ретроспективный экскурс в становление и развитие организации

Доктрина неприсоединения начала зарождаться на общей волне развития антиколониальной борьбы, идей политического и экономического суверенитета народов в конце 40-х годов XX века.

Дальнейшее свое развитие получила по средствам Бандунгской конференции (Индонезия), проходившей с 18 по 24 апреля 1955 года и объединившей 29 стран Азии и Африки. Значимость Бандунгской конференции заключалась в том, что участникам удалось, добавив к основным пяти буддийским принципам «Панча шила» (Пять принципов мирного сосуществования) еще пять, сформировать итоговый документ, состоящий из 10 принципов, способствующих как мирному сосуществованию, так и процессам международных отношений в целом:

1. Уважение прав человека, принципов и целей Устава ООН;
2. Уважение территориальной целостности;
3. Признание равенства всех рас и наций;
4. Отказ от интервенции и вмешательства во внутренние дела;
5. Уважение права каждой страны на индивидуальную и коллективную оборону в соответствии с Уставом ООН;
6. Отказ от использования соглашений о коллективной обороне в частных интересах какой-либо из великих держав и от оказания нажима на другие страны;
7. Отказ от агрессии против территориальной целостности или политической независимости;
8. Урегулирование международных споров мирным путём;
9. Содействие взаимным интересам и сотрудничеству;
10. Уважение справедливости и международных обязательств.

Дж. Неру отмечал: «Бандунгская конференция явилась историческим событием. Она ознаменовала выход на политическую арену в международных целях свыше половины населения земного шара» (Yetinger, 2001).

Результатом Бандунгской конференции стало создание единого фронта народов Азии и Африки, со согласованной программой - антиимпериализма и антиколониализма.

В период своего зарождения ДН предоставляло объединительную платформу не только странам с различными социальными системами, но и государствам, существовавшим в разных измерениях – абсолютистским средневековым монархиям и социалистическим республикам (Matonin, 2012, p. 341).

В условиях холодной войны неприсоединение стало защитной реакцией освободившихся стран на попытки внешних сил втянуть их в идеологическое и военно-политическое противоборство между двумя блоками, позволило оградиться от влияния СССР, претендовавшего на руководство национально-освободительным движением. Обретя независимость, подавляющее большинство неприсоединившихся стран отказалось от социалистического пути развития,





однозначно избрав, в качестве ориентира, рыночную экономику и ценности капитализма (Krylov, 2018, p. 27). Но, при этом, ДН также выступало своего рода страховкой от возможных неокOLONИСТИЧЕСКИХ устремлений западного мира.

Итак, неприсоединение стало идеальным прикрытием для новообразованных государств, стремившихся защитить свои национально-государственные интересы, развивать экономику, избежав приобщения к силовым блокам.

Кроме общей задачи дистанцироваться от военных и силовых блоков, лидеры ДН были подвижны и своеобразными стратегическими целями. Так, И. Тито стремился освободиться от опеки СССР и социалистической модели развития в целом. Кроме того, руководителю Югославии очень нравилось ощущать себя «в гуще событий» и позиционировать - в качестве «значимого мирового политика», противостоящего, посредством ДН руководителям СССР и США.

Дж. Неру видел в политике неприсоединения идеологическую базу лидерства Индии в третьем мире, через сдерживание Китая в союзе с Индонезией.

Два других лидера неприсоединения - Г.А. Насер и А. Сукарно, стремились к формированию рыночной экономики в своих странах, а ДН было, опять-таки сдерживающим фактором интервенции извне.

Российский исследователь И.И. Павлов ассоциировал ДН с именами руководителей трех держав, инициировавших создание новой формации международных отношений, ставшей ответом на конфронтационные взаимоотношения коммунизма и атлантизма (Pavlov, 2013, p. 12).

Движение неприсоединения, в целом оформившееся как межгосударственное объединение в 60–70-е годы прошлого века, по мере получения независимости и выхода на международную арену в качестве полноправных субъектов международных отношений десятков новых молодых государств умело использовало противоречия между Западом и Востоком, добиваясь односторонних уступок для себя и своих участников от обоих блоков – сначала на субрегиональном и региональном уровнях, а затем и в глобальном масштабе (Krylov, 2018, p. 27).

Таким образом, во второй половине XX века ДВ превратилось во влиятельный фактор мировой политики и международных отношений, число участников которого постоянно росло. Постепенно оформилась и институционально-организационная сторона ДН.

После завершения «холодной войны» могло показаться, что созданное в 1961 году ДН быстро уйдет с международной политической сцены. Действительно, ведь завершилась целая эпоха «холодной войны», один из полюсов международных отношений (СССР и «мировая социалистическая система»), по сути, в одночасье перестал существовать, а второй олов мировой политики (США и западный лагерь) торжествовал триумф (Kostyuk, 2011, p. 132).

Идея, лежавшая в основе создания ДН к противостоящим военным блокам – оказалась в этих условиях лишеной всякого смысла, да и само название объединения стало звучать как анахронизм (Krylov, 2012, p. 18).



В той ситуации многие политики и учение полагали, что «историческая необходимость в объединении неприсоединившихся стран исчерпала себя». Однако, несмотря на определенный кризис 1990-х гг., ДН сумело сохраниться как международное объединение, выражающее в первую очередь, чаяния развивающихся стран Африки, Азии и Западного полушария (Kostyuk, 2011, p. 132).

Неприсоединившиеся страны ощутили влияние набирающих силу процессов глобализации, которая раздробила их на три группы:

- первая из них – это те, кто попал в орбиту политики Соединенных Штатов (Афганистан, Египет, Индия, Индонезия, Ирак, Саудовская Аравия);
- вторая – страны типа Югославии и Ливии, где была реализована намеренная дестабилизация;
- третья – государства, которые изменили предпочтения во внешней политике (Румыния, Финляндия) (Pavlov, 2013, p. 12).

Итак, глобализация, в купе с конфронтацией между НАТО и ОДКБ, (пришедшей на смену противостоянию НАТО и ОВД, хотя и не в былом масштабе) способствовали актуализации ДН в условиях новых международно-политических мировых реалий. Примечательно, что на разных этапах развития приоритеты Движения видоизменялись, однако, цели и принципы - оставались несокрушимыми, что в немалой степени способствовало сохранности организации.

Особенность институционализации и структуры организации

До появления самого движения международные отношения с точки зрения институционализации знали два типа межгосударственных объединений:

- 1) межправительственные конференции (временный коллективный орган государств, который создавался для рассмотрения или решения конкретного вопроса);
- 2) межправительственные организации (постоянный коллективный орган государств, основанный на договоре-уставе, в котором закреплены принципы, цели, компетенции и порядок функционирования, с постоянными органами, штаб-квартирой, бюджетом, формировавшимся чаще всего на базе согласованной шкалы взносов государств-членов).

В лице же ДН в международных отношениях появился новый, третий тип межгосударственного объединения (заявивший место между двумя известными ранее - конференцией и организацией) - новый институт в международных отношениях и международном праве. Ученые обращали внимание на неоправданность употребления термина «член» движения неприсоединения (как не подходящий институционально и политически), подчёркивая уместность термина «участник» (Panova, 2012, p. 75-76).

ДН весьма своеобразная организация, не имеющая ни Устава, ни бюджета; его штаб-квартирой является столица страны, в которой проходила последняя конференция глав государств и правительств. Для решения текущих и других вопросов образуются специализированные органы. Решения на всех уровнях носят рекомендательный характер. На конференциях вырабатываются и при-



нимаются основные программные документы Движения, в которых записываются его цели и принципы, направленные на борьбу против империализма и колониализма, на укрепление позиций стран неприсоединения.

В период между конференциями страна, проводившая последнюю конференцию, выполняет координационные функции, осуществляет связь между странами и представляет Движение на международной арене. В это же время проводятся конференции министров иностранных дел, на которых обсуждаются важнейшие проблемы текущего момента и согласовываются позиции стран. Этим же вопросам посвящены и ежегодные, созываемые накануне открытия сессий Генеральной Ассамблеи ООН совещания глав делегаций и министров иностранных дел. ДН также ищет новые подходы к перестройке международного экономического сотрудничества на основе справедливых и демократических принципов. Движение играет всевозрастающую роль в деятельности ООН. На сессиях Генеральной Ассамблеи ООН страны Движения выступают с различными предложениями и вносят проекты резолюций по ряду вопросов (Non-Aligned Movement...).

Предпосылки вхождения Узбекистана и Азербайджана в ДН

С приобретением государственной независимости, страны постсоветского периода в определении курса своего развития на предстоящее будущее, прежде всего, исходили из национальных интересов страны. Приступая к реформированию всей политической и социально-экономической системы государственного устройства, исходя из жизненных потребностей перехода к условиям рыночных отношений, руководства республик сопрягало эти задачи с необходимостью проведения активной внешней политики и вхождения в орбиту международных отношений.

Данная аксиома не была чужда и для Узбекистана с Азербайджаном, которые стали активно внедряться в мировые политические реалии, приобретая статус полноценных акторов международных отношений. Учитывая опыт развитых стран, Узбекистан и Азербайджан, сфокусировали особое внимание на сотрудничестве с международными организациями, как механизмом интеграции в структуры мировой безопасности. Оба государства за короткое время стали членами, таких авторитетных организаций как – ООН, ОБСЕ, СНГ, ДН, установили взаимовыгодные связи с ЕС, НАТО и другими международными структурами.

Узбекистан стал участником ДН в 1992 году на X Саммите, прошедшем 1-6 сентября 1992 года в Джакарте, на котором приняли участие около 100 делегаций, включая примерно 60 глав государств и правительств. Кроме того, на Саммит были приглашены, в статусе наблюдателей – 8 стран, в качестве гостей – 18 государств и 13 организаций.

Главный посыл ДН – неприсоединение к военным и военизированным блокам полностью совпадает с внешнеполитической доктриной Республики



Узбекистан, в связи с чем страна практически с первых же дней независимого развития стала участницей этой структуры.

В основу внешней политики Узбекистана изначально были заложены следующие основополагающие принципы: верховенство национально-государственных интересов при всемерном учете взаимных интересов; равноправие и взаимная выгода, невмешательство во внутренние дела других государств; открытость для сотрудничества вне зависимости от идеологических воззрений, приверженность общечеловеческим ценностям, сохранению мира и безопасности; приоритет норм международного права перед внутригосударственным; развитие внешних связей как на основе двусторонних, так и многосторонних соглашений (Karimov, 1997, p. 287-288).

Трансформация миропорядка в XXI столетии определила новые задачи во внешнеполитической деятельности Узбекистана, нашедшие свое отражение в пятом пункте Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах. В нем предусмотрены следующие основные задачи по ведению взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики: укрепление независимости и суверенитета государства, дальнейшее укрепление места и роли страны в качестве полноправного субъекта международных отношений, вхождение в число развитых демократических государств, создание вокруг Узбекистана пояса безопасности, стабильности и добрососедства; укрепление международного имиджа Республики Узбекистан, доведение до мирового сообщества объективной информации о проводимых в стране реформах; совершенствование нормативно-правовой базы внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан, а также договорно-правовой основы международного сотрудничества; урегулирование вопросов делимитации и демаркации государственной границы Республики Узбекистан (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, 2018, p. 64-65).

Под руководством Главы государства была разработана Стратегия развития на 2022-2026 годы. Особое место в этом программном документе отводится обеспечению преемственности и непрерывности реформ на основе принципа «От стратегии действий – к Стратегии развития». Концептуальная программа реализуется в пять этапов, охватывает 100 целей, отраженных в 7 приоритетных направлениях - построение народного государства путем обеспечения интересов человека и дальнейшего развития свободного гражданского общества; превращение принципов справедливости и верховенства закона в основное и необходимое условие развития страны; развитие национальной экономики, обеспечение высоких темпов ее роста; реализация справедливой социальной политики, развитие человеческого капитала; обеспечение духовного развития, выведение данной сферы на новый этап; подход к общечеловеческим проблемам исходя из национальных интересов; усиление безопасности и обороноспособности страны,



ведение открытой, прагматичной и активной внешней политики (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, 2022).

За годы своего участия в ДН Узбекистаном был инициирован ряд проектов, способствующих стабилизации ситуации, как в Центральноазиатском регионе, так и в прилегающих к нему территориях. Среди них, целесообразно, отметить следующие: учреждение Контактной группы «6+2» по урегулированию афганского кризиса; создание в Центральной Азии зоны, свободной от ядерного оружия (ЦАЗСЯО).

Со второй половины 1993 года, суть взятого Азербайджаном внешнеполитического курса характеризуется ясным отражением всех стратегических интересов народа и государства. Азербайджанская Республика, оставаясь сторонником территориальной целостности и государственного суверенитета в международно-признанных границах, а также решению армяно-азербайджанского конфликта на основе резолюций Совета Безопасности ООН.

В своей внешней политике Азербайджанская Республика опирается на следующие основные принципы: уважение к суверенным правам каждого государства, невмешательство во внутренние дела друг друга, добросовестное выполнение в межгосударственных отношениях международных норм и взятых на себя обязательств; в соответствии с международными правовыми нормами и принципами не допускать нарушения территориальной целостности государств, насильственного изменения границ и угрозы государственной независимости, решать спорные вопросы мирным путем; вести совместную борьбу против сепаратизма, терроризма и прочих негативных явлений, могущих нанести урон безопасности, материальной и духовной жизни государств и народов и т. д. (Hasanov, 2007, p. 264-265).

Азербайджан, который был подвержен всестороннему давлению крупных геополитических игроков, с целью сохранения статуса «внеблокового государства» 26 мая 2011 года на индонезийском острове Бали был принят в ДН в статусе полноправного участника.

В этом статусе, Азербайджан принял участие в XVI-м Саммите ДН, проходившем с 26 по 31 августа 2012 года в Тегеране, на котором присутствовали лидеры 120 стран, включая 24 президентов, 3 королей, 8 премьер-министров и 50 министров иностранных дел, а также 21 страна-наблюдатель. Саммит состоял из серии последовательных мероприятий: Встречи высокопоставленных официальных лиц 26 и 27 августа; Встречи на уровне министров 28 и 29 августа; Саммита лидеров - 30 и 31 августа.

В статье 391 итогового документа Саммита глав государств Исламская Республика Иран выразила поддержку разрешению армяно-азербайджанского Нагорно-Карабахского конфликта именно в пределах «территориальной целостности, суверенитета и международно-признанных границ» Азербайджанской Республики.





Учитывая все возрастающую роль Азербайджана в региональной и мировой политике, участники ДН, в 2016 году решили передать Председательство в данной организации Азербайджанской Республике. 25-26 октября 2019 года в Баку прошел XVIII-й саммит глав государств и правительств движения, где приняли участие высокопоставленные представители 120 государств, а также 42 международных организаций.

Таким образом, с Бакинским саммитом, Председательство в движении перешло к Азербайджану в 2019-2022 годах, продленном до 2023 года, в связи с заявлением Уганды, которая станет следующим председателем движения, о возможности взять на себя председательство с опозданием на 1 год.

Председательство Азербайджана в ДН совпало с рядом глобальных и региональных вызовов и угроз, а также других событий среди которых:

- возрастание противостояния между США и западной коалицией с Россией, с последующей санкцией, ввиду украинского кризиса;
- конфронтация между США и все набирающим обороты Китаем, претендующим на мировое господство;
- пандемия COVID-19, с вытекающими из нее последствиями;
- Вторая Карабахская война между Арменией и Азербайджаном, восстановление территориальной целостности Азербайджана;
- вывод американского контингента из Афганистана;
- юбилейный саммит ДН, однако, который было решено провести в Белграде, месте где зародилась эта организация.

Все эти угрозы и риски (кроме юбилея) доказали актуальность организации, ее месте и роли как стратегии и структуры мировой безопасности.

За время своего председательства Азербайджан выступил с рядом инициатив по координации сотрудничества между государствами-членами, по укреплению ценностей многостороннего подхода и международного сотрудничества. Первый год председательства Азербайджана совпал с началом пандемии COVID-19. Баку приложил множество усилий, чтобы объединить страны-члены организации в борьбе с экономическими последствиями кризиса. По инициативе Баку 4 мая 2020 года впервые в истории организации прошел внеочередной онлайн саммит ДН, в котором приняли участие более 45 государств-членов и международных организаций. Среди лидеров, выступивших на саммите, были председатель 74-й сессии Генассамблеи ООН, председатель Комиссии Африканского союза и генеральный директор ВОЗ (Azerbaijan breathed new life into Non-Aligned Movement).

23 марта 2021 года в рамках 46-й сессии Совета по правам человека ООН по инициативе Азербайджана в качестве председателя Движения неприсоединения была принята резолюция «обеспечение равной, разумной цены, своевременности и всеобщей доступности вакцин против COVID-19». В общей сложности соавторами резолюции стали 133 государств, что является довольно высоким показателем для резолюций, принятых в Совете ООН по правам человека.



18 ноября 2021 года в рамках 76-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН в качестве председателя Движения неприсоединения в третьем комитете Ассамблеи была принята резолюция «обеспечение равной, разумной цены, своевременности и всеобщей доступности вакцин против COVID-19», выдвинутая от имени членов ДН по инициативе Президента Азербайджанской Республики (Azerbaijan - Non-Aligned Movement).

Демонстрируя готовность принять на себя ведущую роль в глобальной борьбе с национальным эгоизмом, унилатерализмом и протекционизмом, Азербайджан призвал к созыву специальной сессии Генассамблеи ООН. Инициативу поддержало более 150 государств-членов ООН (в том числе и Узбекистан), она состоялась 3-4 декабря 2020 года.

Одна из основных целей Азербайджана как председателя движения - подготовка основы для институционального развития ДН. Баку выдвинул несколько успешных инициатив в этом направлении. Запуск парламентской сети и создание в Нью-Йорке Офиса поддержки ДН стали важными шагами на этом пути (Azerbaijan breathed new life into Non-Aligned Movement).

Так, 26 ноября 2021 года по инициативе азербайджанского председательства в Движении неприсоединения состоялось Учредительное заседание сети парламентариев Движения неприсоединения. В ходе состоявшегося в Баку XVIII саммита Движения неприсоединения главами государств и правительств государств-членов было принято решение углубить связи между парламентами государств-членов ДН, учитывая конструктивную роль парламентариев в реализации принципов, идей и целей движения. Итогом стало создание парламентской сети ДН, основанной в Мадриде.

Во время председательства «страны огней» в ДН особое внимание было уделено сфере работы с молодежью. Так, по инициативе и при организационной поддержке Азербайджана 16-18 апреля 2020 года на национальном уровне и 1-5 марта 2021 года на международном уровне было проведено занятие по моделированию модели ДН. В симуляционном тренинге, организованном на международном уровне, приняли участие 60 молодых людей, представляющих 30 государств-членов ДН с 4 континентов.

4-5 октября 2021 года по инициативе азербайджанского председательства в ДН состоялось виртуальное учредительное заседание молодежной сети ДН с участием более 100 молодых людей, представляющих государства-члены ДН (Azerbaijan - Non-Aligned Movement).

Результатом всех нововведений в сфере молодежной политики стало создание молодежной организации, логотип и флаг которой были утверждены с помощью Шушинского аккорда («Шушинское соглашение», по названию города Шуша, где проходил Молодежный саммит ДН).

Еще одной инициативой, выдвинутой президентом Азербайджана Ильхамом Алиевым и поддержанной государствами-членами, стало создание в Нью-Йорке Офиса поддержки ДН.



11-12 октября 2021 года в Белграде состоялось юбилейное мероприятие высокого уровня по случаю 60-й годовщины основания Движения неприсоединения. В мероприятии приняли участие более 100 делегаций, в том числе главы 6 государств или правительств, более 50 министров иностранных дел государств-членов и страны наблюдателей, в том числе приглашенные в качестве специальных гостей, руководители международных организаций, включая председателя Генеральной Ассамблеи ООН и Генерального Секретаря Совета сотрудничества тюркоязычных государств (Azerbaijan - Non-Aligned Movement).

В целом, участники этой крупной организации высоко оценив ряд выдвинутых инициатив Азербайджана по координации сотрудничества в рамках структуры, а также укреплению ценностей многостороннего подхода и международного сотрудничества, позитивно отреагировали на справедливое восстановление территориальной целостности Азербайджана в ходе Второй Карабахской войны.

Стоит также отметить, что все инициативы, выдвинутые Азербайджаном и практическое их применение в рамках ДН, нашли свою полную поддержку со стороны Узбекистана, что служит символом дружбы и братских взаимоотношений двух стран.

Узбекистан особо активно принимал участие в ДН в годы Председательства в нем, Азербайджана. Так, 11-12 октября 2021 года делегация Узбекистана, возглавляемая тогдашним первым заместителем министра иностранных дел Ф. Арзиевым, приняла участие в юбилейном шестидесятилетнем саммите ДН, проходившем в Белграде. На Форуме была подчеркнута значимость и актуальность Движения в современном мире, обсуждена его растущая роль в вопросах мира и безопасности, устойчивого развития и защиты прав человека.

Глава делегации Республики Узбекистан в своем выступлении проинформировал участников об основных направлениях осуществляемых в Узбекистане глубоких преобразований, предпринимаемых Правительством страны усилиях по обеспечению устойчивого развития, глобальной и региональной безопасности (The delegation of Uzbekistan took part in the summit of the Non-Aligned Movement, 2021).

А 30 июня 2022 года парламентская делегация Узбекистана отбыла в Баку для участия в конференции Парламентской сети ДН, где участвовали парламентские делегации свыше 40 стран мира, а также представители 9 международных парламентских организаций.

Председатель Сената Олий Мажлиса Узбекистана Т. Нарбаева в своем выступлении подчеркнула, что возникающие сегодня вызовы требуют от парламентариев серьезного и еще более глубокого осмысления современной ситуации, выработки адекватных подходов и решений, задействования всех возможных механизмов многостороннего взаимодействия.

Поддерживая усилия мирового сообщества по созданию эффективных международных механизмов борьбы с терроризмом, Олий Мажлис Узбекистана





выступает за реализацию в полном объеме Глобальной контртеррористической стратегии ООН (Uzbekistan advocated the implementation of the UN counterterrorism strategy).

Глубоко символично, что 1-2 марта 2023 года Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев прибыл в Баку, по приглашению Президента Азербайджана Ильхама Алиева, завершающего председательство в ДН, для участия в саммите Контактной группы организации. Стоит отметить, что делегацию Узбекистана на этом авторитетном Саммите впервые возглавил Президент страны.

Впервые институт «Контактной группы» был применён в марте 1992 года под эгидой ООН с целью координации подходов к урегулированию положения на Балканах. В ее состав вошли представители США, России, Великобритании, Франции и Германии (Uzbekistan is committed to participating in solving regional and global problems, 2023). С тех пор внедрение данного института в ДН вошло в добрую традицию.

Форум был посвящен обсуждению важных вопросов, в числе которых: распространение эпидемии коронавируса и его последствия для мирового сообщества, продовольственная безопасность, глобальное изменение климата и экологии Земли, проблемы наименее развитых стран и другие актуальные вопросы.

Шавкат Мирзиёев выступил на саммите Контактной группы ДН. В своей речи, Президент Узбекистана подчеркнул, что: «В последние годы человечество, помимо борьбы с пандемией, также сталкивается с губительными последствиями изменения климата, природных бедствий и техногенных катастроф. Их масштабы растут и представляют серьезную угрозу безопасности и устойчивому развитию не только отдельных государств, но и целых регионов» (Speech by the President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the summit of the contact group of the Non-Aligned Movement).

Актуальность данного посыла, отчетливо продемонстрировало недавнее землетрясение, обрушившееся на Турцию и Сирию, унесшее десятки тысяч людских жизней, а также причинившее многомиллиардные экономические разрушения.

В связи с этим, главой нашего государства была высказана мысль по созданию в Узбекистане международной структуры по изучению и мониторингу природных бедствий.

«Узбекистан выступает за дальнейшее усиление деятельности на базе Глобальной платформы по достижению основных целей Сендайской рамочной программы до 2030 года*. В целях глубокого изучения причин возникновения таких чрезвычайных ситуаций и эффективного предотвращения их последствий

* Сендайская рамочная программа по снижению риска бедствий на 2015-2030 годы была принята на третьей Всемирной конференции ООН по снижению риска бедствий, состоявшейся 14-18 марта 2015 года в Сендае (Япония).



предлагаем создать специальную Сеть мониторинга и научных исследований Движения неприсоединения. Готовы разместить этот институт в Узбекистане» - отметил Шавкат Мирзиёев (Speech by the President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the summit of the contact group of the Non-Aligned Movement).

Таким образом, участие Президента Узбекистана в саммите ДН еще раз подтверждает приверженность страны к миролюбивой внешней политике и конструктивному взаимовыгодному диалогу, урегулированию любых спорных вопросов, исключительно дипломатическими переговорами и методами.

Заключение. В целом, Узбекистан и Азербайджан став независимыми государствами, определили при этом собственную стратегию, принципы и приоритеты внешней политики, превратились в полноправные субъекты международных отношений. На равноправной и взаимовыгодной основе они всячески развивают отношения сотрудничества с субъектами мирового сообщества, как в двустороннем, так и многостороннем форматах.

За годы независимости обе страны стали активными участниками во многих авторитетных организациях и платформах, одной из которых по праву является ДН. Узбекистан и Азербайджан поддерживают обоюдные инициативы и предложения, выдвигаемые в рамках ДН, так как принимая участие в данной организации оба государства движимы идентичной стратегией:

во-первых, основная доктрина внешнеполитического курса как Узбекистана, так и Азербайджана, полностью совпадает с целями ДН, представляя собой отказ от участия в военно-политических блоках и мирное сосуществование, основанное на принципах независимости и равноправия, что закреплено в Конституциях стран;

во-вторых, вторая по величине, после ООН, международная организация является альтернативой глобальным центрам силы и предлагаемым ими форматам мирового развития, что набирает особую актуальность в современных реалиях мировой политики;

в-третьих, в условиях трансформации однополярного мира в многополярный, конфронтации сверхдержав, крупных государств и транснациональных корпораций, с вытекающей из неё, возможной неокOLONIALной борьбы за перераспределение мировых доходов, участие в ДН обезопасит обе страны от давления из вне;

в-четвёртых, членство в ДН является весомым аргументом в сохранении, как Узбекистаном, так и Азербайджаном, статуса «внеблокового государства», логичным отказе от участия обоих государств в лоббируемых сверхдержавами и транснациональными структурами, во всякого рода военных или военизированных блоках.

**СУЮНОВА БАРНО**

таянч докторант, ТДШУ

Япония-Марказий Осиё: ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик

Аннотация. Мазкур мақолада Япония ташиқи сиёсатида маданий дипломатия, халқ дипломатиясининг ўрни ва аҳамияти ёритиб берилди. Япония, асосан, дунё бўйлаб мамлакат ижобий имиджини шакллантириши ва бунда ижтимоий ҳамкорликдан самарали фойдаланишига чуқур эътибор қаратади. Японлар характерида кўра ўз қадриятларини ҳаммага намоён қилишига мойил халқ бўлиб, бундай қадриятлар юмиоқ кучнинг ресурслари ҳисобланади. Токио энг катта эътиборини таълим соҳаси ва ишлаб чиқаришидаги кадрлар алмашинувида қаратди. Булар Марказий Осиёда Япония имиджини тараққиёт хавфсизлигининг ноҳарбий таъминотчиси сифатида намоён қилди. Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларда юмиоқ куч сиёсатини амалга ошириши учун фақат давлат сиёсати эмас, нодавлат акторлар иштироки ҳам муҳим ўрин тутди. Япониянинг минтақа давлатлари билан алоқаларни ўрнатишида дастлаб инсон омили алоҳида ўрин эгаллаган. Институционал жиҳатдан ўзаро алоқалар Япония элчихонаси, инсон ресурсларини ривожлантириши бўйича ҳамкорликдаги марказлар, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари ҳукуматлари ва Халқаро ҳамкорлик бўйича Япония агентлиги ўртасидаги келишувлар орқали тузилган япон марказлари деб юритиладиган муассасалар орқали амалга оширилмоқда. Марказий Осиёда барқарор ва фаол битирувчилар тармоғи ҳамда нодавлат ношижорат ташиқлотлари, университетлар, таҳлил марказлари, давлат институтлари ва компаниялар каби турли секторлар билан лойиҳаларни амалга оширишини асосий мақсад қилиб олган JACAFAning фаолияти ҳам сезиларли ижобий натижасини бермоқда. Бундан кўринадики, Япониянинг Марказий Осиё давлатлари билан яқинлашуви, ўзаро шионоч оишиши ва яқин ҳамкорликни таъминлаида маданий дипломатия асосий рол ўйнайди. Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларга киришиши шарт-шароитлари ва уларни амалга ошириши механизмлари таҳлил қилиши ишининг асосий қисмини ташиқил қилади. Шунингдек, қиёсий тадқиқот методлари ва тизимлилик асосида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантирувчи омилар ва институционал жиҳатлар ўрганилиб, ўзаро алоқалар ривожини бўйича фикр-мулоҳазалар тақдим этилади.

Таянч сўз ва иборалар: Марказий Осиё, ташиқи сиёсат, юмиоқ куч, халқ дипломатияси, дипломатик ваколатхоналар, япон тили, “Тараққиётга Расмий ёрдам”, “Марказий Осиё+Япония” дастури, JICA, JACAF.

Аннотация. В данной статье подчеркивается роль и значение культурной дипломатии и публичной дипломатии во внешней политике Японии. Япония в основном сосредоточена на создании положительного имиджа страны в мире и эффективном использовании социального сотрудничества. По своей природе японцы склонны показывать всем свои ценности, и такие ценности являются ресурсами мягкой силы. Токио уделял наибольшее внимание обмену кадрами в сфере образования и производства. Они продемонстрировали образ Японии в Центральной Азии как невоенного поставщика безопасности развития. Для реализации политики мягкой силы в отношениях со странами Центральной Азии важна не только государственная политика, но и участие негосударственных акторов. Изначально человеческий фактор занимал особое место в налаживании отношений между Японией и странами региона. Институционально



взаимоотношения осуществляются через посольство Японии, центры сотрудничества по развитию человеческих ресурсов, а также учреждения, именуемые японскими центрами, созданные по соглашениям между правительствами стран Центральной Азии и Японским агентством международного сотрудничества. Деятельность JACAFA, направленная на реализацию проектов с различными секторами, такими как стабильная и активная сеть выпускников в Центральной Азии и неправительственных некоммерческих организаций, университетов, аналитических центров, государственных учреждений и компаний, также дает значительные положительные результаты. Видно, что культурная дипломатия играет ключевую роль в сближении Японии со странами Центральной Азии, укрепляя взаимное доверие и обеспечивая тесное сотрудничество. Основная часть работы – анализ условий вступления в отношения со странами Центральной Азии и механизмов их реализации. Также на основе сравнительных методов исследования и систематики изучаются факторы и институциональные аспекты, развивающие социальную кооперацию, и излагаются мнения о развитии взаимных отношений.

Опорные слова и выражения: Центральная Азия, внешняя политика, мягкая сила, публичная дипломатия, дипломатические миссии, японский язык, “Официальная помощь развитию”, программа “Центральная Азия+Япония”, JICA, JACAFA.

Abstract. This article describes the role and importance of cultural diplomacy and public diplomacy in Japan's foreign policy. Japan mainly focuses on building a positive image of the country around the world and making effective use of social cooperation. By nature, Japanese people tend to show their values to everyone, and such values are the resources of soft power. Tokyo paid the greatest attention to the exchange of personnel in the field of education and production. These showed the image of Japan in Central Asia as a non-military provider of development security. In order to implement the soft power policy in the relations with the Central Asian countries, not only the state policy, but also the participation of non-state actors is important. Initially, the human factor occupied a special place in the establishment of relations between Japan and the countries of the region. Institutionally, mutual relations are carried out through the Japanese embassy, human resource development cooperation centers, as well as institutions called Japanese centers established by agreements between the governments of Central Asian countries and the Japan International Cooperation Agency. The activity of JACAFA, which aims to implement projects with various sectors such as a stable and active alumni network in Central Asia and non-governmental non-profit organizations, universities, think tanks, state institutions and companies, is also giving significant positive results. It can be seen that cultural diplomacy plays a key role in Japan's rapprochement with the Central Asian countries, increasing mutual trust and ensuring close cooperation. The main part of the work is the analysis of the conditions for entering into relations with the Central Asian countries and the mechanisms of their implementation. Also, on the basis of comparative research methods and systematics, the factors and institutional aspects that develop social cooperation are studied, and opinions on the development of mutual relations are presented.

Keywords and expressions: Central Asia, foreign policy, soft power, public diplomacy, diplomatic missions, Japanese language, “Official Development Assistance”, “Central Asia+Japan” program, JICA, JACAFA.

Кириш. Бугунги кунда давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик фақат давлат органлари томонидан эмас, балки уларнинг фаол вакиллари, инсонларнинг



ўзлари томонидан ҳам амалга оширилмоқда. Халқ дипломатияси инсонлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни сақлаб қолишга ва уни мустаҳкамлашга имкон беради. Япония ташқи сиёсатида маданий ва халқ дипломатияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, японлар ўз қарашларини япон санъати, маданиятини акс эттирган ғоялар орқали тарқатишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун, Япония юмшоқ куч сиёсатини тушунишда маданий дипломатия муҳим аҳамиятга эга. Япониянинг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларида ҳам ижтимоий ҳамкорлик асосий ўрин эгаллаб, бу орқали ўзаро алоқалар ривожини турғунлиги сақланиб қолмоқда.

Япония Ташқи ишлар вазирлиги ҳужжатларида дипломатиянинг мазкур кўриниши оммавий-маданий дипломатия (коҳо бунка гаико) деб юритилади. Вазирлик расмий сайтида унга қуйидагича таъриф берилади: “Япония Ташқи ишлар вазирлиги бутун дунё бўйлаб Японияни яхшироқ тушуниш учун Япония ташқи сиёсати бўйича турли хил маълумотларни, шунингдек, Япония ҳақида умумий маълумотларни фаол равишда тарқатади. ТИВ шунингдек, сиёсатчилар, етакчилар, тегишли экспертлар ва маҳаллий аҳоли билан ҳамкорлик қилиб, япон маданиятини жорий этиш, инсонлар алмашинувини рағбатлантириш ва япон тили таълимини ривожлантириш бўйича тадбирларга ёрдам беради”¹. Мазкур таърифдан ҳам кўриниб турибдики, Япония, асосан, дунё бўйлаб мамлакат ижобий имиджини шакллантириш ва бунда ижтимоий ҳамкорликдан самарали фойдаланишга чуқур эътибор қаратади. Профессор С.Кондонинг кузатишларига қараганда, японлар характерига кўра ўз тизимидаги кадриятларини ҳаммага намоён қилишга мойил халқ бўлиб, бундай кадриятлар юмшоқ кучнинг ресурслари ҳисобланади. Бундай ресурслар қаторига қуйидагиларни ҳам киритиш мумкин:

- Япония ҳақида маълумот тарқатиш;
- анъанавий ва замонавий маданияти билан таништириш;
- япон тилини оммалаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- кадрлар алмашинуви бўйича ишларни ташкиллаштириш;
- маданий соҳада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш².

Япония ташқи сиёсатидаги мазкур хусусиятларни Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро муносабатларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Натижалар ва мулоҳаза. Марказий Осиёдаги сезиларли ўзгаришлар 1993 йил 1 январда, Марказий Осиёдаги бешта республика Иқтисодий ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлгач ва ривожланаётган давлатлар рўйхатига киритилгандан кейин юз бера бошлади. Бу уларга хориждан иқтисодий ёрдамни жалб қилиш имкониятини яратган эди. Япония бу имкониятдан фойдаланиб, унинг ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишнинг асосий шаклларида бўлган

¹ Public diplomacy // Инт.: https://www.mofa.go.jp/policy/culture/public_dip_lomacy.html

² Taldybayeva D. The Central Asian policy of Japan // Eurasian Research Institute, Kazakhstan 08.03.2016–14.03.2016. № 58. // Инт.: <http://www.ayu.edu.tr/>.



“Тараққиётга расмий ёрдам” дастури орқали Марказий Осиё минтақасида ўз таъсирини ёйишга ҳаракат қилди. Таҳлилчиларнинг фикрига қараганда, Япония технологиялари ва Марказий Осиё минтақаси табиий ресурслари бир-бирини тўлдирувчи омиллар бўлиб хизмат қилади. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари япон инновацион технологияларига қизиқиш билдиради. Япония иқтисодиёти ривожланганлиги билан бошқаларни ўзига жалб қилади. Минтақа аҳолиси ҳам Японияни илмий-техник нуқтаи назардан муҳим ҳамкор сифатида кўради.

Сўнгги вақтларда Японияда энергияни тежовчи технологияларни кўпайтириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга эътибор қарата бошлаганлиги Марказий Осиёга бўлган қизиқишларнинг ортиб боришига олиб келади. Муаммоларни ечишга қаратилган ўзаро ҳамкорликнинг асосини инсон ҳаёти хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар ташкил қилади. У ўз ичига қуйидагиларни олади:

- камбағалликка қарши курашиш,
- табиий офатларнинг олдини олиш,
- тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш даражасини ошириш.

Ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Япония ташаббуси билан Қозоғистоннинг Семипалатинск вилояти аҳолиси, атроф-муҳит ва иқтисодиётга 40 йиллик ядровий синовларнинг оғир мероси ва оқибатларини эътироф этиш мақсадида 1999 йил 6 ва 7 сентябрда Токиода Халқаро Семипалатинск конференциясини ўтказилган бўлиб, бу ҳудуддаги тиббий хизматга муҳтож аҳолига ёрдам тақдим этганлиги муҳим аҳамиятли бўлди. Токио энг катта эътиборини таълим соҳаси ва кишлоқ хўжалигига қаратди. Япония Бош вазир Обучи Семипалатинскдаги муаммоларни инсон хавфсизлиги нуқтаи назаридан ҳал этиш муҳимлигини таъкидлаб ўтади¹. Улар Семипалатинскнинг ядровий синовлар ва синовлар давридаги муҳим ва даҳшатли оқибатларига, Нагасаки ва Ҳиросима каби Семипалатинскнинг бугунги ҳолати, ядро қуролининг аянчли оқибатлари дунё ҳамжамияти учун тинчлик зарурлигининг рамзи сифатида аҳамиятига эътибор қаратдилар. Булар Марказий Осиёда Япония имиджини тараққиёт хавфсизлигининг ноҳарбий таъминотчиси сифатида намоён қилди.

Япониянинг Марказий Осиё давлатлари билан яқинлашуви, ўзаро ишонч ошиши ва яқин ҳамкорликни таъминлашда маданий дипломатия асосий рол ўйнамоқда. Марказий Осиё республикаларида доимий равишда Японияга бағишланган тадбирлар ўтказилади. Бундай тадбирлар фақат пойтахт шаҳарларни эмас, маҳаллий ҳудудларни ҳам камраб олмақда.

Япон ҳукумати асосий эътиборини ёшлар ва мутахассисларга йўналтирилган таълим дастурларига қаратмоқда. Талабалар, илмий тадқиқотчи ходимлар, тадқиқотчи ўқитувчилар учун инглиз тилида дастурлар, давлат хизматчилари, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш соҳаси, ҳуқуқшунослик доирасидаги

¹ Tokyo International Conference on Semipalatinsk. 6-7 September 1999. //Инт.: <https://www.mofa.go.jp/region/europe/kazakhstan/semipala/summary9909.html>



мутахассислар учун малака ошириш курслари, Япониядаги олий таълим муассасаларида ўқиш учун магистратура, докторантура дастурлари тақдим этилмоқда.

Шу билан бир вақтда, университетларaro алоқалар ҳам ривожлантирилиб келинмоқда. Масалан, Хосей, Васеда, Цукуба каби япон университетлари минтақадаги нуфузли таълим муассасалари билан талабалар алмашинуви бўйича дастурларни амалга ошириб келмоқдалар. 2006 йил сентябрдан бошлаб Цукуба университетиде Марказий Осиё бўйича Халқаро марказ фаолият кўрсата бошлади. Мазкур марказда тадқиқот олиб бориш ва таълим бериш бўйича ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. 2010 йилда эса Тошкентда Япония ҳукумати дастурини Марказий Осиёда амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи университет бўлган Нагоя университетининг ваколатхонаси очилиши халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди. Нагоя университетининг ваколатхонасини очишдан мақсад халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш билан бир қаторда иқтидорли хорижлик талабаларни Япония университетларига грантлар орқали таълим олишларига жалб этишдан иборат. Кейинчалик ваколатхона асосий иш жойини тарк этмасдан университетда докторантурада ўқишни ўз ичига оладиган трансмиллий докторантура дастурини ишга туширди. Шунингдек, 2016 йилда ТДТУ қошида Нагоя, Цукуба, Кеио университетлари, Тоёхашини технология университети ва Токио технология институти каби япониялик ҳамкорлар билан Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази ташкил этилди. Ташкил этилган муассаса фаолиятининг асосий йўналишлари кимё ва нефт-кимё, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш, энергетика, қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежаш, машинасозлик ва материалшунослик каби соҳаларда ҳамкорликда фаолият олиб боришдан иборат. Япония олий ўқув юртлари билан илмий ва таълим соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси ва Цукуба университети ўртасида икки мамлакат университетлари ректорларининг форуми 4 марта ташкил этилди. Биринчиси 2011 йилда Токиода, иккинчиси 2015 йилда, учинчиси 2019 йилда Тошкентда ва охириги форум 2022 йилда Токиода бўлиб ўтган. Бундай тадбирлар ўзаро тажриба алмашишда яхши имконият бўлиб хизмат қилади.

2004 йилда ташкил этилган “Марказий Осиё+Япония” Мулоқот дастури ҳам минтақа давлатлари билан ўзаро ҳамкорликда ягона ёндашувни вужудга келтирди.

Биринчидан, маданий ва ижтимоий алмашинувлар мустақил йўналишларда белгилаб олинди.

Иккинчидан, 2004 йилда Ташки ишлар вазири Кавагучи Япония 3 йил давомида Марказий Осиёдан 1000 та тажриба ўрганувчиларни қабул қилишини маълум қилган. Таълим дастурларидан фойдаланиш орқали Токио Марказий Осиёнинг келажакда сиёсий етакчилар ва ишбилармон бўлиб етишаётган ёш авлодлари билан ишлаш имкониятига эга бўлади. Бу ёшлар Япония билан яқиндан танишиб, келажакда ҳамкорлик қилишга тайёр бўлишига умид қиладилар.



“Марказий Осиё+Япония” Мулоқот дастури Япония келажакда жамият фикрига таъсир эта оладиган шахслар билан ишлаш имкониятини оширади.

Бундан ташқари минтақалараро, маданий алоқаларни ривожлантириш, бизнесни қўллаб-қувватлаш, интеллектуал мулоқот, инсон капитали алмашинуви ҳам кўп томонлама шерикликнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган. Шунингдек, мулоқот доирасида минтақада терроризм ва наркотрафикка қарши курашиш, минтақавий хавфсизлик, қишлоқ хўжалиги, сув-энергетика ресурслари, транспорт ва логистика, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, туризм, савдо ва инвестицияни кучайтириш масалалари ишлаб чиқилиб, келишиб олинмоқда.

Мазкур форматдаги учрашувларнинг охиригиси 2022 йилнинг 20 октябр кунин юқори мансабдор шахсларнинг онлайн шаклдаги амалий учрашуви шаклида бўлиб ўтди. Учрашувда Токиода бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё+Япония” мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг 9-конференцияси кун тартиби, концепцияси ва дастури муҳокама қилинди¹. Ташқи ишлар вазирларининг 8-конференцияси онлайн форматда ўтказилиб, ушбу платформа доирасида асосий вазифалар этиб белгиланган сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, Япония ва япон компанияларининг Марказий Осиёдаги мавқеини мустаҳкамлаш, минтақа давлатлари билан маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Йўналишда иштирок этган Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон Туркменистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари вакиллари, ташқи ишлар идоралари раҳбарлари ўз чиқишларида Япония билан муносабатларнинг бугунги ҳолати тўғрисида сўзлаб бердилар, ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидаги долзарб масалаларни белгилаб олдилар. Шунинг билан бирга, алоқаларни янада чуқурлаштириш бўйича таклифлар илгари сурилди. Ўзбекистон томони келгусида амалга ошириш учун бир қатор янги ташаббусларни ҳам илгари сурди. Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги 30 йиллик ҳамкорлик натижасини сарҳисоб қилинган ҳолда, Япониянинг “Бир қишлоқ – битта маҳсулот” дастури асосида камбағалликни қисқартириш бўйича қўшма дастур ишлаб чиқиш, “Марказий Осиё учун “Яшил кун тартиби” минтақавий дастурини илгари суриш, ахборот технологиялари соҳасида ўқитиш ва малака ошириш хизмати билан минтақа қамровини кенгайтириш ва қўшма таълим дастурларини амалга ошириш мақсадида 2020 йилда Тошкент шаҳрида ташкил этилган Япония рақамли университетини Марказий Осиё рақамли университетига айлантириш каби истиқболли ғояларни баён этди. Токио томон ҳам бу ғояларни маъқуллади ва келажакдаги икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олдилар.

Институционал жиҳатдан ўзаро алоқалар Японияда юмшоқ куч сиёсатини амалга оширувчи ташкилотлар, жумладан, Япония элчихонаси, инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича ҳамкорликдаги марказлар, шунингдек, япон

¹ “Markaziy Osiyo+Yaponiya” muloqoti yuqori mansabdor shaxslarining onlayn uchrashuvi bo‘lib o‘tdi. 20.10.2022.// Инт.: <https://mfa.uz/uz/press/news/2022/markaziy-osiyo-yaponiya-muloqoti-yuqori-mansabdor-shaxslarining-onlayn-uchrashuvi-bolib-otdi---32538>



марказлари деб юритиладиган Марказий Осиё давлатлари ҳукуматлари ва Халқаро ҳамкорлик бўйича Япония агентлиги ўртасидаги келишувлар орқали тузилган муассасалар орқали амалга оширилмоқда.

Япониянинг Марказий Осиёдаги биринчи элчихоналари 1993 йил январда Қозоғистон ва Ўзбекистонда очилган. Кейинчалик Тожикистонда 2002 йилда, Қирғизистонда 2003 йилда ва охириги Туркменистонда 2005 йилда очилган. Ўз навбатида, минтақа давлатларининг Японияда ҳам дипломатик ваколатхоналари очилган бўлиб, Қирғизистоннинг Япониядаги элчихонаси 2004 йилда, Тожикистонники 2007 йил ва Туркменистонники 2013 йилда очилган. Дипломатик муассасалар ахборот-маърифий ишларда иштирок этади ва Япония фондидан илмий ва маданий дастурларни амалга оширади.

Яна бир ташкилот мавжуд бўлиб, ўзаро ҳамкорлик жараёнларига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бу ташкилот Япониядаги Ниппон жамғармаси билан боғланган Япония Марказий Осиё Дўстлик Ассоциацияси (JACAFА) бўлиб, Япония ва Марказий Осиёдаги инсон ресурсларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни мақсад қилган. Шу билан бирга, Марказий Осиё ҳамжамияти концепциясини яратиш ва мустаҳкамлаш ушбу платформанинг шиори ҳисобланади. Марказий Осиёда барқарор ва фаол битирувчилар тармоғи ҳамда нодавлат ноижорат ташкилотлари, университетлар, таҳлил марказлари, давлат институтлари ва компаниялар каби турли секторлар билан лойиҳаларни амалга ошириш мазкур уюшманинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Ташкилот 2017 йилнинг январ ойида ташкил этилган бўлса-да, доимий равишда Қозоғистон ва Японияда ўтказилган халқаро форумлар марказида бўлиб, Марказий Осиёлик ёш олимлар гуруҳига Япония бўйлаб тадқиқот сафарларини ташкил этишда ҳомийлик қилиб келмоқда.

JACAFА аъзолари билимли, юқори салоҳиятга эга, ғайратли етакчилар бўлиб, уларнинг хориждаги тажрибасидан сўнг ўз ватанларига қайтгани ўз мамлакатлари ва минтақаси ривожига содиқлигини кўрсатади. Ушбу мажбурият ва қобилият чет эл тажрибаси билан янада тўлдирилади, бу уларга чет элда стажировка ўтаб келишнинг афзалликларини қадрлаш имконини берди.

Умуман олганда, JACAFАнинг асосий фаолияти қуйидагилардан иборат:

- Япония-Марказий Осиё икки томонлама муносабатлари бўйича тадқиқотлар, Марказий Осиё бўйича минтақавий тадқиқотлар ва минтақавий ҳамкорликнинг АСЕАН моделини ўрганиш;
- Иштирокчи давлатларда навбатма-навбат мунтазам учрашувлар ва конференциялар ташкил этиш;
- Япония университетлари билан ҳамкорликда алмашинув дастурларини ўтказиб бориш;
- Японияда турли компанияларда стажировка ўташ учун шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу дастурларни амалга оширишда иштирокчилар амал қилишлари керак бўлган иккита асосий қоида мавжуд.



Биринчиси, иштирокчилар фаолияти қайсидир маънода JACAFА битирувчилари тармоғига бевосита боғлиқ бўлиши керак.

Иккинчиси, иштирокчи аъзолар фаолияти индивидуал тарзда ва JACAFА ҳамжамиятининг умумий ривожланишига ижобий ёрдам бериши керак.

Бу ҳамжамият орқали олиб борилаётган ишлар натижасида ёшларнинг сифатли билим ва тажрибага эга бўлиш имконияти янада ортиб бормоқда.

Ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисмларидан яна бири сифатида япон тилини оммалаштириш борасидаги тадбирларни келтириш мумкин. Биринчи марта япон тилини ўқитиш 1990 йилдан Марказий Осиё давлатлари ичида Тошкент давлат университетининг Шарқ факультетида бошланган. 1991 йилда Қирғизистонда, 1992 йилда Қозоғистонда япон тили ўргатилиши бошланди. Марказий Осиёнинг учта давлатида – Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистонда япон тилини билиш даражасини аниқлаш имтиҳони (норёу кушикен) ўтказиб борилади. 1997 йилдан бошлаб бу учала давлатда ҳар йили Марказий Осиёдаги япон тилини билувчи талабалар ўртасида кўрик-танлов ўтказилиб келинади. Тожикистон ва Туркманистонда япон тилини ўрганиш кейинроқ бошланган.

Дастлабки йиллар япон тилини ўрганиш, унга қизиқиш даражаси юқори даражада ўсиб борган. Лекин кейинчалик япон тилини ўрганувчилар, ўқитувчилар ва япон тили ўқитиладиган муассасалар сони камай бошлаган. 2009 йилги маълумотларга кўра, бутун дунёдаги япон тили ўқитиладиган муассасаларнинг 0,3% и Марказий Осиёга тўғри келган. Шунингдек, дунё бўйича япон тилини ўрганаётган талабалар сонининг 0,1% и Марказий Осиёга тўғри келган. 2022 йилнинг март ойида Самарқанд давлат чет тиллар институтида ўтказилган япон тили нотиклик санъати бўйича анъанавий танловдаги Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ёшинори Фузиямининг сўзларига кўра, айни пайтда Ўзбекистондаги 19 та ўқув муассасасида 3800 киши япон тилини ўрганмоқда.

Инсон ресурсларини ривожлантириш марказлари билан ҳамкорлик 2000 йилнинг бошидан бошланган бўлиб, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Қозоғистонда фаолият олиб бормоқда. Мазкур марказлар доирасидаги тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади: бизнес-курслар, япон тилини ўргатиш, компютер синфлари, ахборот ва маданият алмашинувида ўзаро ҳамкорлик. Бундан ташқари, марказ япон тилини ўргатувчи ўқитувчилар ва муассасалар учун ўқув материаллари, ўқув курслари тақдим этади. Шунингдек, тил билан боғлиқ танловлар, учрашувлар, маърузалар ва Японияда тажриба ўташда саралашдан ўтиш учун имтиҳонларни ташкил этади. Япон марказларининг минтақадаги фаол ҳаракатларини Туркманистонда Япония Техника университетининг филиали ва Ўзбекистонда Инновацион ёшлар марказини очганлиги мисолида кўриш мумкин. Бундан кўринадики, Япония иқтисодий соҳага инвестиция киритишга қараганда, маданий, ижтимоий соҳаларга кўпроқ сармоя ажаратишга аҳамият бермоқда.



Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларда юмшоқ куч сиёсатини амалга ошириш учун фақат давлат сиёсати эмас, нодавлат акторлар иштироки ҳам муҳим ўрин тутди. Япониянинг минтақа давлатлари билан алоқаларни ўрнатишида дастлаб инсон омили алоҳида ўрин эгаллаган. Бунда Ҳираяма Икуо (машҳур rassom, Ўзбекистонда “Халқаро маданиятлар карвонсаройи” маданий-маърифий марказини очиш ғояси муаллифи) ҳамда Осаки Сигекатсу (инженер, Ўзбекистонда Норико гаккёу япон тили бўйича мактаб очган) ҳиссаси катта¹. Бир қатор инсонлар қаторида япониялик олим, археолог, этнограф ва таржимон Кюдзо Като икки томонлама алоқалар ривожига улкан ҳисса қўшган. XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги давомида Като Ўзбекистонда жойлашган Кушон империяси давридаги буддавийлик ёдгорликлари устида қазилма ишларини олиб борган. Маълумки, айнан кушонлар Марказий Осиё худудига буддавийлик динини олиб кирганлар ва уни давлат дини сифатида белгилашган. 1998 йилдан Қоратепа ва Фаёзтепа манзилгоҳларидаги буддавийлик ёдгорликларида бошлаган археологик ишларини ҳар йили икки мартадан (баҳор ва кузда) давом эттирган. Профессор Като кўп йиллар давомида Далварзинтепа манзилгоҳидаги буддавийлик ёдгорликларида олиб борилган ўзбек-япон халқаро археологик экспедицияга оид тадқиқотларга раҳбарлик қилган. Мазкур йиллар давомида олим томонидан Марказий Осиё тарихи ва маданиятига оид бир қатор илмий нашрлар эълон қилинган. Жумладан, “Ипак йўли чорраҳасида”, “Евроосиё цивилизацияси бўйлаб саёҳат”, “Далварзинтепа шахристонини” каби кўплаб китоблар ёзган ва “Қадимги Панжикент”, “Қадимги Хоразм” сингари китобларни япон тилига таржима қилган. Профессор Катонинг фаолияти Япония ташқи сиёсий фаолият ҳисоботларида юқори баҳоланган ва Япония ҳукумати томонидан фахрий ёрлик, махсус орден билан тақдирланган. Шу билан бирга, Като “Япония миллий этнография музейи фахрий профессори” унвони билан тақдирланган. Унинг ишлари Ўзбекистонда ҳам юқори баҳоланиб, “Дўстлик” ордени билан тақдирланган ва Термиз шаҳри Катони “Фахрли фуқароси” сифатида тан олган. Профессор Япониянинг турли шаҳарларида ўзбек маданияти ва санъатини намойиш этувчи кўргазмаларни мунтазам равишда ташкил қилган. Ўзбекистонда уни нафақат энг таниқли, ҳурматли хорижлик сифатида, балки сеvimли ва фахрли инсон сифатида ҳам кўришади. Кюдзо Като доимо: “Мамлакатларимизда ҳамкорлик бўйича кўплаб имкониятлар мавжуд. Агарда менинг китобларим халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш учун хизмат қилса, мен бундан хурсанд бўламан”, деган гапларини таъкидлаб ўтган². Олим Ўзбекистондаги археологик ёдгорликларни ўрганишда йигирма йиллик иштироки орқали Японияда Евроосиё этнографиясини ривожлантириш билан бир қаторда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама илмий ҳамкорлик ва дўстона муносабатларга улкан

¹ Добринская О. “Мягкая сила Японии” в странах Центральной Азии. 30–01–2014. // Инт.: <http://analitika.org/international-affairs/geo/2637-myagkaya-sila-yaponii-v-stranah-centralnoy-azii.html>.

² Кузнецов С.И. Вспомяная профессора Като Кюдзо. Известия, 2016. –Т. 18. – С. 73-75. //Инт.: <https://izvestiahist.isu.ru/ru/article?id=111>



хисса кўшди. Султоновни Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустақкамлашда улкан ҳиссасини кўшган инсонлардан бири сифатида таъкидлаш мумкин. Жалил Султонов 1998 йилда ўз шахсий ҳисобидан япон аскарлари музейи очганлиги, хусусан, Ўзбекистонда 1940 йилларда яшаган японлар тарихини сақлаб қолиш йўлидаги хизматлари учун 2016 йилнинг ноябр ойида Япониянинг “Отаётган куёш, олтин ва кумуш нурлар ордени” билан тақдирланди.

Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлига 30 йил тўлиши арафасида 2021 йил ноябрь ойида Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев “Чиқаётган куёш ордени катта кордони” императорлик ордени билан тақдирланган. Япония ташқи ишлар вазири Тошимицу Мотегининг Содиқ Сафоевга йўллаган табрик хатида айтилишича, орден икки томонлама алоқаларни янада чуқурлаштириш ҳамда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш йўлидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун тақдим этилди¹. Мазкур орден Япония императорининг олий мукофоти бўлиб, фақат юқори натижаларга эришган шахсларга берилади.

Техник ҳамкорлик бўйича Япония бюджетига доир маълумотларга кўра, келажакда ҳукумат ишлари бўйича масъулиятни бўйнига оладиган ёшларнинг иш юритиш бўйича қобилиятини ошириш мақсадида 2013 йилда ЛСА ташкилоти доирасида 7200 киши Японияда техник таълим олишига имкон яратилди. 2014 йилнинг охиридаги эса Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларидан 420 киши ЛСА ташкилоти томонидан берилган молиявий грантлар ёрдамида Японияда магистратура босқичини тугаллаб қайтишган. Шунингдек, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикаларининг пойтахт шаҳарларида япон марказлари очилиб, инсон ресурсларини ривожлантиришга қаратилган хусусий марказларининг дастурларини тақдим этиб келишмоқда. Бундан ташқари, қонунчилик, қишлоқ хўжалиги ва ирригатсия, фалокатли вазиятларнинг олидини олиш соҳаларига доир бир қатор япониялик мутахассислар Марказий Осиё давлатларига келиб, тажриба алмашишмоқда².

Марказий Осиёни японияликларга таништириш мақсадида турли тадбирлар ўтказиб турилади. Яъни Японияда ҳам Марказий Осиё минтақасини аҳоли орасида оммалаштириш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, 2001 йилда ташкил этилган Марказий Осиё тадқиқотлари жамияти бу вазифани муваффақиятли бажармоқда. Шунингдек, минтақа давлатларига тегишли дипломатик муассасалар, марказлар томонидан турли маданий тадбирлар ва кўрғазмалар ташкил қилиб турилади. Бундай тадбирлардан бири 2017 йилнинг 8 январидан Япо-

¹ Oliy Majlis Senati Raisining birinchi o‘rinbosari Yaponiya elchisi bilan uchrashdi. 03 Noyabr 2021// <https://xs.uz/>

² 中央アジア・コーカサス開発研究会.日本による中央アジア地域支援の展望 –安倍首相中央アジア訪に寄せて(Central Asia-Caucasus Development Study Group. Prospects for Japan’s Central Asia Regional Assistance - Prime Minister Abe towards Central Asia). – P. 4-5. //Инт.: <http://www.povertist.com/wpcontent/uploads/2015/10/Japans-Development-Assistance-in-Central-Asia.pdf>



ниядаги энг катта музейлардан бири бўлган “Пола” музейида Туркманистон этнографияси ва тарихига бағишланган махсус тадбир ўтказилиб, унда японияликлар томонидан туркманча мусиқалар ижро этилиб, миллий кийимларини кийиб намоёниш қилишди. Бу тадбирлар музей раҳбарияти ва Туркманистоннинг Япониядаги элчихонаси томонидан ташкиллаштирилган бўлиб¹, минтақа давлатлари, уларнинг аҳолиси ва яшаш шароити ҳақида японларда кенг тасаввур пайдо бўлиш имконини берди.

Хулоса. Умуман олганда, Япония Марказий Осиё давлатлари муносабатларида юмшоқ куч сиёсатига таянади. Япония жаҳон ҳамжамияти олдида мамлакат ижобий имиджини шакллантириш ва бунда юмшоқ куч воситаларидан самарали фойдаланишга чуқур эътибор қаратади. Япониянинг Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан муносабатларида ҳам ижтимоий ҳамкорлик асосий ўрин эгаллаб, бу орқали ўзаро алоқалар ривожини турғунлиги сақланиб қолмоқда.

Биринчидан, ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг кучайишида элчихоналар, маданият марказлари ва инсон ресурсларини ривожлантириш марказлари муҳим ўрин эгаллайди. Улар томонидан ўтказилиб туриладиган турли хил тадбирлар давлатларнинг хусусиятларини намоён қилишда хизмат қилади.

Иккинчидан, “Марказий Осиё+Япония” Мулоқот дастури минтақа давлатлари билан ўзаро ҳамкорликда ягона ёндашувни вужудга келтиради.

Учинчидан, фан-таълимни ривожлантириш йўлида қилинган саъй-ҳаракатларнинг барчасида, асосан, ёшлар қамраб олинган. Бу борада Япония Марказий Осиё давлатларининг бошқарувни давом эттирувчи ёшлар билан ишлаш орқали келажакдаги ҳамкорлик алоқаларининг сақланиб қолиши ва янада ривожланиб боришидан манфаатдор, деган хулосага келиш мумкин.

Тўртинчидан, халқ дипломатиясининг кучайиб бораётганлиги ҳам ўзаро муносабатларга ижобий таъсир кўрсатади. Бунда санъат, маданият ходимлари, талабалар ва мутахассислар муҳим ўрин эгаллайди. Улар юмшоқ куч сиёсатининг амалга оширишида иштирок этибгина қолмай, аҳоли ўртасида илиқ муносабатлар ўрнатилишига сабабчи бўладилар.

Бешинчидан, Марказий Осиёда билимли ёшлар ҳамда нодавлат ноτιжорат ташкилотлари, университетлар, таҳлил марказлари, давлат институтлари ва компаниялар каби турли секторлар билан лойиҳаларни амалга ошириш асосий мақсадлари ҳисобланувчи JACAFА томонидан олиб борилаётган ишлар бугунги кунда индивидуал тарзда ёшлар салоҳиятини янада юксалтиришига ҳамда уюшма фаолиятининг самарали давом этишига сабаб бўлмоқда.

Олтинчидан, Япония олий ўқув юртлири билан илмий ва таълим соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси ва Цукуба университети ўртасида икки мамлакат университетлари ректорларининг форуми ташкил этилганлиги ўзаро тажриба алмашишда яхши имконият бўлиб хизмат қилади.

¹ In Japan took place a special event dedicated to ethnography and history of Turkmenistan. // Инт.: <http://www.mfa.gov.tm/en/news/143>



АЛИШЕРХЎЖАЕВА МАЪМУРАХОН

Таянч докторанти, ТДШУ

Маданий меросни сақлашда Ўзбекистон-ЮНЕСКО хамкорлигининг ривожланиш тенденциялари

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон маданий меросини сақлаш ва ундан халқаро муносабатларда фойдаланишининг дипломатик соҳадаги аҳамияти очиб берилди. Маданий меросни муҳофаза қилиши ЮНЕСКО ташиқлотини доирасида Ўзбекистоннинг устувор ҳамкорлик йўналишини ҳисобланиб, фанда янги тренд - «мерос дипломатияси»нинг ҳам амалиётда қанчалик фаоллашгани кўриб чиқилади. Бунда икки йирик даврлаштириши орқали қўйилган муаммони ўрганиши таклиф қилинган. Тадқиқотни амалга оширишида тарихийлик, тизимли ва мантиқий таҳлил, ивент ва контент анализдан фойдаланилган. Нуфузли ташиқлот ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий-тарихий меросни ҳимоя қилишидаги ҳамкорлик, аввало, истиқболда янада жадаллашгани, иккинчидан, давлатлараро дипломатияни янада мустаҳкамлашда беназир восита бўлиб хизмат қилиши олинган хулосалар орқали кўрсатиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон маданий дипломатияси, ЮНЕСКО, моддий маданий мерос, номоддий маданий мерос, кўп томонлама дипломатия, мерос дипломатияси, янги тенденциялар.

Аннотация. В статье раскрывается важность сохранения культурного наследия Узбекистана и его использования в международных отношениях в дипломатической сфере. Охрана культурного наследия считается приоритетным направлением сотрудничества Узбекистана в рамках организации ЮНЕСКО, а также рассматривается, насколько активизировалось на практике новое направление в науке – «дипломатия наследия». Предлагается изучить проблему, поставленную двумя крупными периодизациями. В исследовании использовались исторический, системный и логические анализы, событийный и контент-анализ. В выводах показано, что сотрудничество авторитетной организации и Узбекистана в сфере охраны культурно-исторического наследия, во-первых, в будущем будет активизироваться, а во-вторых, послужит уникальным инструментом дальнейшего укрепления межгосударственной дипломатии страны.

Опорные слова и выражения. Культурная дипломатия Узбекистана, ЮНЕСКО, материальное культурное наследие, нематериальное культурное наследие, многосторонняя дипломатия, дипломатия наследия, новые тенденции.

Abstract. The article reveals the importance of maintaining the cultural heritage of Uzbekistan and its use in international relations as well as in the diplomatic sphere. The protection of cultural heritage is considered a priority for cooperation between Uzbekistan in the framework of UNESCO, and it is also considered how much the new direction in science has intensified in practice - "Heritage Diplomacy". It is proposed to study the problem posed by two large periodizations. The study used historical, systemic, and logical tests, event, and content analysis. The conclusions showed that the cooperation of the authoritative organization and Uzbekistan in the field of protection of cultural and historical heritage, firstly, will be intensified in the future, and secondly, will serve as a unique tool for further strengthening the country's interstate diplomacy.

Key words and expressions: cultural diplomacy of Uzbekistan, UNESCO, cultural heritage, intangible cultural heritage, multilateral diplomacy, new trends, heritage diplomacy.



Кириш. Бугунги кун халқаро муносабатлари давлатларнинг турли соҳалар бўйича, халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама дипломатик алоқаларининг табиий равишда кенгайиб бораётганини кўрсатмоқда. Маданий ва тарихий меросни муҳофаза қилиш эса – давлатлар ва ташкилотлар дипломатик алоқаларининг ўзига хос таркибий қисмига айлангани айниқса, мустақил фаолиятни бошлаган ёш давлатлар халқаро ҳамкорлиги соҳасида янги тенденция ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ўзининг маданий ва маънавий мероси ҳажми ва қиймати бўйича тақдорланмас ҳам тарихий, ҳам ёш давлатдир. Давлатимизнинг маданияти, тарихи, дини, қолайверса, дипломатияси ҳақида сўзловчи маданий мерос объектлари, маънавий мерос намуналарини сақлаш, глобал миқёсда танитиш, тарғиб қилиш нафақат кейинги авлод балки, инсоният олдидаги бурч эканлигини билдирса, бошқа тарафдан - маданий меросдан дипломатик муносабатларнинг воситаси сифатида фойдаланиш, яъни давлатлараро муносабатларни яхшилаш ва долзарб аҳамият касб этмоқда.

Маданий меросни асраш бўйича дунё тажрибасини ўрганиш-тадбиқ қилиш, табиат, иқлим ўзгариши ҳамда туризм оқими кўпайиши натижасида ва бошқа бир қатор муаммоларга самарали ечим топишда, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО кўп томонлама дипломатиясини кўриб чиқиш ва уни мустаҳкамлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш эҳтиёжи келиб чиқади. Бу муносабатларда муайян даврларда кузатилган кўплаб муаммоли ва ечимини кутган масалаларни ўрганиб таҳлил қилиш орқали бугунги замонавий Ўзбекистон ва ЮНЕСКО муносабатларида маданий меросни сақлаш борасидаги дипломатик алоқалар ютуқлари ва трансформациясини янада аниқ кўрсатиш мумкин.

Мақсад ва вазифа. Аввало, маданий мерос – давлатларнинг тарихига шохид бўлган, тарихнинг ўзгинаси бўлган ўзига хос ҳикоячи ҳисобланади. Уни сақлаш бу, уни ўрганиш демақдир. Маданий меросни ўрганиш эса ҳар қандай давлатнинг асрлар ошган тарихини, маданиятини, дини, тили, кадриятлари, қолайверса, давлатчилик ва дипломатиясини шаклланиши ва ривожланишини ўрганишга йўл очади. Бирмингем университетида бажарилган Фалсафа доктори диссертациясида, “Қадриятлар доираси” деб номланган диаграмма келтирилган бўлиб, унга кўра ҳар қайси халқнинг тарихий меросини сақлаш аввало, маҳаллий даражада амалга оширилади ва тарихий-маданий меросни ҳимоя қилиш узлуксиз доирага айланиши келтирилган¹. Бизнинг фикримизча эса, тарихий мерос халқнинг маданият борасида мавжуд билимларини кўпайтиришга нисбатан қизиқишини оширишда бирламчи рольни бажаради. Бунга ёшларни ушбу жараёнга жалб қилиш орқали эришиш ҳам мумкин. Яъни ҳаракатларни тўғри йўлга қўйиш билангина халқнинг маданий ва тарихий меросга, уни ўрганишга қизиқишини кучайтириш мумкин. Натижада, меросни асраш ишлари ҳам сифат ҳам вақт нуқтаи назаридан юқори даражага кўтарилади. Шу сабабли тадқиқот олдига

¹ Davies, J. G. (2019). Acting locally, thinking globally: how are World Heritage values communicated within the onsite learning process? (Doctoral dissertation, University of Birmingham).UK-2018. P.270.



Ўзбекистон ва ЮНЕСКО муносабатларини икки қисмга даврлаштириш, ўзаро муносабатларнинг лейтмотиви ҳисобланмиш маданий меросни сақлаш бўйича эришилган ютуқлар, натижаларни кўриб чиқиш ва ниҳоят, уларни ривожлантириш учун таклифлар бериш орқали илмий – амалий аҳамиятини кўрсатиб бериш вазифалари қўйилди.

Усуллар: Илмий мақолани ёзишда тарихийлик, тизимли ва мантикий таҳлил, ивент ва контент таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза. Дунё тарихий ва маданий меросини асраш катта аҳамиятга эга эканлиги I Жаҳон Уруши даврида ва тугалланишидан сўнг яққол кўрина бошлади. Тегишлича, маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишга бағишланган дунёдаги илк халқаро конференция – 1931 йилда, Афина шаҳрида БМТ қошида 1922 йилда ташкил этилган “Интеллектуал ҳамкорлик бўйича Халқаро Коммиссия” тарафидан ўтказилган¹. Рус олимаси Т. Балматованинг таъкидлашича, уруш даврида маданий мулк хавфсизлигини таъминлаш, сақлаш бўйича аниқ талабларни халқаро ҳамжамият фақатгина ЮНЕСКО ташкилотини тузиб ишлаб чиққан². Бу фикрга қўшимча сифатида, айнан ЮНЕСКО тузилиши билан, дунё халқларининг моддий ва номоддий меросини сақлаш бўйича талаблар аниқлаштирилган дейиш мумкин. Яъни мероснинг номоддий – маънавий шакллари ҳам кўриб чиқила бошланиб, бу шаклнинг ҳам аҳамияти худди моддий меросчалик экани, аммо ҳеч кам эмаслиги назарда тутиляпти.

Моддий ва номоддий маданий меросни асраш қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, уни асрашга етарлича аҳамият бермаслик, ёки совуққонлик билан ёндашиш (тарихий меросга қасддан шикаст етказилиши каби жиноятлар ҳам кузатилади) – худди шундай кўламдаги фожиа ҳисобланади. ЮНЕСКОнинг 2009-2017 йиллардаги Бош директори таъбири билан айтганда, “маданият – давлатларнинг давлатчилигини англатувчи муҳим категория бўлиб, давримизда кузатилаётган “маданий тозалаш”, жамиятнинг тарихи ва хотирасини учуриш орқали унинг ўзини йўқ қилишга қаратилган ҳатти-ҳаракатдир”³.

ЮНЕСКО ташкилоти давлатлар кўп томонлама дипломатиясини амалга оширишда ва бугунги кунда энг долзарб масалалардан бўлган маданий меросни ҳимоя қилиш ва уни танитишда дипломатик муносабатларни йўлга қўйишда улкан аҳамиятга эга ягона ташкилот ҳисобланади⁴. Ҳозирги пайтда 193 дунё

¹ Balmatova T.M. [The role of cultural heritage in modern world politics] *Vestnik MGIMO-Universiteta*. 2022, (In Russ.) №15(2):226-234. Available at: <https://doi.org/10.24833/2071-8160-2022-2-83-226-234>

² Ўша ерда.

³ Setting the Stage. Ms. Irina Bokova, Director-General of UNESCO. Available at: <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000232562>

⁴ ЮНЕСКОнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги бир қатор хусусиятларига кўра дунёда ягона ихтисослашган муассаса эканлиги ҳақидаги таҳлилий фикрларимизни шу ерда батафсил қаранг: Alisherkhujayeva M.A. UNESCO: United Nation's exceptional organization in its field., *Nauchnyj sbornik «Uzbekistan i YUNESKO: istoriya stanovleniya kul'turnyh svyazey i perspektivy*



давлатлари Ташкилотнинг тўла қонли аъзоси ҳисобланади, яна 11 давлат кузатувчи мақомига эга¹ бўлиб, бу давлатларнинг барчаси ўртасида доимий тинчликни ўрнатиш учун сиёсий ва ёки иқтисодий келишувларнинг ўзи асло етарли эмас. ЮНЕСКОнинг бош мақсади – тинчликни ҳимоя қилиш ғояси инсонларнинг онгида қарор топиши керак деб келтирилганидек, халқлар ва давлатларнинг кадриятларини намоён этувчи ҳамма соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилиши бу борада энг муҳим аҳамиятга эга.

ЮНЕСКО ўз олдида қўйган вазифалардан бири ҳисобланган – маданий меросни сақлаш соҳаси айнан юқоридаги фикрни исботлайди. Маданият инсоният фаолиятининг энг гўзал умумий маҳсули бўлиши билан бир вақтда, аксинча, ҳар бир маданиятнинг хилма хиллиги, специфик хусусиятларга эгаллиги билан давлатларнинг ўзаро дипломатиясида уйғунликни уйғотувчи ниҳоятда қувватли куч бўлиб қолганлиги тобора аниқ бўлиб бораёпти. Дунёнинг маданий меросини асраш эса, давлатларнинг яхлитлигини сақлашдек муҳим, фикримизча. ЮНЕСКО аббревиатурасидаги “С” харфи инглиз тилидаги “culture” яъни “маданият” атамасини ифода этади. Ва ЮНЕСКО ташкилотининг илгари суришича, маданият турли хусусиятлари билан инклюзив, инновацион ва мустаҳкам жамиятлар куриш ёки уларни янада мустаҳкамлайди. Шу туфайли, тарихий маданий ва табиий меросни асраш тадқиқот ишимизнинг аввалги қисмида келтириб ўтилган доимий тараққиёт муаммолари билан бир қаторда, замонавийнинг тобора мураккаблашаётган ўткир ва янгидан янги можаролар ва фавкулотда вазиятларига чора топишда катта аҳамиятга эга².

Агар ЮНЕСКО томонидан тузилган 1978 йилдаги илк Бутунжаҳон мероси рўйхатида 12 объект бўлган бўлса, 2020 йилга келиб, дунё бўйлаб ушбу рўйхатга киритилган маданий мерос объектлари 1121 тани ташкил этган. Бугунга келиб эса, бу кўрсаткич 1154 объектни ташкил қилиб, улардан, 43 таси трансчегаравий объектларни, 897 та объект маданий ва 218 табиий мерос, 39 таси аралаш объектлари бўлиб, бу рўйхатдаги 52 объект хавф остида, 3 донаси эса рўйхатдан чиқарилган (Буюк Британия ҳудудидаги “Ливерпул – денгиз тижорат маркази”, Германия ҳудудидаги “Дрезден шаҳри Элба водийси”, Уммон Султонлиги “Араб орикслари кўрикхонаси”) жаҳон мероси объектлари ҳисобланади³.

Маданий мерос – замонавий даврда ёшлар ва кейинги авлод билан аждодларни боғловчи кўприк ҳисобланади. Ўзбекистон миллий маданий меросини асраш ҳамда танитиш, бугунги кунга келиб, нафақат тарихий ва иқтисодий жихатлама муҳим эканлиги балки, давлат миллий дипломатиясини замонавий руҳда амалга оширишда ҳам ниҳоятда муҳим ресурс экани эътироф этилган. Ўзбекистоннинг янги даври дипломатик соҳада ҳам жадал янги тенденцияларни

razvitiya». [Scientific collection of “Uzbekistan and UNESCO: history of cultural relations and perspective development”] Tashkent, 2022. Pp.104-107. (In English).

¹ Member States List. Available at: <https://ru.unesco.org/countries>

² Culture. Protecting Our Heritage and Fostering Creativity. Available at: unesco.org/en/culture

³ World Heritage List. Электрон манба. Available at: <https://whc.unesco.org/en/list/>



хаётга тадбиқ қилинаётганини кўрсатмоқда. Шу жумладан, давлатимизнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама дипломатиясининг чин маънода фаоллашгани, қолайверса, замонавий дипломатик трендларнинг ҳам қўлланилиши амалиётда кузатилаётган ижобий янгиликлардандир.

Шу нуқтага назардан, Ўзбекистоннинг маданий, тарихий ва айниқса, дипломатик соҳасида маданий меросни ҳимоя қилиш, танитиш, хусусан, янги авлод томонидан ҳар тарафлама “таниш” учун бу борада ҳам амалий ҳам илмий изланишларни кўпайтириш, ривожлантириш ҳаводек муҳим. Ўзбекистон бўйлаб жойлашган моддий мерос билан бир қаторда маънавий меросни ўрганиш, шу жумладандир. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлгимизни англаш, ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим”¹ дея таъкидланди.

Маданий меросни асраш ва Ўзбекистон-ЮНЕСКО дипломатиясининг шаклланиши

Ўзбекистоннинг миллий дипломатияси шаклланиши ва ҳозирга қадар ривожланиши жараёни мустақилликни қўлга киритилишидан бошланиб, кейинги даврларни қамраб олган. Халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида мустақилликнинг илк йилларида бошқа давлатлар билан бирин кетин дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши, Ўзбекистоннинг дипломатик муносабатларда фаол давлат сифатида ҳам танилишига сабаб бўлган. Фаол дипломатик фаолиятни бошлаган Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектлари, номоддий маънавий мерос намуналарига жаҳон ҳамжамияти тарафидан қизиқиш – Ўзбекистоннинг Собиқ Иттифоқ таркибидаги вақтлардан бошлангани келтирилади². Юқорида келтирилганидек, маданий меросни асраш ва танитиш ва бу орқали давлатлар ўртасида доимий тинчликни таъминлашни мақсад қилган, Бирлашган миллатлар Ташкилотининг фан, маориф, маданият масалалари бўйича “энг яхши ташкилоти”, ЮНЕСКО ва Ўзбекистон муносабатлари 1993 йил 26 октябрь кунида ўрнатилган. Ташкилот ва Ўзбекистон ўртасида 1995 йил имзоланган меморандумга кўра маданий меросни асраш бўйича куйидаги вазифалар томонларга юкланган³,

¹ Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis, “People’s opinion” (accessed 29.12.2018)

² Jurayev K. A. [UNESCO-Uzbekistan: stages of cooperation.] Social'naya mysl'. Gumanitarnyj zhurnal prav cheloveka Uzbekistana [Social thought. Humanitarian journal Prav Cheloveka Uzbekistana] 2000, №4(12)., p. 45.

³ Memorandum of Cooperation between the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (UNESCO) and the Republic of Uzbekistan. National archive of Uzbekistan– Found M -7. Register №1, file 343., pp 130-137.



ЮНЕСКО маданият соҳасида аввало, бюджетдан ташқари бўлган манбаларни жалб этиш йўли билан Ўзбекистонга :

- Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа жойларда жойлашган архитектур ёдгорликларни реконструкция ва сақлашда;

- маданият соҳасига тегишли қонунчиликни такомиллаштиришга;

- ўзбек ҳукумати сўровига мувофиқ музей ва кутубхона ишчиларини, маданият соҳасидаги юрист, менеджерларни, муаллифлик ва тармоқлараро ҳуқуқий мутахассисларни стажировкаларга юбориш, семинарлар ташкиллаштириш, ахборот етказиб бериш орқали тайёрлаш;

- кенг оммага Ўзбекистон ҳудудида яшовчи халқлар маданий ва тарихий меросини танитишда, хусусан, Штаб квартира биноларида кўргазмалар ўтказиш орқали ёрдам беради;

- ЮНЕСКО Жаҳон туризм ташкилоти(ЖТШ) билан биргаликда Ўзбекистонда туризм ва маданий туризм ривожланишида ёрдамлашади¹.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик муносабатларнинг бошланиши ва ривожланиши даврида фаоллиги ва яқинлиги билан характерланди. Маълумки, Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Хива каби қадимий шаҳарлари ўзларининг машҳур меъморий ёдгорликлари, архитектура, фан, санъат ва маданият марказлари дунё бўйлаб доимий қизиқиш уйғотади. ЮНЕСКО билан юқорида таъкидланган яқин муносабатлар ҳанузгача яқин ва интенсивлиги билан ҳам ажралиб туради.

Этиборга молик жиҳати – ушбу меморандум имзоланишидан 2 йил ўтиб, ЮНЕСКО раҳнамолигидаги тадбирларнинг биринчиларидан бўлиб, тарихий меъморликлар жойлашган машҳур шаҳарлар – Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги, шунингдек, Хива шаҳрининг 2500 йиллиги 1997 йил² шу шаҳарларда ва Париж шаҳридаги ЮНЕСКО штаб квартирасида ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги ҳисоботларида қайд этилишича, Парижда ўтказилган Хива, Бухоронинг ушбу юбилей тадбирларида Ўзбекистондан 50 нафар санъаткор иштирок этган³. Бу тадбирлар, Ўзбекистон миллий ва маданий дипломатияси ижроси амалда шаклланаётганини кўрсатаётган эди. Шунингдек, Бухоро ва Хива шаҳарлари юбилейларининг халқаро миқёсда нишонланиши – бу ҳудудларда жойлашган қатор меъморий мажмуалар, ёдгорликларнинг капитал таъмирдан чиқишига, улар атрофининг ободонлаштириш ишларини амалга ошишига ҳам сабаб бўлди.

Кейинги йилларда эса ЮНЕСКО шафейлигида Ўзбекистон қадимий шаҳарлари юбилейларининг нишонланиши ва таъмирлаш ишлари натижасида

¹ Ўша ерда.

² Sayfullayev D.B. History of formation and development of cultural diplomacy of the Republic of Uzbekistan (1991-2019). (In Uzb.) Tashkent, “Innovative development publishing house” Pub.,2020, p.122.

³ Current Archive of the Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan Report of the Department of International Relations for 1997., p 1.



улар қиёфаси бутунлай ўзгариши, қайта жонланишига сабаб бўлди. 2002 йилда, Термизнинг 2500 йиллиги ва Шахрисабз шаҳри 2700 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. 2005 йилда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги, 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги, 2009 йилда Тошкент шаҳри 2200 йиллиги шулар жумласидандир. Бу йилларнинг ўзига хос аҳамияти шундан иборатки, улар Ўзбекистон маданий меросини ҳимоя қилиш ва танитишдек муҳим вазифани ўз ичига олган ЮНЕСКО билан ҳамкорликнинг бу жиҳати шаклланиши босқичларини, томонлар қўйилган мақсадларни бирин кетин амалга ошириш жараёнини кўрсатиб беради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган, томонларнинг олдига қўйган мақсадлари орасида, маданий меросни ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилик тизими яратилганини шу билан бирга халқаро ҳуқуқий нормаларга ҳам қўшилиш ишларини амалга оширилганини ҳам санаб ўтиш лозим¹. Ўзбекистон Республикаси умумий ҳисобда ЮНЕСКОнинг 7 та халқаро ҳужжатини ратификация қилган.

Келтирилган маълумотларнинг таҳлил этилиши натижасида, Ўзбекистон дипломатик соҳаси биринчи даврининг айнан дастлабки икки декадаси – ЮНЕСКО вектори жуда ҳам фаол ривожланганини кўрсатади. Бу давр мобайнида маданий меросни сақлаш, фан ва таълим соҳасида фаол ҳамкорлик олиб борилди. Агар бу давр асосан Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримовнинг фаолияти билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, ЮНЕСКО билан ўзига хос муносабатлар шаклланишини кузатиш мумкин. Масалан, 1998 йилда Президент И.Каримов ЮНЕСКО томонидан “Авиценна” олтин медали билан тақдирланганини келтириб ўтиш мумкин². Бу мукофот айни муносабатларнинг шаклланиши жараёнида топширилгани ЮНЕСКО ва Ўзбекистон муносабатларининг йўлга қўйилишида икки тарафнинг ҳам фаол ҳаракатлари натижаси эканини кўрсатади. ЮНЕСКОнинг яна бир қатор эътирофлари ва медаллари аввало, юртимизнинг дунё маданиятига қўшган бебаҳо ҳиссаси, тарихий аҳамияти ва олиб борилаётган ислохотларнинг эътирофини билдирган. Мукофотлар қаторида, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистоннинг маданияти, тарихи ва фан оламига қўшган ҳиссаси эътирофи ҳисобланмиш “Самарқанднинг 2750 йиллиги” олтин ва кумуш медаллари, ЮНЕСКОнинг “Борободур” олтин медали, ЮНЕСКОнинг “Ипак Йўли” кумуш медали, ЮНЕСКОнинг “Аристотель” медали, ЮНЕСКОнинг Фес (Марокаш), Истанбул (Туркия) шаҳарларининг юбилейлари ва хотира саналарига бағишланган медаллари шулар жумласидандир.


¹ Rakhimov M.A., Abdimuminov O. Uzbekistan i OON: istoriya vzaimootnoshenij i faktory ustojchivogo razvitiya. (Uzbekistan and the UN: history of relations and factors of sustainable development) Tashkent, 2021., p. 224.

² Biography. Islam Karimov scientific and educational complex. Available at: <http://www.islomkarimov.uz/uzc/page/tarjimai-hol>



Маданий меросни сақлашда ЮНЕСКОга хос жиҳат бу – мероснинг мезонларига кўра бир неча турга бўлиниб моддий ва номоддий меросга ажратиб рўйхатга олиш ҳисобланади. Бу амалиёт – асосан дунёнинг XX аср давомида икки жаҳон урушини ўтказгани ва маданий меросни комплекс ҳимоя остига олиш ниҳоятда катта аҳамият касб этишини гувоҳи бўлинганидан сўнг бошланган. Аслида ЮНЕСКОнинг яратилиши тарихи ҳам айнан талофотли жаҳон урушлари якунида унга бириктирилган вазифалар, жумладан, дунё маданий меросини асрашдек вазифалардан бошлангани маълум.

ЮНЕСКО тарафидан маданий меросни қуйидагича ажратилишини қузатиш мумкин:



№1 – диаграмма¹.

ЮНЕСКО манбаларида, маданий меросни асраш ва бу ишда бундан авваллари ва ҳозирда сафарбар қилинаётган улкан ҳаракатлар – энг аввало ҳар бир миллатнинг ўзига ҳослигини ва бошқа миллат ва маданиятлар билан уйғунлигини ўрганиш учун олиб борилиши кўрсатилади. ЮНЕСКОнинг бир вақтнинг ўзиде ушбу икки жиҳат яъни, маданий хилма хиллик ва ўзига ҳосликни сақлашга қаратилган саъй ҳаракатларини юқорида келтирилган диаграмма орқали тавсифлаш мумкин. Деярли 80 йиллик тажрибаси нуқтаи назаридан, ЮНЕСКО жаҳон урушлари таъсирида инсоният фаолияти натижаси ҳисобланмиш тарихий ёдгорликларни, табиий меросни ва номоддий маънавий меросни сақлашнинг кейинги авлод учун нақадар муҳимлиги борасида дунёнинг барча ҳудудлари бўйлаб фаолиятини давом эттирмоқда. Бу аҳамият эса, тарихни чуқур ўрганишда, бу орқали бугунги кундаги ва кейинги фаолият алгоритмларини тўғри йўлга қўйишга ёрдам беришида кўринади.

Умуман олганда, ЮНЕСКО фаолиятининг ушбу, маданий меросни муҳофаза қилиш, соҳаси – асосини 1972 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош Конференцияси томонидан қабул қилинган “Жаҳон маданий ва табиий меросини

¹. ЮНЕСКО тарафидан ҳимоя қилинувчи Тарихий мерос қуйидаги турларга ажратилади. Муаллиф томонидан тузилган.



муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция” ташкил қилади. Бу Конвенция дунё давлатларини бирлаштирган ўзига хос ҳужжат бўлиб, ҳозирга қадар асосий мақсад – табиий ва маданий меросни ҳимоя қилиш сари статистика бўйича ҳам энг кўп ратификация амалга оширилган Конвенция эканлиги билан бутун дунёни ўзаро бирлаштирган. Ўзбекистон Республикаси бу Конвенциянинг иштирокчисига ЮНЕСКОга аъзо бўлган йилда айланган.

ЮНЕСКО ҳузурида Жаҳон мероси Конвенциясини амалга ошириши йўлида масъул бўлган Жаҳон Мероси Кўмитаси(WHC – World Heritage Committee), бутун дунё бўйлаб 21 ЮНЕСКО аъзо давлатлари вакилларида ташкил топган. Таъкидлаш жоизки, бу давлатлар орасида Марказий Осиё минтақаси давлатларидан Қирғизистон ҳам ўрин олган. Кўмитанинг асосий вазифаси, давлатлар томонидан номзодлиги тақдим этилган маданий/табиий мерос объектларини рўйхатга киритилиши учун асослар етарли эканлигини текшириш, ўрганиш, Жаҳон мероси Рўйхатига киритишни амалга оширишдан иборат¹.

Эътибор қилиниши лозим бўлган жиҳати – ЮНЕСКОнинг “Хавф остидаги Жаҳон мероси Рўйхати” ҳам мавжуд бўлиб, ундан турли хил факторлар, масалан, ўзида жам бўлиши лозим бўлган хусусият ва тавсифларни йўқотгани сабабли Жаҳон мероси рўйхатидан ва шунингдек, “Хавф остидаги Жаҳон мероси Рўйхати”дан ҳам чиқиб кетиш хавфидаги объектлар жой олади. Жаҳон мероси рўйхати, 2022 йил ҳолатига қўра, 1154 объектни ташкил қилиб, улардан, 43 таси трансчегаравий объектларни, 897 та объект маданий ва 218 табиий мерос, 39 таси аралаш объектлар бўлиб, бу рўйхатдаги 52 та объект хавф остида, 3 донаси эса рўйхатдан чиқарилган².

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ЮНЕСКО жаҳон мероси объектлари куйидагилар ҳисобланади,

1. 1990 йилда рўйхатга олинган Хива шаҳри “Ичан қалъаси”;
2. 1993 йилда рўйхатга киритилган Бухоро тарихий маркази;
3. 2000 йилда рўйхатга киритилган Шаҳрисабз тарихий маркази;
4. 2001-йилда рўйхатга киритилган Самарқанд – маданиятлар чорраҳаси;
5. 2016-йилда рўйхатга киритилган Ғарбий Тянь-Шан табиий ҳудуди;
6. 2016 йилда эса Шаҳрисабзнинг тарихий маркази Хавф остида қолган жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳар бир объект шу кундан эътиборан, бутун жаҳон мероси эканлиги туфайли халқаро даражадаги ҳимоя билан таъминланишини билдиради. Меросга эгалик қилувчи давлат энди уларни муҳофазасини турли хил омилларга қарши курашни халқаро ёрдам билан уйғунликда амалга ошириши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ташкилотига аъзо бўлгандан то 2016 йилга қадар Маданий меросни

¹ Cultural heritage: 7 successes of UNESCO’s preservation work. Available at <https://www.unesco.org/en/cultural-heritage-7-successes-unescos-preservation-work>

² World Heritage List. Available at: <https://whc.unesco.org/en/list/>



сақлаш борасида Бутунжаҳон мероси Қўмитаси томонидан маъқулланган жами 160,760 АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга оширган.

- Бухоро тарихий маркази ва "Самарқанд-маданиятлар чорраҳаси" Жаҳон мероси объекти учун бошқарув режасини ишлаб чиқиш;
- Бухородаги Рашид мадрасасини реставрация қилиш;
- Шаҳар мероси объектлари бўйича Жаҳон мероси номзодлигига номинация хужжатларини тайёрлаш кабилар учун ушбу маблағ сарфланган, қолайверса, юқорида айнан қандай ишлар амалга оширилгани ва объектлардаги янгиланишлар бўйича ҳам маълумотлар келтириб ўтилган.

Ўзбекистоннинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган объектлари орасида – Фарбий Тянь-Шан худуди Рўйхатнинг аралаш яъни, икки ёки ундан ортиқ давлат худудида жойдашган Жаҳон мероси сифатида рўйхатга олинган. Шу билан бирга, ЮНЕСКО ва Ўзбекистон муносабатларининг айнан шу борада, ҳозиргача бўлган даври мобайнида ўзига хос салбий жиҳат ҳам мавжуд. Бу 2000 йилда рўйхатга кирган Шаҳрисабзнинг тарихий маркази қарийб 16 йил ўтиб, ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси Қўмитаси халқаро мутахассислари томонидан хавф остидаги маданий мерос рўйхатига киритилди. Объектнинг хавф остидаги рўйхатдан жой олишига сабаб – Қашқадарёда жами 1468 та моддий маданий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, ЮНЕСКОнинг илгари сурган қоидаларига нисбатан турли хилдаги ноқонуний қурилмаларнинг пайдо бўлгани ва турли шахслар томонидан мавжуд қонун-қоидаларга беписандликлар амалга оширилгани бўлган.

ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси Қўмитаси Шаҳрисабз тарихий марказининг Жаҳон мероси рўйхатидан чиқиб кетишини олдини олиш учун зарурий амалга оширилиши лозим бўлган тавсияларни берган бўлиб, уларни зудлик билан бажариш Давлатимизнинг мустаҳкамланаётган кўп томонлама ва маданий дипломатияси кейинги ривожини учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шаҳрисабз тарихий маркази ўзида 20 га яқин дунё микёсида аҳамиятли тарихий комплекс объектларни мужассам этади. Жаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳар бир маданий мерос – бутун инсониятнинг мероси ҳисобланиб, тарихан ниҳоятда муҳимлиги билан характерланади. Таъкидлаш керакки, бу рўйхатга кирган жаҳон мероси намоёндалари хавф остига тушиши ва тегишлича бутунлай бу рўйхатдан чиқиб кетиши – дунёнинг, инсониятнинг ушбу беназир маданий ва тарихий меросдан маҳрум бўлганини аңлатади. Шунингдек, ҳар бир моддий маданий ва тарихий мероснинг уникаллиги ҳамда уларнинг бошқа ҳеч ерда қайтарилмас эканлиги эътиборга олиниши лозим бўлган яна бир жиҳатдир. Шаҳрисабз тарихий маркази объектларида ЮНЕСКО илгари сурган тавсияларига кўра шошилиш чора тадбирларни амалга ошириш кераклиги шу маънода ўзининг ортга суриб бўлмас вазифа эканлигини кўрсатади.

Умуман олганда, масалани ҳар тарафлама тўлиқ кўрсатиб бериш учун – юқорида асос сифатида кўрсатилган Конвенция ва давлатнинг миллий қонунчилиги, чора тадбирларининг ўзаро комплекси билан албатта биргаликда ўрганилиши лозим. Объектнинг муҳофазасига қаратилган, Маданий мерос объектла-



рини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Моддий маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 269-сон Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 229-сон «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги» Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 16.06.2009 йилда Қабул қилинган, Сенат томонидан 29 августда маъқулланган), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2014 йил 200-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни куриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш соҳасидаги ишларни ташкил этишни тартибга солиш ва назорат қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 376-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2018 йил Ф-5181-сон Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни куриш, реставрация, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил Ф-5361-сон Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 881-сон «Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 166-сон «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари соҳасида реставратор-усталар малакасини ошириш ва уларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» ги Қарори каби ҳуқуқий ҳужжат ва улардан келиб чиқувчи қоидалар маданий мероснинг айнан маҳаллий даражада ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Маданий меросни муҳофаза қилишга қаратилган ҳамкорликда янги тенденциялар

Ўзбек дипломатиясининг «Янги даври» бошланиши, ЮНЕСКО билан кўп томонлама ва маданий дипломатиянинг ҳам чин маънода гуллаб яшнаши, чин маънода яқин муносабатларни ривожланиш даври деб аташ мумкин. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида меросни ҳимоя қилиш бўйича юқорида кўрсатилганидек, яна бир ўзига хос соҳа, номоддий маданий меросни асраш ва тарғиб қилиш борасидаги ҳамкорлик ҳам фаол олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКОнинг 2003 йил 17 октябрида қабул қилинган «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Конвенцияга



қўшилгани асрлар давомида шаклланиб келган маънавий бойлик ҳисобланувчи барча номоддий маданий меросимизни глобал даражада тарғиб қилиш учун кенг имкониятларни очди.

ЮНЕСКОнинг бу Конвенцияси дунё давлатлари маданиятлари ҳар бирининг ўзига хослигини глобал даражада танитишни ва бу орқали уларнинг сақланишига сабаб бўлиши учун яратилган. Асосийси, маданий мерос намуналарининг ўзаро тинчликни, миллатлараро тотувлик ва уйғунликни мустаҳкамлашда фойдаланиш йўлида буюк қадам бўлган. “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” Конвенцияга бутунги кунда 180 давлат қўшилган бўлиб, Ўзбекистон 2007 йил декабрь ойида унинг иштирокчисига айланган¹.

Умуман олганда, бутунги кунга қадар Инсониятнинг номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига қуйидагилар киритилди:

№	Ўзбек номоддий маданий мероси	Рўйхатга киритилган сана
1.	“Бойсун минтақаси маданий муҳити”	2001 йилда номзодлиги топширилиб, 2008 йил Рўйхатга киритилган;
2.	“Шашмақом” мусиқаси (Ўзбекистон ва Тожикистон давлатларига тегишли)	2003 йилда номзодлиги топширилиб, 2008 йил Рўйхатга киритилган;
3.	“Қатта ашула”	2009 йил Рўйхатга киритилган;
4.	“Наврўз” байрами (12 давлат, жумладан, Ўзбекистонга тегишли)	2016 йил Рўйхатга киритилган;
5.	“Палов” маданияти ва анъанаси	2016 йил Рўйхатга киритилган;
6.	“Марғилон хунармандчиликни ривожлантириш маркази, атлас ва адрасни ишлаб чиқариш анъанавий технологияларини ҳимоя қилиш”	2017 йилда яхши ҳимоя амалиёти Реестри намунаси сифатида танлаб олинган;
7.	“Лазги” Хоразм рақси	2019 йил Рўйхатга киритилган;
8.	“Миниатюра” санъати (Азәрбайжон, Эрон, Туркия ва Ўзбекистонга тегишли)	2020 йил Рўйхатга киритилган;
9.	“Бахшичилик” санъати	2021 йил Рўйхатга киритилган.

Репрезентатив рўйхатга киритилган маданий дурдоналар бўйича ЮНЕСКОнинг “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” Конвенциясини бажарилиши борасида давлатлар ҳар 6 йилда 1 марта даврий ҳисобот тақдим этадилар. Рўйхатга киритилган ҳар бир маданий мероснинг бир эмас бир нечта халқ маданияти уйғунлигини ақс эттиришини, ва ушбу халқларнинг умумий маънавий илдизларини ифода этишини кузатиш мумкин.

¹ The States Parties to the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage (2003). Available at: <https://ich.unesco.org/en/states-parties-00024>



Қолайверса, улар асрлар ошиб сақланиб келаётган – тарихий, бир неча минг йилликларга тенг маданият намуналари ҳисобланади. Масалан, юқоридаги жадвалга аҳамият берилса, Афғонистон, Азарбайжон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Туркия давлатларидаги уч юз миллиондан ортиқ инсонларнинг умумий байрами ҳисобланмиш Наврўзнинг БМТ томонидан 3 минг йиллик тарихга эга эканлиги эътироф этилди. 2010 йилдан эътиборан ҳар йили халқаро байрам сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қароргоҳида нишонланиши белгиланди.

Тарихан, Ўзбекистон ҳам моддий ҳам номоддий маданий меросни ўзида жам этган буюк маданиятга эга. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг ушбу соҳадаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш, уни ўрганиш ва танитиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси ҳамда Инсониятнинг номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилиши лозим бўлган маданият дурдоналари талайгина бўлиб, ушбу параграф аввалида кўрсатилган вазифаларни ўз ичига олади.

Номоддий маданий мерос борасидаги таҳлилий натижалар қаторида, ҳар йили ЮНЕСКО шафейлигида ўтказилувчи “Шарқ тароналари” халқаро фестивали катта аҳамият касб этади. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали – жаҳонининг турли нуқталаридан ташриф буюрувчи ижодий жамоалар ўз маданий меросини намоён этишлари учун икки йилда бир ўтказилади. Илк маротаба ушбу тадбир Ўзбекистон биричи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида 1997 йил август ойида ЮНЕСКО шафейлигида ўтказилган. Ва ўрганилган маълумотлар асосида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатларнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши жараёнида айнан маданий жихатлама ушбу халқаро фестивалнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Шу билан бирга, агар аввал бошида Фестивалнинг халқаро иштирокчилари сони жаҳоннинг 31 давлатини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич фестивалнинг VIII чи сонидан, яъни 2011 йилда 50 дан ортиқ давлат иштирок этганини, 2015 йилда 65 давлат, 2019 йилга келиб, дунёнинг қарийб 75 давлати вакиллариининг иштирок этганини кузатиш мумкин.

Алоҳида келтириб ўтиш лозимки, бу тадбир 1999 йилдан буён ЮНЕСКОнинг ўз тадбирлари рўйхатига киритилган. Самарқанднинг Регистон майдонида ўтказилиши анъанага айланган тадбир бугунги кунга келиб, нафақат Марказий Осиё балки глобал даражада аҳамиятли бўлиб бормоқда. “Шарқ тароналари” – турли давлатларнинг маданият ва санъат соҳаларида эришган ютуқлари, шунингдек, асрлар давомида шаклланиб дурдонага айланган маданий мерос намуналарини намоёйиш қилиш, ривожлантириш ҳамда ЮНЕСКОнинг маданий меросни асрашдек энг муҳим вазифаларини амалга ошириш учун ўзига хос майдон ҳисобланади. “Шарқ тароналари” халқаро фестивали маҳаллий ва халқаро олимлар тарафидан Ўзбекистон маданий дипломатияси ютуғлари қаторига қўшилган. Қолайверса, фикримизча, турли давлатлардан ташриф буюрувчи



санъат ва маданият вакилларининг Ўзбекистонга, Самарқанддек қадимий шаҳарга илк келишлари, хатто энди танишаётганлари Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида танилишига, муносабатларнинг илиқлашуви ва маданий-гуманитар ўзаро алмашинувларни кучайишига катта хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фан, таълим ва маданият бўйича махсус муассаси билан маданий меросни асраш ҳамкорлиги соҳасидаги яна бир жиҳати бу – ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” (“Memory of the World”) дастури халқаро рўйхатига қуйидаги ноёб ёзма ёдгорликларининг киритилгани ҳисобланади:

– Ўзбекистонда сақланаётган муқаддас Усмон Қуръони;

– Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси шарқшунослик институти кўлёзмалари:

– Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивида сақланаётган “Хива хонлиги канцелярияси”.

Хулоса. Ўзбекистоннинг инсоният моддий ва номоддий меросига энг бой давлат экани, қолайверса уни танитиш ва ўрганиш – тарихнинг энг муҳим ихтиролари ва маданиятини ўрганиш ва танитишни англатади. Аслида, маданий мероснинг энг муҳим хусусияти ҳам айнан тарихий аҳамиятни чуқур ўрганган ҳолда, ҳозирги кун манфаатларига эришишда фойдаланишдан иборат эканини ушбу тадқиқот ва таҳлилий ишлар яққол кўрсатди. Хулоса қилиб, *биринчидан*, Маданий мерос ҳозирги пайтда нафақат тарих, маданият, дин, илм ва бошқа кўплаб соҳаларнинг сўзловчиси балки дипломатиянинг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилишини таъкидлаш мумкин. Худди шу муҳим бўлган вазифани глобал миқёсда ЮНЕСКО ўз зиммасига олиб деярли 80 йил мобайнида дунё давлатлари маданий, тарихий, табиий меросини муҳофаза қилиб келмоқда. Фандаги “мерос дипломатияси”нинг ҳам ҳаётга тадбиқ қилувчи, бу тушунчанинг эффективлигини исботлаган ҳам айнан шу ташкилот ва унга аъзо давлатлардир.

Иккинчидан, маданий мерос бу – шундай муҳим категорияки, у халқга тегишли ва айни дамда халқ маданий ва тарихий меросга тегишлидир, сабаби – асрлар давомида сақланган бу ёдгорликлар аждодларнинг изланишларини ва қолдирган улкан илмларини ўзида мужассам этади. Уни муҳофаза этиш инсониятнинг вазифаси бўлса, уни таниш, билиш ва баҳраманд бўлиш ҳам бутун инсониятнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Ўзбекистон ЮНЕСКО ташкилоти билан бу соҳада турли ҳамкорликларни йўлга қўйганини ва сўнгги беш йил давомида ташкилот билан кўп томонлама, хусусан, маданий ва *мерос дипломатиясини* жадал равишда ривожлантираётгани тенденциялари ўрганилди ва натижада, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон маданиятига бўлган катта қизиқиши ва маданий меросини ҳимоя қилишга бўлган ташаббуслари кузатилди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Янги даври бошланиши билан томонлар ҳамкорлиги ривожланиши, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон маданиятини кўрсатиш ва танитишдаги ташаббусларини қўллаб қувватлаши ушбу ташкилот билан кейинги муносабатларнинг



фақат кенгайиши, янада яқинлашиши эҳтимоли юқори эканлигини келтириб ўтиш керак.

Учинчидан, ЮНЕСКО билан ҳамкорликнинг илк йиллариданоқ амалга оширилган қатор ишлар натижасида тарихий шаҳарларнинг дунёга танилиши билан бир қаторда уларнинг реставрацияси ва объектлар атрофининг ободонлаштириш ишлари тезлашгани ҳам катта аҳамиятга эга. Йиллар давомида эътиборга муҳтож бўлган бу ерлар гўёки янги ҳаёт бахш этилгандек бўлгани кузатилди. Ҳозирга қадар ЮНЕСКО билан амалий ҳамкорликка давлатимизнинг кўрсатаётган эътирофи ҳам катта фикримизча. Ўзбекистонда жойлашган турли ривоятларни ўзида мужассам этган, дунё цивилизациялари бешиги ҳисобланувчи, фаннинг турли соҳалари нуқтаи назаридан ҳам машҳур ҳисобланувчи ҳар бир объектни сақлаб қолишда шошилиш чора тадбирларни амалга ошириш учун ЮНЕСКО ва унинг мутахассисларининг маҳаллий меъморларга бу борада йўналиш беришларини доимий равишда хурмат қилиниши бунинг исботидир.

ФАЙЗУЛЛАЕВ САРВАРБЕК

Мустақил тадқиқотчиси, ТДШУ

Замонавий халқаро муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришларнинг Эрон Ислом Республикаси ташқи сиёсати таъсири

Аннотация. Жаҳон кучлари ўртасида кучайиб бораётган стратегик рақобат шароитида халқаро майдон тез ўзгаришларга гувоҳ бўлмоқда, натижада можаро ва қарама-қаршиликлар кучаймоқда. Қўшма Штатлар бир қутбли дунёда ўз гегемонлигини ҳимоя қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишга мажбур бўлди. Бу АҚШнинг қайта тикланаётган Россия ва юксалиб бораётган Хитой билан зиддиятини кучайтирди. Ушбу рақобат Россия ва Хитойни эски алоқаларини тиклашга ва янгиларини ўрнатилишга ундади, бу эса кичикроқ мамлакатларга ўз манфаатларини, сиёсатини ва шерикликларини кучайтириш учун имконият яратди. Эрон расмийлари фикрига кўра, АҚШ Эронга нисбатан адолатсиз сиёсат олиб бормоқда. АҚШ санкциялари туфайли иқтисодий қийинчиликларга дуч келган Эрон халқаро майдонда ўз манфаатларини кучайтириш ва АҚШ гегемонлигига қарши курашиш имкониятларини топмоқда. Шундай қилиб, мазкур мақолада муаллиф томонидан ҳозирги халқаро ўзгаришлар Эрон Ислом Республикаси президенти Иброҳим Раисий ҳокимият тепасига келганидан то ҳозирги кунга қадар бўлган мамлакатнинг ташқи сиёсати қанчалик таъсир қилгани таҳлил қилинган. Бунда, Эроннинг минтақавий рақиблар билан музокаралари, АҚШнинг бир томонлама санкцияларига қарши курашиши, Энергия дипломатиясини фаоллаштириши, “Шарққа нигоҳ” сиёсати, Қўшинчилик сиёсати ва бошқа қатор йўналишлари бўйича сиёсати акс эттирилган.



Таянч сўз ва иборалар: санкция, ташқи сиёсат, эҳтиёткор дипломатия, “Шарққа нигоҳ” сиёсати, иқтисодий дипломатия, ядровий дастур, қўйинчилик сиёсати, энергия инқирози.

Аннотация. В условиях усиливающейся стратегической конкуренции между мировыми державами на международной арене происходят стремительные изменения, приводящие к усилению конфликтов и противоречий. США были вынуждены приложить все усилия для защиты своей гегемонии в однополярном мире. Это обострило напряженность в отношениях США с возрождающейся Россией и укрепляющимся Китаем. Это соперничество побудило Россию и Китай восстановить старые связи и установить новые, дав малым странам возможность укрепить свои интересы, политику и партнерские отношения. По мнению иранских официальных лиц, США проводят несправедливую политику по отношению к Ирану. Столкнувшись с экономическими трудностями из-за санкций США, Иран находит возможности для укрепления своих интересов на международной арене и борьбы с гегемонией США. Таким образом, в данной статье автор анализирует, в какой степени современные международные изменения повлияли на внешнюю политику страны с момента прихода к власти президента Исламской Республики Иран Ибрагима Раиси. В этом находит отражение политика Ирана по переговорам с региональными соперниками, борьба с односторонними санкциями США, активизация Энергетической дипломатии, политики «Взгляд на Восток», политики добрососедства и других направлений.

Ключевые слова и фразы: санкции, внешняя политика, осторожная дипломатия, политика «Взгляд на Восток», экономическая дипломатия, ядерная программа, политика соседства, энергетический кризис.

Abstract. In the context of increasing strategic competition among world powers, the international arena is witnessing rapid changes, resulting in increased conflict and contradictions. The United States was forced to make every effort to protect its hegemony in a unipolar world. This has exacerbated US tensions with a resurgent Russia and a rising China. This competition has prompted Russia and China to restore old ties and establish new ones, giving the smaller countries an opportunity to strengthen their interests, policies and partnerships. According to Iranian officials, the US is conducting an unfair policy towards Iran. Faced with economic difficulties due to US sanctions, Iran is finding opportunities to strengthen its interests in the international arena and fight against US hegemony. Thus, in this article, the author analyzes the extent to which the current international changes have influenced the country's foreign policy since Ibrahim Raisi, the President of the Islamic Republic of Iran, came to power. In this, Iran's policy on negotiations with regional rivals, fight against unilateral US sanctions, activation of Energy diplomacy, "Look East" policy, Neighborhood policy and other areas are reflected.

Key words and phrases: sanctions, foreign policy, cautious diplomacy, "Look East" policy, economic diplomacy, nuclear program, neighborhood policy, energy crisis.

Кириш. Эрон Ислом Республикаси Яқин Шарқ минтақасининг энг йирик давлати бўлиб, халқаро ва минтақалараро муносабатларда муҳим ўрин тутди. Табиий ресурслар ва биринчи навбатда энергия ресурсларининг катта захира-ларига эга бўлган Эрон яқин йилларда минтақавий куч марказига айланишни ўз ташқи сиёсатининг приоритети сифатида кўрмоқда. АҚШ санкциялари туфайли иқтисодий қийинчиликларга дуч келган Эрон халқаро майдонда ўз манфаат-



ларини кучайтириш ва АҚШ гегемонлигига қарши курашиш йўлида ўз мавжуд потенциалидан самарали фойдаланмоқда.

Тадқиқот мақсади Замонавий халқаро муносабатларда содир бўлаётган ҳозирги сиёсий воқеалар ва ўзгаришларни Иброҳим Раиси ҳукумати остидаги Эроннинг ташқи сиёсатига ижобий ва салбий таъсирини ўрганишдан иборат.

Халқаро ўзгаришлар шароитида жаҳон кучларининг можароси

Халқаро майдонда йирик давлатлар ўртасидаги шиддатли тўқнашувлар кузатилди. Эътиборга мойил хусусиятлар куйидагилардир:

Ҳарбий қарама-қаршилик ва геосиёсий рақобатнинг кенгайиши. Президент Жо Байден 2021 йил бошида лавозимга киришганидан бери АҚШ маъмурияти кучайиб бораётган кучларга қарши туриш ва гегемонлик мақомини сақлаб қолиш учун халқаро майдонда стратегик рақобат сиёсатига амал қилди. Ушбу сиёсат тўртта устунга асосланади: Европада кучларнинг стратегик мувозанатини тиклаш, ресурслар ва кучларни Узоқ Шарққа йўналтириш, Америка Қўшма Штатлари учун технологик устунлик ва имтиёзларни сақлаш, АҚШ қадриятлари ва дунё тартиби қоидаларини қўллаб-қувватлаш учун иттифоқчиларни сафарбар қилиш.

АҚШнинг бу сиёсати АҚШ гегемонлигини йўқ қилишга интилаётган икки куч Россия ва Хитойнинг сиёсатига қарши чиқади. Бу қарама-қаршилик уларнинг рақобатини қайноқ нуқталарда ва манфаатлар чорраҳаларида тўқнашувга айлантирди. Бу Россия-Украина уруши ва Жанубий Хитой денгизидаги Тайван инқирозининг таъсирида яққол кўринади¹.

Кўтбланиш ва коалиция қуришига қайтиши. Халқаро рақобат кучайиб бораётган бир пайтда, йирик давлатлар иттифоқчиларини қўллаб-қувватлаш учун кўпроқ ресурслар ажратдилар. Масалан, Қўшма Штатлар Шарқий Осиёдаги иттифоқларини кучайтириш, НАТОни кенгайтириш, Яқин Шарққа нисбатан сиёсатини қайта кўриб чиқиш². Хитойнинг саъй-ҳаракатлари Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) ва БРИКС (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Африка) кенгайишида яққол намоён бўлди. Хитой бу икки блок ғарбдан ташқари буюк давлатларнинг иттифоқи бўлишига умид қилади³.

Кўринишидан, Осиё давлатлари беқарорлик ва дунё бўйлаб турли хил таъсир доираларида шиддатли рақобат шароитида юксалмоқда. Хаос доимий равишда кенгайиб бормоқда, бу шубҳасиз халқаро тартибдаги мавжуд нотинчликни янада кучайтиради, бу эса олдини олиш стратегиялари, айниқса Қўшма Штатларнинг ташқи сиёсати самарадорлигини пасайишига олиб келади. АҚШнинг муваффақиятсизлиги унинг қудрати пасайганлигида эмас, Вашингтон

¹ Hippolyte Fofack, “Dawn of a second Cold War and the ‘scramble for Africa,’” in Africa Growth Initiative at Brookings. The Brookings Institution, 2022, P. 4-5.

² Steve Holland, “Biden Announces US Africa Summit for Mid-December,” 2022. // URL: <https://bit.ly/3P5NFXv>

³ Bonny Lin and Jude Blanchette, “China on the Offensive: How the Ukraine War Has Changed Beijing’s Strategy,” Foreign Affairs, 2022. // URL: <https://fam.ag/3zFLhB7>.



ўз қарама-қаршилик доирасини кенгайтирганда ва санкциялар режимига қаршилик кўрсатиш учун кўпроқ иттифоқлар пайдо бўлганлиги сабабли санкцияларни кенг қўллашда ўзгаришлар яққол намоён бўлди.

Айрим жаҳон кучлари Вашингтон ва унинг ҳамкорлари томонидан Россиянинг Украинага бостириб кириши фонидан унга нисбатан жорий қилинган санкцияларга амал қилишдан бош тортди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг роли БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси томонидан халқаро ҳуқуқни очикдан-очик бузганлиги сабабли чегараланган бўлиб қолди, чунки Россия ҳарбий куч ёрдамида чегараларни қайта чизишга ҳаракат қилмоқда. Кўпгина жаҳон кучлари ҳозирги дунё тартиби уларнинг мақомидаги ҳақиқатни акс эттирмайди, деб ҳисоблашади. Бу адолатсиз ва номутаносибдир ва тез-тез мавжуд бир томонламалик ўрнига кўп томонламаликни кучайтириш истагини билдирган ҳамда БМТнинг ҳозирги тизимини ислоҳ қилишга чақирган. Яқинда Хитой Хитойнинг дунё тартибини идрок этишини акс эттирувчи Глобал хавфсизлик ташаббуси деб номланган янги стратегик асосни тақдим этди. Ташаббус, шунингдек, Хитой минтақавий ва халқаро барқарорликнинг асосий қафолати сифатида АҚШ ва Ғарбга ўрнатилган халқаро ишончга путур етказишга интилаётганидан далолат беради. Асосий халқаро ташкилотлар Ғарб пойтахтларида жойлашган, аммо Хитойнинг ташаббуси Вашингтонга ишончини йўқотган кўплаб давлатлар томонидан маъқулланиши мумкин.

Бир томонламаликка қарши курашининг кучайиши. Афтидан, АҚШ гегемонлигига қарши кайфият кучайган. Кўпгина давлатлар АҚШ гегемонлиги кишанларидан халос бўлишга интилмоқда. Бу давлатлар ўз мақсадларига эришиш учун минтақавий ва халқаро миқёсда ҳамкорлик қилдилар. Улар дунё тартибининг тузилишини ўзгартириш ва ҳеч бўлмаганда АҚШ гегемонлигини жиловлаш ёки дунё тартибини кескин ўзгартириш учун чоралар кўрди. Улар аллақачон ресурслар ва манфаатларни тақсимлаш схемасини ўзгартирган. Ҳозирги ўзгаришлар фонидан Хитой Ғарб билан муносабатларини яхшилаш имкониятларини топди. Шу боис Хитой АҚШга қарши ҳамкорлар билан алоқаларини чуқурлаштириш учун барча имкониятлардан фойдаланиб, уларга АҚШ санкцияларига қарши туриш ва ишончни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда¹.

Шубҳасиз, рақобатдан тўқнашувга ўтиш даврида рўй берган кескин ўзгаришлар дунё тартибининг тузилиши ва унинг бошқарув стандартларига, давлатларнинг хатти-ҳаракатларига, халқаро тизим доирасидаги ўзаро муносабатларига таъсир кўрсатди.

Иброҳим Раиси ҳукумати остидаги Эроннинг ташқи сиёсати

Халқаро статус-кво Эрон Президенти Иброҳим Раисига иккита параллел ёндашувни қабул қилиш учун муҳим имконият яратди:

¹ Lin and Blanchette, “China on the Offensive.” // URL: <https://www.foreignaffairs.com/china/china-offensive>.



Эҳтиёткор дипломатия. Иброҳим Раиси Эрон иқтисодий инкироз ва ички низоларга дуч келган, ҳукмрон тизимнинг қонунийлигини хавф остига қўйган мураккаб даврда - қаттиқ ташқи босим остида бўлган даврда лавозимга киришди. Ҳасан Руҳонийдан фарқли ўлароқ, Иброҳим Раиси ташқи сиёсатда яхши тажрибага эга эмас, шунинг учун у ўз лавозимини эгаллашига ёрдам берган давлат институтлари ва арбобларига, хусусан, мамлакат ташқи сиёсатида сўнги сўзни айтадиган Олий Раҳбар Али Хоманайи таянади. Айниқса, ядровий келишув, Эроннинг Ғарб билан муносабатлари ва “Шарққа нигоҳ” сиёсати билан боғлиқ. Шунинг учун Иброҳим Раиси ҳукумати Жо Байден маъмуриятининг ядровий келишувни қайта тиклаш дипломатиясига қарши чиқмади. У ўзининг ҳаётий манфаатлари билан боғлиқ қизил чизиқларга амал қилган ҳолда кескинликни кучайтириш учун минтақавий мулоқотни кенгайтириш истагини билдирди. Эроннинг эҳтиёткор дипломатиясини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Америка Қўшма Штатларига қарши душманликни тасдиқлаган ҳолда музокараларда иштирок этиши: Эроннинг олий раҳбари Али Хоманайи Ғарбга ишончсизликни қўллаб-қувватлаб, АҚШ билан муносабатларни нормаллаштиришга қаратилган ҳар қандай саъй-ҳаракатларга тўсқинлик қиладиган қизил чизиқларни қўйди. “Музокаралар олиб бориш ва маълум бир паллада душман билан музокаралар олиб бориш унга таслим бўлишни англамайди. Биз шу пайтгача ҳеч қачон таслим бўлмаганмиз ва бўлмайди ҳам”, деди Хаменеи¹.

Ядровий музокаралар бўйича қатъий позицияни қабул қилиши: Эрон дипломатия ниқоби остида ядровий курулларни ишлаб чиқаришга яқинлашиш ва кўпроқ фойда олиш учун ҳозирги халқаро ўзгаришлардан фойдаланиб, АҚШ ва Ғарб босимига қарши турган ҳолда ядровий музокараларга нисбатан кескин позициясини билдирди. Бундан кутилган натижа, Қўшма Штатлар ва Ғарбни ядровий келишувни қайта тиклаш талабларини тан олишга ва Эрон талабларини қабул қилишга ундашдан иборат. Эрон ядровий бўлмаган ҳар қандай масалаларни ядровий келишувга қўшишга келганда, ўзи қизил чизиқ сифатида қабул қилган ҳолда, қатъий позицияни эгаллайди.

Минтақавий рақиблар билан музокаралар: Эрон ўзининг минтақавий таъсирини кучайтириш билан бирга кескинликни юмшатиш ва кейинги қийинчиликларга йўл қўймаслик учун минтақавий кучлар, яъни Саудия Арабистони Подшоҳлиги билан музокаралар олиб боришга киришди. Эрон бу эрда босим ва санкциялар таъсирини юмшатишни ва Форс кўрфазининг Исроил билан алоқаларни нормаллаштиришга бўлган ёндашувини тўхтатишни мақсад қилган, натижада Эрон-Исроил қарама-қаршилигини Эроннинг қўшнисини бўлган Кўрфазга олиб келади. Техрон, шунингдек, Эроннинг минтақавий хатти-ҳаракатларини музокараларга киритмасдан, ядровий келишувни қайта тиклашни рад этаётган минтақавий кучларнинг позициясини ўзгартиришга ҳаракат

¹ “Khamenei Signals Flexibility on Nuclear Talks, Reiterating Enmity with US”. October 2, 2022 // URL: <https://www.iranintl.com/en/202201092278>.



қилмоқда. Иброҳим Раиси ҳукумати АҚШнинг минтақадаги таъсирини чеклаш ва давом этаётган ядровий музокараларда ўз позициясини мустаҳкамлаш учун Форс кўрфази давлатлари билан алоқаларни яхшилашга ҳаракат қилди.

Энергия дипломатиясини фаоллаштириши: Эрон ўзини жаҳон нефт бозорида муҳим ўйинчи сифатида кўради. Эрон нефт вазири Жавад Овжи глобал нефт бозори Эрон нефти ва газига муҳтожлигини айтди ва Эрон нефтининг қайтиши бозорни барқарорлаштириши мумкинлигини айтди. У, шунингдек, Эрон нефт қазиб олишни санкциялар жорий этилишидан олдинги даражага тезда оширишга қодирлигини таъкидлади. Газ Россия-Украина урушида кучли дастакка айланди. Эрон 34 триллион куб метрдан ортиқ йирик газ захираларига эга, бу эса жаҳон газ захираларининг 17 фоизини ташкил қилади. Эрон газ ишлаб чиқариш бўйича Россиядан кейин учинчи ўринда туради. Эрон ҳам 158 миллиард баррелга яқин нефт захираларига эга, бу эса жаҳон нефт захираларининг қарийб 9 фоизини ташкил қилади. Эрон нефт қазиб олиш бўйича Венесуела, Саудия Арабистони ва Канададан кейин тўртинчи ўринда туради. Ҳали ҳам кашф этилмаган улкан нефт ва газ конлари мавжуд. Нефт ва газ захираларининг ортишига гувоҳ бўлиши мумкин. Унинг стратегик жойлашуви Эронни мақбул нархларда муҳим энергия етказиб берувчига айланишига олиб келиши мумкин - Эрон минтақа ва дунёда ўз таъсирини кучайтириш учун кўпроқ иқтисодий ва стратегик ютуқларга эришишни мақсад қилган¹.

АҚШ рақобатчилари билан алоқаларни кучайтириш орқали мувозанатли ташқи алоқаларни ўрнатиш Иброҳим Раиси учун устувор вазифа бўлиб келган. У, шунингдек, Эроннинг ташқи сиёсатини диверсификация қилиш устида ишламоқда, бу мамлакатнинг ядровий келишувдан узоқда бўлган муаммоларини ҳал қилишга умид қилмоқда. Иброҳим Раиси барча вазирлик ва давлат муассасаларини АҚШ санкцияларидан қочишга, товар бозорларида санкцияларни четлаб ўтиш йўллариини ишлаб чиқишга кўрсатма берди ва биринчи вице-президент санкцияларни юмшатиш бўйича ҳукумат фаолиятини мувофиқлаштириш масъулиятини ўз зиммасига олишига қарор қилинди². Шу нуқтаи назардан, Иброҳим Раиси Ҳукумат қуйидаги сиёсатларни қабул қилишга киришди:

“Шарққа нигоҳ” сиёсати: Совуқ уруш давридаги минтақадаги статус-квога ишора қилмайди, лекин бу Эроннинг минтақа ва унинг қўшниларига нисбатан истиқболи ҳақида. Шунингдек, у Шарқни Ғарбга қарши мувозанатга айлантиришга таянган ҳолда Эроннинг миллий сиёсатини кучайтиришни мақсад қилган. Шунинг учун Иброҳим Раиси ҳукумати асосий давлатлар: Россия, Хитой, Ҳиндистон билан ҳамкорликнинг аҳамиятини асослаб берди.

Қўшничилик сиёсати: АҚШ санкцияларини енгиб ўтиш учун ҳамкорлик ва тижорат алмашинуви истиқболларини очиш учун Эроннинг қўшнилари билан

¹ “Lagging Behind Global Developments Is the Reason for the Delusions of the American Terrorist Regime Against the IRGC,” Tansim News Agency, 2022. // URL: <https://bit.ly/3uLGkEj>.

² “The Agencies/Ministries Should Cooperate with Deputy President to Neutralize Sanctions,” IRNA, 2022. // URL: <https://bit.ly/2XjdXkf> [Форс тилида].



муносабатлари кўламини кенгайтиришга қаратилган. Бунга логистика, молия ва банк соҳасида ҳамкорлик қилишдан ташқари халқаро бозорлар, савдо келишувлари, савдони ривожлантириш тузилмалари ва мақсадли Шарқ мамлакатлари маҳаллий банклари билан ўз миллий валюталарида ҳамкорлик қилиш киради¹.

Ушбу сиёсатни амалга ошириш учун Эрон Ҳиндистон савдони ривожлантириш ташкилоти билан чекловларни олиб ташлаш, санкцияларни четлаб ўтиш учун икки томонлама транзакция каналларини ўрнатиш, савдони кенгайтириш ва икки томонлама дастурларни амалга оширишни тезлаштириш учун конференциялар ўтказиш, кўшма кўмиталар механизмини такомиллаштириш бўйича икки томонлама битимлар тузди.

Минтақавийликни кучайтириши: Бу Президент Иброҳим Раиси Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) саммитида қатнашган биринчи минтақавий сафаридида яққол намоён бўлди, бу сафар Эрон ташкилотга аъзо сифатида қабул қилинди. Бундан ташқари, Эрон ҳукумати Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан муносабатларини 2021 йилда ЕОИИ билан тузилган эркин савдо битими қоидаларини амалда татбиқ этиш орқали мустаҳкамлади. Эрон ҳам яқинда БРИКСга қўшилиш учун ариза берди.

Иқтисодий дипломатия: Бу Иброҳим Раисининг Эрон муаммоларини ядровий музокаралардан узоқлаштириш дастури доирасида амалга оширилди. У савдони иқтисодий даромадларни ошириш учун ҳукумат ташқи сиёсатида устувор йўналишга айлантиришга қаратилган. Эрон парламенти Эроннинг кўшнилари билан савдосини кучайтириш учун иқтисодий дипломатияни оширишга қаратилган қонун лойиҳасини чиқарди. Ҳукумат Ўзбекистон, Озарбайжон, Арманистон, Покистон, Ироқ, Туркия, Қатар ва Уммон каби давлатлар билан кўшма кўмиталар ташкил этиш орқали иқтисодий ва савдо шерикликларини фаоллаштиришда давом этди. Иброҳим Раиси ҳокимият тепасига келганидан бери Эрон ШХТ, БРИКС ва бошқа ташкилотлар каби кўплаб минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан шуғулланади. Эрон расмийлари бир қанча мамлакатларга ташриф буюрди ва Техрон ҳам кўплаб хорижий расмийларни қабул қилди. Вазият сиёсат, иқтисод, жамият, маданият, хавфсизлик ва ҳарбий соҳаларда келишув ва меморандумлар тузиш учун қулай эди. Эроннинг бу борадаги сиёсати, шубҳасиз, бутун дунёга Эрон кўшни давлатлар ҳукуматлари ва халқлари билан муносабатларини кучайтиришга интилаётгани ҳақида хабар берди².

Эрон ташқи сиёсатининг моҳияти ва натижалари бўйича ўсиб бораётган халқаро можаронинг оқибатлари кўриниб турибдики, халқаро ўзгаришлар

¹ China, India and Russia Are Iran's New Business Priorities in the Raisi Government/ 2 Solutions for the Trade Problem with the Caucasus," Tasnim New Agency, 2022. URL: <https://bit.ly/3ltU5Ez> [Форс тилида].

² "Iran's Readiness to Conclude Long-term Contract with India for the Development of Chabahar port/ India: We Will Make Chabahar One of the Most Important Ports in the World," IRNA, 2022 // URL: <https://bit.ly/3dPOTLe> [Форс тилида].



Иброҳим Раиси ташқи сиёсатининг мазмунини кескин ўзгартирмаган, у ҳамон ҳам минтақавий, ҳам халқаро даражада пухта дипломатияга эътибор қаратади. Эроннинг жаҳон кучлари билан ядровий музокаралари ва минтақавий рақобатчилар, хусусан Саудия Арабистони Қироллиги ва Туркия билан мулоқотида кўринади. Муҳим ички муаммоларга қарамай, Эрон ҳамон бу сиёсатга амал қилмоқда. Бироқ, у АҚШга қарши кучлар, хусусан, Россия ва Хитой билан ҳамкорлик қилиш орқали халқаро изоляция ва санкцияларни энгиб ўтиш учун доимий равишда ҳаракат қилиб, ўзининг қизил чизикларига урғу беради. Бундай сиёсатни қўллаш орқали Эрон ўзининг ички муаммоларини энгиб, Ғарб ва АҚШ билан музокара столидаги ўз позициясини мустаҳкамлаши мумкин. Эрон ўз мақсадларига эришиш учун хорижда қўллаётган анъанавий воситалар билан бундай сиёсатни ҳеч қандай муҳим ўзгаришларсиз амалга оширишда давом этди.

Халқаро ўзгаришлар Иброҳим Раиси ташқи сиёсатидаги устуворликлар тартибига таъсир кўрсатди. Иброҳим Раиси ҳукуматининг ядровий келишувни қайта тиклаш ва минтақавий кучлар билан мулоқотга доир позициясига халқаро кучларнинг позицияларидаги ўзгаришлар таъсир кўрсатди. Қаршилиқ стратегияси Россиянинг ҳам, Хитойнинг ҳам АҚШга қарши чиқиш ва унинг санкциялар режимига барҳам бериш истаги туфайли кучайди. Иброҳим Раиси ташқи сиёсатининг натижаларига келсак: халқаро ўзгаришлар Эрон учун фойда келтирган бўлса-да, у янги муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Натижаларни куйидагича кўриб чиқиш мумкин:

АҚШнинг халқаро сафарбарлик ва Эронга қарши ҳарбий зарбалар бериши қобилиятини чеклаш: Техроннинг фикрича, ҳозирги халқаро можаро Вашингтоннинг Яқин Шарқда янги уруш бошлаш қобилиятини чеклайди, чунки у Украинада давом этаётган уруш билан банд ва ҳозирда унинг асосий устуворлиги шу. Эронга қарши ҳар қандай уруш минтақавий можарога сабаб бўлади. Америка Қўшма Штатлари ва европаликлар минтақавий можародан қочишга ҳаракат қилмоқдалар, чунки бу жуда муҳим пайтда минтақавий барқарорликка путур этказди, балки энергия таъминотига таъсир қилади ва охири пайтларда Қўшма Штатлар ва европаликлар азоб чекаётган қутилмаган, қорли энергия инқирози шароитида нархларнинг янада ошишига олиб келади. Энергетика инқирози Эронга АҚШ босимига қарши туришга ёрдам берди ва ядровий музокараларга баллистик ракета дастури билан боғлиқ ҳар қандай мураккаб масалаларни қўшмасликка ёрдам берди. У кўпроқ баллистик ракета синовларини ўтказди ва ядровий музокараларда минтақавий хатти-ҳаракатларини бекор қилди. Эрон ядровий музокараларни фақат 2015 йилги ядровий келишувни жонлантириш билан чеклаб қўйди, ҳеч қандай кескин ўзгаришлар киритмади.

Ядровий келишувдан кўпроқ вақт ютиши: Эрон ўз ядровий дастуридан ядровий музокараларда савдо воситаси сифатида фойдаланган ҳолда кўпроқ вақт олиш учун ҳозирги халқаро можародан фойдаланмоқда. У БМТ кузатувчи органига унинг ядровий фаолиятини назорат қилишига рухсат бермади (*мураккаброқ центрифугаларни ўрнатиш орқали бойитилган уран захираларини*



кўпайтириши ва Техрон яқинидаги учта декларация қилинмаган жойда топилган уран зарралари ҳақидаги МАГАТЕ сўровларига жавоб бермаслик). Бу билан Эрон ўзининг савдо имкониятларини оширишга ва музокаралар столида кўпроқ имтиёزلарга эга бўлишга ҳаракат қилди. Эрон ўзининг ядровий дастурида олдинга силжиш ва ядровий чегарага яқинлашиш учун мавжуд воқеалардан фойдаланмоқда. Кейин, Эроннинг ядровий дастури ядровий битимдан чиқишни тўхтатиш ва Вашингтонни янги ядровий келишувда ҳар қандай манипуляция қилишнинг олдини олиш учун тўхтатувчи восита бўлиб хизмат қилади. Эрон бу босқичга етганда, унинг ядровий дастурини назорат қилиш имконияти аввалгидек бўлмайди¹.

Хитой билан янада стратегик ҳамкорлик: Иброҳим Раиси ҳукумати 2022 йил январ ойида Хитой билан стратегик шерикликни амалга ошириш бўйича кўпроқ кадамлар ташлади. Миллий хавфсизлик олий кенгаши котиби Али Шамханий твиттерда “Эрон ўртасида ҳамкорлик йўл харитаси имзоланди” деб ёзди. Хитой эса фаол қаршилиқ сиёсатининг бир қисмидир.”². Хитой ҳозирда Эрондан кунига қарийб 650 000 баррел нефт импорт қилмоқда³. Ҳозирги халқаро можаро шароитида Эрон “*Бир макон, бир йўл*” нинг стратегик йўлида асосий боғловчи нукта бўлишга умид қилмоқда. Йўл ташаббуси орқали Эрон изоляция ва АҚШ санкцияларини энгиб ўтиш ва кўпроқ сиёсий ва стратегик мустақилликка эришиш учун гео-иқтисодий ўзгартиришга эришиши мумкин.

Россия билан ҳамкорлик: Украинадаги урушдан кейин Россия-Ерон муносабатлари ўсиб бормоқда. Улар ҳамкорлик қилишга ва АҚШ санкцияларига қарши чиқишга кўпроқ тайёр бўлишди. Эрон Россия билан Хитой билан ўхшаш стратегик шериклик шартномасини имзолаш, мудофаа соҳасида ҳамкорликни кучайтириш ва курул-яроғ битимларини амалга ошириш ниятида, масалан, Россиянинг Украинадаги ҳарбий операцияларини қўллаб-қувватлаш бўйича сўнгги учувчисиз самолётлар келишувини мисол қилиш мумкин. Бундай келишувлар Эронга курул экспорти бўйича санкцияларни энгиб ўтишга ёрдам беради⁴. Ғарб давлатлари томонидан Россияга қўйилган қаттиқ санкциялар фониди, икки давлат Россиянинг МИР карта тўлов тизимидан фойдаланишга келишиб олдилар (МИР – Россиянинг карталар билан тўлов тизими Россия ва Россия Марказий банки томонидан ташкил этилган ва бошқарилади)⁵. Кўриниб турибдики, улар АҚШ санкцияларининг таъсирини камайитириш учун самарали чоралар кўрган. Икки давлат раҳбарлари иқтисодий ҳамкорлик ва ўзаро савдо-

¹ Abdulqader Fayeze, “Iran and America: From the Card of [Uranium] Enrichment in Oman to the Self-Guarantee in Vienna,” Al Jazeera, 2022 // URL: <https://bit.ly/3vAMUxY>.

² Ali Shamkhani, Twitter posti, 2021 // URL: <https://bit.ly/3TuF7MB>.

³ “Iranian Oil exports to China Slump Against Cheap Russian Crude,” Attaqa, 2022 // URL: <https://bit.ly/3VHerdg>.

⁴ “Major General Bagheri: Contracts for the Purchase of Defense Equipment From Russia Are Being Followed Up,” ISNA, 2022 // URL: <https://bit.ly/3FWBUPT> [Форс тилида].

⁵ “Tehran, Moscow to Recognize MIR Banking System,” Fars News Agency, 2022. // URL: <https://bit.ly/3qsJPyu> [Форс тилида].



сотикни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга оширди. 2022 йилнинг биринчи чорагида товар айирбошлаш ҳажми 10 фоизга ошди ва Россиянинг АҚШ билан ҳозирги қарама-қаршилиги шароитида асосий йўналиш бўлган “Шимол-Жануб” йўлаги ҳам ишлаб чиқилди¹. Россия Украинадаги урушга қарши позициясини инобатга олган ҳолда АҚШ ва Исроилга қарши чиқиш учун Сурияда Эронга кўпроқ ёрдам бериши мумкин.

Халқаро кучлар билан АҚШга қарши коалицияни кенгайтириш: АҚШга қарши иттифоклар доирасида Эрон АҚШ санкциялари остида қолган Венесуелага ёрдам беришда давом этди. У Венесуеланинг энг йирик нефтни қайта ишлаш заводини қайта таъмирлади ва Каракасни бензин билан таъминлади. 2022 йил май ойида тахминан 1 миллион баррел хом нефт олиб кетаётган Эрон байроғи остидаги танкер Венесуела сувларига етиб келди. Бундай битимлар 2021 йилда Каракас ва Техрон ўртасида АҚШ санкцияларига қарши туриш мақсадида тузилган нефт алмашинуви шартномаси доирасида амалга оширилмоқда. Нефт вазирлиги расмийлари, Рухоний ҳукумати даврида кунига 20 минг баррелдан 60 минг баррелгача бўлган газ конденсати экспортини 2,5-3 баробарга оширганликларини айтди. Эрон ва Венесуела ўртасидаги ҳамкорлик фақат савдо ва нефт шартномалари билан чекланмайди. Исроил Мудофаа вазирлиги расмийлари аввалроқ Эрон Венесуелага Моҳажер дронлари ва бошқа шунга ўхшаш моделларда фойдаланиш учун бошқариладиган курулмаларни етказиб берганини маълум қилган эди². Венесуела президентининг 2022 йил июнь ойида Эронга ташрифи чоғида Техрон ва Каракас ўртасида сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ўз ичига олган 20 йиллик стратегик ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Хабар қилинишича, Эрон Венесуелага узок масофали ракеталар ва учувчисиз самолётлар юборади. Эроннинг бу ҳаракати Қўшма Штатларга ўз ҳудуди яқинида таҳдид солишни мақсад қилган бўлиши мумкин.

Ташқи савдонинг ўсиши ва санкцияларни енгиши имкониятлари: Эроннинг ташқи савдоси нафақат АҚШнинг санкцияларни суғ қўллаши, балки Россия ва Хитой билан мавжуд халқаро можаро туфайли ҳам ошди. Қўшма Штатлар Эрон билан ҳамкорлик қилаётган мамлакатларга нисбатан иккинчи даражали санкцияларни қўллашга кўз юмди. Вашингтонга кўра, Эроннинг халқаро хом ашё бозорларига кўпроқ нефт чиқариши ижобий қадамдир. Натижада Эроннинг ташқи савдоси 2021 йилнинг март ойида бошланадиган Эрон йилининг дастлабки 11 ойида 38 фоизгача ўсди ва унинг нефт-кимё саноати сўнгги ойларидаги энг юқори даражага етди³. The Wall Street журнал нашрига кўра, Эрон

¹ “Russians Interested in Deepening Ties with Iran/ Importance of Access to the Gulf Through North-South Corridor/ Reduce Import Restrictions,” ILNA, 2022. // URL: <https://bit.ly/3wMShea> [Форс тилида].

² “Reuters: Tanker Carrying One Million Barrels of Iranian Crude Oil entered Venezuelan Waters,” Iran International, 2022 // URL: <https://bit.ly/3lzT2Sy> [Форс тилида].

³ We Broke the Embargo,” ILNA, 2022. // URL: <https://bitly/3DbQHoS> [Форс тилида].



сиёсий тизими АҚШ санкцияларига қаршилик кўрсатиш учун хорижда яширин молиявий тармоқни бошқаради. Бу тармоқ орқали Эрон сиёсий тизими мамлакатда кучайиб бораётган сиёсий босимнинг бир қисмини юмшатди ва ядровий келишувни жонлантириш учун музокаралар столидаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Келажакда юзага келиши мумкин бўлган санкциялардан қочиш ёки ҳар қандай хорижий кузатувнинг олдини олиш учун ушбу тармоқ Эроннинг иқтисодий тузилмасининг доимий қисми бўлиши истисно қилинмайди¹.

Эрон жорий йилнинг сўнгги чорагида кўшни мамлакатларга экспорти 70 фоиздан 120 фоизгача², Каспий денгизи мамлакатлари билан савдо ҳажми 39 фоизгача ошди³. Эрон ҳукумати бундай ўсишни ўз дастури учун муваффақият деб ҳисоблади. Эрон-Уммон кўшма савдо палатасининг статистик маълумотларига кўра, Эроннинг Уммонга экспорти 63 фоизга ошган⁴. Икки давлат ўртасида бартер битими имзоланиши билан Эрон-Покистон молиявий муносабатлари ҳам яхшиланган. Эрон президенти Туркменистон билан газ шартномасини ҳам тузди. Европа Иттифоқининг статистик идораси Эуростат 2022 йилнинг дастлабки уч ойида Эрон-Европа Иттифоқи савдоси сезиларли ўсганини маълум қилди. Бу 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 40 фоизга ўсди. Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг Эронга экспорти 18 фоиздан ошди.

Эрон 2022 ва 2023 йилларда экспортнинг кескин ўсишига гувоҳ бўлиши кутилмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, халқаро зиддият шароитида кўплаб мамлакатлар халқаро савдо ҳуқуқини бузиш имкониятига эга бўлди. Эроннинг “иқтисодий қаршилик” сиёсати халқаро савдо қонунчилигига зид келади ва протекционизмни кучайтиради, яъни ўз маҳаллий маҳсулотларини хорижий рақобатдан ҳимоя қилади. Ҳозирги можародан келиб чиқиб, у янада кучаяди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Эрон ташқи савдосининг ўсишига бошқа омиллар ҳам ҳисса қўшган, жумладан: нефт нархининг ошиши, миллий валюта қийматининг пасайиши, импорт чекловлари ва савдо балансини ўзининг фойдасига буриш.

Эронлик қарор қабул қилувчилар эришган ютуқларга қарамай, ташқи сиёсат муаммоларига дуч келишмоқда. Бу қийинчиликлар қуйидагилардан иборат:

АҚШ гегемонлиги ва АҚШ томонидан ўрнатилган жаҳон тартиби қоидаларини бузишнинг потенциал нархи: Яқин вақтлардан вақтдан бери ҳозирги халқаро ўзгаришлар ҳақида мунозаралар давом этмоқда. Баъзилар дунё тартибининг табиатида плюрализмга ўтиш бўйича кескин ўзгаришлар борлигига

¹ “Iran’s Secret System to Avoid Sanctions,” The Wall Street Journal, 2022. // URL: <https://on.wsj.com/3SnnA7T>

² “70-120% Growth of Iran’s Exports to Neighboring Countries During the Last 4 Months,” Tasnim News Agency, 2022. // URL: <https://bit.ly/3Dhg6h5> [Форс тилида].

³ “Iran’s Trade with Caspian Countries Increased to 39 Percent,” ILNA, 2022. // URL: <https://bit.ly/37KIT1P> [Форс тилида].

⁴ “63 Percent Increase in Iran’s Exports to Oman,” ISNA, 2022 // URL: <https://bit.ly/3yOtid5> [Форс тилида].



ишонишади. Натижада, Эрон маълум ютуқларга эришди, энг муҳими, санкцияларни енгиб ўтди ва иттифоқлар ўрнатди. Бироқ, АҚШнинг Хитой ва Россия амбицияларига қарши курашдаги кучли ҳаракатлари унинг глобал гегемонлигини сақлаб қолишдаги қатъийлигини акс эттиради. Қўшма Штатлар ва унинг рақиблари ўртасида ҳали ҳам кенг қамровли кучлар тафовути мавжуд. У ҳали ҳам дунёдаги энг нуфузли кучдир, чунки у глобал иқтисодиётда долларнинг ҳукмронлиги, тенгсиз ҳарбий жойлашуви, энг кучли ва нуфузли иттифоқлари, тенгсиз дипломатик мақоми ва улкан юмшоқ кучга эга. Юқорида айтиб ўтилган воқеликлар Эрон каби ўрта кучлар учун қийинчилик туғдиради. Жаҳон тартиби қоидаларини бузиш Эрон учун жуда қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун Эрон дипломатик йўлни сақлаб қолишни истади. У аслида ядровий келишувни қайта тиклаш бўйича ўзининг баъзи талабларидан воз кечди, масалан, Ислом инқилоби қўриқчилари корпусининг (ИИҚК) террорчи номини олиб ташлаш ва Эрон музокаралар бошида амал қилган бошқа “қизил чизиклар”.

Россия ва Хитойнинг Эронни қўллаб-қувватлашга тайёрлиги даражаси: Россия ва Хитой Эрон учун ишончли иттифоқчилардир. Бироқ, улар яхши тайёргарлик кўрмаган кўринмоқда, шунингдек, дунё тартибининг ўрнатилган қоидаларини ўзгартириш учун этарли қобилият ва ташаббусларга эга эмаслар. Эроннинг ядровий амбицияларини жиловлаш уч куч учун умумий манфаат эканлигини ҳисобга олсак, улар ўзларининг имтиёзлари ва АҚШ бошчилигидаги дунё тартибидаги катта улушларини сақлаб қолиш учун иттифоқчиларидан воз кечишлари мумкин. Шундай қилиб, улар Эроннинг АҚШ ўрнатган қизил чизикларга қарши туришини қўллаб-қувватлашда давом этишлари шарт эмас. Бу уларнинг Эроннинг таъсири, яъни энергия таъминоти ишлаб чиқариладиган ва халқаро савдонинг катта ҳажмини олиб ўтадиган минтақадаги беқарорлаштирувчи хатти-ҳаракатлари ҳақидаги умумий хавотирларига қўшимча. Эрон ва Россия ўртасидаги ҳозирги ҳамкорликка қарамай, уларнинг эски адоватлари ва турли мақсадлари муносабатларига путур етказиши мумкин. Хитой ва Россия Эрон 2015 йилги ядровий келишувда бўлгани каби Ғарбга мойил бўлишидан қўрқишади. Россия, хусусан, Эроннинг газ ва нефт экспорти ўз экспорти ўрнини босишидан хавотирда¹. Эрон БРИКС каби АҚШга қарши иттифоқлар ҳамда ШХТ ва ЕОИИ билан қўшилишда тўсиқларга дуч келиши мумкин, чунки бу ташкилотлардаги баъзи нуфузли аъзолар чеклаши мумкин. ШХТ ва БРИКС аъзоси Ҳиндистон каби АҚШга қарши ҳар қандай ҳаракатлар. Эроннинг ушбу ташкилотларга аъзолиги АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг Эронга нисбатан босими ва санкцияларини юмшатишга ёрдам бериши мумкин.

Эроннинг ядровий музокаралардан ташқари мураккаб масалаларни ҳал этишга қаратилган сиёсатининг оддий натижалари: Иброҳим Раиси ядровий келишувдан ташқари Эрон муаммоларини ҳал қилишга интилган, аммо Ғарб

¹ After Removing the Reactors' cameras, European Countries Call for De-escalation, Washington Warns Tehran of Nuclear Crisis," Al Jazeera, 2022. // URL: <https://bit.ly/3nxXYIE>.



билан ўзаро тушуниш ва келишмовчиликларни ҳал қилмасдан туриб, ўзининг мураккаб масалаларини ҳал қила олмаслиги маълум бўлди. Бундан ташқари, санкциялар ҳали ҳам самарали бўлиб, ядровий келишувни қайта тиклаш бўйича ҳал қилинмаган келишмовчиликлар фонида Эрон иқтисодиётини кучсизлантirmoқда. Эроннинг инқирозли иқтисодиёти унинг Ғарбдан узоклашиш ҳаракатларига тўсқинлик қилди. У баъзи сезиларли иқтисодий ютуқларга эришган бўлса-да, коррупциянинг тарқалиши, нотўғри бошқарув ва санкцияларни четлаб ўтиш учун параллел иқтисодиёт миллий бюджетни ошириши керак бўлган кўпроқ ресурслар ва даромадларни исроф қилди. Ички вазият ёмонлашишда давом этар экан, Иброҳим Раиси бошқарувининг тасъир даражаси 1979 йил инқилобидан кейин Эроннинг исталган президентига нисбатан пасайиб кетди. Маҳса Амини ўлдирилиши муносабати билан бошланган норозилик намойишлари бунинг ёрқин мисолидир.

Россиянинг Украинага қарши уруши Иброҳим Раиси ҳукумати дуч келган қийинчиликларни янада кучайтирди. Шунинг таъкидлаш керакки, Эроннинг ташқи савдоси ҳали санкциялардан олдинги даражага етмаган, айниқса, Эроннинг технология бўйича энг муҳим ҳамкори бўлган Европа Иттифоқи каби асосий шериклар билан. АҚШнинг Эронга нисбатан юмшоқ позицияси ва ҳозирги халқаро ўзгаришлар туфайли Эроннинг нефт экспорти кескин ошди, лекин аввалги даражанинг ярмига ҳам етмади. Бу кунига 2,3 миллион баррел нефтни ташкил этди. Эрон экспортдаги пасайишнинг ўрнини тўлдириш учун юқори нефт нархидан ҳали фойда кўрмади.

Хулоса. Ҳозирги халқаро можаролар Эронга маневр қилиш учун, хусусан, санкцияларни енгиллаштириш ва халқаро изоляцияни бузиш учун кўпроқ имконият берди. Хитойга нефт экспорт қилишга ва Россия билан ҳарбий ҳамкорликни кенгайтиришга эришди. Бундан ташқари, у Россиянинг тўлов тармоғи тизимида кўшилди ва молиявий ўтказмаларга нисбатан қўлланилган санкциялардан қочиш имконини топмоқда. Шунингдек, у Қўшма Штатлар ва Ғарбга янада босим ўтказиш ва нуфузли халқаро блокларга қўшилиш орқали ўз маневрлари қўламини кенгайтириш имкониятларидан фойдаланмоқда. Айтиш мумкинки, Эроннинг ҳозирги халқаро муҳитда эришган муваффақиятлари уни олдинга силжишига туртки бериши ва ядровий қуролга эга бўлиш ва АҚШ санкциялари оқибатларидан қочиш қобилиятини синаб кўриш билан бирга, ядровий келишувни қайта тиклаш учун жаҳон кучларини чақиритишда давом этиши мумкин. Бу сценарий мумкин, чунки Эрондаги “юқори” элита буни адолатли деб ҳисоблайди.

Қўшма Штатлар, унинг Ғарб иттифоқчилари ва Исроил Эронга қарши уруш бошлашга ёки ҳатто унинг ядровий объектларини нишонга олиш учун зарба беришга тайёр эмаслиги сабабли ядровий чегарага эришиш учун яқин яқун чегарасида турибди. Эрон расмийларининг фикрича, Хитой ва Россия Вашингтонга душман бўлиб, Эронни ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилади ва қўллаб-қувватлайди. Бироқ, бошқалар Эроннинг Ғарб ва Қўшма Штатлар билан



келишмовчиликларини ҳал қилмасдан туриб, унинг оғир муаммолари ҳал бўлмайди, деб таъкидлайди. Иқтисодий ютуқларнинг барчаси ҳали ҳам мамлакатда барқарорликни таъминлай олмайди ва ҳукмрон тизимнинг қонунийлигининг ёмонлашишини қўллаб-қувватламайди. Шундай қилиб, Эрон ўз муаммоларини Ғарбдан ташқари ҳал қилиш сиёсатини қайта кўриб чиқиши ва ядровий келишувни жонлантириш учун дипломатик йўлда давом этиши мумкин. Бу сценарий, эҳтимол, Қўшма Штатлар ҳали ҳам дунёдаги энг таъсирли куч бўлиб, Эрон ёки бошқа бирон бир давлатга Иккинчи жаҳон уруши охирида ўрнатилган дунё тартибининг ўрнатилган қоидаларини бузишига йўл қўймайди. Агар шундай бўладиган бўлса, Қўшма Штатлар ўзи тайёрдек кўринадиган бошқа режага муурожаат қилиши мумкин. Вашингтон бу мақсадда Қўшма Штатлар билан ҳамроҳанг бўлган минтақавий кучлардан чексиз ёрдам олади. Бундан ташқари, Иброҳим Раиси ҳукуматнинг иқтисодий кўрсаткичларини ошириш, энергия ресурсларига бўлган глобал талаб туфайли тақдим этилган имкониятдан фойдаланиш орқали ўзининг ёмонлашаётган қонунийлигини оширишга жуда муҳтож. Эрон ҳукумати Россия ва Хитой унчалик ишончли эмаслигини яхши билади.

Эҳтимол, Эрон икки томондан ҳаракат қилишда давом этади, яъни, АҚШга қарама-қаршилик қилмасдан, максимал фойда олиш учун минимал даражада халқаро можарога киришиш. Шунда у ўз манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, аммо Қўшма Штатлар билан муносабатларни нормаллаштирмасдан, ядровий битимни қайта тиклаш бўйича келишувга эриша олади. Эрон ҳам икки буюк давлат Хитой ва Россия билан яхши алоқаларни давом эттиради ва тарангликни юмшатиш ва Эронга ўрнатилган халқаро изоляцияни олиб ташлаш учун мулоқотни ривожлантириш орқали минтақавий кучларнинг норозилигига путур етказди. Эрон тузилмаси муаммоларни ҳал қилишда ўз манфаатларига эришишда катта тажрибага эга.

КАСИМОВ МУТАЛИБ

муустақил тадқиқотчи, ТДШУ

Афғонистон омилнинг АҚШ “АфПок” ва “ПокАф” стратегияларида акс этиши

Аннотация: *Бири Афғонистонни ўзининг чегарадош қўлини, бошқаси эса уни ўз миллий манфаатлари ҳудуди деб ҳисоблайдиган Покистон ва АҚШ учун Афғонистон омил АҚШ ва Покистон ўртасидаги муносабатларда хавфсизлик масалаларига ҳам бевосита таъсир кўрсатиши аниқ.*

Бугунги кунда умуман жаҳонда, хусусан, Марказий Осиё ҳудудиди кечаётган жараёнларга эътибор янада кучайиб бораётганлигининг сабаби – икки мамлакат АҚШ ва Покистон ўртасидаги хавфсизлик масалалари бутун жаҳонга билвосита,



Афғонистонга эса бевосита ўз таъсирини ўтказишини кўрсатмоқда. Шу боис АҚШ ҳукумати, ҳам Покистонни, ҳам Афғонистонни ва булар орқали минтақадаги бошқа давлатларни “жиловда ушлаб туриши” учун ишлаб чиққан “АфПок” ва “ПокАф” стратегиялари амалда қандай натижа берганлигини ўрганиши тадқиқотчилар учун ўз долзарблигини йўқотмаган Ушбу мақолада мазкур тушунчаларнинг асосчилари, бу стратегияларда Афғонистон ва Покистонга нисбатан муносабат олиб бориши ўзгариб бориши сабаблари тадрижий тарзда ўрганилган

Унда илмий ўрганишининг объективлик, тизимлилик, қиёсий-тарихий таҳлил, умумлаштириши, тарихийлик ва мантиқийлик каби усулларидан фойдаланилган. Келтирилган маълумотларнинг илмий янглиги – ушбу мавзу бўйича мамлакатимизда, МДХ давлатларида, хорижий мамлакатларда олиб борилган энг янги тадқиқотлар таҳлил қилинганлиги, ҳамда асосан хорижий тиллардаги материаллардан фойдаланилганлиги билан ажралиб туради.

Калим сўзлар: Афғонистон, омил, “АфПок” ва “ПокАф” тушунчалари”, муносабатлар, ҳарбий ҳаракатлар, сиёсат, геосиёсий жараён, “Толибон” ҳаракати, дипломатия, вазият, қўшни мамлакатлар.

Аннотация: Для Пакистана и США, одна из которых считает Афганистан своим приграничным соседом, а другая – регионом национальных интересов, афганский фактор оказывает непосредственное влияние на вопросы безопасности в отношениях между США и Пакистаном.

Сегодня причина повышенного внимания к процессам, происходящим в мире, в частности, в Центральной Азии, заключается в том, что вопросы безопасности между двумя странами, США и Пакистаном, имеют косвенное влияние на весь мир, а на Афганистан прямое влияние. Поэтому для исследователей не утратило актуальности изучение того, как стратегии «АфПак» и «ПакАф», разработанные правительством США чтобы «держать в узде» как Пакистан, так и Афганистан, а через них и другие страны региона, не утратили своей актуальности. В данной статье причины изменения отношения к Афганистану и Пакистану исследовались поэтапно. В статье используются такие методы научного исследования, как объективность, систематичность, сравнительно-исторический анализ, обобщение, историчность и логика. Научную новизну представленной информации отличает анализ новейших исследований, проводимых в нашей стране, странах СНГ и дальнего зарубежья по данной теме, а также использование в основном материалов на иностранных языках.

Ключевые слова: Афганистан, фактор, концепции «АфПак» и «ПакАф», отношения, военные действия, политика, геополитический процесс, движение «Талибан», дипломатия, ситуация, соседние страны.

Annotation: For Pakistan and the United States, one of which considers Afghanistan its border neighbor, and the other a region of national interests, the Afghan factor has a direct impact on security issues in relations between the United States and Pakistan.

Today, the reason for the increased attention to the processes taking place in the world, in particular in Central Asia, is that security issues between the two countries, the United States and Pakistan, have an indirect impact on the whole world, and Afghanistan has a direct impact. Therefore, it has not lost its relevance for researchers to study how the AfPak and PakAf strategies, developed by the US government to “keep in check” both Pakistan and Afghanistan, and through them other countries of the region, have not lost their relevance. In this article, the reasons for the change in attitudes towards Afghanistan and Pakistan were studied in stages.



The article uses such methods of scientific research as objectivity, systematic, comparative historical analysis, generalization, historicity and logic. The scientific novelty of the presented information is distinguished by the analysis of the latest research conducted in our country, the CIS countries and far abroad on this topic, as well as the use of mainly materials in foreign languages.

Key words: *Afghanistan, factor, AfPak and Pokaf concepts, relations, military actions, politics, geopolitical process, Taliban movement, diplomacy, situation, neighboring countries.*

Кириш. Америка ва Покистон ўртасидаги хавфсизлик масалаларига Афғонистон омилининг таъсирини “АфПок” ва “ПокАф” тушунчалари орқали кўриб чиқишга тўғри келади. Чунки бу икки мамлакат ўртасидаги ҳар қандай муносабатларда, уларнинг қандай кечишида Афғонистон омили албатта мавжуддир.

Америкада пайдо бўлган, кейинчалик илмий ҳамжамият томонидан ўзлаштирилган “АфПок” (AfPak) тушунчаси ўта кўп маъноларга эга бўлишига қарамадан, энг умумий кўринишда икки маънога эгаллиги: 1) Афғонистон ва Покистон НАТОнинг террорчиликка қарши кураши доираларидаги ҳарбий ҳаракатлар ўтказиладиган ягона ҳудуд; 2) АҚШ ва Шимолий Атлантика уюшмасининг Афғонистон ва Покистондаги сиёсати яхлит бир тушунча эканлигидан далолат беради.¹

Ушбу тушунчанинг муаллифи эса америкалик машҳур дипломат Ричард Холбрук бўлиб, агар демократлар америкаликларнинг кўп овозига эга бўла олса ушбу шахс Афғонистон Покистон бўйича АҚШ президентининг махсус вакилига айланиши борасида 2007 йилда ОАВда хабарлар пайдо бўлган эди. 2008 йилда Р.Холбрук Афғонистон ва Покистонни ягона ҳарбий сиёсий макон сифатида идрок этиш:

- Афғонистон-Покистон чегаралари ҳудудида ҳарбий ҳаракатларнинг ягона макони мавжудлиги;

- Афғонистон ва Покистон ўртасида 1893 йилда қабул қилинган “Дюранд чизиғи” бўйича чегара муаммоларининг ҳал қилилмаганлиги;

- “Толибон” ҳаракати ва террорчилик тармоқлари томонидан Афғонистон ва Покистон ўртасида (энг аввало “қабилалар ҳудудларида”) очик чегара тартибидан фойдаланилганлиги сабабларига кўра зарурлигини асослаб берган эди².

Р.Холбрукнинг “АфПок”даги мушкулотлар борасидаги мулоҳазалари Покистонга нисбатан яққол салбий тусга эга эди. Масалан, у бундай деб ёзади: “ “Дюранд чизиғи”да белгиланган чегарадан Ғарбга томон НАТО жанговор вазифаларни амалга ошириши мумкин. Чегарадан Шарққа томон эса Покистоннинг мустақил ҳудуди жойлашган. Халқаро террорчилик ушбу

¹ Prados J. The AfPak Paradox [Electronic resource] // Foreign Policy in Focus [Official website]. April 1, 2009. URL: http://fpif.org/the_afpak_paradox/ (accessed: 05.06.2013).

² Quinion M. “AfPak” [Electronic resource] // World Wide Words [Official website]. August 27, 2009. URL: <http://www.worldwidewords.org/turnsofphrase/tp-afp1.htm> (accessed: 05.06.2013).



ёмон белгиланган чегаранинг Шарқий томонини ўз мақсадлари учун ишлатмоқда”¹.

Расмий мунозараларда “АфПок” ибораси 2009 йил 22 январда Барак Обаманинг демократик маъмурияти ҳукумат тепасига келганидан сўнг қўлланила бошланди. Р.Холбрукнинг ушбу баёноти Б.Обама маъмуриятининг Афғонистон бўйича янги стратегиясига асос қилиб олинади. 2009 йилнинг 27 мартда “Афғонистон ва Покистонга нисбатан АҚШ сиёсати борасида идоралараро гуруҳ маърузаси”² эълон қилинади.

Юқорида келтириб ўтилган маъруза асосида, Б.Обама 2009 йилнинг 27 мартда “АфПок”да АҚШнинг умумқамровли стратегиясини (comprehensive strategy)³ эълон қилади. Президент томонидан, ҳам Афғонистонда, ҳам Покистонда “Ал-Қоида”ни парчалаб ташлаш, тарқатиб юбориш ва йўқ қилиш Вашингтон сиёсатининг мақсади этиб кўрсатилади.

Б.Обама маъмурияти вакилларининг навбатдаги баёнотлари мазкур стратегияни янада ойдинлаштириб беради⁴. Шу тарзда АҚШ террорчиликка қарши ҳаракатлардан мақсадни 2000 йилларда баён қилинган Афғонистондаги сиёсий тизимни демократлаштиришга нисбатан анча торайтириб юборади. Афғонистондаги амалиётдан мақсад - Афғонистонни демократлаштириш ва хатто “Толибонлар” га қарши кураш эмас балки “Ал-қоида”ни йўқ қилиш тарзида белгиланиши эндиликда жанговар ҳаракатлар ҳам Афғонистон, ҳам Покистон худудида олиб борилиши мумкинлигини англатар эди.

АҚШ ва Покистон ўртасидаги хавфсизлик масалаларида кўп тилга олинадиган АфПок” тушунчаси 2009 йил давомида америкалик таҳлилида оммалашиб борди. Дастлаб бу тушунча оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлди.⁵ “Washington Post” газетаси “АфПок”даги уруш” туркуми остида нашрлар бериш лойиҳасини бошлади.⁶ “New America Foundation” жамғармаси ва “Foreign Affairs” журнали янада кўламлироқ ташаббус билан чиқиб буни “АфПоК канали (The AfPak Channel) деб номладилар, бу эса Афғонистон ва Покистондан олинадиган янгиликларни ягона “медиа

¹ Ўша ерда

² U.S. Secretary of State Encourages Use of New Media Communications in Pakistan: “Our Voice” Cell Phone Social Networking on № 7111 [Electronic resource] // U.S. Department of State [Official website]. October 29, 2009. URL: <http://www.state.gov> (accessed: 05.06.2013).

³ Remarks by the President on a New Strategy for Afghanistan and Pakistan [Electronic resource] // The White House [Official website]. March 27, 2009. URL: <http://www.whitehouse.gov/> (accessed: 05.06.2013).

⁴ Ricchiardi S. Assignment AfPak [Electronic resource] // American Journalism Review [Official website]. August 27, 2009. URL: <http://www.ajr.org/Article.asp?id=4807> (accessed: 05.06.2013).

⁵ Cooper H. Obama Reaps Diplomatic Windfall as Goodwill Lingers // The New York Times. February 26, 2009.

⁶ Obama’s War Combating Extremism in Afghanistan and Pakistan [Electronic resource] // The Washington Post [Official website]. URL: <http://www.washingtonpost.com/>



мажмуаси” тарзида берилишини англатар эди¹. Мана шу тарзда “АфПок” кенг қўлланила бошлади.

Покистоннинг ўша даврдаги собиқ президенти Парвез Мушарраф 2009 йилнинг 7 июнида “АфПок” иборасини кескин танқид қилиб чиқади. У “Spiegel” немис журнаliga берган интервьюсида Афғонистон ва Покистонни ягона хосила сифатида кўриб чиқилиши тўрт сабабга кўра Покистон ҳукумати учун мақбул эмаслигини кўрсатиб ўтган,² булар:

биринчидан, “АфПок” тушунчасининг қарор топиши Покистон ҳудудида НАТО ҳаракатларини қонунийлашишига олиб келади;

иккинчидан; “АфПок” тушунчасининг қўлланилиши Афғонистон-Покистон чегаралари доирасида жойлашган ҳудуд учун муаммолар яратиши мумкин.;

учинчидан, сўнгги 20 йил давомида америкалик мутахассислар Афғонистон ва Покистонни “шакланмаган давлатлар” (failed states) тарзида таснифлаб келмоқда. Бу Покистондаги аслзодаларнинг кескин эътирозига сабаб бўлмоқда;

тўртинчидан, Покистон ҳукумати келгусидаги “қабилалар ҳудуди” борасида ҳам хавотирга тушган. Бу ҳудудлар 1970 йилдан бери Федерал бошқариладиган қабилалар ҳудудлари (Federally Administered Tribal Areas) мақомига эга. “АфПок” борасидаги мунозаралар баҳонасида “қабилалар ҳудуди” вакиллари ҳам кўпроқ мустақилликни хоҳлаб қолишлари мумкинлиги (устига устак Афғонистондан сиқиб чиқарилган толиблар 2006 йил февралда мустақил Вазиристонни яратиш масаласини кўтариб чиққанлиги) ҳам хавотир уйғотади.

Азалдан Покистоннинг рақиби бўлган Ҳиндистон ҳам “АфПок” тушунчасига бир мунча эҳтиёткорона ёндошди. Деҳли 2009 йил 23 январда “АфПок” ибораси мақбул эмаслигини, чунки у Покистонни ҳозирги чегараларида тан олмаслигини, боз устига мунозарали Жамму ва Кашмир вилояти Покистон томонидан босиб олинганлиги борасида расмий баёнот билан чиқади.³

Айнан чегара масаласида Покистон ва Ҳиндистон бир тараф бўлганлиги АҚШни ўз қарашларини ўзгартишга ундади. Р.Холбрук Исломободда 2009 йилнинг 5 июнида бўлиб ўтган матбуот анжуманида “АфПок” ибораси Покистонни ерга уриш учун ўйлаб чиқилмаган. Ушбу маъмурий қисқартма

¹ The AfPak Channel. Inside the Struggle for South Asia. A Special Project of Foreign Policy with the New America Foundation [Electronic resource] // Foreign Policy [Official website]. URL: <http://afpak.foreignpolicy.com>

² Interview with Pervez Musharraf: Obama Is Aiming at the Right Things [Electronic resource] // Der Spiegel [Official website]. June 7, 2009. URL: <http://www.spiegel.de/>

³ Rozen L. India’s Stealth Lobbying Against Holbrooke’s Brief [Electronic resource] // Foreign Policy [Official website]. January 23, 2009. URL: <http://thecable.foreignpolicy.com>



сўз Афғонистон-Покистон чегарасининг иккала томонидаги худудда юзага келган вазиятни тасвирлаш учун мўлжалланганлиги”ни¹ баён қилади.

Шу йилнинг кузига келиб америкалик мутахассислар “АфПок” тушунчасини ислоҳ қилишга уриниб кўришади. Америка Халқаро ишлар бўйича кенгаши Б.Обама маъмуриятига бир мунча бошқача иборани – “ПокАф” (PakAf) иборасидан фойдаланишни тавсия этади. Бу кўринишда Покистон террорчиликка қарши уюшмалар бўйича АҚШнинг асосий ҳамкори сифатида юзага чиқади. Бундай ҳолатда эса НАТО нинг Афғонистондаги вазифаси Афғон-Покистон ўзаро ҳамкорлигига бўйсундирилган тарзда намоён бўлади. Бундай ёндошувда ходисалар уч йўналишда ривожланиши мумкин, яъни:

1) АҚШ ўз эътиборини Афғонистон ва Покистондаги террорчиликка қарши фаолиятга қаратади, бу эса Вашингтонга ҳарбий амалиёт учун ҳаражатларни камайтиришга имкон беради ҳамда давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларига аралашидан халос этади;

2) АҚШ ўз олдига Покистонда сиёсий барқарорликни таъминлаш вазифасини қўяди, бу вазифа Покистоннинг фуқаролик ва ҳарбий тармоқларига, шу жумладан, унинг ядровий объектларини ҳимоя қилишга инвестициялар киритишни назарда тутади;

3) АҚШ Покистоннинг давлат ҳамда ҳарбий хизматчиларини тайёрлашнинг кенгайтирилган дастурини амалга оширишга киришади ва ушбу мамлакатни узоқ муддатли иқтисодий ривожлантириш дастурини ишга солади. Шу билан бир вақтда Вашингтон афғон можаросини сиёсий йўлга солиш жараёнига Ҳиндистонни ҳам жалб этади.

“АфПок” тушунчасига иккинчи кучли қизиқиш 2013 йилнинг баҳор - ёз фаслларда - НАТОнинг Афғонистонга нисбатан янги стратегияси эълон қилинганида бошланди. Американинг Покистонга нисбатан юқорида баён қилинган сиёсатини кузатган ҳолда “АфПок” тушунчаси унча иш бермаганлигини таъкидлаш мумкин. Чунки 2012-2013 йилларда Вашингтон томонидан афғон можароси бўйича йирик дипломатик ташаббуслар илгари сурилмаган.

АҚШнинг “АфПок” лойиҳаси ҳам Афғонистонни тарқ этишнинг шўроча кўринишига жуда ўхшаб кетади. Иккала ҳолатда ҳам, буюк давлатлар қуроли кучларини олиб чиққач, ўзи иштирокида яратилган афғон ҳукумати вазиятни мустақил тарзда назорат қила олишига умид боғлайди. Қўшма Штатлар ҳам Шўролар иттифоқига ўхшаш тарзда ҳаракатлар учун эркинликни сақлаб қолишига интилган ҳолда Кобулдаги ҳукуматга хавфсизликнинг қатъий кафолатларини беришдан ўзини олиб қочади.

¹ India Has Role to Play in Afghanistan: Holbrooke [Electronic resource] // The Hindu [Official website]. July 6, 2009. URL: <http://www.hindu.com/2009/06/06/stories/2009060659771000.ht>



Айнан шу ҳолат тадқиқотчиларда Ҳ.Карзай ҳукумати ҳам шўролар давридаги М.Нажиб ҳукуматининг салбий тажрибаларини такрорламасликка кодир эканлиги борасида шубҳа ўйғотган эди. 2021 йил августда Афғонистон ва Америка ҳамкорлигида пайдо бўлган раҳна (Америка учун кулфат ҳам дейиш мумкин) юқоридаги шубҳалар асосли бўлганлигини кўрсатди.

АҚШ Покистонга нисбатан ҳам айнан шу стратегияни қўллайди. Америка 2001 йил сентябрда ушбу мамлакатнинг “қабилалар худуди”да жойлашган қисмига сиқиб чиқарилган толибларга қарши курашиш, Покистоннинг ядро қуролига эга бўлиш салоҳиятини назоратда ушлаб туриш учун чекланган қуролли кучларини жойлаштиради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Америка ва Покистон ўртасидаги муносабатлар ҳеч қачон бир текис, осойишта кечмаган. Покистонда ядро қуроли яратишга уринишлар ҳамда бундай қуролнинг синовдан ўтказилганлиги борасидаги хабарлар пайдо бўлганидан сўнг, булар устидан назоратни ўз қўлига олишга интилган АҚШнинг Покистонга муносабати бир мунча “илиган” эди.

Аммо 2011 йилнинг охирига келиб, яъни шу йилнинг 26 ноябрида Покистоннинг 23 ҳарбийлари халокатига сабаб бўлган НАТО ҳаво-ҳарбий кучлари Афғон-Покистон чегарасидаги Моманд қишлоғига берган зарбасидан сўнг АҚШ ва Покистон ўртасидаги муносабатларга путур етди. Бу ҳаракатга жавобан шу йилнинг 27 ноябрида Исломобод АҚШ билан ўз муносабатларини қайта кўриб чиқишини баён қилган бўлса, орадан кўп ўтмай, Покистон Америкага Афғонистондаги қўшинларини таъминлаш учун фойдаланиб келган Шамсий ҳарбий базасидан фойдаланишни таъқиқлаб қўяди, натижада 2011 йилнинг 11 декабрида НАТО га аъзо мамлакатларнинг қўшинлари шоша-пиша бу базани тарк этади. 2012 йилнинг апрелига келиб Покистон парламенти Афғонистонга НАТО юқларини етказиб бериш учун ўз худудидан фойдаланишни таъқиқлайди.

2016 йил майда пуштунларнинг Харотий қабиласидан бўлган Гулбуддин Ҳикматёр ва Афғонистон олий тинчлик кенгаши вакиллари Ярашув тўғрисидаги битим лойиҳасини имзоладилар, бу кўплаб мунозараларга сабаб бўлди, чунки Г.Ҳикматёрнинг исми ва унинг раҳбарлиги остидаги “Ҳезбе Исломий” БМТдаги террорчилар қора рўйхатига тиркалган эди.¹

2014 йилнинг сентябрида Афғонистон бош вазири лавозимини эгаллаган Абдулла Абдулла музокаралар жараёнида фаол ўринни эгаллай бошлади. У ҳам афғон миллий қуролли кучлари, ҳам толиблар гуруҳлари билан мулоқот ўрната бошлади. Уларнинг айримлари зўровонликдан бош тортиш ва музокараларга киришга ҳозир эканликларини баён қилди. Аммо Абдулла

¹ Designation of Gulbuddin Hekmatyar as a Terrorist. <https://2001-009.state.gov/> (accessed 19.02.2003)



Абдулланинг фаоллиги ва афғон ички муаммоларини ҳал қилишга Ҳиндистонни жалб қилиши Покистон манфаатларига зид келар эди.

Покистоннинг воситачилик вазифаси 2015 йилга келиб барбод бўлганлига қарамасдан бу унинг Афғонистондаги ишларда қатнашишдан бош тортишини англатмайди. Афғон ички мулоқотини механизмини қайта ишга тушириб юбориш мақсадида 2015 йилнинг охирига келиб “Осиё қалби” халқаро анжумани доираларида Туркия кўмагида Тўрт томонлама мувофиқлаштирувчи гуруҳ ТТМГ (АҚШ – Хитой – Покистон - Афғонистон) ташкил этилди. “Осиё қалби – Стамбул жараёни” бу Афғонистон ва Туркиянинг муштарак ташаббуси бўлиб 2011 йилда Стамбулда бўлиб ўтган анжуманда режалаштирилган эди.¹

“Осиё қалби” ўз ичида 15 мамлакатни бирлаштирган бўлиб, булар Афғонистон, Озарбайжон, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Россия, Саудия Арабистони, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Бирлашган араб амирликларидир. Барқарор Афғонистон ушбу барча мамлакатларнинг манфаатларига хизмат қилади. бу ҳақда Афғонистон президенти Ашраф Ғани “Осиё қалби – Стамбул жараёни” бўйича 2021 йилнинг 30 мартда Душанбада бўлиб ўтган ташқи ишлар вазирларининг 9-анжуманида сўзга чиқиб мазкур масала бўйича худудий келишув Афғонистонда 42 йил давом этиб келаётган урушга хотима ясаши мумкинлиги” борасида умид билдирган.²

2016 йилга келиб толиблар музокараларни Доҳага ўтказишни талаб қилди. Покистон Генералитети афғон толибларининг Қатардаги музокара жараёнига қўшиш борасидаги талабини бажарди. Покистон ОАВларида Покистоннинг куруқдаги кўшинлари кўмондони генерал Р.Шарифнинг ТТМГ учрашувларининг тўртинчи босқичидан бир кун олдин Доҳага келганлиги аҳамияти катта эканлигини қайта қайта баён қилган. Бу учрашув 2016 йилнинг 23 феввалида Кобулда бўлиб ўтди. Барча толиблар ва Афғонистон ҳукумати ўртасида бевосита музокаралар санаси белгиланишини кутган эди. Аммо бундай бўлиб чиқмади. Бунинг бир неча сабаблари борлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Булардан биринчиси, Америкада президентликка сайловолди пойгалари бошланди ва “афғон масаласи” “унитиб қўйилди”. Иккинчидан, бу даврга келиб толиблар Афғонистон худудининг, шу жумладан қишлоқларда ҳам ярмидан кўпини эгаллаб бўлган эди. ИШИД мамлакатнинг шимолий-ғарбий худудларида мавқеини мустаҳ-

¹ Юсупов, Абдулрахман (2021). Конференция «Сердце Азии – Стамбульский процесс» пройдет в Душанбе. Доступно по адресу: www.aa.com.tr/ru/мир/в-душанбе-пройдет-конференция-сердце-азии-стамбульский-процесс-/2190849. Дата обращения.: 12.04.2021.

² Амуева, Юльвийя (2021). Гани: Стабильный Афганистан принесет огромные выгоды всему региону. Доступно по адресу: www.aa.com.tr/ru/мир/гани-стабильный-афганистан-принесет-огромную-пользу-всему-региону-/2192442. Дата обращения: 12.04.2021.



камлаб олган, Миллий бирдамлик ҳукуматининг ўрни заифлашиб қолган бўлиб ташқаридан ҳарбий ва иқтисодий ёрдамга эҳтиёж кучайган эди.

2017 йилнинг январида АҚШдаги президентлар алмашуви Афғонистон ва Покистонга янги ташвишлар олиб келди. Республикачи президент бўлган Д.Трамп Б.Обама юритган сиёсатни гарчи тўла рад этмасада Исломободни толибон ҳаракати ва Ҳаққоний гуруҳига қарши қатъий ҳаракат қилмаганда айблаб Покистонни террорчи давлат сифатида таърифлай бошлади.

Бундай шароитларда А.Ғани толиблар билан музокараларда етакчи мақомни эгаллашни режалаштирган ҳолда 2018 йилнинг февралда Кобул анжуманини ўтказиш ташаббуси билан чиқади. У толиблар учун олдинги талабларни: ўт очишни тўхтатиш, маҳбусларни озод қилиш, жазо чораларини бекор қилишни ўз ичига олган тинчлик режасини тақдим этди. АҚШ маъмурияти эса толиблар Кобулдаги ҳукумат билан музокараларга кириши лозимлигини ишонтириш бўйича Покистонга тайзиқ ўтказишда давом этди. Бу вақтларда АҚШ-Толибон музокараси тўғрисидаги масала хатто кўтарилмаган ҳам эди.¹

Покистон аста секин АҚШ, Кобулдаги ҳукумат ва “Толибон” ҳаракати билан музокараларга кўшилди. Воситачилик мақоми Афғонистон билан муносабатларни яхшилаб олишга имкон берди. Бу ерда Покистон учун шу даврда энг қийин масалалардан бири Афғонистон ислом амирлиги ҳукуматига мансуб бўлган сафдошлар ёки аъзолардан тузилган афғон куролли муҳолифати гуруҳини Америка билан расмий музокаралар учун илгари суриш эди.

Шу даврга келиб (2018-2020 йиллар) АҚШда навбатдаги сайлов кампанияси бошланди. Оқ уй Афғонистон билан бўладиган музокараларда Исломобод муҳим мавқега эгаллигини англаган ҳолда Покистонга муносабатини ўзгартиради.

Гарчи 18 йиллик уруш давомида толибларнинг америкаликларга ишончи ортмаган бўлсада толиблар сулҳ тузиш учун юзага келиб қолган имкониятин қўлдан чиқармасликка қарор қилади ва мулла А.Бародар ва З.Ҳалилзод бевосита суҳбат ўтказишга розилик беради. Иккала томон ҳам бу мулоқотдан ўзларининг ўша даврда қарама қарши бўлган мақсадларига эришишининг ягона воситаси деб билган.

АҚШнинг мақсадлари:

- Афғонистонда ўзининг икки-уч ҳарбий базаларини қолдириш;
- Бу мамлакат ҳудудидан ушбу минтақада жойлашган Эрон, Хитой ва Россиядаги вазиятни издан чиқариш учун фойдаланиш;
- Марказий Осиёдаги давлатларда Америка мақсадларини илгари суриш бўлса,

¹ Ishbuldina K.R. 2018. Inter-Afghan settlement: meeting in Kabul. Azia i Afrika segodnya, № 5. (In Russ.) DOI: 10.7868/S0321507518050100



Толибларнинг мақсадлари:

Барча хорижий қўшинларни чиқариб ташлаш ва қонуний асосда давлат тепасига келишдан иборат эди.

Бевосита мулоқотда: Вашингтон толибларни Афғонистондаги урушдан кейинги аҳволни изга солишда етакчи кучлардан бири сифатида эътироф этишига ҳамда Покистоннинг кафил сифатида иштирок этилишига келишиб олинди. Бу ҳам АҚШнинг Покистонга нисбатан режалари узоққа мўлжалланганини яна бир бор тасдиқлади.

АҚШнинг ҳар қанча уринишларига қарамасдан толиблар А.Ғани ҳукумати билан бевосита музокаралар олиб боришдан қатъий бош тортганлиги сабабли ҳамда толибларга Покистоннинг таъсири катта эканлигини унутмаган ҳолда, Д.Трамп 2018 йилнинг декабрида Покистон бош вазири Имрон Хонга бевосита мулоқотни ташкил этишда ёрдам кўрсатишни сўраб мактуб ёзади.¹

2019 йилнинг январида Катарда АҚШ ва “Толибон ҳаракати” вакиллари иштирокида бевосита тўлақонли музокараларнинг биринчи бўлими бошланди, унинг яқунларига кўра томонлар келажакдаги битимнинг 3 асосий бандини белгиладилар, булар:

- 18 ой давомида Америка қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиш;

- Асирлар билан алмашиш;

- “Толибон” ҳаракати етакчиларининг ҳаракатларига тўсқинлик қилмаслик ва уларни БМТнинг қора рўйхатидан чиқариб ташлаш эди.

Ўз навбатида “Толибон” ҳаракати Афғонистон, АҚШ ва уларнинг иттифоқчилари халқи ҳамда ҳукуматларига қарши “Ал-қоида”, ИШИД сингари гуруҳлардан ёки ҳар қандай қуролли гуруҳлардан фойдаланишга имкон бермаслик мажбуриятини олди.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, АҚШнинг бутунлай бошқа минтақадаги икки давлат – Афғонистон ва Покистонга нисбатан ўз стратегиясини мунтазам ўзгартириб бориши Американинг бу давлатларга улар орқали эса бутун Марказий Осиёдаги давлатларга ўз таъсирини сақлаб қолиш мақсади ҳали вери ўзгармаслигидан далолат беради.

¹ Trump sends letter to Pakistan asking for help with Afghan peace process <https://www.washingtonpost.com/world/>



НОРМАЕВА МАШХУРА

таянч докторант, ТДШУ

Сиёсий бошқарувда хотин-қизлар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминланишининг устувор йўналишлари ҳамда мавжуд муаммолар

Аннотация: Аёллар дунё аҳолисининг катта қисмини ташкил қилса-да, лекин кўпинча сиёсий ҳаётдан четлаштирилади ва уларнинг ҳаётига бевосита таъсир қиладиган қарорлар қабул қилиши жараёнида фаол қатнашмайди. Аёллар сиёсий лидерлигининг кенгайиши, уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишининг асосий механизмидир. Ушбу мақолада аёлларнинг муҳим сиёсий қарорлар қабул қилиши жараёнида иштирок этишига тўсқинлик қилувчи омиллар, уларнинг юқори бошқарув лавозимларини эгаллашлари йўлидаги тўсиқлар, шунингдек ҳокимиятдаги аёлларнинг кам сонлиги сабабларини тадқиқ этиши мақсадида, аёлларнинг сиёсатдаги иштироки ва ушбу муаммони ўрганишининг турли ёндашувлари ва таркибий қисмлари, шунингдек уларнинг сиёсий жараён ва қарорлар қабул қилишига таъсирини таҳлил қилиши вазифалари кўйилди. Гендер бўйлиқлари асосан иқтисодий имкониятлар соҳасида, бизнес, ҳокимият ва манфаатларни ифодалаш соҳасида кенг тарқалган. Шу сабабли, гендер тенглигига эришиши ҳар бир мамлакат ривожланишининг марказий кўрсаткичи ҳисобланади. Сиёсий лидерликда тенг имкониятларни таъминлаш аёллар ва эркакларнинг саъй-ҳаракатларини миллий манфаатлар йўлида бирлаштиришини ўз ичига олади. Аёлларнинг сиёсатдаги кенгайишлари иштироки нафақат сиёсий, балки ижтимоий ва ахлоқий муаммоларни ҳал қилишида, инсон ҳуқуқлари, оила, қариялар, оналик ва болаликни ҳимоя қилишида самарали ечимлардан бири бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, мақолада мамлакатларнинг сиёсий жараёнларида аёлларнинг иштироки даражасини ошириши бўйича хулоса ва тавсиялар берилади.

Калит сўзлар ва иборалар: сиёсий лидерлик, “гендер пирамидаси”, “ишиша деворлар”, “ишиша эскалатор”, айти қийматга эга меҳнат, “ижобий дискриминация”.

Аннотация: Хотя женщины составляют значительную часть населения земного шара, но часто они исключены из политической жизни и не принимают активного участия в процессе принятия решений, которые непосредственно влияют на их жизнь. Расширение политического лидерства женщин является ключевым механизмом реализации их прав. В данной статье были поставлены задачи проанализировать факторы, которые мешают женщинам участвовать в процессе принятия важных политических решений, препятствия для их занятия высших руководящих должностей. Гендерные разрывы широко распространены в основном в сфере экономических возможностей, бизнеса и политики. Таким образом, достижение гендерного равенства является центральным показателем развития каждой страны. Широкомасштабное участие женщин в политике служит одним из эффективных способов не только в решении политических, но и социальных и нравственных проблем, защиты прав человека, семьи, пожилых людей, материнства и детства. В статье также приводятся выводы и рекомендации по повышению уровня участия женщин в политических процессах стран.



Ключевые слова и фразы: политическое лидерство, «гендерная пирамида», «стеклянные стены», «стеклянный эскалатор», труд равной ценности, «позитивная дискриминация».

Abstract: Although women make up a significant part of the world's population, they are often excluded from political life and do not actively participate in the decision-making process that directly affects their lives. Expanding women's political leadership plays crucial role for realizing their rights.

In this article, the tasks were set to analyze the factors that prevent women from participating in the process of making important political decisions, the obstacles to their holding top leadership positions. Gender gaps are widespread, mainly in the areas of economic opportunity, business and politics. Thus, the achievement of gender equality is a central indicator of the development of each country. The large-scale participation of women in politics is one of the effective ways not only in solving political, but also social and moral problems, protecting human rights, families, the elderly, motherhood and childhood. The article also provides conclusions and recommendations for increasing the level of women's participation in the political processes of countries.

Key words and phrases: political leadership, "gender pyramid", "glass walls", "glass escalator", work of equal value, "positive discrimination".

Кириш. Аёллар дунё аҳолисининг тахминан 50 фоизини ташкил қилади, лекин кўпинча сиёсий ҳаётдан четлаштирилади ва уларнинг ҳаётига бевосита таъсир кўрсатувчи қарорлар қабул қилиниши жараёнида иштирок этмайди. Сиёсий иштирокнинг кенгайиши уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишнинг асосий механизмидир.

Жамиятимизда аёлларнинг ролига алоҳида эътибор қаратилган ва шундай бўлиб қолади. Аёллар нафақат келажак авлодни тарбиялаш ва шакллантиришга, оила институтини мустаҳкамлашга, балки бутун давлат ва жамият ривожига улкан ҳисса қўшмоқда. Замонавий аёллар сиёсий чўққиларни фаол равишда забт этишмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмида глобал ва алоҳида мамлакатларда аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги бевосита иштироки ошди. Бутун давлат ҳаётига таъсир қиладиган қарорлар қабул қилинадиган масъулиятли давлат лавозимларида аёллар сони ошиб бормоқда. Аёлларнинг штатдаги биринчи лавозимларини, турли вазирлик ва идораларда раҳбарлик лавозимларини эгаллаши муҳим тенденцияга айланиб бормоқда. Бироқ, катта сиёсатда аёллар йўлида ҳали ҳам тўсиқлар мавжуд.

Дунёдаги ҳозирги сиёсий вазият модернизацияга муҳтож. Ушбу жараённинг катализатори аёлларнинг сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиниши бўлиши мумкин.

Аёллар бизнес, тадбиркорлик ва илм-фан соҳасида бирин-кетин мавқега эга бўлмоқда. Аёллар ҳокимиятга келган дунёнинг деярли барча мамлакатларида уларнинг ҳозирги вақтда ўзига хос ижтимоий манфаатларига эга эканлигини,



улар баъзан эркакларникига қараганда самаралироқ ишлашени ва ўз мақсадларига эришишда изчилроқ эканлигини исботлайдилар¹.

Мақсад ва вазифалар: Аёлларнинг сиёсатдаги ролини, ҳукуматнинг барча даражаларида аёлларнинг сиёсий тараққиётини ўрганиш мақсадида куйидаги вазифаларни бажариш зарурияти туғилади: аёлларнинг турли мамлакатлар сиёсий ҳаётидаги иштирокини қиёсий таҳлил этиш ҳамда ушбу мамлакатлар сиёсатида эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги даражасини кўрсатиш.

Усуллар: Мақолада дунёда аёлларнинг сиёсатдаги иштирокини кенгайтириш нуқтаи назаридан олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг қандай натижаларга сабаб бўлаётгани, шунингдек бугунги кунда уларнинг сиёсий ҳаётнинг фаол иштирокчисига айланишдан қандай омиллар чеклаб турганини тушуниш учун таҳлилий баёнотларга, халқаро ташкилотларнинг таҳлилий ҳужжатлари, маҳаллий ва хорижий олимлар тадқиқотларига таянган ҳолда қиёсий таҳлил, тизимли таҳлил, тарихий ва маданий таҳлил, таркибий ва функционал таҳлил каби таҳлил усулларида кенг фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза:

Бугунги кунда оилавий инқироз, демографик инқироз ёки аёллар ва эркаклар ҳуқуқларига тўлиқ ва кафолатланган риоя қилиш зарурлиги ҳақида гапириш долзарб бир мавзуга айланиб бормоқда. Бироқ, олимлар томонидан олиб борилган кўплаб мониторинг тадқиқотлари натижасида, афсуски, ҳокимиятнинг гендер номуносабиблиги аёлларнинг кундалик ҳаётига - уларнинг маошлари, пенсиялари ва болалар учун нафақаларига салбий таъсир кўрсатиши маълум бўлмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги узоқроқ иштироки бутун жамият ва унинг катта қисмини ташкил этувчи аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилайти: кўпроқ аёллар меҳнат бозорига киришади, аҳолининг заиф гуруҳларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари пайдо бўлади ва давлатнинг бошқа ижтимоий функциялари кенгайтирилади. Бироқ, гендер муносабатлари модели тарихан шундай қурилганки, гендер фарқлари эркак ва аёл шахсидаги индивидуал, сифат фарқлари устида жойлашган. “Платон аллақачон барча аёллар эркаклардан фарқ қилади деган ишончга эга”. Табиатан аёл ҳам, эркак ҳам барча ишларда қатнашиши мумкин, лекин аёл ҳамма нарсада эркакдан заифроқ².

Гендер хурофоти ҳар доим аёллар ва эркаклар ўртасидаги масъулиятни тақсимлашга ва умуман меҳнат бозорига кучли таъсир кўрсатган. Эркаклар ва аёлларнинг ҳаёт ва фаолиятнинг турли соҳаларидаги “табiiй” роллари ҳақидаги ғоялар минг йиллар давомида шаклланган: қадим замонлардан бери асосий даромад олувчи ва ҳимоячи эркак, аёл эса уй ишлари билан шуғулланиши керак, деб ишонишган. Ва бу қарашлар ўз навбатида уларнинг ижтимоий-иқтисодий,

¹Бланки Г., Олас К. Женщина ведет свой бизнес, как обустроивает дом... / Пер. с англ. // Наука и жизнь. 1994. № 3. С 83.

²Здравомыслова Е., Темкина, А. Социология гендерных отношений и гендерный подход в социологии/Здравомыслова, А. Темкина. // Социс. 2000. № 3. С. 15-23.



сиёсий ҳаётдан чекланишларига сабаб бўлган. Аёлларнинг бугунги кунда қонун билан белгилаб қўйилган “тенглиги”га бир қанча жараёнлардан сўнг эришилган.

Аёллар Сиёсий Озодликнинг замонавий тарихи Буюк Франция инқилобидан бошланади. 1791 йилда ёзувчи ва жамоат арбоби Олимпия де Гугес “аёллар ва фуқаролар ҳуқуқлари Декларацияси”ни нашр этди, бу икки йил олдин нашр этилган “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси”га ўзига хос жавоб бўлди. Ўзининг манифестида де Гугес гендер тенглиги ғоясини шакллантирди. Агар “аёл искалага кўтарилиш ҳуқуқига эга бўлса, у шохсупага кўтарилиш ҳуқуқига ҳам эга”, – дейилади декларация матнида¹.

Ушбу курашнинг кейинги босқичига инглиз аёллари сезиларли таъсир кўрсатди. Хусусан, британиялик суфражисткалар (лотинча “suffragium” — “овоз, сайлов ҳуқуқи”) аёлларнинг сайлов ҳуқуқига ҳал қилувчи ҳисса қўшди, гарчи ўз мамлакатларида тегишли қонун фақат 1928 йилда қучга кирган бўлса-да, камида ўнлаб давлатлар фуқаролари бу даврда аллақачон овоз бериш ва сайланиш имкониятига эга бўлдилар.

XX асрнинг иккинчи ярми бутун дунёдаги аёлларнинг мавқеини қайта кўриб чиқиш билан ажралиб турди. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин аёллар меҳнат бозорига оммавий равишда кириб келишди ва уларнинг сиёсий ҳаётда ва қарор қабул қилишда иштирокини ошириш алоҳида жамоалар ва умуман инсониятнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги аён бўлди. Ушбу даврда халқаро ҳамжамият томонидан бир қатор норматив чора-тадбирлар амалга оширилди. Ушбу ҳаракат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида амалга оширилган бўлиб, БМТ Уставида ҳам Ташкилот аёллар ва эркакларнинг ташкилот бош ва ёрдамчи органларида тенг шартлар асосида иштирок этишларига ҳеч қандай монелик кўрсатмаслиги белгилаб қўйилган².

Яна бир муҳим ҳужжат ҳисобланган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да: “Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, **жинси**, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур”³, – дея аниқ кўрсатилган.

Ушбу универсал ҳужжатлардан ташқари қўплаб махсус актлар қабул қилинди. Адабиётларда кўрсатилишича, 1890-1986 йиллар оралиғида халқаро ташкилотлар томонидан аёллар ҳуқуқларига оид 355 та кўптомонлама конвенциялар қабул қилинган.

¹Olympe de Gouges, The Declaration of the Rights of Woman (September 1791). The materials appeared originally in *The French Revolution and Human Rights: A Brief Documentary History*, translated, edited, and with an introduction by Lynn Hunt (Boston/New York Bedford/St. Martin's, 1996), 124–129. <https://chnm.gmu.edu/revolution/d/293/>

² Устав ООН (полный текст). <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text>

³Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. 1948 йил, 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) кўрсатмаси орқали қабул қилинган ва эълон қилинган. <https://constitution.uz/oz/pages/humanrights>



1952 йил 20 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ушбу жараёндаги катта қадам бўлди. Инсоният тарихида илк бор аёлларнинг ҳам исталган даражадаги давлат ва жамоат хизматининг барча муассасаларида мавжуд давлат бошқаруви лавозимларида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқлари мавжуд эканлиги расмий равишда тан олинди. Ушбу конвенцияда Тегишли моддалар билан аёлларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди¹.

1975 йилда БМТ “аёллар ўн йиллиги” кириб келганини эълон қилди ва ушбу ўн йиллик Мехикода ўтказилган аёллар масаласига бағишланган Биринчи Ҳалқаро конференция билан бошланди. Айнан шу конференцияда Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида Конвенция қабул қилиниши заруриятлари ҳақида қарор қабул қилинди ва ушбу йўналишдаги ҳаракатлар дастури белгилаб олинди.

1979 йил 18 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида Конвенцияни қабул қилди. Конвенция 20 давлат ратификация қилгандан сўнг, 1981 йил 3 сентябрдан халқаро шартнома сифатида кучга кирди. Бугунги кунда конвенция БМТга аъзо 193 давлатнинг 187 таси томонидан имзоланди. С.Айвазова асосли таъкидлаганидек, конвенция илк бор “аёллар ҳуқуқлари - инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми” эканлигини тилга олди².

Кейинги йилларда қабул қилинган ҳужжатлар ҳам халқаро даражада бўлиб, уларнинг қоидалари бугунги кунда ҳам хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи асосий манбалар ҳисобланади. Хусусан:

- Вена Декларацияси ва ҳаракатлар дастури (1993);
- БМТнинг аёлларга нисбатан зўравонликни йўқ қилиш тўғрисидаги Декларацияси (1993);
- 1995 йилги ҳаракатлар учун Пекин платформаси;
- 2011 йилдаги Европа Кенгашининг аёлларга нисбатан зўравонлик ва оиладаги зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (Истанбул Конвенцияси деб ҳам аталади);
- БМТнинг 2015-2030 йиллардаги барқарор ривожланиш мақсадлари, шу жумладан гендер тенглигига эришиш ва барча аёллар ва қизларнинг имкониятларини кенгайтиришга қаратилган дастури.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида “БМТ – Аёллар” ташкилоти фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу бўлинма 2010 йилда Бош Ассамблеянинг қарори билан ташкил этилган бўлиб, унинг фаолияти гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган.

¹Қаранг: Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. 1952 йил 20 декабрь, Нью-Йорк. <https://lex.uz/docs/2690835>

²Қаранг: Айвазова С. «Гендерное равенство в контексте прав человека». Пособие. – Москва: КЖНО, 2001. С 63.



Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда халқаро ҳамжамият томонидан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенгликка эришишга қаратилган халқаро шартномалар, конвенциялар, декларация, резолюциялардан иборат яхлит тизим шакллантирилди. Бирок, ушбу ҳужжатларда тантанавор таъкидланган аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги гендер ёндашув ҳалигача ер юзидаги ҳеч бир давлат жамоавий тартибининг асоси бўла олмади.

Аёллар сиёсий қарорлар қабул қилиш, сайлов, юқори давлат лавозимларида ҳам жуда озчиликни ташкил этаётгани сир эмас. Куйида бунинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган бир қанча сабаларига тўхталиб ўтамиз.

Биринчидан, узоқ вақт мобайнида сиёсатшуносликда ҳам бошқа фанлардаги каби андроцентризм ҳукм сурган. Андроцентризм (юнончадан andros — эркак) — оламга эркак нуқтаи назаридан қараш: шахс («ego») пассив субъект ҳисобланган аёл эмас, эркак тимсолида кўрилган¹. Жуда кўп назарийгчилар аёлларнинг биологик ва аёллар билан боғлиқ маданий моделнинг ўзига хосликлари уларга нафақат сиёсий жараёнларда иштирок эта олмастик, балки сиёсий ва фуқаровий фаоллик билан боғлиқ хусусиятларни ривожлантирмасликка сабаб бўлишини уқтиришган. В. Брайсоннинг фикрича, “...антик даврдан то XIX аср охирига қадар барча файласуфлар анъанавий патриархал гендер маданият вакиллари бўлишган ва шунинг учун ҳам унинг асосий қадриятларини қаттиқ кўллаб-қувватлашган”². Ёки бошқа бир олим Х.Роуз “классик сиёсий назариялар, масалан марксистик қарашда пролетария ёки индивидуалистик бозор иқтисодиётини назарда тутган либерализмда мулкдор, яъни субъект сифатида ҳар доим эркак киши назарда тутилган”лигини таъкидлайди³.

Шунинг учун ҳам, гендер муносабатларини ўрганаётган тадқиқотчилар сиёсий амалиётнинг сайлов, сиёсий лидерлик, сиёсий институтлар фаолияти ва бошқа жараёнларнинг гендер номуносабатликлари акс эттирувчи реал натижалари таҳлил қилишар экан, узоқ вақт мобайнида сиёсий ғоялар у ёки бу шаклда, аниқ ёки яширин тарзда сиёсатни жинс нуқтаи назаридан тавсифланганини ва шу туфайли сиёсий назарияларни ўрганиш ва уларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини қайд этишади.

Иккинчидан, сиёсатда аёл ва эркакларнинг тенг имкониятлари мавжудлигини белгиловчи кўрсаткичларини тузишдаги муаммолар ҳам вазиятга реал баҳо бериш ва мавжуд тенгсизликни бартараф этишда тўсиқ бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда аёллар дунёнинг барча мамлакатларида овоз бериш ҳуқуқига эга: Янги Зеландия (1893) аёлларга овоз бериш ҳуқуқини берган биринчи, Саудия Арабистони эса (2015) охириги давлат бўлди. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқда: гендер тенглиги

¹И.Чикалова. Гендерная проблематика в политических науках. - [https://elib.bspu.by > bitstream > doc.](https://elib.bspu.by/bitstream/doc.) – С.83

²Брайсон В. Политическая теория феминизма. М.: Идея-Пресс. 2001. С 116.

³Роуз Х. Исследование женских проблем в Великобритании. – Социс. Социологические исследования. 1992. № 5. С. 54.



рейтингларини тузишда асосий эътибор аёлларнинг вакилари сони ва сиёсий қарорлар қабул қилишда уларнинг қай даражада иштирок этиш имкониятларига қаратилмоқда. Бироқ, мутахассислар ҳокимиятдаги аёллар ҳақида гапирганда, улар асосан давлат сиёсатчилари ва аёлларнинг ҳукуматлар ва парламентлардаги вакилликни ҳисобга олишади. Бошқача қилиб айтганда, бу фақат сайлов кампанияларида қатнашиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини англатади. Аммо давлат бошқаруви соҳасига кенгроқ назар ташласак, бюрократик аппаратда кўпинча кўринмас қоғозбозлик билан мунтазам шуғулланадиганлар айнан аёллар эканлигини кўришимиз мумкин. Биргина мисол, Россияда 2009 йилда бундай қуйи тизимда ишлайдиган эркеклар – 12,4 % ни, аёллар – 87,6 % ни, 2013 йилда эса эркеклар – 12,9 %, аёллар – 87,1 % ни ташкил этган¹.

Шундай қилиб, ҳокимиятдаги аёлларнинг паст вакилликни кўрсатадиган рейтинглар ҳам алоҳида изоҳ талаб қилади: нафақат давлат секторидаги аёллар сонини, балки улар унда қандай лавозимларни эгаллашини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.

Давлат аппаратидаги аёлларнинг сон устунлиги “аёллар масаласи”ни ҳал қилишга олиб келмайди ва улар камситилишда давом этмоқда. Бунинг сабаби шундаки, уларнинг аксарияти ҳокимият иерархиясида паст ёки ўрта даражаларни эгаллайди ва дастурларни яратиш ва сиёсатни ишлаб чиқишда қатнашмайди, эркеклар эса одатда раҳбарлик лавозимларини эгаллайди. Адабиётда бу “**гендер пирамидаси**” атамаси билан аталади, яъни ҳокимият юқорилагани сари аёллар сони камайиб бораверади².

Бошқача қилиб айтганда, аёлларнинг сиёсий ҳақ-ҳуқуқлари қонун доирасида белгилаб қўйилганлиги ҳамда Давлат аппаратидаги аёлларнинг сон кўрсаткичи устунлиги реал вазиятда “аёллар масаласи”ни ҳал қилишга олиб келмайди ва улар камситилишда давом этмоқда.

Учинчидан, давлат бошқарувида фаолият юритаётган, сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлган аёллар эркеклар учун мавжуд бўлмаган кўринмас тўсиқларга дуч келишади. Бундай дискриминация сунъий бўлиб, малака, тажриба ёки касбий фазилатлар билан боғлиқ бўлмаган чекловларни ўз ичига олувчи “шиша” тўсиқлар ҳисобланади. Илмий адабиётларда бундай гендер дискриминацияни ифодаловчи бир қанча тушунчалар мавжуд. Хусусан:

“Шиша деворлар” тушунчасини 1987 йилда А. Моррисон аёллар карьерасига тўсиқлик қилувчи горизонтал тўсиқлар сифатида таърифлайди. Ушбу тўсиқлар бир ташкилот доирасидаги вертикал касбий ўсишда муҳим

¹ Состав работников, замещавших государственные (муниципальные) должности и должности государственной гражданской (муниципальной) службы, по полу, возрасту, стажу работы, образованию // http://www.gks.ru/wps/wcm/connect/rosstat_main/rosstat/ru/statistics/publications/catalog/doc_1237818141625

²Қаранг: Канапьянова Р.М. Женщины во властных структурах // Социол. исслед. 2007. № 2; Рябова Т.Б. Пол власти: гендерные стереотипы в современной российской политике. Иваново : Иванов. гос. ун-т, 2008



хисобланган турли соҳалар орасида ҳам пайдо бўлади. Бу эса ўз навбатида аёлларга юқори лавозимларни эгаллашларига замин яратувчи тажриба орттиришларига ҳалал беради¹.

“Шиша эскалатор” – бу эркакларнинг “аёлларга оид” касбий соҳаларда “эркакларга оид” касбий соҳалардан кўра тезроқ ва осонроқ юқорига кўтарилишларига имконият яратувчи жараён. Виллиамс фикрича, эркаклар ҳам ишга оид стереотиплар билан тўқнаш келишларига қарамай, ушбу соҳаларда сезиларли устунликка эга бўлишади. “Эркакларга оид” соҳаларда аёлларнинг бундай устунлиги мавжуд эмас. Шунингдек, у ёки бу соҳада аёлларнинг кўпсонлилиги эркакларнинг лидерлик позициясини эгаллашлари учун қулай шароит яратади².

“Шиша жарлик” термини 2005 йилда М.Райан ва А.Хаслам томонидан таклиф этилган бўлиб, унга кўра, “шиша” тўсиқларни енгиб, лидерлик позицияларига кўтарила олган аёллар учун мувафакқиятсизлик хавфи кескин ошади ва улар “хавfli лидерлик ҳолати”га дуч келишади. Бу ўз навбатида ушбу касб ёки лавозимнинг нуфузи пасайиши, иш ҳажмининг кескин ошиши ва мувафакқиятли илмий карьерадан узоқлашишни назарда тутади³.

Шундай қилиб, аёллар раҳбарлик лавозимларига ҳаракати, умуман иш жараёнида кўзга кўринмас кўплаб тўсиқларга дуч келишади. Бир тўсиқни енгиб ўтган ходима ҳам иш жараёнида барқарорликка эриша олмайди, чунки уни олдинда бошқа тўсиқлар қарши олади.

Тўртинчидан, яна бир муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан бири бу молиявий омилдир. Барча саъй-ҳаракатларга қарамай, аёллар ҳали ҳам эркакларникига қараганда сезиларли даражада кам даромад олишади (гендер иш ҳақи фарқи). Глобал даражада бундай иш ҳақи тўловидаги фарқ 16 % ни ташкил этади. Бу барча ишловчи аёллар ишчи эркаклар ойлик маошининг ўртача 84 % ни олади дегани⁴.

Иш ҳақи тенглиги айти қийматга эга бўлган меҳнат учун барча ходимларнинг тенг маош олиш ҳуқуқини англатади. “айти қийматга эга меҳнат” тушунчаси айти ёки ўхшаш, шунингдек, бир хил эмас, бироқ айти қийматга эга бўлган

¹Қаранг: Morrison, A. M., White, R. P., & Van Velsor, E. (1987). *Breaking the Glass Ceiling*. Reading, MA.: Addison-Wesley.

²Гунделах О.Е. Гендерные барьеры карьерного продвижения в организации. Новизна. Эксперимент. Традиции (Н.Экс.Т). 2021;7(2):32-39. / URL: <https://www.nxtjournal.ru/jour/article/view/31/30>

³Қаранг: Ryan, M. K., & Haslam, S. A. (2005). The Glass Cliff: Evidence that Women are Over-Represented in Precarious Leadership Positions. *British Journal of Management*, 16(2), 81–90. <https://doi.org/10.1111/j.1467-8551.2005.00433.x>

⁴Все, что вам нужно знать о борьбе за равную оплату труда. 14 сентября 2020 г. <https://eca.unwomen.org/ru/news/stories/2020/9/explainer-everything-you-need-to-know-about-equal-pay#:~:text=>



ишга нисбатан қўлланилади¹. Ушбу фарқ ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, эркак ва аёллар учун турли маҳорат, малака, вазифалар ва меҳнат шароитини ва ўз навбатида тенг ойлик иш ҳақи тўланилиши лозимлигини кўзда тутди.

Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясининг Тенглик департаменти директори, “БМТ – Аёллар” тузилмаси ва Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Equal Pay Champions initiative (“Тенг ҳақ тўлаш бўйича чемпионлар”) ташаббуси аъзоси Чиди Кинг асосан эркаклар фаолият юритадиган қурилиш соҳаси, деярли аёллардан иборат бўлган болаларни парвариш қилиш соҳаси билан айна ёки ўхшаш объектив қийматга эга бўлиши мумкинлигини, бироқ, бола парвариши учун иш ҳақи камроқ тўланишини мисол тариқасида келтириб ўтади².

Иш ҳақи тўловидаги тафовут тизимли тенгсизликлардан келиб чиқади. Дунёнинг барча мамлакатларида аёллар, айниқса, мигрант аёллар, асосан, норасмий секторда бандлиги ҳеч кимга сир эмас. Кўча сотувчилари, уй ишчилари, қаҳвахона ходимлари, кишлоқ хўжалигидаги ишчи аёллар меҳнат қонунлари билан ҳимояланмаган, кам иш ҳақи тўланадиган, хавфли ва оғир меҳнат шароитларида, ижтимоий нафақалардан фойдалана олмай ишлаётгани маошдаги гендер тафовутни янада кучайтирмоқда.

Меҳнатга ҳақ тўлашдаги гендер тафовут миллионлаб аёллар ва уларнинг oilаларини камбағалликда яшашга маҳкум этмоқда. Бу эса ўз навбатида аёлларни кейинги мартаба ўсишидан сунъий тарзда чеклаб қўймоқда.

Бир қарашда, давлат идораларида ишлаш келажакда сиёсий мартаба қилиш имконини берувчи ижтимоий лифт бўлиб туюлади, лекин ҳамма аёллар ҳам бунга эришишларига йўл қуйилмайди. Муваффақиятли аёл сиёсатчиларнинг ҳолатлари изоляция қилинади ва уларнинг ҳар бири микроскоп остида текширилади.

Масаланинг яна бир томони борки, ҳокимиятда юқори мавқега эришган аёллар камдан-кам ҳолларда аёллар масаласини ҳал қилишга ҳаракат қилишади. Аксинча, улар етакчиликнинг “эркакча” турига тақлид қилишади ва “аёлларга хос булган масалалардан” йироқ бўлишади. Америкалик тадқиқотчи Джилл Бистиденски таъкидлаганидек, “...бундай шароитда аёллар эркак-сиёсатчилар каби фаолиятлари туфайли қандайдир лавозимга эришишади (буни Маргарет Тэтчер мисолида кўриш мумкин) ёки аёллар манфаатларини акс эттирувчи қарашларни илгари суришлари уларнинг эркак касбдошлари томонидан қўллаб-қувватланмасликларига сабаб бўлади”³.

¹Oelz, Martin; Olney, Shauna; Tomei, Manuela. Equal Pay - An introductory guide. 04 October 2013. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---dcomm/---publ/documents/publication/wcms_216695.pdf

²Все, что вам нужно знать о борьбе за равную оплату труда. 14 сентября 2020 г. <https://eca.unwomen.org/ru/news/stories/2020/9/explainer-everything-you-need-to-know-about-equal-pay#:~:text=>

³Jill Bystydzienski ed., Women Transforming Politics: Worldwide Strategies for Empowerment (Bloomington and Indianapolis: Indiana University Press, 1992), P. 15.



Шунга қарамай, гендер статистикаси умуман аёлларнинг давлат бошқарувида жалб этилиши барқарор ўсаётганини кўрсатмоқда. Ва бу ерда жаҳон ҳамжамиятининг жамоавий ҳаракатларининг ижобий роли аниқ. БМТ, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, масалан, таълим олиш ҳуқуқи ва иқтисодий мустақилликни тарқатиш билан боғлиқ барча соҳалардаги фаолияти бугунги кунда аёлларнинг озодликка бўлган муносабати тубдан ўзгарганига ва аёлларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишига олиб келгани шубҳасиз.

Гендер тенглигини қўллаб-қувватлашда “ижобий дискриминация” чоралари ҳам муҳим рол ўйнайди. Бундай чоралардан бири сифатида партияларни аёлларни парламент сайловлари рўйхатига киритилишини назарда тутувчи қонунларни кўрсатиш мумкин¹. Бу нафақат аёлларни сиёсатга жалб қилиш учун қонуний асос яратди, балки намуна моделларини яратишга ҳам ҳисса қўшди. Сиёсий сахнада бутун мамлакат учун муҳим қарорларни қабул қилишда иштирок эта оладиган аёлларнинг пайдо бўлиши ўз самарасини берди. Швециянинг ҳозирги Вазирлар Маҳкамаси штатининг ярмини аёллар ташкил этса, Финландия ва Данияда аёллар ҳукумат раҳбари сифатида фаолият юритишмоқда. Шундай қилиб, давлат даражасидаги квоталар сиёсатни истисно қилмасдан, ҳаётнинг барча соҳаларида гендер тенглигини таъминлаб, аёллар масаласини ҳал қилишга сезиларли даражада ёрдам беради. Бундан ташқари, ушбу “ижобий дискриминация” ижтимоий ва мартаба лифтларини яратади, уларнинг ёрдамида аёллар учун тепага чиқиш осонроқ бўлади. Натижада, жамият онгида ушбу соҳаларда ҳам аёллар учун имконият мавжуд эканлиги ҳақида тасаввур ва интилиш пайдо бўлади.

Хулоса

Шундай қилиб, эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан бўлиб, ҳар бир давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бирок, ушбу мамлакатлар конституцияларида эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари белгилаб қўйилганига қарамай, аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари бир қанча омиллар туфайли чекланади ва аёллар сиёсий фаоллигини таъминлаш қўшимча қафолатларни талаб қилади.

Сиёсат соҳасидаги гендер мувозанати учун квоталар тўғрисида қонун қабул қилиниши квота механизмини қонуний равишда бирлаштирган ҳолда, ҳокимият тузилмасида гендер тенглик таъминланишига ёрдам беради, бу эса эркаклар ва аёлларнинг сиёсий бошқарувдаги имкониятларини мувофиқлаштиришга замин яратади.

Аёлларнинг сиёсий иштирокини рағбатлантирувчи чора - тадбирлар сифатида қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

¹Worldwide Index of Women as Public Sector Leaders Uschi Schreiber Global Government & Public Sector Leader <https://mb.cision.com/Public>



- сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, аёлларни барча даражадаги давлат органларига – маҳаллий органлардан то юқори бошқраув органларигача тарғиб қилишнинг самарали механизмини яратиш;

- аёл-раҳбарлар учун мактаблар ташкил этиш, расмий равишда аёлларни раҳбарлик лавозимлари учун тайёрлаш. (Ушбу амалиёт бугунги кунда Қозоғистон Республикасида мавжуд бўлиб, унга кўра 2006 йилдан буён аёллар етакчилик мактаблари тармоғи фаолият кўрсатмоқда, унда гендер компоненти киритилган турли тренинглар, амалдаги депутат аёллар иштирокида маҳорат дарслари, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда етакчи аёлларни тайёрлашга қаратилган семинар ва конференциялар ўтказилмоқда.)

Гендер масалаларини ҳал қилишда ёндашувлар фарқига қарамай, битта умумий тенденция мавжуд: тенгликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тизимини қабул қилишга қаратилган сиёсат, агар у давлат томонидан ишлаб чиқилса ва назорат қилинса, шу билан бирга жамият томонидан тўғри қабул қилинса самарали бўлади. Сиёсатда аёллар қанча кўп бўлса, бу сиёсат шунчалик инсонпарварлашади.



Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий журналлари томонидан илмий мақолаларга қўйиладиган талаблар

Нашрга оригинал, илгари нашр қилинмаган мақолалар ва журнал мавзусига мос келадиган материаллар қабул қилинади. Мақолада шарқшунослик билан боғлиқ адабиётшунослик, тилшунослик, фалсафа, тарих, иқтисодиёт каби фан соҳаларининг долзарб масалалари ва илмий янгиликлари ёритилиши лозим. Оригинал мақоланинг ҳажми (аннотация, калит сўз ва сўз бирикмалари ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати бундан мустасно) 1 интервал оралиқда 10–12 бет, матни Microsoft Word, A4 форматда, Times New Roman шрифтининг 14 катталигида, қоғозга чиқарилган ва электрон вариантларда камида 2 та тақриз (ички ва ташқи) билан нашриётга топширилади. Матннинг икки ёнидан қолдириладиган ўлчам – 2 см, хат боши (абзац) – 1,25 см.

Мақоланинг тузилиши қуйидагича тавсия этилади:

Мақола ва бошқа материаллар сарлавҳаси қисқа, мазмунга мувофиқ ва 12 сўздан ошмаслиги керак.

Муаллифнинг тўлиқ исми қуйидаги тартибда қайд этилиши керак: исми, отасининг исми, фамилияси, икки ёки ундан ортиқ муаллифлар бўлса, вергул билан ажратилади.

Муаллиф(лар)нинг иш жойи қуйидаги тартибда тақдим этилиши керак: бўлим (кафедра), муассаса (институт), шаҳар ва мамлакат.

Кетидан муаллифнинг телефон рақами, факс рақами, электрон почта манзили келтирилган бўлиши керак.

Мақоланинг сарлавҳаси, муаллиф(лар) ҳақидаги маълумотлар латин алифбоси (транслитерация)да берилади.

Аннотация ва калит сўзлар:

Аннотация – илмий характердаги мақола ҳажмидан ташқари берилган инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги қисқача баён.

Аннотацияда мақоланинг асосий жиҳатларини баён этишда қуйидагиларга эътибор берилади:

– тадқиқотнинг асосий маълумотларини қамраб олиши ва ишда мавжуд бўлмаган фактлар бўлмаслиги лозим;

– мақоланинг тузилиши Аннотацияда тақдорланади: кириш, мақсад ва вазифа, усуллар, натижа/муҳокама, хулоса/мулоҳаза;

– натижалар аниқ ва лўнда бўлиб, узвийликда берилади;

– Аннотацияда мақола сарлавҳаси тақдорланмайди, кераксиз изоҳлар, “кириш жумлалари” (муаллиф мақолада шунинг назарда тутадик...) бўлмаслиги лозим;

– Аннотацияда иқтибос келтирилмайди;

– Аннотация матнининг ҳажми 250–300 сўздан иборат бўлиши лозим.

Аннотация остида “Калит сўз ва сўз бирикмалари” (8–10 та) ёзуви жойлаштирилади. **Калит сўзлар** мақоланинг асосий мазмунини ифодалаб, асосан, соҳага доир муҳим тушунчалардан ташкил топган бўлиши лозим.

Кириш: Мақолада тадқиқотнинг мақсади ва мақола ёзилиш вақтида илмий муаммонинг ҳолати ақс этиши керак.

Мақсад ва вазифа:

Мақоланинг мазмун-моҳияти мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тизимли равишда очиб берилади.

Усуллар: Тадқиқот усуллари батафсил тавсифланган бўлиши лозим.

Натижалар ва мулоҳаза:

Натижалар ва мулоҳазалар кенгайтирилган шаклда тақдим этилиши керак (жадваллар ва тасвирлар ёрдамида), шунингдек, илгари нашр этилган натижаларнинг қиёсий таҳлили ва талқини берилади.

Хулоса: Кириш қисмида қўйилган саволларга жавоблар, хулосалар аниқ кўрсатилиши керак.

Фойдаланилган адабиётларнинг берилиш тартиби:

Адабиётлар рўйхати латин алифбосига транслитерация қилинади. Рўйхатга киритилган адабиётлар сўнгги 25 йил ичида нашр қилинган бўлиб, уларнинг сони 30 тадан ошмаслиги керак.

Саҳифа тагида бериладиган сноскаларда журнал мақолаларининг берилиши:



Zagurenko A.G., Korotovskikh V.A., Kolesnikov A.A., Timonov A.V., Kardymon D.V. Tekhniko-ekonomicheskaya optimizatsiya dizaina gidrorazryva plasta [Techno-economic optimization of the design of hydraulic fracturing]. Neftyanoe khozyaistvo – Oil Industry, 2008, no.11, pp. 54-57.

Электрон журналдаги мақолаларнинг берилиши:

Kontorovich A.E., Korzhubaev A.G., Eder L.V. [Forecast of global energy supply: Techniques, quantitative assessments, and practical conclusions]. Mineral'nye resursy Rossii. Ekonomika i upravlenie, 2006, no. 5. (In Russ.) Available at: <http://www.vipstd.ru/gim/content/view/90/278/>. (accessed 22.05.2012)

Digital Identifier of an Object (DOI) тизимидаги журналлардаги мақолаларнинг берилиши:

Zhang Z., Zhu D. Experimental research on the localized electrochemical micro-machining. Russian Journal of Electrochemistry, 2008, vol. 44, no. 8, pp. 926-930. doi: 10.1134/S1023193508080077

Даврий илмий тўпламларнинг берилиши:

Astakhov M.V., Tagantsev T.V. [Experimental study of the strength of joints "steelcomposite"]. Tруды MGTU «Matematicheskoe modelirovanie slozhnykh tekhnicheskikh sistem» [Proc. of the Bauman MSTU "Mathematical Modeling of Complex Technical Systems"], 2006, no. 593, pp. 125-130. (In Russian)

Конференция материалларининг берилиши:

Usmanov T.S., Gusmanov A.A., Mullagalin I.Z., Muhametshina R.Ju., Chervyakova A.N., Sveshnikov A.V. [Features of the design of field development with the use of hydraulic fracturing]. Tru158 dy 6 Mezhdunarodnogo Simpoziuma "Novye resursosberegayushchie tekhnologii nedropol'zovaniya i povysheniya neftegazootdachi" [Proc. 6th Int. Symp. "New energy saving subsoil technologies and the increasing of the oil and gas impact"]. Moscow, 2007, pp. 267-272. (In Russian).

Китоблар (монография, тўплам)ларнинг берилиши:

Kashnikov Y.A., Ashikhmin S.G. Mekhanika Gornyx Porod Pri Razrabotke Mestorozhdeniy Uglevodorodnogo Syr'ya (Rock Mechanics In The Development Of Hydrocarbon Deposits) Moscow, ООО "Nedra-Biznestsentr" Publ., 2007. 486 p.

Таржима китобларнинг берилиши:

Timoshenko S.P., Young D.H., Weaver W. Vibration problems in engineering. 4th ed. New York, Wiley, 1974. 521 p. (Russ. ed.: Timoshenko S.P., Iang D.Kh., Uiver U. Kolebaniia v inzhenernom dele. Moscow, Mashinostroenie Publ., 1985. 472 p.).

Интернет-ресурсларнинг берилиши:

Kondrat'ev V.B. Global'naya farmatsevticheskaya promyshlennost' [The global pharmaceutical industry]. Available at: http://perspektivy.info/rus/ekob/globalnaja_farmacevticheskaja_promyshlennost_2011-07-18.html. (accessed 23.06.2013)

Диссертация ва авторефератнинг берилиши:

Semenov V.I. Matematicheskoe modelirovanie plazmy v sisteme kompaktnyi tor. Diss. dokt. fiz.-mat. Nauk [Mathematical modeling of the plasma in the compact torus. Dr. phys. and math. sci. diss.]. Moscow, 2003. 272 p.

Патентнинг берилиши:

Palkin M.V. e.a. Sposob orientirovaniia po krenu letatel'nogo apparatas opticheskoi golovkoi samonavedeniia [The way to orient on the role of aircraft with optical homing head]. PatentRF, no. 2280590, 2006.

Жадваллар

Ҳар бир жадвал 2 интервалда алоҳида саҳифага жойлаштирилади. Жадваллар фотосурат сифатида топширилмайдди. Жадваллар рақамланади ва махсус номланади. Жадвалдаги ҳар бир устун қисқа номга эга бўлиши керак (қисқартмалардан фойдаланиш мумкин). Ҳар бир жадвал матнда изоҳланади.

Қисқартмалар ва белгилар

Мақола матнида фақат стандарт қисқартмалардан фойдаланилади. Мақоланинг сарлавҳасида қисқартма берилмайдди. Аннотацияда умумистеъмолда бўлмаган қисқартма ва шартли белгилар камдан-кам ҳолларда келтирилади, уларнинг изоҳи аннотациянинг дастлабки қўлланилган ўрнида, албатта, берилиши жоиз.



Босишга рухсат этилди 24.12.2022. Бичими 1/16. Шартли 13 б.т.
100 нусхада, оригинал-макет асосида босилди.
Буюртма № Баҳоси келишилган нархда.

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг
кичикбосмаҳонасида босилди.
Тошкент, Амир Темур кўчаси, 20.